



**Т. Р. МАТЁҚУБОВА**

**ҒАФУР ҒУЛОМ  
БАДИИЯТИ**

**ТОШКЕНТ-2006**

936.2  
890  
M-39

Матёкубова Тозагул Ражаповна

**ГАФУР ҒУЛОМ БАДИИЯТИ**

890.322485. - (092) Ғ. Ғулом

Ўзбек филологияси  
факултети  
**KUTUBXONASI**

Тошкент - 2006

4733

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
4822  
**TOSKENTAU**  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

**Т. Р. Матёкубова.** «Ғафур Ғулом бадиияти. (масъул муҳ.  
У. Норматов. - Т., «Fan va texnologiya», 2006.-160 б.).

Ушбу монографияда XX аср ўзбек адабиётининг етук намоёндаси, академик шоир, носир ва олим Ғофур Ғулом ижодий феномени ғофурғуломшунослик тарихи билан узвий боғлиқ тарзда, янгича тамойиллар асосида таҳлил ва тадқиқ этилади.

Монография адабиётшунослар, олий ўқув юрklarининг бакалаврият ва магистратура босқичи талабалари, аспирант ва тадқиқотчилар, шунингдек, адабиёт ихлосмандларига мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:** Филология фанлари доктори,  
профессор У. Норматов

**Тақризчилар:** Академик Бахтиёр Назаров,  
филология фанлари номзоди  
Л.Тошмухамедова

Монография Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультети Илмий Кенгашнинг 2006 йил 8-апрелдаги йиғилиши қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилди.

Нодир истеъдод сохиби, академик, файласуф шоир, носир Ғафур Ғулом ижодий йўлининг асосини ўз калбига ишониб яшаш, ижод этиш ва эътиқод бутунлиги ташкил этади. Шоир ҳаёти, ижодининг киммати, кадри доимо адабиётшунослигимиз ва танқидчилигимизнинг диққат марказида бўлиб келган. Унинг ижод намуналари 30-йиллардаёқ мактаб ва Олий ўқув юртларининг дастурларидан ўрин олганлиги, ҳозиргача мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, замондошимиз бадий-эстетик дидини ўстиришга хизмат қилиб келаётганлиги бежиз эмас. Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижоди О.Шарафиддинов (Айн), Ойбек, Ҳ.Олимжон, Ҳ.Ёкубов, С.Мамажонов, М.Қўшжонов, Н.Каримов, О. Шарафиддинов, Н.Шукуров, Б.Назаров, А.Акбаров, У.Норматов Н.Владимирова, С.Мирвалиев, С.Қосимов, Б.Имомов, Ш.Юсупов, Қ.Йўлдошев, А.Расулов, Ҳ.Болтабоев ва бошқа ўнлаб олимларнинг диққатини жалб қилган.

Булар орасида профессор Ҳомил Ёкубовнинг Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижодини тадқиқ этувчи адабий-танқидий очерки<sup>1</sup> айниқса, диққатга сазовордир. Китобда атоқли ўзбек шоири шўро тузуми билан ҳамкадам ўсиб-улғайган, шу воқеликдан ҳаётига мазмун олиб, ижодий имкониятларини кенгайтирган қаламкаш сифатида ўрганилади. Ғафур Ғуломнинг ўттиз беш йиллик ижодий йўли сиёсий-мафкуравий нуқтаи назардан таҳлил этиладигина эмас, балки шоир комфирка XX қурултойи қарорларини *“жангавор иш программаси”* қилиб олишга даъват этилади. Шунга қарамасдан, олим Ғафур Ғулом ижодининг ички тақомилини кузатиш, асарларининг поэтик тили ва халқчиллигини аниқлаш, истиқбол режаларини прагноз қилишга интилган.

Ғафур Ғулом ижодини ўрганишга академик Салоҳиддин Мамажонов баракали ҳисса қўшди. Унинг *“Шоир ва замонавийлик”*<sup>2</sup>, *“Ғафур Ғулом прозаси”*<sup>3</sup>, *“Услуб жилолари”*<sup>4</sup> каби йирик монографик йўсиндаги тадқиқотларида шоир ижоди ғоявийлик билан бир қаторда бадий баркамоллик талабларидан ҳам назардан ўтказилади. Ғафур Ғулом шеърятни сиёсий-фалсафий руҳи, кўтаринки пафоси, ҳозиржавоб ва долзарблиги, халқчиллиги ва гуманизми жиҳатидан кадрланади. Унинг ижоди мумтоз фольклор, Шарқ шеърятини, рус адабиёти каби учта илдиздан озикланиши ҳақидаги тезисга асосланилади. Ғафур Ғуломнинг қирқ йиллик ижодий йўлини кузатган адабиётшунос уни *“ўзбек поэзиясининг оқсоқоли”*, -деб таърифлайди.

XX асрнинг 60-йилларида ўзбек шўро адабиёти олдида турган вазифалар кўлаמידан келиб чиққан мунаққид *“Шоир ва замонавийлик”*

<sup>1</sup> Ёкубов Ҳ. Ғафур Ғулом (ҳаёти ва ижоди). Т.: Бадий адабиёт, 1959

<sup>2</sup> Мамажонов С. Шоир ва замонавийлик. Т.: Фан, 1963

<sup>3</sup> Мамажонов С. Ғафур Ғулом прозаси. Т.: Фан, 1966

<sup>4</sup> Мамажонов С. Услуб жилолари. Т.: Адабиёт ва санъат, 1972

китобида Ғафур Ғулом шеърятининг бутун фазилатларини кўрсатишни назарда тутмайди. Тадқиқотда шоирнинг мавзу танлаши, образ яратишдаги индивидуаллиги, ҳаёт материалига ёндашуви, эстетик қарашлари ва бадий ижоди ўртасидаги бирлик каби жиҳатларни ҳаққоний кўрсатишга ҳаракат қилинган.

“Услуб жиололари” монографиясида эса Ғафур Ғулом шеърятининг лирик қахрамони, шоир ижодида анъана ва новаторлик, услуб масалалари, шунингдек, рус адабиёти билан алоқалари, ёш каламкашларга таъсири текширилади. Ғафур Ғуломнинг устозлари, индивидуал услуби, бошқа қалам сохибларига таъсири бир бутунликда олиб қаралади. Бошқачароқ қилиб айтганда, шоирнинг поэтик ижоди яхлит тарзда ўрганилган.

Адабиётшуноснинг “Ғафур Ғулом прозаси” китобида эса ёзувчининг наср соҳасидаги маҳоратини очишга, асарларининг жанр хусусиятларини белгилашга, индивидуал услуби, баён тамойилларини кўрсатишга, ижодий методини характерлашга асосий эътибор қаратилган.

С.Мамажонов тадқиқотлари Ғафур Ғуломнинг воқеликка ёндашуви ва уни идрок этиш усули, ижодий методини тайин этиши каби жиҳатлари билан бугунги адабиётшунослик талабларига тўла жавоб бера олмаса-да, ўз даврида катта аҳамият касб этди. Уларда истифода этилган бой фактик материаллар кейинги тадқиқотлар учун таянч вазифасини ўтади.

Марҳамат Амилованинг “Ўзбек совет адабиётида фольклор аънаналари”<sup>5</sup> китобида Ғафур Ғуломнинг халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш тамойиллари, поэтик асарларида фольклор аъналарининг ифодаланишидаги ижодий индивидуаллиги каби масалалар ўрганилган. Тадқиқотчи ижодкорларнинг фольклор материалига кенг мурожаат қилишлари адабиётни ривожлантирувчи муҳим тенденциялардан бири эканлигини тўғри таъкидлайди. У Ғафур Ғулом ижодида халқ оғзаки ижодига хос шаклий-услубий жиҳат, образ ва мотивлар, муболоға ва комизмдан фойдаланиш нисбатан очикроқ намоён бўлишини кўрсатади. Бироқ носир ижтимоий идеали характеридаги “сифатий силжши”ларни шўро мафкураси, эстетикаси доирасидагина кўрсатишга мажбур бўлган.

Умуман, юқорида кўрсатилган тадқиқотларда яқин ўтмиш даври мафкурасининг излари аниқ кўринади. Бу ҳол тадқиқотчиларнинг адабий таҳлиллари қимматини, давр имкон бергани қадар Ғафур Ғулом ижоди моҳиятини англаб, у ёки бу асарининг биографик-генетик илдизларини очишга бўлган интилишларини буткул инкор қилишга асос бўла олмайди.

Ғафур Ғулом шахси ва ижодига бўлган муносабатнинг истиклол йилларида кескин ўзгариши адабиётшунослик ва танқидчилик унинг мероси илдизлари ҳамда моҳиятига тобора чуқурроқ кириб бориши учун кенг имкониятлар берди. Таҳлил ва талқинлар эндиликда илгариги тадқиқотлардан фарқли тарзда Ғафур Ғулом феноменининг тамомила янги қирраларини кашф этишга йўналтирилди.

<sup>5</sup> Амилова М. Ўзбек совет адабиётида фольклор аънаналари. Т.: Фан, 1990

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Фафур Гулом таваллудининг юз йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида махсус қарор қабул қилиниши ва бу санъанинг кенг нишонланиши, Республика Президенти Ислоҳ Каримовнинг Тошкент шаҳрида шоир ҳайкали очилишига бағишланган маросимда айтган қуйидаги сўзлари ижодкорга бўлган чексиз эҳтиром нишонасидир: "...*Фафур Гулом шахси, хотираси ва мероси ҳақида гапирганда, биз бу улуг инсонни, аввало, кенг, том маънода халқ шоири, деб қиёс этамиз, унинг ўлмас номи ва сўнмас ижоди олдида бош эгамиз*"<sup>6</sup>.

Мазкур тарихий қарор ва Республика Президентининг даъватларига жавобан 2003 йилнинг ўзидаёқ жумҳуриятимизнинг деярлик барча ҳудудларида бу қутлуг санъага бағишланган илмий-назарий ва амалий анжуманлар бўлиб ўтди. Уларда ўқилган маърузаларнинг матнлари чоп этилиб, илмий-адабий жамоатчилик ва кенг китобхонларга тақдим этилди..

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари маърузаларидан таркиб топган "*Фафур Гулом ва давр*"<sup>7</sup> номли тўпلامдан У.Норматов, Қ.Йўлдошев, Ҳ.Болтабоев, А.Расулов, С.Содиқов, Ҳ.Абдуллаев, Ҳ.Дадабоев, Қ.Жўраев, У.Ўлжабоев, Р.Иноғомов, И.Ёқубов, Н.Йўлдошев, З.Ҳамидов ва бошқаларнинг илмий-назарий жиҳатдан етук мақолалари ўрин олган. Уларда Фафур Гулом миллат руҳининг ифодачиси сифатида таҳлил ва тадқиқ этилди.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетига бўлиб ўтган илмий-назарий конференция натижалари сифатида чоп этилган "*Фафур Гулом ва Самарқанд*"<sup>8</sup>, "*Фафур Гулом ўзбек адабиётининг байроқдори*"<sup>9</sup> каби тўпلامларда *биринчидан*, шоир ижодининг юксалишида Самарқанд адабий муҳитининг ўрни ҳақида сўз юритилади. *Иккинчидан*, Фафур Гулом айрим асарларининг яратилиш тарихи, бадий маҳоратига доир маълумотлар келтирилади. *Учинчидан*, адабий-илмий мулоқотлар, шунингдек, адабиётнинг умрбоқийлигини таъминловчи омиллар таҳлил этилади. Бироқ баъзан шоир шахсияти ва эътиқодини у яшаган даврдан буткул ажратиб олишга, гарчанд бундан унинг бадий фикри қудратини кўрсатишдек хайрли мақсад кўзланган бўлса-да, "*шоир ижодининг аксари қисми шариат ва улуми динга бағишланган*" қабилидаги бирёқлама хулосалар чиқаришга интилишлар ҳам кузатилади. Шунга қарамаздан, мазкур изланишлардаги шоир тағмаъноли фикрларини илғашга, асарлари бағридаги яширин қатламларни юзага чиқаришга бўлган ҳаракатларни ижобий баҳолаш лозим.

<sup>6</sup> Халқ сўзи. 2003 йил, 13 май, 1 б.

<sup>7</sup> Фафур Гулом ва давр. Т. : Университет, 2003

<sup>8</sup> Фафур Гулом ва Самарқанд. Самарқанд, Университет, 2003

<sup>9</sup> Фафур Гулом - ўзбек адабиётининг байроқдори. Самарқанд, Университет, 2003

Профессор Ҳамдам Абдуллаевнинг *“Ғафур Ғулом ва Хоразм”*<sup>10</sup> рисоласи адибнинг Хоразм мавзусидаги асарларида келтирилган эътирофлар, уни кўрган ва мулоқотда бўлган кишиларнинг хотираларидан тартиб берилган. Фикримизча, Ғафур Ғуломнинг у ёки бу вилоят олимлари, зиёлилари билан адабий алоқаларини, шеърят кечаларидаги инсоний хусусиятларини ҳам ёритиш керак. Шубҳасиз, муаллиф ҳаёти билан чамбарчас алоқадор бўлган ходисалар унинг табиати, айрим асарлари тарихи, атрофини қуршаган инсонлар, қизиқишлар олами ҳақидаги тасаввурларимизни янада кенгайтиради. Аммо, халқаро миқёсларда танилган шоир, носир ва академик Ғафур Ғуломни жаҳон адабиёти даражаларида ўрганиш, тафаккур камровини космогоник кенгликларда олиб қарашгина унинг ўз даври адабий ҳаётидаги ўрнини, бугунги кунимиз учун аҳамиятини теранроқ англаш сари етаклайди.

Фарғона Давлат университети илмий-назарий анжуман материаллари *“Ғафур Ғулом - шоир, ёзувчи ва олим”*<sup>11</sup> деб номланса, Захириддин Мухаммад Бобур номидаги Андижон Давлат университетига ўтказилган конференция натижалари *“Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари”*<sup>12</sup> номи билан чоп қилинди. Уларда Ғафур Ғуломнинг адабий-илмий мероси, ижтимоий фаолияти, ўзбек адабиётида тугган ўрни, асарларининг тил хусусиятларидан тортиб, ижод маҳсулларини таълим тизимида ўрганиш муаммоларию шоир ҳақидаги айрим хотираларгача қамраб олишга ҳаракат қилинган.

Мухими шундаки, мазкур анжуманлар вилоятларда ўтказилишига қарамасдан, академиклар: С.Мамажонов, Б.Валихўжаев, профессорлар: Б.Саримсоқов, У.Норматов, Ҳ.Болтабоев, А.Расулов ва бошқалар ҳам уларда ўз маърузалари билан фаол иштирок этишди.

*“Ғафур Ғулом замондошлари хотирасида”*<sup>13</sup> китоби Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг *“Алвидо устоз”* марсияси билан очилади. Тўпلامдан Ўзбекистон халқ шоирлари: Собир Абдулла, Зулфия, Миртемир, Рамз Бобожон; Ўзбекистон қаҳрамонлари: Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Озод Шарафиддинов; Ўзбекистон халқ ёзувчилари: Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходимлари: Ваҳоб Рўзиматов, Мақсуд Қориев; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Омон Мухтор, Қозоғистон халқ ёзувчиси Собит Муқонов, татар шоири Самад Шокир, ёзувчи Жонрид Абдуллахонов ҳамда Ғафур Ғуломнинг рафикаси Мухаррам Ғуломоваларнинг самимий хотиралари ўрин олган. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Мирзо Турсунзода, Шароф Рашидов, Асқад Мухтор, Николай Тихонов, Константин Симонов, Абдулқосим Лоҳутий, Чингиз

<sup>10</sup> Абдуллаев Ҳ. Ғафур Ғулом ва Хоразм. Т. : 2003

<sup>11</sup> Ғафур Ғулом - шоир, ёзувчи ва олим. Фарғона, 2003

<sup>12</sup> Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. Андижон, 2003

<sup>13</sup> Ғафур Ғулом замондошлари хотирасида. Т. : Ғафур Ғулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2003

Айтматов, Расул Ҳамзатовларнинг Ғафур Ғулом шахси, иқтидори, салоҳияти, бадиий маҳорати ҳақидаги ҳақли эътирофлари китобни зийнатлаб турибди.

Адабиётшунос Наим Каримовнинг “Ғафур Ғулом”<sup>14</sup> номли рисоласи шоирнинг муҳлисларига мўлжалланган бўлиб, муаллиф Ғафур Ғулом ижодига бугунги воқелик нуқтаи назаридан ёндошади. Бадиий жиҳатдан мукамал шеърларининг яратилиш тарихи, ғоявий-бадиий жозибаси ҳақида фикр юргизиш асносида, Н.Каримов шоир ҳаётининг ҳали кўпчиликка номаълум бўлган айрим саҳифалари ҳақида нақл қилиш йўлидан боради. Шоир биографиясига оид маълумотлар воситасида ижодкор руҳиятини ва асарларини тушунишга интилади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, Ғафур Ғулом шахсияти ва ижодини янгича тамойиллар асосида таҳлил ва тадқиқ этишда сезиларли муваффақиятлар қўлга киритилаётган бўлса-да, айтилган пайтда, объектга бўлган ортқича меҳр-эҳтиром туфайли, муайян тенденциозликлар ҳам кўзга ташланади.

Шубҳасиз, кейинги йиллардаги ғафурғуломшуносликнинг жиддий ютуғи сифатида академик Бахтиёр Назаровнинг “Ғафур Ғулом олами”<sup>15</sup> рисоласини кўрсатиш лозим. (*Монографияда бу ҳақда махсус фасл ажратилганлиги боис ушбу ўринда мазкур китобнинг характери ва аҳамияти тўғрисида тўхталлишга эҳтиёж сезмадик. Т.М.*) Умуман, мавжуд изланишларнинг натижалари бизнинг монографик йўсинда кузатишлар олиб боришимиз учун назарий асос вазифасини ўтаганлигини таъкидлаш лозим.

Ушбу монография олти бобдан иборат бўлиб, унинг баъзи фасллари ўз даврида вақтли матбуот саҳифаларида мақола ёхуд кичик рисолача сифатида эълон қилинган, маълум маънода ўз ўқувчилари билан учрашган. Эндиликда улардаги фикрларни бирмунча кенгайтириб, янги кузатишларимиз ҳисобига янада бойитиб, монографик йўсинда умумлаштиришдан мақсад Ғафур Ғулом шахсияти ва ижодий меросини истиклол адабиётшунослигига мувофиқ тарзда кенг ўрганишдан иборатдир.

Китобнинг “*Поэтик ғоя ифодасида миллий руҳ*”, - деб номланувчи дастлабки бобида Ғафур Ғуломнинг халқ ижодига ёндошуви унинг дунёкараши, эстетик идеали, шахсияти ва услубига боғлаб ўрганилди. Шоир шеъриятидаги халқона руҳ ва оҳангнинг лирик қаҳрамон руҳий тўлкинларини очиш, поэтик ғояни ифодалашга хизмат қилиши Ғафур Ғулом қалб кечинмалари, ғоявий ниятига вобасталиги нуқтаи назаридан кузатилди.

Халқ ҳаёти, турмуш тарзи, миллий руҳига яқин бўлган Ғафур Ғулом фольклорнинг олқиш ва қарғиш, мақол ва матал сингари жанрлари,

<sup>14</sup> Каримов Н. Ғафур Ғулом. Т. : Ғафур Ғулом номидаги нашриёт - матбаа ижодий уйи, 2003.

<sup>15</sup> Назаров Б. Ғафур Ғулом олами. Тошкент, “Фан”, 2004.



экспрессив воситаларидан унумли фойдаланиб, поэтик фикрнинг аниқ ва лўндалиги, ифоданинг эстетик таъсирчанлигини таъминлай олган. Шоирнинг айрим шеърлари ва ҳикоялари мисолидаги талкинларимиз бадий матн поэтикасига таянган ҳолда мазкур илмий ҳақиқатни юзага чиқаришга қаратилди.

Ғафур Ғуломнинг мумтоз адабий мерос ва шарқона анъаналар руҳида тарбиялангани, унинг ижодий мероси жаҳон адабиётининг кўплаб қалам аҳлларидан бевосита ва билвосита таъсирланиш, улар қолдирган бебаҳо дурдоналарга ижодий муносабатда бўлиш асосида шакллангани ва юксалгани Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Муқимий ижодларини теран ўрганиши ва тарғиб қилишини кузатиш орқали кўрсатилди.

*“Поэтик талқинда меёр”*, - деб номланувчи иккинчи бобда шоир лексик такрорлардан маънони кучайтириш, таъкидлаш, фикр камровини кенгайтириш, бадий ниятни аниқлаштириш, эстетик таъсирчанликни ошириш мақсадларида фойдалангани поэтик нутқ ифодавийлиги, шеър мусиқийлиги, ритм, вазн, қофия сингари масалаларга боғлаб ўрганилди. Мазкур ўринда мумтоз қофиянинг нафақат маъно ва оҳанг яхлитлиги, балки ритм ва вазн тўлаллиги учун хизмат қилиши билан боғлиқ Ғафур Ғулом адабий-эстетик қарашларининг амалий фаолиятида ҳам ўз тасдиғини топиши ёритилди.

Шоир руҳий кечинмаларидаги изтиробли ўй-хаёлларнинг замондошлари орзу-армонларию дардларига ҳамоҳанглиги рамзий-мажозий ишораларга яширинган тағмаъноларга диққат қаратиш орқали ойдинлаштиришга ҳаракат қилинди. Шу орқали Ғафур Ғуломнинг ижодий қиёфасини янада тўлиқроқ очишга уриндик. Бу борада академик Бахтиёр Назаров изланишларидан тўртки олдик.

Учинчи боб *“Ғафур Ғулом насрининг поэтик жозибаси”*, - деб номланган. Унда ёзувчи ҳикояларида пейзажнинг бадий-эстетик функцияси кузатилади. Адиб ҳикояларидаги наср ва назм уйғунлиги лиро-эпик насрий услубнинг ўзига хослиги ва поэтик тил жозибадорлиги мисолида ёритилди. Ифода воситалари мажмуи мутаносиблиги - тасвир палитраси ранг-баранглиги жиҳатидан Ғафур Ғулом кичик насри Гоголь ва Чўлпон ижоди билан чоғиштирилди. Адибнинг “мен” нутқ шаклидан фойдаланилган *“Ғазна”* ҳикоясида шартли ҳикоячи образининг муаллифга анча яқин туриши яъни муаллиф овозининг қаҳрамон овозига сингиб кетганлигига диққат қаратилиб, ҳикоячи возифалари аниқланди. Шу орқали Ғафур Ғуломнинг образ тасвирига дифференциал ёндошганлиги келтириб чиқарилади.

Маиший ҳолатлар тасвиридан кўра қаҳрамонлар кўнглига диққат қаратиб, шахсий трагедия мисолида ижтимоий фожиалиликни миллий рангларда кўрсата олиш маҳоратига аҳамият қаратилди. Носирнинг айрим ҳикояларида тўлиқ детерминизм ва шафқатсиз реализм анча барқарор намоён бўлувчи айрим лавҳалар мавжудлиги кўрсатилди. Ёзувчи ҳикоялари поэтик жозибаси инсон руҳиятининг чуқур ёритилишида, инсон

ва инсонийлик, ифбат ва гурур, поклик ва шаън-шукуҳ тушунчаларининг дунёвий асосларда реалистик талкин этилишида эканлиги “Соғлар” ҳикояси мисолида таҳлил этилди. Ғафур Ғулом қаҳрамонлар руҳий дунёси, нияти, ички кечинмаларини уларнинг ўз хатти-ҳаракати, нутқи, орзу-интилишлари орқали кўрсатади. Персонажлар мулоқоти воситасида руҳий ҳолатларни контрастликда чизади. (“*Ҳийлаи шаърий*”) Адиб эстетик идеалининг инсонпарварликка йўғрилганлиги “*Менинг ўрғини болам*” ҳикояси мисолида кузатилди. Ўрни билан Роқиябиби ва Юсуфбек ҳожи (Абдулла Қодирий “*Ўтган кунлар*”) инсонпарварлигига хос руҳий тўлқинлар муштараклиги кузатилди.

Ғафур Ғуломнинг насрдаги маҳорати “*Нетай*”, “*Тирилган мурда*”, “*Ёдгор*”, “*Шум бола*” кассалари мисолида ижодий концепция ва тасвир мантиги мутаносиблиги, миллий туйғулар ёрқин ифодаси жиҳатидан ўрганилди.

“*Бадий ижод ва адабий таъсир*”, - деб номланувчи тўртинчи бобда Ғафур Ғуломнинг Абдулла Қодирий, Ойбек каби санъаткорлар билан яқинлиги, дўстлиги, ижодий мулоқотлари, асарларидаги айрим муштаракликлар ҳақида сўз юритилди. Мазкур ўринда Қодирий ва Ғафур Ғулом шахсий муносабатларидаги айрим нохуш жиҳатларни эмас, балки имкон борича нурли нуқталарни кўришга интилдик. Бу иккала буюк сўз санъаткори насрий меросида воқеалар талқини, қаҳрамонлар руҳий кечинмалари, қалб драматизми ифодаси, ижодкорнинг ҳаётга, воқеликка, инсонга муносабатида, бадий-эстетик қарашларида муштаракликлар мавжудлиги қиёсий ёритилди. Ғафур Ғуломнинг “*Қизалоқ*” ҳикояси, “*Нетай*” кассаси поэтикасида Қодирий романлари таъсири мавжудлигини иккала ёзувчи бадий нияти, услубий индивидуаллигини инкор этмаган ҳолда келтириб чиқардик. Мухими, ҳар иккала адиб қалбининг ички қатламларига нигоҳ ташлашга интилдик.

Ғафур Ғулом ва Ойбек дўстлиги, ҳаммаслақлиги, бир-бирининг ижодини синчковлик билан кузатиб бориб, ўрни билан муайян муносабат билдиришгани уларнинг айрим маъруза ва мақолалари таҳлили орқали кўрсатилди. Ушбу бобда Ғафур Ғуломнинг қорақалпоқ шоирларига кўрсатган таъсири Ибройим Юсупов ижоди мисолида ўрганилди. Ғафур Ғулом вафотида бағишланган Шайхзода, Абдулла Орипов марсияларида шоир характери ва табиатида хос етакчи хусусиятларнинг лирик қаҳрамон дард-кечинмалари билан уйғунликда рангин ифода воситалари билан тасвирланганлиги, фикрий теранлик ва услубий индивидуаллик нуқтаи назаридан тадқиқ этилди.

Бешинчи боб “*Давр адабий тафаккури ва Ғафур Ғулом эстетикаси*”, - деб номланади. Унда Ғафур Ғуломнинг маъруза ва эътирофлари, мақола ва мактубларида акс этган нозиктаъб шоир, адабиётимиз истиқболига умид билан қараган, ёшлар ижоди моҳиятини англаган носир, талабчан олим сифатидаги нафасини сезишга уриндик.

Ғафур Ғулом адабий мактубларида адабиётшуносликнинг ижодий ҳамкорлик, адабий таъсир, ижодкор ва ижод масъулияти, матншунослик, поэтик идрок, бадий маҳорат сингари долзарб масалаларига диққат қаратилганлиги кузатилди. Бундай типдаги асарлардаги холислик, ҳаққонийлик, илмий теранлик, аниқлик, бадий нафислик сингари фазилатлар инкишоф этилди. Ғафур Ғулом эстетикаси ўша давр адабий тафаккурини теранроқ англаш, бугунги адабиётшунослик илми ривожини учун аҳамияти жиҳатидан кадрли эканлиги таъкидланди. Ғафур Ғулом адабий-эстетик оламини инкишоф этишимизда унинг адабий меросини ижодий тажриба ва сабоқлари билан муштарақликда тадқиқ этиш яқиндан ёрдам берди. Шу боис монографияда санъаткор руҳий туғёнлари, қалб кечинмалари, ижод жараёнидаги ҳолатларини чуқурроқ ёритиб, шоир поэтик маҳоратини тўғри англашга, теран маъно-моҳиятини илғашга уриндик. Зеро, шоир руҳан туйган, фикран англаган ҳақиқатларини турли ракурсларда бетакрор образларда гавдалантира олган эди.

Монографиянинг сўнгги боби *“Ижодий феномен”*, - деб номланган. Унда адабиётшунос Озод Шарафиддиновнинг Ғафур Ғулом ижоди рангбаранг қирраларига бағишланган ва турли йилларда яратилган *“Ҷўққи”*, *“Дарёдил шоир”*, *“Халқ бахтининг оташин куйчиси”*, *“Ижодни англаш бахти”*, *“Ғафур Ғуломнинг кулгиси”* сингари мақола, адабий портрет ва бадиалари хусусида сўз боради.. Уларда акс этган ўй-хаёллар, муаллиф кечинмаларидан келиб чиқувчи фикр-қарашлар, мулоҳазалар ифодасидаги тарихий-биографик, адабий-танқидий ва бадий-публицистик талқинлар илмий-танқидий тафаккур билан бадий истеъдоднинг ўзига хос тарзда туташиб кетиши нуктаи назаридан кўздан кечирилди. Мазкур асарлардаги кечинмалар самимияти, фикрлар ёркинлиги, хис-ҳаяжон ҳарорати олимнинг Ғафур Ғулом даҳосига чуқур эҳтиромда бўлиш позицияси ҳамда услубининг раванлигига эътибор берилди. Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижодий меросига бағрикенглик билан ёндошиш орқали Озод Шарафиддинов китобхонни оташнафас шоир, олим ва улўғ инсон ибратли ҳаёти ҳамда ижод оламига олиб қира олгани ХХ аср адабий жараёни контекстида атрофлича ёритгани кўрсатилди.

Кузатишларимиз натижасида Озод Шарафиддинов Ғафур Ғулом ҳақидаги шахсий қарашларини унинг асарлари, ижодий феномени орқали мукамал концепцияга айлантира олган. Ижодкор характерини бутун ички зиддиятларию қурашлари билан ҳаракатда кўрсатган. Ғафур Ғуломнинг ҳам ижодкор, ҳам инсон сифатидаги моҳиятини ёритиб берган, - деган хулосага келдик.

Ушбу бобда Бахтиёр Назаровнинг *“Ғафур Ғулом олами”* рисоласи ҳақида фикр-мулоҳаза юритилганида мазкур тадқиқот илмий асосининг кучлилиги, академик олим бадий мушоҳадаси, таҳайюл ва тасаввур уфқининг кенглигига аҳамият берилди. Муаллифнинг Ғафур Ғулом оламини эстетик ўзлаштиришида ижодкор микрооламига кечинмадошликнинг ёркин намоён бўлишига диққат қаратилди.

Умуман, маскур ўринда Гафур Гулом, Озод Шарафилдинов, Бахтиёр Назаров ижодий феноменларини бой маънавий кадрият сифатида англашга, улардаги хақиқат ва маърифатга фидойилик, маданиятимиз учун жонкуярлик, унинг захматкашларига эҳтиром каби юксак ахлокий фазилатларнинг хар биримиз учун алоҳида аҳамиятли ва ибратли эканлиги инсоний улугворлик ҳамда уни дил-дилдан ҳис этишда намоён бўлишини кўрсатишга имкон қадар интилдик.

Маскур монографиянинг майдонга келишида лутфан кўрсатган ёрдамлари ва берган фойдали маслаҳатлари учун муаллиф Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги Б.А.Назаровга, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор У.Норматовга, филология фанлари номзоди, доцент И.Ёқубовга ўзининг чуқур ташаккури ва миннатдорчилигини изҳор этади.

ПОЭТИК ҒОЯ ИФОДАСИДА МИЛЛИЙ РУХ

1.1. ХАЛҚОНА ОҲАНГЛАР ЖИЛОСИ

Бетакрор истеъдод эгаси Ғафур Ғулом бутун ижоди давомида фольклор анъаналаридан ижодий фойдаланган. Ғафур Ғулом *“Фольклордан ўрганайлик”* (1939) маърузасидаёқ фольклор ва ёзма адабиёт муносабатларига алоҳида эътибор бериб, ижодкор *“...ҳар бир асарини ибтидосини халқдан олганидай, сўнги ҳам халққа бориб туташиди”*, - деб таъкидлайди<sup>16</sup>. У XX аср адабиётида ёзма адабиётнинг етакчилигини ёқлаб, ёзувчиларимизни фольклордан ўрганган ҳолда ижод қилишга чақиради.

Адабиётшунос С.Мамажонов ҳар бир ёзувчининг халқ оғзаки ижодига ёндошиши унинг дунёқараши, эстетик идеали, шахсияти ва услубига боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтади<sup>17</sup>.

Ғафур Ғулом ўз асарларида халқ ижодига, унинг ўлмас анъаналарига халқимизнинг орзу-истаклари нуктаи назаридан ёндошади. У даврнинг муҳим масалаларини акс эттиришда оғзаки ижодга суянди ва халқимизга манзур бўладиган асарлар ярата олди. Буни биз шоир шеърятини мисолида яққолроқ кузатишимиз мумкин. Ғафур Ғулом шеърятини фольклорнинг таъсири аввало, халқона рух ва оҳангда кўринади. Унинг *“Моҳигул”*, *“Олма отди”*, *“Қимга не келур”*, *“Муҳаррам”*, *“Она қизим Жамилага”* каби қатор шеърларида халқ кўшиқларига яқин сатрларда давр руҳи акс эттирилган.

Халқчил рух ва оҳангда яратилган шеърларида Ғафур Ғулом фольклор ва ёзма адабиётни уйғунлаштиради. Буни биз *“Она қизим Жамилага”* шеъри мисолида кузатишимиз мумкин:

*Жазоир зиндонида бир қиз уқубатдадир,  
Рубобнинг торларидек жони жонимга пайванд.  
Ҳасратингдан қон томиб, кўзларим кулфатдадир,  
Халхол таққан оёқлар бугун кишан билан банд*<sup>18</sup>

*“Рубобнинг торларидек жони жонимга пайванд”*, *“Ҳасратингдан қон томиб...”* каби бетакрор ифодаларни яратмоқ учун чинакам шоирона иқтидорнинг ўзигина камлик қилади. Жазоирдаги инсон зотига *“жони пайванд”* бўлаётган лирик қаҳрамон руҳий тўлқинларининг заминиди

<sup>16</sup> Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик. 11 т. Т. : Фан, 1989, 79 б. (Адабий-танқидий мақолаларидан келтирилган матнлар шу нашрдан олинди, қавс ичида саҳифа кўрсатиб борилди)

<sup>17</sup> Мамажонов С. Шоир дунёси. Т. : 1974, 143 б.

<sup>18</sup> Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик. 3 т. Т. : Фан, 1984, 136 б. (Шоир шеърларидан келтирилган намуналар шу нашрнинг 1, 2, 3- томларидан олинди, қавс ичида жилд ва саҳифа кўрсатиб борилди)

нечоғлик халқпарварлик, инсонпарварлик мужассам.. Шеърдаги поэтик ғояни ифодалашга хизмат қилаётган бу каби ташбех ва иборалар ўйлаб топилмаган бўлиб, шоир калбининг руҳий қатламларида мавжуд эканлиги эътиборга моликдир. Шеърнинг халқона руҳга монандлиги фикр ва туйғуни жозибадор, охангдор ва таъсирчан ифодалашга ёрдам берган.

Ғафур Ғулом шеърлятида фикрни аниқ, лўнда ва образли ифодалаш мақсадида халқ иборалари мақол ва маталларига жуда кўп ўринларда мурожаат этилган. Шоир халқ иборалари мақол ва маталларини ўз ғоявий ниятига мос ҳолда баъзан айнан ўзгаришсиз, баъзида эса ижодий ўзлаштирган ҳолда куллайди. “*Хусн тўйда керак, муҳаббат кунда*” (“Янги йил кўшиқлари”), “*Шошилган қиз ёлчимас эрга*” (“Аввал ўқи”), “*Дарди йўқ кесақдир, ишқи йўқ эшак*” (“Хотин”), “*Ёшлиқ қайтиб келмас*” (“Ўзбекнинг толеи”), “*Кишининг қўли гул*” (“Менинг ховлим”), “*Уйку жой танламас, муҳаббат чирой*” (“Олтин медал”) каби кўплаб мақол ва ҳикматларни ўзи айтмоқчи бўлган фикрга, тасвирлаётган воқеликка мос ҳолда қўллайди. Улар воситасида образли тасвир ва ифодалар яратиши билан бирга шеърларининг китобхон онги ва шуурига таъсирчан етиб боришига эришади.

Ғафур Ғуломнинг оғзаки ижодга бўлган муносабати халқимизга хос расм-русумлар, удум ва одатларнинг шеърларида акс этишида ҳам кузатилади. Бунда шоир асарнинг миллий колоритини таъминлаш мақсадида айрим халқ таомили, миллий ҳаёти, турмуш тарзи билан боғлиқ ўринларга мурожаат этади. Шоир шеърлятида бу ҳолат икки йўналишда намоён бўлади:

1. Халқона расм-русумлар ва одатларни айрим ўринларда келтириб ўтиш;
2. Халқ маросимлари билан боғлиқ жанрлардан ижодий фойдаланиш.

Ғафур Ғуломнинг “*Кечқурун ош сузсак бир насиба кам*” (“Соғиниш”), “*Гўдақлар жаранглатар ҳайитлик тангасини*” (“Чин арафа”), “*Арафа кунлари қувонган ёшдек*” (“Хотин”), “*Танглайим кўтарган бибим бечора*” (“Она”), “*Дошларда қайнаган шиннининг ҳиди димоғни шод этар, руҳни саломат*” (“Куз келди”), “*Ота-боболарнинг удумин оқлаб*” (“Етти юз кун”) каби мисраларидан унинг халқ ҳаётидан, турмуш тарзидан, миллий руҳидан яхшигина хабардор эканлигини англаб олиш мумкин.

Халқ маросимлари билан бевосита боғлиқ бўлган фольклор жанрларидан бири бу олқиш ва қарғишлар<sup>19</sup> бўлиб, Ғафур Ғулом асарларида бу жанрларга миллийликни кучайтириш мақсадида кенг мурожаат қилинган. “*Бошинг тошдан бўлсин*”, “*Алҳазар, ярамас кўздан алҳазар*”, “*Ўтганлар руҳи ёр бўлсин*”, “*Бошингга саодат гуллари тўлсин*”, “*Толе ёр бўлсин*” каби мисраларнинг ёзилишида халқ олқишлари замин

<sup>19</sup> Имомов К., Мирзаев Т... Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Т. : Ўқитувчи, 1990, 109 б.

вазифасини бажарган. Уларда кишиларга эзгу ниятлар тилаш, бало-казолардан омон сакланиш, илик самимият рухи устивордир.

Ғафур Ғулом ижодида халқ қарғишлари ҳам маълум маънода ишлатилади. Қарғиш - сўзнинг сеҳр-жоду кудратига ишонишдан келиб чиққан бўлиб, унда кишиларга бахтсизлик ва ёмонлик тилаш рухи устунлик қилади<sup>20</sup>. Ғафур Ғулом иккинчи жаҳон уруши йилларида яратилган шеърларида душманга бўлган чексиз нафратини ифодалаш мақсадида бу жанр имкониятларидан ҳам ижодий фойдаланган. Жумладан, "Сен етим эмассан" шеърида:

*Сут кўр қилгур ҳароми  
Гитлер оқпадар-  
Фарзанднинг қадрини  
Қаердан билсин? (2 т.. 23 б.)*

деб ёзади. Халқ орасида кенг тарқалган "Сут кўр қилгур" қарғишига таяниб, шоир она сутининг муқаддаслигига ишора қилиш орқали фашизм ҳалокатининг муқаррарлигига катъий ишонади, чексиз ватанпарварлигини намоён эта олади. "Разил маккор, ярамас Гитлер...", "Маълун душман аччиқ сезолсин", "Ёвга ажал соқий эди, бодаси -қазо", "Хўрликка чидама, титра, эй замин, Шу маълун лашкарни ўз қаъринга ют", "Иблиснинг гарази бўлган бу уруш Албатта, етади ўзин бошига" каби ўринларда шоир халқ қарғишларидан ўринли фойдаланган. Қарғишлар Ғафур Ғуломнинг душманга нисбатан нафрати, қаҳр-ғазабини ифодалашга ёрдам бериши билан бирга, шоирнинг халқ ҳаёти ва умумхалқ тилининг етуқ билимдонии эканини ҳам намоён эта олган.

Умуман, олқиш ва қарғишлар шоир асарларининг миллийлигини кучайтиришда восита ролини бажарган.

Ғафур Ғулом шеърлятида фольклорга хос баён усуллари ҳам кузатилиб, у ўз ижодида эртак ва дostonлардаги тасвирий ифодаларни айрим ўзгаришлар билан қўллайди. Бу усул шоирга мавзу ва ғояни ишонарли ёритиш имконини беради. "Мард йигитлар қаноти" номли шеърида шоир ўзбек йигитининг жанг майдонидаги қахрамонлигини тасвирлаб шундай ёзади:

*Совуқ ўтмас, сув ҳам ўтмас кийган эғнидан,  
Қўйиб қўйган совут янглиғ йўлбарс нўстини..  
Қоматиға олмас қилич жуда ярашган,  
Қулоч ёзиб қучоқлайди биздек дўстини (2т. 29 б.)*

Халқ ўз қахрамонини "ўтда ёнмас, сувда чўкмас, қилич ўтмас" қилиб тасвирлайди. Халқ дostonларидаги Алпомиш, Рустам қабилар ана

<sup>20</sup> Имомов К., Мирзаев Т... Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Т. : Ўқитувчи, 1990, 110 б.

шундай қахрамонлардир. Шоир халқ қахрамонларига хос хусусиятларни янгича шароит ва вазиятга мослаштириб, ўз қахрамонининг мард ҳамда жасурлигини таърифлайди. Шеърдаги “*Яша*”-*дедик от эгаси Рустам нишонга*”, “*Устидоғи Алломишдан эди кўркамоқ*” каби мисраларда шоир халқ ижоди анъаналаридан фойдаланиб, юксак таъсирчанликка эришган, поэтик фикрни куйма образларда ифодалаган.

Кўринадики, Гафур Гулом фольклордан ижодий фойдаланиб, лирик қахрамон руҳиятидаги нозик жиҳатларни маҳорат билан акс эттира олган. Халқ озгаки ижоди анъаналари ва халқ ҳаётига яқинлик шоирга даврнинг муҳим муаммоларини моҳирона тасвирлаш имконини берганки, бу унинг асарлари миллийлигини кучайтирувчи, бадий етуқлигини таъминловчи омиллардан биридир. Гафур Гулом ижоди халқчиллик руҳининг кучлилиги билан ҳам ибрат мактаби бўлиб қолса ажаб эмас.

## 1.2. ЭКСПРЕССИВ ВОСИТА ВА ИЖОДҚОР МАҲОРАТИ

Муайян ижодкорнинг бадий маҳорати унинг асарларидаги ғоявий-бадий жиҳатларни тушуниш орқали ойдинлашади. А.Блок таъбири билан айтганда ижодкорлар “*бир-бирларидан фарқ қилиб турувчи хусусиятлари билан қизиқарлидир*”<sup>21</sup>. Ҳар бир ёзувчи ўз халқининг санъати моҳиятига хос булоқлардан хамиша баҳраманд бўлади. У ёки бу ёзувчининг турли асарларидаги алоҳида масалага муносабатини тайин этиш унинг ижодидаги устивор йўналишларни аниқлаш ҳамдир. Зеро, бадий матн поэтикасига таянган талқингина илмий ҳақиқатни ўзида мужассам эта олади.

Биз ушбу ўринда экспрессив воситалардан энг таъсирчан ва эсда қолувчи, халқ донолигини ўзида мужассам этган мақол ва ҳикматларидан Гафур Гулом ҳикояларида фойдаланиш маҳоратини кузатиб, ёзувчи ижодининг ўзига хослиги ҳақидаги айрим умумлашмаларимизни баён этишга уриндик.

Гафур Гулом ҳикояларида ҳаёт ҳақиқатини образли ифодалаш мақсадида мақолларнинг насрий поэтик шакли унумли қўлланилган. Носир “*Мукаммал асарлар тўплами*”нинг 6 – жилди<sup>22</sup> ида 1928-1965 йилларда яратилган қирқ иккита ҳикоя берилган бўлиб, уларни яхлит ҳолда кўздан кечирганимизда 30 дан ортик халқ мақол ва ҳикматлари турли хил шаклда қўлланилганлигини белгиладик.

Таъкидлаш жоизки, халқ донолигига мурожаат этиш Гафур Гулом ижодидагина хос ходиса эмас.

Алишер Навоий “*Ҳазойин ул-маоний*”, “*Лисон ут-тайр*”, “*Ҳамса*”, “*Маҳбуб ул-қулуб*”-сингари асарларида ўз бадий мақсадларига мувофиқ

<sup>21</sup> Блок А. О литературе. М.: 1931. С 88

<sup>22</sup> Гафур Гулом, Мукаммал асарлар тўплами. 12 томлик, 6 т. Т.: Фан, 1986 (Гафур Гулом ҳикояларидан ваътаириланган мисоллар шу нашрдан олинди, қавс ичида жилд ва саҳифа кўрсатиб борилди)



тарзда мақолларга мурожаат этади. “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн” каби илмий асарларида эса мақолнинг бадий-эстетик қиммати ҳақидаги назарий қарашларини илгари суради.

Гулханийнинг “Зарбулмасал” асари мақол ва хикматлар билан зийнатланган бўлиб, ифоданинг бундай усули мазкур асарнинг муваффақиятини таъминлаган омиллардан бири экалиги сир эмас.

XX асрнинг забардаст вакиллари Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Қахҳор, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом ва бошқалар учун ҳам халқ оғзаки ижодининг бу тури ўзига хос мактаб вазифасини ўтагани аниқ. Ғафур Ғулом “Фольклордан ўрганайлик” номли маърузасида: “Халқ фантазияси жуда кенг, жуда чуқур ва жуда бойдир. Афсуски, съездимизнинг рўзномаси менга, яъни ками 100 достон, саноксиз кўшиқ эртак, мақоллар устида гапириб чиқишга ҳеч бўлмаса бир оқшом ҳам сўзлашга навбат бермаган... Мулла Гулханий ўзининг шухратли “Зарбулмасал”ини ёзишда бовдан оёқ халқ мақолларидан фойдаланган, уларни бир ерга тўплаб, бир илга тизиб ҳикоя шаклини берган... Фольклорга эргашиб ёзиш ёзма адабиётимизнинг халқ ўртасига кириши, оммалашishi, сингиши учун анча ёрдам берди... Яшасин ижодкор халқ!” (11 т. 81 б.), Маърузадан олинган мазкур кўчирманинг келтирилиши тасодифий эмас. Чунки Ғафур Ғулом ҳикояларидаги услуб ва маҳорат масалаларини аниқлаш, ундаги мақолларнинг ўрни ва ўзига хослигини белгилашда бу каби фикрлар катта аҳамият касб этади.

Ғафур Ғулом фольклорга хис қилиши ва бадий ижодда таъсириллиши мумкин бўлган бир тарзда ёндошган. У адабиётнинг ёзма ва оғзаки шакллариаро муносабатни жуда нозик идрок этган. Демакки, мақолнинг ижод жараёнидаги ғоявий-бадий ўрнини пухта ўрганиб, ҳикояларини халқ ижоди билан зийнатлашга, диалектик алоқадорликни яқинлаштиришга, мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берган. Насрий асарлари яшовчанлигини таъминлаган.

Л.Н.Толстой халқ мақоллари ҳақида тўхталар экан: “Ҳар бир мақолда мен шу мақолни яратган халқнинг сиймосини кўраман”<sup>23</sup> - деб ёзган эди. Дарҳақиқат, мақол фикрни нисбий тугал ифодалашда ниҳоятда қулай бўлиб, бу ибратли фикрларда ҳаётий воқеликнинг моҳияти акс этгандир.

Ғафур Ғулом халқ мақолларини ҳикояларининг мавзуи, воқеаларнинг моҳияти, қаҳрамонларнинг характериға мос тарзда фольклор хазинасидан танлаб-саралаб олган. Ёзувчи ҳикояларининг халқ жонли тили ва услубига яқинлашишида, асарлари тили халқчиллигини таъминлашда мақол ва хикматларнинг ўрни бекиёсдир. Ҳикоялар тилининг сикиқлиги, лўндалиги, айна чокда фикран кенг бўлиши ва кўп сўзликдан сақланиб, лаконизмға эришишда мақолларға фаол мурожаат қилиш муаллифға қўл келган. Унинг ҳикоялари анашу жиҳати билан ҳам эътиборли бўлиб, китобхонда илик

<sup>23</sup> Толстой Л.Н. Сўз кўрки - мақол. Т. : 1964, 3 б.

туғу ва кайфиятни туғдира олади. Фафур Гулом хикоялари тили гўзал ва сермаъно товланишлари билан маънавий озуқа берадики, бу муаллифнинг улар устида чинакамига тер тўкканлигини кўрсатади.

Носир кўпинча мақолларни ўзгаришсиз, айнан кўлласа, баъзан унга қайта сайқал бериб, янада жилолантирган. Ҳар иккала ҳолатда ҳам ўз ғоявий-бадийий ниятини рўёбга чиқариш максатида мақоллардан муҳим восита сифатида фойдаланган. Ёзувчи халқ мақолларини кўлласда “*дейдилар*”, “*деганларидек*”, “*деган мақол бор*”, “*деган ота-боболарнинг сўзи бор*” каби кириш сўз ва ибораларни ҳам кўллаган. Бу кўпинча муаллиф баёнида кузатилиб, хикоя қаҳрамонлар тилидан олиб борилганида мақоллар тўғридан-тўғри келтирилади.

Фафур Гулом “*Ўтган ишдан туш яхши*”, “*Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув*”, “*Туриб еганга турумтоғ чидамас*” каби мақолларни турли хикояларида қайта-қайта кўллайди. Бу тарихий давр нуктаи назаридан хикоялар яратилган йилларда ўша мақолларнинг халқ ўртасида фаол истемолда бўлганлиги ва ёзувчи илгари сурган фикрларини мазкур мақоллар воситасида қайта-қайта таъкидлаб кўрсатганлиги билан изоҳланади.

Фафур Гулом хикояларида келтирилган мақолларни шартли равишда куйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Фикр ихчамлиги, таъсирчанлиги ва аниқлигига хизмат қилувчи мақоллар: “*Ўтган ишдан туш яхши*” (“Соғлар”, 79 б.)

2. Ўзбек-мусулмон ҳаёти, турмуш тарзи ва дунёқараши, миллий менталитети билан боғлиқ мақоллар: “*Ўзи келган кўноқ - атоғи худо*” (“Ҳасан Кайфий”, 171 б.), “*Ўришини кўриб бўзини ол, дадасини кўриб қизини ол*”, (“Бўйдоқ”, 111 б.), “*Отаси бошқа эл бўлмас*” (“Ғазна”, 134 б.), “*Элак тилаган хотиннинг эллик оғиз гапи бор*” (“Ғазна”, 134 б.), “*Борборича, йўқ - ҳолича*” (“Соғлар”, 76 б.)

3. Рухий ҳолат ва кечинмаларни ифодаловчи мақоллар: “*Тушингда кўрсанг ганж, ўнгингда кўрсанг янч*” (“Ғазна”, 133 б.), “*Сих ҳам, кавоб ҳам куймасин*” (“Иноклик”, 34 б.), “*Ҳамма ҳунарнинг ҳам ўзининг мурти гардони бўлар*” (“Менинг ўғригина болам”, 153 б.)

4. Ижтимоий ҳаётнинг ночорлиги, халқ орзу-истаклари, айрим норозилик кайфиятлари ифодаланган мақоллар: “*Осмон узоқ, ер қаттиқ*” (“Қизалоқ”, 16 б.), “*Авлиёга икки дунё бир қадам*” (“Ҳасан Кайфий”, 172 б.)

5. Қаҳрамон ташки кифоаси тасвирида контраст учун кўлланилган мақоллар: “*Ёмон отга ёл битар*” (“Чўтир хотиннинг толеи”, 127 б.)

Хуллас, Фафур Гулом образ ва воқеалар талқинида, уларга муайян муносабат билдиришда, адабий тилини хикоячи табиатига мувофиқлаштиришда халқ мақолларидан ўринли фойдалана олган. Бу эса қаҳрамон тилини индивидуаллаштириш, характер-хусусияти, портрети, дунёқараши, турмуш тарзи ва руҳий кечинмаларини тасвирлашга ёрдам берган. Ихчамлик, таъсирчанлик, лўндаликка риоя қилиш орқали китобхонда хис-ҳаяжон уйғотишга, ўйлашга, фикрлашга алоҳида аҳамият

ALISBER KAYON  
Toshkent  
4822  
4733  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

берган ёзувчи экспрессив воситалардан бири бўлган мақолга мурожаат қилиш орқали таъсирчан ҳикоялар ва характерлар яратган.

### 1.3. ҒАҒУР ҒУЛОМ ВА ШАРҚ АДАБИЁТИ

Ғафур Ғулом ижодий мероси жаҳон адабиётининг кўплаб қалам ахллари билан бевосита ва билвосита таъсирланиш, улар қолдирган бебаҳо дурдоналарга ижодий муносабатда бўлиш асосида шаклланган ва юксалган. Шоир Алишер Навоидан лирик харорат олган. Фузулийнинг ўйноқи оҳанглари билан таъсирланган. Бедилнинг мантиқий теран фалсафий мушоҳадаларига, жўшқин лирикасига эргашган. Умар Хайёмнинг фалсафий ҳикматлари таъсирида донишмандона фикр-мулоҳазаларини ифода этган. Фирдавсийдаги шарқона ғурур ва эпик қўламдорлик, Ҳофиз ғазалларидаги хассослик, Низомийдаги олам ҳодисаларини коинот микёслари кенглигида қамраб олиш, Рўдакийдаги чуқур самимият, халқчиллик, инсоний туйғулар нафосати, Саъдийдаги ибратлилик, Жомийдаги улугворлик Ғафур Ғулом ижодий мероси моҳиятига моҳирона тарзда сингиб кетган.

Ғафур Ғулом ва жаҳон адабиёти мавзуси анча серқирра бўлиб, Шарқ адабиёти доирасидагина изохланмайди, албатта. Чунки Ғафур Ғулом ўз насрий асарларини ёзишда Н.В.Гоголь, Л.Н.Толстой, М.Горький ижодий услубидан баҳраманд бўлган. Биргина «Шум бола» қиссаси мисолида кузатилаганида ҳам, Марк Твеннинг «Том Соённинг бошидан кечирганлари» асаридан кучли мутаассир бўлиш яққол кўзга ташланади. Шоир шеърлятида А.С.Пушкин, Н.А.Некрасов, М.Ю.Лермонтов, В.В.Маяковский сингари шоирларнинг кучли таъсири намоён бўлади. Унинг илмий-адабий меросини эса В.В.Жирмунский, Е.Э.Бертельс тадқиқотлари натижаларидан ажратиш мумкин эмас. Ғафур Ғулом Шекспир, Мольер, Лопе де Вега, Бомарше, Иоганнес Бехер, Пабло Неруда, Анатолий Гидаш, Эми Сяо, Ленгстон Хьюз каби ўнлаб жаҳон адабиёти намоёндаларининг асарларини рус тили орқали ўгириб, ўзбек китобхонини дунё адабиёти билан яқиндан таништирган эди.

Ғафур Ғулом асарлари ҳам рус, инглиз, немис, форс, яҳудий, хинд, урду, араб, испан, поляк, венгер, албан, румин, француз, чех, турк ва бошқа кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган. Мазкур масалаларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқотларга мавзу бўла олади. Шунинг назарда тутиб биз мавзунинг бир қадар чеклаб олишга ҳаракат қилдик. Ғафур Ғуломнинг Шарқ адабиёти классикаларига бўлган муносабатини унинг бир мавзуси доирасида кузатиш билангина кифояландик.

Академик Ғафур Ғулом Абдурахмон Жомий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан Қобул шаҳрида ўтказилган халқаро олий анжуманда (1964 йил) «Шарқнинг буюк шоири ва мутафаккири Абдурахмон ибн Аҳмад Жомий» (11 т. 298-316 б.р ) мавзусида нутқ

сўзлаган эди. «*Мен Шарқ шоириман. Шунинг учун Шарқ классикларининг ҳаммаси менинг хеш-акраболарим*», - деб ифтихор этган шоир бекиёс фарзандлик муҳаббати ва шавкига тўлиб, тўлкинланиб сўзлайди. Ўзининг мумтоз адабий мерос ва шарқона анъаналар руҳида тарбияланганини таъкидлайди.

Жомий ижодий меросининг қудрати, нозиктаъбликдаги буюклик ҳислати, инсоний фалсафаси, асарларидаги санъаткорлик ва теран ботиний мазмунни чуқур ҳис этган Ғафур Ғулом улуг устоздан шеърини маҳорат сирларини ўрганган. «...*мен ҳамиша унинг тавсифи ва таърифи андишасидаман, унинг устодлиги олдида ўз шогирдлигимни ожиз деб биламан*», - дея эътироф этади. Бу шунчаки кўтаринкилик билан айтилган маъна бўлмай, балки Жомий даҳосининг мавжуд васфларидан қониқиш сезмаган, унинг бекиёс кўламини англаб етган, шу манбадан маънавий-руҳий озиқ олган XX аср ўзбек файласуф шоирининг қалб амри билан айтилган дил сўзлари эди.

Ғафур Ғулом маъруза муқаддимасидаги таъриф ва эътирофларга Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг «*Бобурнома*» асаридан олинган куйидаги одилона таъриф билан яқун ясайди: «*Муллонинг жаноби андин олийроқдирким, таърифқа эҳтиёжи бўлмай*».

Маърузачи шундан кейин «*XV аср адабиёти ва санъати осмонида қун-офтоб*» Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ўзаро муносабатлари мисолида умуман, Жомий ва ўзбек адабиёти масаласи хусусида тўхталлади. Ғафур Ғулом бадий адабиётдаги устоз-шогирдлик анъанаси, зуллисонийлик фониди Жомий ва Навоий яратган асарларнинг манбалари, фалсафий асослари халқ ижодидан озиқланишига диққат қаратади. Бу улуг зотлар ўртасидаги ажралмас дўстлик, ўзаро ҳурмат ва муҳаббат, ҳамдардлик ва ҳамкорлик заминида униб кучга тўлган самимий қардошлиқ муносабатлари, орзу-истаклар яқинлиги, интилиш ва олий мақсадлар бирлигида кўради.

Ғафур Ғулом услубига хос давр тарихий шароитига мурожаат қилиб замонларни қиёслаш услуби ушбу маърузада ҳам қузатилади. Бадий адабиётдаги икки тиллилик тамойили Хуросоннинг этник таркибини форсигўй ва туркигўй халқлар ташкил этганлиги, зуллисонийлик иккала халқ ижодкорларининг ўзар яқин муносабатларини таъминлаганлигини айрим мисоллар асосида эслаб ўтади. Мавлоно Лутфий ва Жомий дўстона ижодий муносабатлари Алишер Навоийнинг «*Мажолис ун-нафоис*» тазкирасига таяниб асосланади.

Маърузачи Навоий ва Жомий муносабатлари хижрий 873 (мелодий 1469)да бошланиб, хижрий 881-882 (мелодий 1477-1478)дан кейин янада мустаҳкамланганини баён этади. Агар биринчи сана Навоийнинг муҳдорлик масъулиятли вазифасига тайинланганлиги, иккинчиси эса навоийнинг Жомий бошчилигидаги нақшбандия тарикатини қабул қилиши билан боғлиқлигини эсласак, ижтимоий, диний-тасаввуфий ва адабий ҳамкорликка боис бўлган сабаблар тўғри изоҳланганлиги ойдинлашади.

Ораларида йигирма етти ёш фарк борлигига қарамасдан Жомий ва Навоий ўртасида бўлган самимий дўстлик ва ижодий ҳамкорликка бунинг монелик қилмаслиги хусусида сўзлар экан Ғафур Ғулом: «...у, шундай дўстлик эдики, жаҳон адабиёти тарихида унинг назари кам топилди», - дейди.

Ғафур Ғулом келтирган далиллар Жомий ва Навоий ўртасидаги кўп қиррали ва узоқ муддатли дўстлик муносабатларининг шакли, ифодаси билан боғлиқ кизикарли лавҳаларни кенгрок, аниқрок тасаввур этиш, ишончли тарзда кўрсатиш имконини беради.

Улар ўртасида ижодий ҳамкорликнинг вужудга келишини маърузачи ҳар иккала шоирнинг дунёқарашидаги, ғоявий-эстетик тамойилларидаги яқинлик, шоирлик бурчи ва адабиёт-санъатнинг вазифаларини тушунишдаги ўхшашлик, идеалларидаги монандликда кўради. Жомий ўғит ва маслаҳатларининг Навоий томонидан бажону дил қабул қилиниши, Навоийнинг истак ва таклифларидан Жомийнинг мамнун бўлгани «*Ҳамса* ул-мутаҳаййирин» сингари самимий дўст хотирасига бағишланган махсус асардаги тарихий фактлар асосида кўрсатилади. Навоий устозни «алар» деб эхтиром билан эъзозласа, ўзи ҳақида сўзлаганида «фақир» дея камтарона мақомда туради.

Жомий ғазалларининг «*Фотиҳат уш-шабоб*», «*Воситат ул-уқд*», «*Хотимат ул-ҳаёт*» қабелида уч девонга бўлиниши Навоийнинг таклифига кўра бўлганидек, «*Ҳазойин ул-маоний*» даги девонларнинг ҳар бири «*бир исм била мумтоз*», ҳар қайсиси «*бир лақаб била эжилвасоз*» бўлиши Жомийнинг таклифига мувофиқ бўлган. Бир-бирининг маслаҳату кўрсатмаларига зўр ҳурмат, эхтиром, ўткир зеҳн, улкан қобилият, бемисл истеъдодларига эътирофни кўрган Ғафур Ғулом уларни «*бири бирига устоз, бир-бирига шогирд*», - деб баҳолайди.

Ғафур Ғулом Жомийнинг «*Сибҳат ул-аброр*», «*Юсуф ва Зулайҳо*» асарлари хотирмасидаги Навоий ҳақидаги мулоҳазалари, мактубларидаги эхтиромни, «*Лайли ва Мажнун*»даги мадхларга, «*Хиротномаи Искандарий*»даги юксак баҳоларга таяниб фикр юргизади. Шу тарзда Жомий Навоийнинг инсоний хислатларидан зўр қониқиш ҳамда руҳ олгани, ижодини юксак баҳолаганлигини ишончли далиллайди.

Айни пайтда маърузачи Навоийнинг эътирофларига, «*Ҳамса*»ни «*назар солди, очиб, варақ бар варақ*» танишиб чиққанлиги, таҳсину дуолар қилганлигига асосланиб, Жомий Навоий «*Ҳамса*»си тилини тушунган, деб бемалол айта оламиз, - деган хулосага келади. Навоийнинг айрим туркона ғазалларига қофия, радиф ва вазни тўла сақлаган ҳолда Жомийнинг форсча назира боғлаганлиги далилини келтирган Ғафур Ғулом устознинг ғазални тушунмасдан туриб унга назира боғламаслиги тайин эканлигини алоҳида уқтиради. Чамаси бу билан ҳам каноатланмайди, шекилли Е.Э.Бертельснинг ҳақли эътирофини ҳам келтиради: «*Жомий ўзи ўқиб чиқмаган (бўлса) Навоий «Ҳамса»сига бу қадар юқори баҳо беришдан ўзини сақлар эди*». Шу тарзда Жомийнинг ўзбек тили ва адабиётига бўлган катта ҳурмати, дўстона муносабатини келтириб чиқаради.

Маърузачи бу икки мутафаккир тез-тез ҳамнишин бўлиб, маслаҳатлашиб, ижодий фикр алмашиб турганлигини Жомийнинг «*Ҳафт авранг*» дostonлари устида кизгин иш олиб бораётган бир даврда Навоийни ҳам «*Ҳамса*» ёзишга руҳлантиргани, ижодий ишни тугатган ҳамоно шогирднинг устоз фикрини олишга ошиққанлиги билан қувватлайди.

Ғафур Ғулом Навоий «*Ҳамса*»сининг биринчи, тўртинчи ва бешинчи дostonлари дебочаларида Жомийнинг аксарият асарлари ўз даври шеърляти ва илмининг энг гўзал намуналари сифатида баҳоланганлигини эслатади. Шунингдек, «*Ҳамса*»га кирган ҳамма дostonларда беистисно тарзда Жомий мадҳига махсус боблар ажратилиб, унинг буюк шоир, улуг инсон сифатида баҳоланганлигини алоҳида таъкидлайди. Навоийнинг «*Мажолис ун-нафоис*», «*Муҳокамат ул-луғатайн*», «*Маҳбуб ул-қулуб*» сингари кўпгина машҳур асарлари, лирик меросида Жомий номининг ҳурмат ва самимият билан тилга олиниши Ғафур Ғуломнинг синчков нигоҳидан четда қолмайди.

«*Уларнинг ижодхонаси бир-биридан нур оларди*», - дея таъкидлаган маърузачи Жомий ва Навоий ўртасидаги мустаҳкам ижодий ҳамкорлик, инсоний яқинликни назарда тутади.

Алишер Навоийнинг устозга бўлган чексиз ҳурмати ифодаланган «*Ҳамса*т ул-мутаҳаййирин» асарига алоҳида тўхталган Ғафур Ғулом ундаги ноёб факт ва далилларнинг қимматини юксак баҳолайди. «*Шарҳ адабиётида биринчи бўлиб, Навоий Жомий ижодиётининг улғворлигини чуқур ҳис этди*», - деганида маърузачи тўла ҳақли эди.

Жомий адабий меросининг кўпгина ўзбек шоирлари жумладан, Бобур, Муҳаммад Солих, Мунис, Огаҳий, Муқимийлар учун маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилганлигидан сўзлаган нотик мазкур фикрни қувватлаш учун «*Бобурнома*»да Жомий номи катта эҳтиром билан тилга олингани, XI-X асрнинг машҳур шоири Огаҳий «*Юсуф ва Зулайҳо*», «*Саламон ва Абсол*» асарларини таржима қилганлигини далил сифатида келтиради. Шунингдек, Тошкентдаги Ғуломия матбаасида «*Ҳафт авранг*», «*Шарҳи мулло*», «*Баҳористон*» асарларининг тўлиқ ҳолда нашр этилганлиги (1914 йил)ни қайд этади.

Е.Э.Бертельснинг Жомий ҳақидаги монографияси, Шоислом Шомухаммедовнинг «*Жомий*» рисоласи, Порсо Шамсиевнинг «*Жомий ва Навоий*» китоби, Беруний номидаги Шарқшунослик институту томонидан тайёрланган Жомийнинг қўлёзмалари каталоги, Ўзбекистон Фанлар Академияси томонидан нашр этилган «*Рисолаи мусикий*» асарлари, Душанбе ва Москва шаҳарларида нашрга хозирланган бир неча жилдлик Жомий асарлари юбилейга армуғон этилганлигини алоҳида таъкидлайди.

Жомийнинг номини Гомер, Фирдавсий, Низомий, Навоий каби жаҳон адабиёти тарихидаги улкан сиймолар қаторида санайди. Пуршукух анжуман минбаридан туриб: «*Жомий фақат бир миллатга хос шоир*

бўлмай, барча инсониятга дахлдор шоирдир... Биз ўзбеклар ҳам Жомийни ўз шоиримиз деб биламиз», - деб ифтихор этади.

Маърузада кўпроқ эътибор Навоий ва Жомий муносабатларининг мазмунига қаратилган, публицистик пафос кучли, ўзаро ижодий ҳамкорликнинг бутун боблари батафсил тасвирланмаганлиги анжуман минбарига мўлжалланганлиги билан изоҳланади. Шунга қарамасдан, 70 йиллар адабиётшунослиги даражасидан, адабиёт-санъат олдида турган вазифалар кўлаמידан келиб чиқилса, маърузанинг кенг ва теран мазмуни тадқиқотчининг салоҳиятидан, изланувчанлигию асосли шарҳларидан, иқтидори ва энг муҳими Жомийга эҳтиромидан гувоҳлик беради.

Жомий ижодини теран ўрганиш ва тарғиб қилишга рағбат билдирилган пушқуқ анжуманда сўзланган нутқ орадан қирқ йилдан ортқ муддат ўтганига қарамасдан ўз қимматини тўла сақлаб келаётганлигининг сири ҳам ана шунда бўлса ажаб эмас.

#### 1.4. САНЪАТ ТОЖИНИНГ ГАВҲАРИ

Ғафур Ғулом мумтоз адабиётнинг Низомий, Атоий, Лутфий, Жомий, Навоий, Машраб, Нодира, Огаҳий, Муқимий, Фурқат, Аваз ва бошқа кўплаб шоирлари ижодига улкан эҳтиром билан қараган, улар ижодини теран ўрганиш ва тарғиб қилишга рағбат билдирган. Академик Ғафур Ғулом иқтидорига хос мазкур жиҳатларга эътибор берган адабиётшунос С.Мамажонов ҳақли равишда: «*Ўзбек адабиёти тарихида бирор йирикроқ ижодкор йўқки, улар тўғрисида Ғафур Ғулом ё у, ё бу даражада ўз фикр-мулоҳаза ва баҳосини айтмаган бўлсин*»<sup>24</sup>, - деб таъкидлайди. Таникли навоийшунос А.Ҳайитметов эса унинг турли йиғин, анжуман, адиблар билан суҳбатларида Навоий, Муқимий каби шоирларнинг юзлаб байтлари ўз илмий шарҳини топиши ҳақида тўхталиб: «... мақолаларида ана шу суҳбатларнинг ёқимли бўйи келиб туради»<sup>25</sup>, -деб ёзади.

Ғафур Ғуломнинг Алишер Навоийга бўлган муносабати турли йилларда яратилган тадқиқот (маърузалари, айрим замондош адиблар, хусусан, Ойбекка муносабатида ёрқин ифодасини топган. Улар ХХ асрнинг 40-йилларидан, 60-йилларининг иккинчи ярмигача бўлган даврда юзага келганлиги боис ўша даврларда адабиёт-санъат олдида турган вазифалар кўлами, навоийшуносликнинг ривожланиш босқичларига хос хусусиятлар, тадқиқотчи қарашларининг такомили каби масалалар назарда тутилди. Ғафур Ғулом Ўзбекистон ёзувчиларининг иккинчи съезди (1939 й. 23-27 апрел) да «*Фольклордан ўрганайлик*» мавзусида маъруза қилган (11 т. 39-81 б.)

<sup>24</sup> Мамажонов С. Услуг жилolari. Т. : Адабиёт ва санъат, 1972, 155 б.

<sup>25</sup> Ҳайитметов А. Мумтоз адабиётимиз билимдони // Адабий меросимиз уфклари. Т. : Ўқитувчи, 1997, 55 б.

У ўз сўзида Алишер Навоий «Хамса»сида ўзини «халқнинг бахшисиман», -деганига таяниб, «бахши» сўзини фаол истеъмолга киритишни дадил ёклайди. Ёзма адабиётдан фольклорга ўтган баъзи сюжетлар ҳақида тўхталар экан, Алишер Навоийнинг «*Фарҳод ва Ширин*» достони билан унинг халқ вариантыни киёслайди. Достонларнинг миллий маҳдудликдан батамом холи эканлигига диққат қаратади.

Алишер Навоий «*Фарҳод ва Ширин*» достонини ёшида фольклордан кенг фойдаланган бўлса, бу достоннинг халқ вариантлари асосида Навоий достонларининг сюжети ётишини таъкидлаб ўтади. Навоий достонида меҳнатсеварликни, меҳнат аҳлига чуқур эҳтиромни кўрган тадқиқотчи Фарҳод образида она заминни нопок кимсалардан поклаш қудратини кўради. Икки қалб муҳаббатидаги реал ишқ талқинларига, меҳнат ва садоқат мавзусига диққат қаратади. Шу маънода Фозил Йўлдош ўғли вариантыдаги оптимистик хотимага алоҳида эътибор билан қарайди. Навоийни «*улуғ адиб, шоир ва олим*», - деб таърифлаган Ғафур Ғулом «Хамса»га кирган достонларнинг кўплаб хикояларидаги фантастик улғворликни «*ақлларни шоширар даражада*», мукамалликни «*санъат тожиди гавҳар*», - деб таърифлайди. Навоийни эса «халқнинг улуғ ижодкори», - деб баҳолайди. Ёзма адабиёт маданияти эришган улкан ютуқлардан фаол истифода этишга, адабиётнинг ҳар иккала шаҳобчасини ривожлантиришга даъват этади.

Навоий таваллудининг 500 йиллик юбилейига бағишланган анжуманда сўзлаган «*Навоий ва замонамиз*» (1948) номли маърузасида «*ўзбекнинг улуғ шоири*», «*инсон фарзанди*»нинг жаҳон маданияти ривожига қўшган ҳиссаси, ижодий тафаккурининг диапозони, фидоийлиги муносиб баҳоланган. Улуғ мутафаккир асарлари руҳига сингдирилган инсонпарварлик, адолат, дўстлик, илм-маърифат каби Ғафур Ғулом алоҳида тўлқинланиб, ифтихор билан сўзлайди. ғояларнинг аҳамияти тўғрисида

1955 йилад ёзган «*Ойбек ёзувчи ва олим*» номли мақоласида ўзбек адабиёти ва адабиётшунослиги равнақида муносиб ҳисса қўшган Ойбекнинг «*Навоий*» романи муваффақиятини таъминлаган омил сифатида муаллифнинг Навоий яшаган давр ва шоир меросини теран ўрганганлигини санайди. Ғафур Ғулом «*Навоийнинг адабий мероси*», «*Улуғ мутафаккирнинг ҳаёти ва ижод йўли*», «*Навоий идеяларининг кенглиги*» каби Ойбек мақолаларининг илмий-назарий қимматини юксак санайди. Ойбекнинг илмий асарлари навоийшуносликнинг ривожланишида алоҳида ўрин тутишини эътироф этади.

Англашиладики, Ғафур Ғулом ўз даври адабий-илмий жамоатчилиги ижодини, адабий жараёни фаол кузатиб борган. Ўрни билан уларга ўз муносабатини билдирган ҳозиржавоб мунаққид ҳамдир.

Навоий комитасининг X анъанавий илмий сессиясида улуғ шоир таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан Ғафур Ғулом «*Буюк устоз*» (1966 й.) номли маъруза билан чиқди. Бу анжуманни «*халқ маданиятининг*



*байрами»*,- деб атаган Ғафур Ғулом Навоийнинг туркий тил ва адабиёт ривожига кўшган муносиб хиссасига, зуллисонанлик маҳоратига алоҳида эътибор беради. Она тилидаги адабиётни ривожлантириш, унинг имкониятларини кенгайтиришдаги Навоийнинг алоҳида фидоийлигини улуғлайди.

Йигирма етти йил давомида Навоий шахсияти ва ижодига муттасил эътибор бериб келган Ғафур Ғулом ижодини кузатар эканмиз, у бирор марта ўз-ўзини такрорламаслиги, ҳар гал илмий жамоатчилик хузурига масаланинг янги бир қиррасини кашф этиш-янги бир гап айтиш учун чиққанлигининг гувоҳи бўламиз. Бу ҳол олимнинг муттасил изланганлиги, Навоийдан мудом рағбат олгани, олимлик масъулиятини теран ҳис қилгани билан изоҳланади.

Ғафур Ғулом шарқшунос олимлар: В.В.Бартольд, А.С.Самойлович, Е.Э.Бертельс, А.К.Боровков, С.Е.Малов, Н.Ю.Якубовский, А.А.Семёнов, Ҳ.Орасли, Б.Қорриев, А.Мирзоев, Ш.Абилов каби татар, озарбайжон, туркман, тожик, рус олимларининг Навоий ижоди муҳим масалаларига бағишланган тадқиқотлари билан яқиндан таниш бўлган. Ўзининг сал кам ўттиз йил давомидаги Навоий комитасидаги фаолиятида Иззат Султон, Воҳид Зоҳидов, Воҳид Абдуллаев, Мақсуд Шайхзода, Ҳоди Зариф, Порсо Шамсиев, Ҳамид Сулаймонов, Ғулом Каримов, Абдуқодир Ҳайитметов, Суйма Ғаниева каби навоийшунослик фанининг асосчилари билан ҳамкор-ҳамнафас ишлади. Барчасининг ижодларини синчковлик билан кузатиб борди, ўрни билан уларнинг фикр-мулоҳазаларига таяниб иш кўрди. Шу боис ҳам Ғафур Ғуломдай Навоий ижодининг зукко тадқиқотчиси билдирган аксарият фикр-мулоҳазалар бугун ҳам ўз қимматини сақлаб турибди.

### **1.5. МУҚИМИЙ ВА ҒАФУР ҒУЛОМ<sup>26</sup>**

Ғафур Ғуломнинг Шарқ классикларига муносабати ва улардан ўрганиши ҳақида тўхтаган С.Мамажонов мазкур жараёни тубандаги шаклларда юзага чиққанлигини таъкидлайди:

1. Улар асарларини бевосита ўқиб-ўрганиш.
2. Улар тўғрисида илмий тадқиқот ишларини олиб бориб, мақолалар ёзиш ва маърузалар билан чиқиш.
3. Улар асарларининг нашрга тайёрлаш.
4. Улар асарларини таржима қилиш.<sup>27</sup>

Ғафур Ғуломнинг Шарқ адабиётининг чуқур билимдони эканлиги ҳеч кимда иштибоҳ туғдирмайди. Араб ва форс тилларини чуқур билган Ғафур Ғулом Рўдакий, Фирдавсий, Умар Хайём, Саъдий, Ҳофиз, Бедил,

<sup>26</sup> Ушбу фасл ф.ф.н. доц. И.Ёқубов билан ҳамкорликда ёзилган.

<sup>27</sup> Мамажонов С.Услуг жилолари. 155-158 б.

Низомий, Фузулий, Лутфий, Атоий, Жомий, Навоий, Бобур, Машраб, Огахий, Муқимий, Завкий, Аваз ва бошқа кўплаб ижодкорларнинг адабий меросидан бахраманд эди.

Адабиёт мухитида туғилиб вояган етган Ғафур Ғулом отаси ва амакисининг таъби назми борлиги боис оиласига келиб юрган Муқимий таъсиридаги одамлар орасида камол топган. Муқимий вафоти билан Ғафур Ғуломдай бир хассос шоирнинг туғилишида ҳам қандайдир бир рамзийлик бордай туюлади.

Ғафур Ғулом муқимийшунослик илми тараққиётига баракали ҳисса қўшган тадқиқотчилардан биридир. Унинг «*Муқимий*»(1938), «*Муқимий мактублари*»(1941), «*Муқимий*» (1953), «*Демократ шоир*» (1953) каби маколалари, шунингдек, шоир асарларини тўплаб, «*Муқимий баёзи*»нинг тузилиши (1938) Муқимийнинг ҳаёти ва ижодий қиёфасини тиклашда, кейинги тадқиқотларга кенг имкониятлар яратишда ўзига хос ўрин тутди. Кейинги йилларда Муқимий ижодини ўрганган Ҳ.Ёкубов, А.Олимжонов, Ҳ.Зарифов, Ҳ.Раззақов, И.Мўминов, А.Абдуғафуров, Ғ.Каримов, С.Ахмедов сингари олимлар Ғафур Ғулом бошлаган хайрли ишни давом килдирдилар. Ғафур Ғулом 800 мисрадан иборат 27 шеърни жамлаган «Баёз»да уларни жанр тамойилларига қараб (сатира, юмор, лирика)жойлаштирган, зарурий изоҳ ҳамда лугатлар билан таъминлабгинақолмай, Муқимий биографияси ва ижодининг энг муҳим томонларини тавсифловчи кичик «сўз боши» ҳам ёзган эди. Шу билан бирга Ғафур Ғулом 1941 йилда Муқимийнинг жияни Рўзимухаммад Дўстмухаммад ўғлидан шоирнинг 1898-1899 йилларда Петербург ва Москвага ёзган 18 та мактубини олиб, Қўқондаги шоир номи билан аталувчимузейга тақдим қилди. Тадқиқотчи Муқимий таржимаи ҳолини ёзган Уйғунни ҳам, ЎзФА Тил-адабиёт ва тарих институти жамоасини ҳам мазкур қимматли манбалардан фойдаланишга даъват этади. Чунки мактублар ўша давр ҳаёти, шоир ижоди, таржимаи ҳоли ҳақидаги жуда кўп ноёб қирраларга оидинлик киритишда қимматли манба вазифасини ўтар эди.

Ҳақли савол туғилади. Хўш, Ғафур Ғулом Муқимий ҳақидаги тадқиқотларида қандай масалаларга эътибор берди? Унинг диққат марказида турган масалалар ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун мазкур тадқиқотларни синчиклаб кузатиш зарур бўлади. Агар эътибор берсак хронологик жиҳатдан бу изланишлар 1938-1953 йилларда (ўн беш йил ичида) юзага келган. Наҳотки, Муқимий ва Ғафур Ғулом мавзусини ўн беш йил билан чегаралаш мумкин. Йўқ, албатта. Бу ўринда сўз фақат тадқиқотлар яратилган давр ҳақидагина бормоқда

Ғафур Ғуломгача турли кўлёзма ва тошбосма баёзлар, «*Туркистон вилоятининг газети*» саҳифаларида босилган Муқимийнинг айрим асарларидан намуналар, Н.П.Остроумовнинг шоир асарларини тўплаши, таржима килиши, кичик тақриз ёзиши, шунингдек, М.Ф.Гаврилов тақризи ва бошқа девонлар бор эди. Тўғрул томонидан ёзилган «*Эски*

шоирларимиздан *Муқимий*»(1923) номли «*Фарғона*» газетасининг 17 март сонига кичик мақолани ҳам шу қаторга киритамиз.

Шоир вафотининг 35 йиллиги муносабати билан ўтказилган юбилей кунларида юзага келган «*Муқимий*» номли мақолада шоирнинг насл-насаби, у яшаган даврнинг ўзига хос томонлари ёритилади. Шу асосда шоир ижодига рағбат берган манбалар асосланади. Муқимий халқ кайфиятини ифодалаган «*Энг демократ шоир*»<sup>28</sup> деб баҳоланади.

Ғафур Ғулом Муқимий ижодига хос реализмни ҳажвий асарларида кўрса-да, шоирнинг ишқий ғазалларидаги маҳоратини улуғлайди. Муқимий асарларининг тез оммалашшини уларнинг тили равлони, мавзулари ҳаётлиги, мусикийлиги каби жиҳатлардан излайди. Шоир ҳаттотлиги ҳақида сўзлар экан: «*хатни расм даражасида гўзал ёзар эди*», -деб таърифлайди. Муқимийнинг араб ва форс тилларининг нуқтадон билимдони бўлганлиги, ўз даврида ижоди муносиб баҳоланмаганлиги ҳақида тўхталиб, «мардуми Фарғона»бўлган шоирнинг эътиборини муносиб ўринга қўйишга интилади. «*Ўзбек халқининг мўътабар шоири*», «*...ижоди катта тарихий аҳамиятга эга*»,-дейди. Шунингдек, «*Баёз*»ни тузишда бироз шошилишга тўғри келгани, бу изланишлар кейинги тадқиқотларга дебоча бўлажагига камтарона изох беради.

«*Муқимий мактублари*» мақоласида Ғафур Ғулом Рўзимухаммад Дўстмухаммад ўғлининг биографиясига қисқача тўхталар экан, Муқимийнинг ўз даври маданий кишиси бўлганлигини рус консули билан муносабатларидаги маърифатпарварликдан, мактублари мазмун-мундарижасидан келтириб чиқаради. Муқимийнинг анча мукамал «Танланган асарлар» (1942 й.)ини нашрга тайёрлаган Ғафур Ғулом тўпламга «*Муқимий ва Муҳйи*» номли мақоласини ҳам киритади. Шу йили мақур тўплам рус тилига ўгрилиб, нашр қилинди.

1953 йил Муқимий ижодини ўрганиш тарихида ўзига хос ўрин тутди. Шоир вафотига эллик йил тўлишини нишонлаш мақсадида ўтказилган юбилей муносабати билан Ғафур Ғулом август ва сентябр ойларида «*Муқимий*», «*Демократ шоир*» номли иккита мақола ёзган. Биринчи мақолада шоирнинг ўзбек адабиёти ва адабий тилини ривожлантиришдаги «*буюк хизматлари*» юксак баҳоланган. Тадқиқотчи шоирнинг халқ «*фикр-туйғуларини ҳаққоний*» ифодалаганлигига, зийрак нигоҳига эътибор беради. «*Фақир ва бечора киши*» бўлган Муқимийнинг оддий халққа руҳан яқинлигидан келиб чиқиб, унинг асарларидаги ҳажвий йўналишнинг сабабларини изоҳлайди. Шоирнинг халқ тилидан ёрқин ва ўткир ибораларни танлай олгани, кўпгина ғазалларини халқ куйларига мослаб ёзгани, ижодий концепциясига содиқлигини улуғлайди. «*Араванг*», «*От*», «*Лой*», «*Танобчилар*», «*Баччагар*», «*Саёҳатнома*» каби асарларини таҳлил этиб, халқнинг семмли шоири эъзоз топаётганидан, «*рост сўз*» кадр-қиммат топганидан мамнунлигини изҳор этади.

<sup>28</sup> Муқимий. Асарлар. Икки томлик. Т. 2, Т. : 1960, 156 б.

«Ўзбек адабиёти хазинасида Муқимий ижоди алоҳида ўрин эгаллайди», - деб ёзади Ғафур Ғулом «Демократ шоир» номли мақоласида. Муқимийни адабиётдаги илғор аъёнларнинг қонуний меросхўри ва давомчиси деб билган тадқиқотчи шоир асарларида ўз даври идеаллари ифода этилгани, халқ орзу-умидлари қуйланганлигини алоҳида таъкидлайди. Муқимий ижодини Навоий, Турди, Гулҳаний, Махмур аъёнлари билан боғлаб, адабий меросини сатирик, юмористик, саёҳатнома ва лирик шеърлар тарзида муайян гуруҳларга ажратиб ўрганишни тавсия этади.

Ғафур Ғулом Муқимийнинг «Тўй», «Вексель», «Воқиаи кўр Ашурбой ҳожи», «Танобчилар», «Мингбоши», «Саёҳатнома» каби асарларида яратилган сатирик образларни таҳлил этади, мазкур асарлар халқчиллиги ва бадий кимматини изоҳлашга уринади. Шоирнинг лирик шеърларига тўхталар экан, кўпроқ уларнинг мазмунига диққат қаратиб, бу йўналишда уни Саъдий, Низомий, Жомий, Навоий, Бедил каби шоирлар аъёнасининг давомчиси деб билади. Муқимий шеърлятида ёрқин ифодаларнинг бисёрлиги, мазмунан чуқур, ғоявий юксак бу асарларнинг жарангдор тили, содда услубини эътироф этса-да, мисоллар орқали ўз фикрларини тасдиқлаш йўлидан бормайди. Тадқиқотчи сатириани ривожлантиришда нуқул рус адабиётигагина эмас, балки Муқимий асарларига ҳам мурожаат қилиш яхши самаралар беришини алоҳида таъкидлаб, ўша даврда урф бўлган бу тенденциозликдан сақланишга даъват этади.

Кези келганда шунини ҳам айтиш керакки, Ғафур Ғулом империалистик урушнинг ҳар қандай кўринишини қаттиқ танқид қилган жасоратли, қатъиятли тадқиқотчилардан бўлган. Муаллиф Муқимий балоғатга етган давр ҳақида тўхталар экан, 1938 йилдаёқ ўтмиш тарихий воқеалари ҳақида шундай ёзади: «... Рус империализми Туркистонни босиб олди... Ўзбек меҳнаткаш деҳқони ва қосибининг бошига феодализм зулмати билан биргаликда рус империализмининг мустамлакачилик қамчилари ҳам ёғила бошлади. Меҳнаткаш халқ уч ёқлама зулм остида қолди. Мамлакатда ишсизлик, батраклик, дарбадарлик, очлик, яланғочлик ҳукмрон бўлди». Бу масалани тўлароқ изоҳлаш учун Ғафур Ғуломнинг Фуркат ҳақидаги «Шоир айблайди», «Фуркат рус аскарларининг қудрати тўғрисида» (1949 й.) номли мақолаларидан ҳам айрим иқтибосларни кузатиб ўтишга тўғри келади (11 т. 111-117 б.) Ақл ҳукми, идрок ва фикр тийранлигига даъват этган Ғафур Ғулом Фуркатнинг «Бу сўзнинг рамзини доно билур, бас» деган сатрларига урғу бериб, Ҳиндистондаги инглиз мустамлакачилиги ҳақида тўхталиб: «...бу уларнинг тажавузкор ота-боболаридан қолган расмдир», - деб ёзади.

Таассуфки, Ғафур Ғуломнинг бундай даъватларига эътиборсизлик, журъатсизлик туфайли кейинчалик Марказий Осиёнинг Россия томонидан босиб олинishi 80- йилларнинг иккинчи ярмигача адабиётларда ғоят ижобий ходиса сифатида талқин этиб келинди.

Кўринадики, Ғафур Ғулом мумтоз адабиётнинг кўплаб масалалари катори Муқимий ижодини ҳам тадқиқот объекти деб билган. Уни доим ўзига мафтун этган масалалар Муқимий ижодининг халқчиллиги, халқ кайфиятини ҳаққоний ифодалаши, асарларининг ҳалоллик ва поклик руҳи билан суғорилганлиги, ҳазил-мутойибага бойлиги, тилининг соддалиги, инжа бадийяти эди. У Ўзбекистонда муқимийшуносликнинг юзага келиши ва ривожланишига баракали ҳисса қўшган тадқиқотчилардан бири бўлиб, аксарият тадқиқотлари бугунги кунда ҳам ўз қимматини тўла сақлаб келаётганининг ўзиёқ фикримизни тўла тасдиқлайди.

«*Мен ўз халқимнинг тилиман*», - деган иборани кўп қўллаган Ғафур Ғулом илмий изланишлари, кузатишларидан келиб чиққан хулосаларини бадий ижодида фаол қўллаган ижодкор эди. Унинг асарларига улуғвор мафтункорлик, халқчиллик ва жозибавий қудрат берган омиллардан бири ҳам шундадир. Ғафур Ғулом ғайриинсоний ҳолатларнинг барчасига нафрат билан қараган инсонпарвар, меҳрибон, меҳмондўст қалам соҳиби эди. У ўзбекнинг саҳийлик тимсолига айланган эди, десак хато қилмаймиз. «*Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим ... бахт уйда тунаб ўтинг, дўстларим*», ёхуд «*Сен етим эмассан, тинчлан жигарим*» сингари сатрларни ёзиш учун шарқона шеърини лутфдан ташқари инсоний самимият ва улуғворлик зарур. Бу самимиятнинг Ғафур Ғулом ижодига кўчгани айниқса қувонарлидир. Муҳими, у ўзбекнинг бир ўғли ўлароқ, ўзбекона характер фазилатларини ўзида жамулжам эта оладигина эмас, шу халқнинг номини эъозлашга, заминнинг тузини оклашга ўзини бурчдор деб биларди.

Ғафур Ғулом мумтоз адабиётнинг ички моҳиятини, ижтимоий-руҳий қудратини, бадий даражасини яхши тушунган, халқона донолик, ҳазил-мутойибага чанқоқлик, топқирлик фазилатларига эга бўлган кишидир. Айниқса, унинг Муқимий ижодига меҳри беқиёс бўлганки, нақл қилишларича, «Муқимий» сўзини «Муқумий» тарзида нотўғри талаффуз қилгани боис шогирдларидан бирини уйдан хайдаб чиқарган экан. Чамаси, у талаффуздаги хатоликни эътиборсизлик ва масъулиятсизлик, қолаверса, шоирга хурматсизлик деб тушунган бўлса керак.

Хуллас, Ғафур Ғулом ижтимоий қоқоқликни, маънавий тубанликни, тузумнинг носоз жиҳатларини, қашшоқлик, камбағаллик, ночорлик сабабларини ҳаққоний тасвирлашда Муқимийдан ўрнак олган. Унинг айрим жанрлардаги асарларидан таъсирланган. Сатирик қаҳрамонларни ўз тилидан фош қилдириш услубидан самарали фойдаланган. Масалан, Муқимийнинг «*Қорхат*» номли маснавийсида халқнинг қадимий расм-русумларига биноан хатни манзур қилиб, ўз аҳволига ишора қилиш тамойили кузатилади. Шоир «*Кийдуринг шол, беқасам, адрас*», - дея ўзининг хаста аҳволини баён қилади. Худди шунга яқин детал Ғафур Ғуломнинг «*Шум бола*» қиссасида ҳам учрайди. Бундай ҳазил қилиш усули асарнинг табиийлигини кучайтиради. «*Ҳожи бобо, раҳм айлангиз аҳволима*» сатрларини ёзган «*етим шогирди*»га нисбатан меҳри ийиб,

кўзига ёш олади. «Жигаримни эзиб юбординг», - деб духоба қалпок ҳада қилади. Ҳинд сарроф эса уч кундан кейин енгсиз тўнани тортиқ қилади.

Асардаги пуштихаммомлик домла ўзининг бобокалонларини Ғавсул аъзамга олиб бориб такаса, Раҳмат хожи «хожи»лик рутбасини пеш қилишни хуш кўради. Кўса маддох эса воизлик хунарини «*Ўн етти насаб билан Мавлоно Ҳусайн воиз Самарқандийга вобаста бўлурмиз*»<sup>29</sup>, - деб оғиз кўпиртиришдан бошлайди.

Ваҳоланки, домла ўз саводсизлиги билангина эмас, расво тарихи (баччавозлик, нашавандлик, киссавур-ўғрилик) билан ҳам, майхўрлигию гуноҳ-савобни фарқламаслиги билан ҳам ўта салбий шахс. Раҳмат хожи эса «*кўзга яқин, хушрўй бесоқоллардан бири*» ўларок ўз хотинини қўшмачиликка даъват этишдан ҳам тоймайдиган бебурд кимса. Найрангбоз маддох эса, чор маъмурларининг ишончли ялоқхўри. Амри маъруф баҳона халқни итоатгўйликка, мутъеликка даъват этади. Бундай типларни Ғафур Ғулом «*Шум бола*» киссасида усталик билан фош этиб, кулгили ва аянчли характерлар ярата олган.

Назаримизда, мазкур ўринларда ҳам шоир мумтоз адабиёт анъаналарига ижодий ёндошиш йўлидан боргандек туюлади. Муқимийнинг «*Танобчилар*» сатира<sup>30</sup>сидаги таноб воқеаси билан боғлиқ воқеаларни эсласак, бунга тўла ишонч ҳосил қиламиз. Асардаги Султон Алихўжа ва Ҳакимжонлар ҳам ҳар бир қишлоқда ўз билан мактанадилар. Улар ўзларининг Махтуми аъзам, Эрхубби, Нурота, Биби Убайда, Хўжаи Хизр авлодларидан эканликлари билан мактанишларига қарамасдан, хийлагарлик, таъмагирлик, золимликлари билан машхурдирлар. Муқимий улардан хазар этишга чорлаганидек, Ғафур Ғулом ҳам янги бир тарихий шароитда, янгича жанрда бу услубдан самарали фойдаланиб, ўз маҳоратини намоён эта олган. Характерлар моҳиятини очишдаги бундай тамойилга амал қилишдаги ёзувчи маҳорати «*Шум бола*» киссасидан келтирилган битта-иккита мисол доирасидагина чекланмайди. Бундай мисоллар Ғафур Ғуломнинг публицистик асарларида, шеър ва дostonларида кўплаб учрайдики, анъана ва новаторлик йўсинида мазкур муаммони алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

<sup>29</sup> Ғафур Ғулом. Муқаммал асарлар тўплами. 5 т. Т. : Фан, 1986, 103-127 б. (Ёзувчи киссаларидан келтирилган матнлар шу нашрдан олинди, қавс ичида жилд ва саҳифа кўрсатиб борилди)

<sup>30</sup> Муқимий Шейрлар. Т. : 1951, 21-23 б.

## ПОЭТИК ТАЛҚИНДА МЕЪЁР

## 2.1. ЛЕКСИК ТАКРОР СТИЛИСТИК ФИГУРА СИФАТИДА

Поэтик нутқда меъёр масаласига риоя этиш бадийликни юзага чиқаришда муайян асар қурилмасидан мустахкам жой олиб, маълум ғоявий – эстетик мақсадга бўйсундирилган бадий такрор муҳим аҳамият касб этади. Поэтик нутқдаги такрор шеър тузилиши мезонларини белгилаш имконини ҳам беради. Атоуллох Махмуд Хусайнийнинг нутқдаги бадий воситалар тахлилига бағишланган *«Бадойиъу-с-санойиъ»* (Санъат янгиликлари) рисоласида маънавий гўзал санъат сифатида қайд этилган *«такрир»* (“такрор”) хақида қимматли фикрлар баён қилинган. Такрорни икки турга ажратган олим ёзади: *«Биринчи турли улдурким, лафз (“сўз”-Т.М.) айнан такрорланур . . . Иккинчи турли улдурким, лафз эмас, маъно такрорланур ва маънонинг такрори умумийсидин сунг хусусийнинг зикридин иборат бўлмоғи мумкин»*<sup>31</sup>.

Англашиладики, такрор маънони кучайтириш, таъкидлаш, эстетик таъсирчанликни ошириш, фикр камровини кенгайтириш, шоир мақсадини конкретлаштириш сингари мақсадларга хизмат қилади.

Бинобарин, бадий такрорлар поэтик нутқнинг ифодавийлигини оширади. Шеърнинг мусиқийлиги, ритми, вазни, банд ва қофия санъати юзага чиқишида ҳам, китобхон қалбига кучли ҳиссий таъсир этишида ҳам бадий такрорлар муҳим аҳамиятга эга. Поэтик тилнинг тасвир воситалари ва шеър тузилиши унсурлари билан узвий тарзда алоқага киришиш орқали бадий такрор ўз вазифасини ўтайди. Адабиётшунос олим Т.Бобоев бадий такрорларни фонетик, лексик, морфологик, синтактик такрорлар тарзида муайян тизимда тасниф қилиб ўрганиш мумкин деб ҳисоблайди. У анафорани лексик такрорлар сирасига киритади.<sup>32</sup> Н.Ҳотамов ва Б.Саримсоқовлар қаламига мансуб *«Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати»* китобида анафора *«Бир хил сўз ёки сўзларнинг мисралар бошида такрорланиб келишига асосланган стилистик фигура»*, - деб таърифланади<sup>33</sup> Биз лексик такрорлардан бири бўлган анафоранинг Фафур Фулом шеърлятида мисралар бошида ўзига хос

1 Атоуллох Хусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. Тошкент. 1981. - Б: 172-173

2 Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Тошкент. Ўзбекистон. 2002, 431 б.

3 Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. Тошкент: Ғитувчи, 1983, 31 б.

стилистик фигура сифатида такрорланиб келиши қонуният кай тахлитда юзага чиқиши жараёнини имкон қадар кузатишга ҳаракат қилади.

Академик шоир Фафур Гулом бадиий такрорнинг ўзига хос тури бўлган анафорага ҳам фаол мурожаат қилган. Уларни таркибий тузилиши жиҳатидан икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. **Содда анафоралар.** Улар бир сўздан иборат бўлади.
2. **Қўшма анафоралар.** Икки ва ундан ортик сўздан таркиб топади.

Шоир шеърятида учровчи анафораларни муайян сўз туркумларида ифодаланиши жиҳатидан ҳам нисбий равишда муайян гуруҳларга ажратиш мумкиндир. Жумладан, «кеча» (от), «биламан» (февъл), «бевақт» (сифат), «менинг», «бизнинг», «бу», «не учун», «ҳаммасининг» (олмош), «бир», «бириси» (сон), «на», «ахир» (ёрдамчи сўз туркумлари), «эй» (ундов сўз) ва ҳоказо.

Фафур Гулом шеърятида нисбатан фаол қўлланилган анафораларни маъно ва вазибаларига кўра назаримизда қуйидагича тасниф қилиб ўрганиш мумкин:

**1. Экспрессивликни оширувчи анафоралар.** Шоир шеърый нутқ образлигини таъминлаш, ифоданинг жонли ва таъсирчан чиқишига эришиш, лирик ҳароратни, хаяжонни акс эттириш, муайян ҳолат-кайфият, фикр-туйғуни истиоравий образлар воситасида беришга интилар экан анафорага мурожаат этади:

*Бу ерларда қайғу мутассил кезар,  
Бу ерда шамоллар тортарди фиғон.  
Бу ернинг водийси, ўрмон, тепаси  
Қонли шабнамларга бўкиб ётади,  
Бу ердан ҳар дамда чолғи кўтариб,  
Мудҳиш шарпа - ўлимнинг ўзи ўтади. (2 т. 31 б.)*

Шоирнинг «Талон-тароҷ қилинган ерда» деб номланувчи шеърдан олинган ушбу парчада «бу ер» бирикмаси анафора бўлиб келган. Фафур Гулом инсоният бошига ёғилган фашизм балосининг мудҳиш оқибатлари ҳақида лирик ҳарорат билан сўзлайди. Харобага айланган қишлоқ ва шаҳарлар, ўлкада кезаётган очлик, юпунлик, хўрлик ва ўлим сукунатининг шарпаси ҳақида баён қилган шоир саноксиз қурбонлар ҳамда етим қолган беҳисоб гўдакларнинг ноласи манзарасини китобхон кўз ўнгига келтиради. Ота-боболарнинг муқаддас ерига бало-офатлар ёғдирган малъунларга бўлган нафратини ошқора тарзда «кўптак», «қузғун» «тубан ўғри», «мудҳиш жонивор», «ҳайвон», «бўри», «ифлос қотил» каби сўзлар орқали хаяжонини яшира олмай баён этади. Шоирнинг қонли туманлар ваҳшатидан вужуди яраланган, водий шамоллари фиғону нолалари қузғунлар эгаллаган мухташам қасрлар узра саросар кезган ва дарёлари



бевалардай ғиғон тортган ватанга карата: «*Қайси құл бошингга бало келтирди?*» - дея мурожаат қилиши бежиз эмас. Она заминнинг душманлар учун тобут бўлажағига қатъий ишонган лирик қахрамон дадил ва жасоратли исёнкорга айланиб, қотилларга нисбатан қазо ҳукмини ўқийди. Бутун бир тарих номидан, юрт номидан сўзлаш ҳуқуқини қўлга олган шоир: «*Қотилни авф этмас тарих мутлақо*», - дея таъкидлар экан, «*Хўрликка чидама, титра, эй замин*», - дея мурожаат, даъват қилади.

Гарчанд, зохиран фашизм балосидан инсониятни ва бутун ер юзини халос этиш хақида гап кетаётган бўлса-да, шоирнинг таъкидидаги «бу ер»нинг қайта-қайта такрорланиши шоирнинг лирик ҳароратни миллий заминдан олаётганлигини кўрсатади. Бу фикрни Ғафур Ғуломнинг: «*Эй ота-бобомнинг муқаддас ери*» - деган ҳайкирикка айланган мурожаати янада кучайтиради. Англашиладики, анафора шеъринг ботиний мазмунига яширинган тағмаънони таъкидлаш, урғуни кучайтириш орқали экспрессивликни оширишга хизмат қилган. Қўлида чолғу кўтариб юрган ўлим шарпаси мамлакат тақдири, яқин ўтмишидаги фожиали катогонларга ишорадир.

Таъкидни кучайтиришда анафорага мурожаат этиш Ғафур Ғулом шеърятининг умуминсоний моҳиятини оширишга, поэтик талқин жилволари жилвасининг ранг-баранглигига ёрдам беради. Шоирнинг «*Агар уруш бўлиб қолса*» номили шеър юқоридаги мисолда келтирилган «*Талон-тароҷ қилинган ерда*» каби 1942 йилда эмас, балки ундан ўн тўрт йил олдин ёзилган. Бироқ Ғафур Ғуломнинг шоирона безовта қалби истикболида бўлиши эҳтимоли бўлган урушни юртдаги муҳҳиш қаҳатчилик, дунё харитасидаги бир-бирига зид кучларнинг «*жаҳонни чайнамак*» истағидаги интилишларида кўради:

*Бўлиб қолса уруш,*

*Яна каллалардан тўпланган хирмон*

*Яна кучсизни эзиш,*

*Яна кесик бошларнинг қонида тегирмон! (1 т. 41 б.)*

Эл-юрт осойишталиги, яратиш ва яшнатиш, бунёдкорликни етакчи эстетик идеал деб билган шоир урушнинг захарли тутуни заминнинг ҳар бир кўқатидан тортиб, ижтимоий маънавий иқлимига, муқаррам зот бўлган инсоннинг ҳаётига раҳна солиши мумкинлигидан қуюнади. Соғлом тафаккурга сиғмайдиган нафс илинжида эврилишлардан ҳайратланади. Ўз хаяжонини шу қадар ошқора ифодалайдики, ҳатто сўз тополмай, тили калимага келмай қолган ҳолатни: «*Бу қандай иш?*» - деган сўрок, таъкид орқали ифода этади. Шеър матнида такрорланувчи «яна» ва «бу» сўзлари кайфият ва ҳолатни ишонарли чизиш, такрорни кучайтириш мақсадида қўлланган анафора орқали ифода қилинади.

Ғафур Ғуломнинг шеърӣ тафаккур уфқлари «*миллионларнинг бахтига пайванд*». Шу боис жаҳоннинг «*бир қатра симобдай қалқиб,*

тиграб» туриши, хусусан, эрксевар араб халкининг қадимий маданиятига дахл қилиниши хабарини эшитганида ўзини ливанликларнинг қондош, қариндош, «миллиард сонли энгилмас муаззам Шарқ» ўғлони деб билиб янқиларга қарши туради.

Мухими шундаки, Ғафур Ғулом шеърлятига хос бўлган оптимистик пафос ифодаси «Ливан омон бўлади» (1958) шеърида ҳам устиворлик қилади. Шоирнинг: «Бирор халқ иродаси минбаъд бўлмас поймол, ... Қадам-қадам эргашиб келмоқда зўр истиқбол» сингари мисралари фикримизни далиллайди. Шоир учун Ўрта денгиз сохиллари ёхуд Қизил денгиз атрофлари, борингки, дунёнинг истаган бурчагидаги ғайри-инсоний ҳаракатлардан жабр чекаётган инсон боласининг дарди, изтироби зинҳор бегона эмас:

Хали Порт-Саиддаги гуссалар унитилмай,

Хали Сувайш сувлари бўлмасдан мурдадан пок,

Хали номард Идендан қиссалар унитилмай,

Хали тамоман битмай сийнадаги қонли чок. (3 т. 144 б.)

дея хуноб ва дарғазаб ҳолатдаги қайфиятини ифодалаган шоир «хали» сўзини тўрт бора такрорлаш орқали анафора санъатини яратади. Бу орқали тажавузкорликнинг янги тўлкинига хос хунрезликларни таъкидлаб кўрсатишга, таъсирчанликни кўчайтиришга эришади.

Ғафур Ғуломнинг бир қатор шеърлари борки, уларда лирик қахрамоннинг миллий ғурурини коинот қадар юксакликларга кўтариш, миллат табиатига хос меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, сўзда собитлик, душманга нафрат, вафо, садоқат туйғулари улугланади. Шоир миллий ғурур билан ифтихор этаётган туйғулардан кўксини сарбаланд тутувчи китобхон рухиятига таъсир этишни ҳам кўзлайди:

Бизнинг янтоқлардан ҳалво тишгандай,

Бизнинг қамишлардан шакар тўкилур;

Бизнинг тариқлардан бир туйган чумчуқ

Жаҳонлар айланиб йироқдан келур (2 т. 52 б.)

Келтирилган парчада «бизнинг» сўзи анафора ясаб, миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғусининг кучли ифодаланишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

## **2. Пейзаж тасвирлари ва руҳият манзараларини ифода этувчи анафоралар.**

Табиатнинг турфа инжиқликларидан мутаассир бўлган лирик қахрамоннинг руҳий кечинмаларини ифодалашда ҳам шоир анафора санъатига мурожаат этади:

*Бевақт ёмғир ёғди, бевақт келди сел,  
Бевақт сурон солди аёз., қора ел.  
Бевақт сел юракдан ўтгандай бўлди,  
Бевақт ел юракни титгандай бўлди. (4 т. 148 б.)*

Ғафур Ғулом табиат ходисаларининг «бевақт» содир бўлганлигидан, деҳқон меҳнатининг машаққати, иродасининг мустаҳкамлигидан сўзлаган бўлса ҳам, бу хил тебранишларни «юракдан ўтгандай»; «юракни титгандай» ҳис этади. Шу туйғу бутунлигини китобхонга сингдиришга, «қалам аҳли илҳомчилари» бўлган элдошларни рухлантиришга уринади.

### **3. Қаршилантириш ва қиёлаш орқали яратилган анафоралар.**

Ғафур Ғуломнинг «Тун билан тонг» номли Навоий ғазалига боғланган мухаммасида шундай мисралар мавжуд:

*Менинг қарогиму онинг жамоли тун била тонг,  
Менинг заволиму онинг камоли тун била тон,  
Менинг куюк маҳим, онинг ҳилоли тун билан тонг,  
Менинг фироқиму онинг висоли тун била тонг,  
Бу навъ даҳрда йўқ эҳтимоли тун била тонг. (3 т. 343 б.)*

Кузатилган бандда хокисор ошиқнинг маъшукани улуғлаши орқали садоқатини кўрсатиш мақсадида қиёслаш ва қаршилантириш стилистик усулидан фойдаланиб баён қилинаётган фикрга нисбатан китобхоннинг диққати жалб қилинади, таъсирчанлик руҳи орттирилади. Ошиқ сифатлари ва маъшуқа хислатлари қиёсида оқ ва ёруғ рангларнинг қора тунга монанд фироқ ўтида ўртанаётган ошиқ кўнглига қарама-қарши қўйилиши орқали моҳиятан зид бўлган тушунча ва образлардан фойдаланган шоир маъшуканинг бетакрор таърифни яратади. Жумладан, «қорачуқ» ва «жамол», «завол» ва «камол», «куюк моҳ» ва «ҳилол», «фироқ» ва «висол» тушунчаю образлари зидлантрилади. Бунда «менинг» сўзи анафора вазифасини ўтайди. Банддаги қиёслаш ва қаршилантириш анафоранинг жонли, таъсирчан, ёркин бўлишини таъминлайди.

Демак, Ғафур Ғулом шеърияти рангин жилоланишида анафоралардан ўз ўрнида, унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

## **2.2. ҒАФУР ҒУЛОМ ШЕЪРИЯТИДА МУМТОЗ ҚОФИЯ**

Етук санъаткорлар ғоятда мураккаб ва кенг тармоқли бўлган қофия масаласига ҳамиша эътибор билан қарашган. Мағзи тўқ ва маънодор сўзларни қофия сифатида қўллаб, уни мусиқийликка, ритм ва вазн тўлалигига, маъно ва оҳанг яхлитлигига хизмат қилдиришга ҳаракат қилишган. Бунга Ғафур Ғулом ижодидан кўплаб мисоллар топиш мумкин. Шоир ўз ижодида поэтик фикр ва туйғуни ўзига хос тарзда талқин этиш

учун ранг-баранг кофияларни маҳорат билан қўллайди ва ижодкорларни ҳам кофия назариясини чуқур ўрганишга даъват этади. У "Поэтикамизни тобора такомиллаштирайлик" номли мақоласида "Поэтиканинг муқаммал бўлиши учун қофиянинг тўла бўлиши шарт... Биз поэтиканинг бошқа ҳамма қондалари қаторида, қофия системасига ҳам виждонан риоя қилишимиз керак"<sup>34</sup>, - деб ёзади. Ғафур Ғулом кофия шеърятдаги етакчи поэтик унсур эканини ва унга амал қилиш ижодкор учун ғоятда зарурлигини шеърларида ҳам таъкидлаб ўтади. У "Бир гунча очилгунча" номли шеърда:

*Қофия, вазну илҳом  
Шоирга керак жуда (3 т. 8 б.)*

деб келтирар экан, ижодкор шеърларидаги кофиялар унинг маҳоратини, санъаткорлигини белгиловчи муҳим восита эканини қайд қилади.

Дарҳақиқат, Ғафур Ғулом шеъриятидаги кофиянинг турфа хил кўринишлари шоир фикрларининг нечоғлик асосли эканини тасдиқлайди.

XX асрнинг биринчи чорагида ижодий тафаккурда янгиликка интилишнинг кучайиши, янги услуб ва шеърый шаклларнинг, бармоқ, эркин вазнларнинг ривожини натижасида аруз тизимининг етакчилиги ўрни бирмунча сусайди<sup>35</sup>. Бироқ, аруз бутунлай истеъмолдан чиқиб кетмай, кўпгина истеъдод эгалари бу вазнда ҳам самарали ижод қилишди. Улар орасида Ғафур Ғулом ҳам бор эди. Биз ушбу ўринда Ғафур Ғуломнинг айрим ғазаллари мисолида шоирнинг мумтоз кофия ва унинг турларидан фойдаланиш маҳоратини ёритишга ва айрим умумлашмаларимизни баён этишга ҳаракат қилдик.

Қофия назариясига кўра мумтоз кофия муқайяд (ўзак) ва мутлак (кўшимчали) кофиялардан иборат. Айни чоқда бу кофияларнинг ҳар бири уларда иштирок этган унсурлар тақозосига кўра бир канча гуруҳларга бўлинади. Ғафур Ғулом ўз ғазалларида мумтоз кофиянинг муқайяд ва мутлак типларининг кўплаб турларига мурожаат қилган. Шоир ижодидан энг яққол намоён бўладиган кофия турлари куйидагилардир:

**МУҚАЙЯДИ МУЖАРРАД ҚОФИЯ.** Муқайяди мужаррад кофия таъсис, даҳил, радиф ва қайддан холи бўлган, яъни равийнинг ўзи билан чегараланган кофиядир<sup>36</sup>. Масалан:

*Кўк чамандан толе излаб, толе излаб ҳар саҳар,  
Ким кўрингандан сўрарман, Зухро, мен сендан хабар...  
(3 т. 373 б.)*

<sup>34</sup> Ғафур Ғулом. Асарлар. 10 томлик. Т. 8. Тошкент, Адабиёт ва санъат, 1976, 129 б.

<sup>35</sup> Қодиров В. Ҳозирги замон ғазаллари поэтикасининг айрим хусусиятлари. Т.: НДА. 1993

<sup>36</sup> Рустамов А. Кофия нима? Т.: Фан, 1976, 17 б.

**ХУРУЖЛИ МУТЛАҚ ҚОФИЯ.** Бу хил қофияда хуруж иштирок этиб, унга кўра қофияда васлдан сўнг келган ҳаракатсиз ундош ёки чўзик унли қатнашиши лозим:

*Бу кун мен, дўстлар, дил малҳами дилбарни изларман,  
Юзи гул, қомати сарв, сочлари анбарни изларман.*

(1 т. 235 б.)

Байтдаги "дилбарни"- "амбарни" қофиясида ўзакдаги "р" –равий, қўшимчадаги "н" –васл, "и" – унлиси хуруждир. Шоир хуружли мутлақ қофияга мурожаат этиб, маъшуқа сифатларини, ўзига хос жиҳатларини, ошиқ ички оламини жонлантириб бера олган. Маъшукани улуғлаш ва ошиқ кечинмаларини ёрқин акс эттиришда қофиянинг мазкур тури шоирга қўл келган.

Кези келганда шуни ҳам қайд қилиш керакки, Ғафур Ғулом ижодида қофия ҳамиша ҳам мавзу ва ғояни тўғри ёритиб беришга хизмат қилмаган ҳолатлар ҳам учрайди. Унинг "Кўринур" радифли ғазали:

*Кумуш қанот билан учсанг, товляниб тубан кўринур,  
Севимли, кенг, азамат соқил **Ватан** кўринур.*

(1 т. 130 б.)

байти билан бошланади. Бунда "тубан" – "Ватан" сўзлари қофиядош бўлиб, у ижтимоий пафосни куйлашга йўналтирилган.

XX аср ғазалчилигида тил ривожланиши, ўзга шеърый шаклларнинг таъсири ва мумтоз адабиётдан узоклашиш натижасида муайян ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришлар қофия тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Бу давр ғазаллиётида мумтоз қофия қоидаларидан чекиниш ҳоллари кузатилади. Кўпгина шоирлар ижодида учрайдиган бундай чекиниш-ўзгаришлар Ғафур Ғуломга ҳам хосдир. Булар куйидаги ҳолларда кузатилади:

1. Назарияга кўра мумтоз қофия муқаййад ва мутлақ каби типларга ажратилади. Қоидага биноан "... биринчи мисра қандай қофия тури билан бошланган бўлса, худди шу тур қофия сўнгги мисрагача давом этиши керак"<sup>37</sup>. Ғафур Ғулом ғазалларида бундай ҳолатдан чекиниш ҳоллари кузатилади. Унинг "Осмон тўла юлдузлар" деб бошланувчи шеърисида "юлдузинг" – "қундузинг" мутлақи мужаррад қофия, "фол" – "истиқбол" – "завол" – ридфи аслийли мужаррад қофия, "қиёмат" – "саломат" – "ҳарорат" – қофияи муқаййади муассаси ва ҳоказо.

2. Мумтоз қофия назариясига кўра қофияга қўйиладиган бош талаб-равийнинг мос келишидир. Бу қоидадан бузилиши жиддий нуқсон саналган. Равийнинг ҳамиша ҳам бир-бирига мос келмаслиги замонавий шеърятда қофия қўллашнинг ўзига хос хусусиятларидан бирига айланди.

<sup>37</sup> Мирхайдаров Х. Яна қофия ва шеър системаси ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти. 1976, № 2. 62 б.

Жадид шеърятти поэтикасини ўрганган Н.Афокова жадид шоирлари кофияга эркин ёндошганини кўрсатиб беради<sup>38</sup> Ғафур Ғулум ижодида ҳам равийси бир хил бўлмаган кофиялар учраб туради. Унинг "Азон ўрнига мен айтдим" номли ғазалида "унвони"- "жони" сўзларига кейинги байтда "жоми" сўзи кофияланади.

Кўринадики, Ғафур Ғулум ижодида айрим ўринларда мумтоз кофия тартибининг муайян даражада бузилиш ҳоллари ҳам учрайди. Бу хусусий ҳолат бўлмай, унга замондош бўлган аксарият ижодкорлар учун умумий ҳолдир. XX аср биринчи чорагида аруз ва мумтоз кофия таркибида рўй берган ўзгариш ва чекинишлар. Ғафур Ғулум ғазалларида ҳам кузатиладики, мазкур жиҳат унинг лирикасини халқ оғзаки ижоди ва бармоқ шеърятига хос бўлган кофияга яқинлаштиради.

Умуман, Ғафур Ғулум мумтоз кофиянинг муқайяд ва мутлак типларининг кўплаб турларидан маҳорат билан фойдаланган. Шоир кўллаган кофиялар шеърдаги оҳангдорлик ва мусикийликни рўёбга чиқаради, қаламга олинаётган мавзуни жилолантириб, шеърхон диққатини жалб қила олади.

### 2.3. ШОИР ТАФАККУР УФҚЛАРИ

XX аср инсоният тарихида ғоятда мураккаб, зиддиятли ва тахликали давр бўлиб қолди. Бу асрда руй берган зиддият ва мураккабликлар ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётнинг кўплаб жабҳаларида ўз изини қолдирди. Шубҳасиз, жамият ҳаётида рўй бераётган турли хил жараёнлар бадиий адабиётга ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади.

Ҳамза, Ойбек, Абдулла Қаххор, Ғафур Ғулум, Ҳамид Олимжон каби ўзбек адабиёти намояндалари ижодининг шаклланиши мустабид тузум ҳукмронлиги даврига тўғри келса-да, уларнинг адабий меросида тузум худудларини парчалаб ўтиб, ўзбек адабиёти хазинасидан ўрин олган асарлар анчагина. Уларнинг давр талаби ва тақозоси билан ёзилган асарларида ҳам ўзликни англаш, миллий гурур, ватанпарварлик, эркинлик, миллатига ва халқига ҳурмат, келажакка ишонч туйғулари гоҳ ошқора, гоҳ яширин акс эттирилган. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ўша давр адабиётини қайта назардан ўтказиш ва тадқиқ этиш эҳтиёжи туғилди. Бу фикрларимизни академик шоир, носир ва адабиётшунос Ғафур Ғулум ҳақида ҳам айтишимиз мумкин. У яратган шеър, хикоя, қисса, мақолалар заминида инсон ва ҳаётга чексиз ҳурмат, ўз халқи тарихига улкан муҳаббат, фалсафий мушоҳадакорлик, юксак мутафаккирлик руҳи устивор.

Ғафур Ғулум ижодининг етук тадқиқотчиси адабиётшунос С.Мамажонов у яшаган давр ва ёзувчи истеъдоди ҳақида шундай фикрларни билдиради: «...ўша даврдаги ҳукмрон мафкура, социалистик

<sup>38</sup> Афокова Н. Жадид шеърятти поэтикаси. Т. : Фан, 2005, 32-38 -бетлар

реализм қонун-қоидалари, ўша тузум шарт-шароити ижодкорларни воқеликка синфий ва мафкуравий позициядан ёндошишга, шу партия сиёсатини, йўл-йўригини фаол қўллаб-қувватлаш, тарғиб этишига мажбурлади, ҳаётдаги ноҳақликлар, адолатсизликларни кўрсатиб, ҳаққатни ҳимоя қилишларига йўл бермади. Кўплар қатори Гафур Фуломнинг ҳам истеъдодини бугди ва сохта асарлар ёзишга йўналтирди. Лекин у катта истеъдод эгаси бўлгани учун замоннинг, даврнинг тўғри гапларини ҳам айта олди, ҳалқ руҳи, орзу армонини ҳаққоний ифодаловчи талайгина шох асарларни ярата олдики, бу асарлар уни адабиётимиз тарихидан боқий ўрин олишига ҳуқуқ беради»<sup>39</sup> Иктибосимиз бир оз чўзилгандек туюлса-да, бу фикрлар нафақат Гафур Фулом балки ўша даврда яшаган кўплаб ижод аҳлининг нихоятда мураккаб, кийин бир вазиятда яшаб ижод этганликлари ҳақида маълум тасаввур беради.

Фулом Фуломнинг турли даврларда яратилган «Кузатиш», «Согиниш», «Мен яҳудий», «Сен етим эмассан», «Хотин», «Вақт», «Алишер», «Сиёҳдон», «Шараф қўлёмаси», «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим» каби бир қатор шеърлари унинг етук сўз устаси эканлигини ёрқин далиллайди. Шоирнинг «Қиш», «Бог», «Қор», «Кўклам шамоли», «Чаман» каби табиат тасвирига бағишланган шеърларида табиат манзаралари инсон рухий кечинмаларининг турфа товланишлари билан уйғунликда акс эттирилади. Бундай шеърлар ўзининг туйғулар самимияти ва юксак бадиияти билан алоҳида ажралиб туради:

*Она гознинг тўши каби юмшоқ қор  
Сукут билан қўйилади сарбасар...  
Борлиқ вазмин уйқу ичра беҳабар,  
Ёки осмон туллаб, тўзгитмоқда нар,  
Киприкларнинг момиклардан юки бор.*

*Узоқларга боқар сузук кўзингиз,  
Нуқтадай тор қорачигдан оқар нур...  
Тала-тузнинг кўркамлиги нур-биллур,  
Елқалардан босар енгилтак сурур,  
Бир бурда қор салмоғича ўзингиз (2 т. 91 б.)*

Шеърнинг кейинги мисраларида ҳам шундай рух устивор. Шоир лирик «мен»и соҳир табиат қўйнида ўз хаёллари билан ёлғиз қолади. Табиат ва лирик қахрамон руҳиятида рўй бераётган ўзгаришлар бевосита китобхон қалбига кўчади. Шоир ғоятда бетакрор манзара яратиш орқали эзгулик ва гўзаллик мангу барҳаёт деган ғояни илгари суради. Бу каби мисоллар Гафур Фулом ижодида истаганча топилади.

<sup>39</sup> Мамажонов С. Услуб жиловлари // Гафур Фулом – шоир, ёзувчи ва олим (Илмий-назарий анжуман материаллари) Фарғона, 2003. 7 б.

Бирок шоир факатгина инсон қалбига хузурбахш лахзаларни куйлаш билан чекланмайди. Унинг ижодиди жамиятда рўй бераётган ўзгаришлар, мавжуд тузум туфайли кишилар чекаётган изтироблар, замондошларининг дарди, ўй-хаёллари, орзу-армонлари маълум даражада акс эттирилган. Чунки Гафур Гулом бир инсон сифатида, уйғок қалбли иждокор сифатида ўз теварак-атрофида рўй бераётган воқеа-ходисаларга беварқ қараши мумкин эмас эди. Унинг асарлари моҳиятига синчковлик билан назар ташлар эканмиз, уларда шоир мавжуд тузум тазйикидан рухан азоб чекаётгани яққол сезилади. Академик Бахтиёр Назаров таъкидлаганидек: «...Унинг (Гафур Гуломнинг – таъкид бизники.Т.М.) ҳаёти ва ижодига синчиклаб, эҳтиёткорлик билан ёндошилса, айниқса, Бедил мактабидан олинган сабоқлар нури остида матндаги тағқатлам, кўчим маънолар очилса, унинг қалбиди, хусусан, Ватан, миллат, халқ, мустақиллик ҳақида кўндан-кўн яширин дардлар яшаганини аниқ далиллар билан исботлаш қийин кечмайди»<sup>40</sup>.

Гафур Гулом асарларида шоирнинг ўзи яшаётган замона норасолигидан азоб чекаётгани яққол кўзга ташланади. Бунга унинг ижодидан намуналар келтиришимиз мумкин. Шоирнинг «*Етар май, рубоий ва анекдот*» номли шеъри 1933 йилда ёзилган бўлиб, шеър бир қарашда ичкилик ва мастликка қарши норозилик руҳида ёзилгандек таассурот қолдиради. Бирок шеърнинг мазмунига синчковлик билан назар солинса, унинг моҳиятига замонага нисбатан исёнкорлик руҳи сингдирилган. Шоирнинг «*реал фикр шиши озғидай бўёк*» «*оддий кўзга содда ялтироқ танга*», «*тилларда «оҳ»уринг янги турмуш-чун*», «*зеҳн окуркадай оёқ остида*» каби мисраларида ўзи яшаётган жамиятнинг ҳақиқий қиёфаси ёритиб берилган. Мамлакатдаги реал вазиятнинг маъно-моҳиятини чуқур англаган шоир лирик «мен»и тилда «янги турмуш»ни улғлагани учун ўзини айбдор деб билади ва бунинг учун кечирим сўрайди:

*Шеъримни ўқийсиз, куласиз, албат...*

*Таъна-ла қистайсиз, қиласиз синоқ..*

*Аъзоси бўлганим олий жамият*

*Шишиган талоқ каби қилсинми талоқ? (1 т. 118 б.)*

Бу каби мисоллар шоирнинг руҳий кечинмалари ва мавжуд тузумга муносабатини ойдинлаштиришга ёрдам беради. Хукмрон мафкура даврида шоирнинг нақадар мушкул аҳволда яшаганини кўрсатишга хизмат қилади. У бир томондан ўз ўқувчисининг таънаю маломатларидан, иккинчи томондан эса ўзи яшаётган «олий жамият» тазйикидан қаттиқ изтироб чекади.

Шоирнинг «*Мен, севаман юлдузларни!*»деб бошланувчи шеърида «юлдуз» образи эрк ва ҳурлик рамзи сифатида талқин этилади:

<sup>40</sup> Назаров Б. Гафур Гулом олами. Т.: Фан, 2004, 60 б.



*Мен севаман юлдузларни!  
У юлдузларки, доим порлар.  
Ўксизларни  
Эрка чорлар... (1т. 221 б.)*

Бунда лирик қаҳрамон эрк ва озодлик ҳақидаги орзу-ниятларини юлдузларда кўради. Шеърда юлдузнинг порлаб туриши келажакдаги нурли ҳаётга ишоради.

Шоирнинг социалистик жамият, Ленин, партия билан боғлиқ шеърларида ҳам замона, жамият билан боғлиқ носозликлар ўз аксини топган. Унинг “*Ленин ва Шарқ*” номли шеърда халқнинг Ленинга бўлган чексиз “*ҳурмати ва меҳр-муҳаббати*” ифодаланади. Шеърда шоир бу туйғуларнинг ҳақиқийлигини нон ва сув каби муқаддас нарсалар ҳақиқат-хурмати исботлашга уринади. Бироқ анашу жараёнда шоир халқ ҳаёти, турмуш тарзи билан боғлиқ реал воқеаларга ҳам ишора қилиб ўтади:

*Бутун Шарқ номидан бу, отахон Ильичимиз,  
Сизни яхши кўради Конгодаги бечора.  
Сизни яхши кўради кўйлаги бўлмаса ҳам  
Виждони бутун бўлган ҳар дарбадар овора  
(3 т. 230 б.)*

Бу ўринда бутун Шарқ номидан сўз юритаётган лирик қаҳрамон «*улуг доҳий*»га бўлган муносабатини ифодалаш баробарида халқнинг реал ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни ифодалайди. Шоир мустамлакачилик сиёсатининг муҳим жиҳатига эътиборни қаратади. Яъни оддий халқнинг дарбадар ва фақирона ҳаёт кечириётганини, кийишга кийими бўлмаса-да, виждони, қалби поклигини поэтик ифода этади. Шоир кийишга кийими бўлмаган «*дарбадар овора*» халқ номидан сўзлаш орқали турмушнинг нечоғлик оғир ва мушкуллигини фалсафий умумлаштиради.

Ғафур Ғулом эрк, хурлик ғоялари ифодаланган ўринларда халқимиз характерида хос хусусиятлардан ҳам усталик билан фойдаланади. Унинг «*Янги йил саломи*» номли шеърда бу ҳолат яққол намоён бўлади:

*Ғафлат ва шарпаларга қарши қалби ҳамиша  
Уйғоқ бўлган халқимнинг арслонча қилиги бор.  
Забардаст бўла туриб юракдаги андиша  
Ўз кучу қувватини жиловлаб турар - тайёр!  
(3 т. 104 б.)*

Авалло мазкур банд шоирнинг ўзига хос тасвир усулига эга эканлигини кўрсатишга хизмат қилади. Шоир лирик қаҳрамони янги йил тонгида уйғониб, инсониятнинг яқин ўтмиши ҳақида ўйлар экан, жаҳонда содир бўлаётган турли адолатсизликларга нисбатан ўз ҳароратли муносабатини ифода этади. Шоир халқимизнинг теран андиша туйғусига таяниб, ватандошларимиз маънавий-руҳий дунёсини ҳам гавдалантириб

бера олади. Шеърда арслон киёфали, куч-кудратда тенгсиз халкимизни айнан шу андиша туйғуси тийиклик билан яшашга ундаши, яъни “*гафлат ва шарпалар*”ни сезса-да, индамасликка даъват этиши бадий жилолантирилади. Асардаги “*гафлат*” ва “*шарпа*” рамзий маънода бўлиб, мамлакатда рўй бераётган номаъқулчиликларга ишорадир. Гафур Фулом рамзий ишора ва муболоғали тасвирлар воситасида ўз халқига бўлган самимий муносабатини, унинг изтиробларига нисбатан дардкашлигини, чексиз хурматини ифодалайди, уйғокликка, хушёрликка даъват этади.

Кўринадики, Гафур Фулом ўз замонасида рўй бераётган воқеаларга нисбатан бефарқ муносабатда бўлмаган. У гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона равишда бу борадаги фикр-мулохазаларини баён этиб борган. Шоир кўпинча дунё халқларининг эрк ва озодлик учун курашларини тасвирлаш фонида баъзан халкимизнинг бу борадаги орзу-ниятларини ҳам қаламга оладики, бу унинг асарларида яққол кўзга ташланади. Шоирнинг эрк, хурлик, халқимиз келажагига умид ғоялари сингдирилган асарлари биз юқорида таҳлилга тортган шеърлар билангина чекланмайди. Бундай мисолларни унинг шеърлари, насрий асарлари, мақола ва нутқларидан истаганча келтириш мумкин. Мазкур йўсиндаги тадқиқотлар истиқболда қилиниши мумкин бўлган нисбатан каттароқ қўламдаги изланишлар учун ҳам объект бўлиши мумкин. Улар эса Гафур Фуломнинг ижодий киёфаси ва шахсиятини янада тўлароқ ёритишга ёрдам бериши шубҳасиздир.

## ҒАФУР ҒУЛОМ НАСРИНИНГ ПОЭТИК ЖОЗИБАСИ

3. 1. ХИКОЯЧИЛИҚДА ПЕЙЗАЖНИНГ  
БАДИЙ - ЭСТЕТИК ФУНКЦИЯСИ

Бадий асарнинг мазмуни муайян шаклда намоён бўлади. Шакл мазмуннинг ташки қўрилиши ўлароқ, асарга гўзаллик бағишлайди. Мазмун ва шакл муаносиблиги мукамаллик гаровидир. Пейзаж бадий асарнинг таркибий узвларидан бири бўлган шакл ходисаси бўлиб, мазмун ифодасига хизмат қилади. Муайян ёзувчининг табиатга муносабатини, унинг асарларидаги табиат тасвирини ўрганиш ижодкор маҳоратининг айрим кирраларини ёритишга имкон беради. Адабиётшунослигимизда пейзаж яратиш санъатининг баъзи жиҳатлари А.Қаюмов, Ё.Исҳоқов, М.Султонова, Н.Жумаев, Ф.Набиев, А.Эркинов, Н.Йўлдошев тадқиқотларида сўз санъаткорининг маҳорати билан боғлиқ тарзда ёритилган.

Ғафур Ғулом насрида пейзаж тасвири масаласи анчагина серқирра бўлиб, кичик бир тадқиқот доирасида носирнинг «Қизалоқ» (1928), «Пуч умидлар» (1928), «Жўрабўза» (1929), «Соялар» (1930), «Чўтир хотиннинг толеи» (1933) ҳикоялари мисолида мазкур муаммога тўхталмоқчимиз «Қизалоқ» ҳикоясида ота-она норозилигига қарамасдан қовушган Мукаррама ва мулла йигит Ибайнинг эркин муҳаббати ҳақида муаллиф тилидан баён қилинади. Ёшлардан дастлаб қаттиқ ранжиган ота-она Шокир ака ва Зулайҳо хола орадан фурсатлар ўтиб, уларнинг узрини қабул қилдилар. Раҳм-шафқат ва меҳр билан уларни қучоғига оладилар. Невара қизалоқнинг туғилишию, оила шодлиги билан ҳикояга якун ясалади.

Ҳикояда ёзувчи табиатнинг турфа хил қўрилишларидан сезгирлик билан фойдаланади. Ғафур Ғулом ёшликка хос шижоат, эркин ҳаволарга интилиш туйғусини «ёқимли шабада»га қиёслайди. Тонг олдидаги сўлим манзарани носир эртақона оҳангда қувонч ва мунг аралаш бир кайфиятда чизади. Қишнинг энг узун ва қоронғу туни — «шаби ялдо» ўтмиш ҳаётининг мунгли, заволли манзараларидан, юрак дардларидан дарак беради. Ёзувчи тонг даракчиси - хўрознинг ниҳоятда поклиги, ҳаққуш орқали ўзининг олис қариндошларини воқиф этиб, сахарда «ку-ку»лаши тасвирини бекорга келтирмайди. Бедорлик, тонгга хос мусаффолик, шаффофлик тасвирларидан маълум бўлмоқдаки, адиб икки ёшнинг хатти-ҳаракатларига хайрихоҳ. Хўрозда некбин бир жасоратни, мардликни, хурсандликни ифода этса, олам элини азалдан ўртаган ишқ туйғусини улуглашда ҳашақлар ҳирмонига ўт қўйган ҳаққушнинг ўтли нидоларига ишора қилиш орқали инсонга хос бу туйғунинг тарихига урғу беради.

Ғафур Ғулом кенг саҳроларга ошuftа Зухро юлдузи ҳақида, унинг «юраги» қарвон қўнғироғининг товушига ҳамоҳанглиги хусусида

сўзлайди. Бир қарашда тонг насими, хўроз, ҳаққуш, юлдуз бир-бирига унчалик боғланмайдигандек туюлиши мумкин. Уларнинг ҳаммасини эркинлик, жасорат, бедорлик, дардкашлик яқинлаштиради. Мухими, Ғафур Ғулом пейзаж манзараларини инсоний меҳр-шафқат туйғусини ифодалашга хизмат қилдиради. Ёзувчи ҳикояларида пейзаж манзаралари дунёвий меҳр-мухаббатни асраш мумкинлиги эркин юрак талпинишларини ардоқлаш нуқтасида қахрамонлар тақдири билан туташади.

Адиб ҳикояда халқимизнинг само ёриткичларидан мадад кутиш инонч-эътиқодларидан ҳам ўринли фойдаланган. Асарда юлдузларга айланган гўзал ва боқира қизлар ҳақидаги афсонага ишора қилинади. Юлдузлар - бедорлик ва мухаббат рамзи. Зухро қадимда ҳафтанинг муборак куни – жумани билдирган. Шарқ халқларида санъат ҳомийси ва нафосат рамзи саналган. Зухро яхшилик белгиси бўлиб, одамларга раҳму шафқат ва эзгулик келтиради. Йилнинг яхши келиши, ёмғирнинг кўп ёғиши, ҳосилнинг баракали бўлиши, болаларнинг кўп туғилиши Зухрога боғлаб талқин қилинган. Ўз манзилларига ошиққан қарвонлар олис ва машаққатли саҳроларни кесиб ўтиб. Адашмай йўл топишларида юлдузларни мўлжал олишган. Демак, Ғафур Ғулом ҳикояда замонлар қоришиқлигини бериш, мухаббат ва ишқ ҳақидаги фикрларини тасдиқлаш, қахрамон руҳий ҳолати билан табиат манзараларини уйғунлаштиришда, рамзий ифодани кучайтириб, таъсирчанликни оширишда пейзаждан унумли фойдаланган.

«Пуч умидлар» ҳикояси ҳам мавзу эътибори билан «Қизалоқ» қа бирмунча яқин бўлиб, асар янги ҳаёт ва эркин мухаббат ҳақидадир. Ҳикоя қахрамонлари Зулфия ва Пўлатжонлар ҳам ота-она ризолигига унчалик аҳамият бермай, турмуш қурадилар. Бироқ Зулфия уятсизлик, номардлик ва алдовнинг қурбони бўлади. Ёш қиз мухаббатининг завол топиши шошқалоқлик оқибатидир. Носир кип-қизил анордек нишона кўрсатган чиллаки шафтолиларга хос табиий белги, аломатлардан сўзлайди. Ҳикоядаги илк нишона мевалари умид рамзи бўлса, «сўзлардан бойланган гулдасталар» - мухаббат мактублари қахрамон қалбида ширин бир энтикиш уйғотади. «Янги замон гули» - қизлар тақдири қаламга олинади.

Орадан икки йил ўтиб, Зулфия «кечалари юлдуз санаб» чиқадиган, ёлғиз ўғли билангина овунадиган бўлади. Носир яна юлдузларга ишора қилар экан, бу гал уларнинг орзулар каби йирок эканига диққат қаратади. Ўта замонавий бўлишга интилган Пўлатжон оилага, фарзандига бемехр бўла боради. Ниҳоят ўқиш нияти борлигини баҳона қилиб, ўз яқинларини буткул тарк этади. Тўтидек арзанда, гўзал фарзанди Солиҳ ва Зулфия бевафолик қурбонига айланадилар. Муаллиф ёшларни ўйлашга, мулоҳазакорликка, оиладек муқаддас тушунчаларни эъзозлашга, ўзаро меҳр-мухаббатни ардоқлашга даъват этади. Ўткинчи туйғуларга алданмаслик ҳақида оғахликка чакиради. Шу мақсадда у юлдуз, чиллаки шафтоли, гул, бир жуфт мусича образларига хос белги-хусусиятларга мурожаат қилади.

Адабиётшунос Ё.Исхоков пейзаж тасвирининг мохиятсиз ўз-ўзича бир ходиса эмас, балки фалсафий, дидактик ёки ижтимоий руҳдаги бирор ғоя, мақсадни ифода этиш учун ўзига хос восита эканлигини таъкидлайди<sup>41</sup>. Фафур Ғулум ҳикоялари мисолида бу фикр-мулоҳазаларнинг нечоғлик асосли эканлигини кузатиш мумкин.

«*Жўрабўза*» ҳикоясининг қаҳрамони Аҳмадкул бўлиб, у ўта ҳамиятли, меҳнаткаш бир деҳқон йигит. Улфатчилик ва бўзахўрликни хуш кўрадиган тенгқури Бўтанинг таъна-дашномлари, аччиқ-куруқ гаплари ҳамиятига теккани учун ҳам улфатчиликка бориб, саёқ болаларга кўшилиб қолади. Дикқинафас бу муҳит унинг учун тамомила бегона эди. Шунинг учун ҳам ярим кечаси бўлишига қарамасдан, жўрабошилари-да менсимай, маст-аласт ҳолда ўз уйига йўл олади. Бирок асов отни бошқара олмай, фожиали тарзда ҳалок бўлади.

Фафур Ғулум ҳикоя баёнида тонг куёшининг Кўнғироктепа орқасидан бўғриқиб қарагани-ю, куёшнинг илк шуълалари теракларнинг учларигагина тушганига тўхталади. Демак, муаллиф бўғриққан ва диққанафас бир муҳитга урғу бермоқ мақсадини кўзлаган. Шунинг учун ҳам теракларнинг остидаги «*кўюқ тўфон*», «*шабнамли япроқлар*», «*юзлари терлаган қовунлар*», «*ичи бўш сув қовоқлар*», «*кеккайган хўрозлар*» ҳақида сўзлайди. Тасвирдаги манзаралар мохиятан бир-бирига эш. Бўзахўрлик авжига чиққан паллада берилган манзараларда яйдоқ изгириннинг ҳадик билмаслиги, дарахтларнинг совуқдан қакшаши, итларнинг хурушларидаги кайғули оҳанг ҳақида гап боради. Носир табиатдаги бу ўзгаришлар орқали муқаррар фожиадан огоҳ этаётгандай туюлади. Улфатларининг ўртасидаги гулхан ҳам бир сасиб, бир ёниб туради. Уни пуфлаб кўядиган «*эсли киши йўқ*». Асов от уйга эгасиз келганида Аҳмадкулнинг укалари совук бўлишига қарамасдан яланг бош, яланг оёқ югуриб чиқадилар. Улар даставвал шошиб қолишган бўлса ҳам, қаҳрамонлар ташқи қиёфаси бу оиланинг иқтисодий ночор аҳволига ишора ҳамдир. Аҳмадкулни излаб борган маҳалла ахлидан, яъни жамоадан мурданинг устида уймалашаётган қарғалар, сарик оксок ит хурқиб қочиб қолишади. Демакки, Бўта ва унинг шерикларига ўхшаган кимсалар асов ҳаётнинг кучли пўртаналарида адашган кишилардир. Тафаккур кудратига ишонган аҳли жамоа бундай ҳаётий иллатлардан қутилишга қодир.

Фафур Ғулумнинг мазкур ҳикоясида хушёрликка даъват, жамият поклиги, эркин меҳнат кишисини улуғлаш баробарида жаҳолатни маърифат билан енгиш ғояси улуғланган, қаҳрамонлар руҳий оламига мос табиат ҳодисаларининг танланиши ҳикоянинг шаклий гўзаллиги, мантиқий сержилолиги, мазмуннинг ишончлилигини таъминлаган. Ёзувчи Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда: «*Табиат билан умимий тил топшиган тақдирдоғина инсоният ўз имкониятларини тўла рўёбга чиқара олади*»<sup>42</sup>.

<sup>41</sup> Исхоков Ё. Навоий поэтикаси. Т: Фан, 1983, 22 б.

<sup>42</sup> Айтматов Ч. Тошкент окшоми. 1988, 14 феврал

Шу маънода Ғафур Ғулом инсон кайфиятини, кечинмаларини, руҳий туғёнларини акс эттиришда табиат ва унинг турли манзараларидан мохирона фойдалангани шубҳасиздир.

Ғафур Ғуломнинг «*Соялар*» ҳикоясида воқеаларда бевосита қатнашмасида, Бўта, Пўлатжон образларига яқин турувчи Иса образига хос масъулиятсизликка ургу берилади. Етти хуфтонгача санқиллаб юргани холда муштипар ва мушфиқ онаси ҳамда бўй етган синглисини боғда ёлғиз қолдирган Иса эътиборсизлиги туфайли Ёкутойнинг номуни булғанади. Бўлғуси куёв Низомжон эса қайсидир жихатлари билан Аҳмадқулга ўхшаб кетади. У ҳам ўзини «*белида белбоғи бор*»лардан сановчи, обрў ва номус ҳақидаги фикрлари жихатидан бирмунча маҳдудроқ қарашдаги қаҳрамондир. Бирок ҳозир гап бу ҳақда эмас, балки асар воқеаларининг пейзаж уйғунлигида берилишидаги Ғафур Ғулом маҳорати хусусидадир. Академик С.Мамажонов «*Соялар*» ҳикоясидаги пейзаж тасвири ҳақида шундай дейди: «*Соялар*»даги пейзаж қаҳрамонларнинг психологик ҳолатини очиш ёки воқеа содир бўлаётган жой манзарасини гавадалантириш учунгина хизмат қилмасдан, воқеани ривожлантирувчи ва асарни композицион томондан уюштирувчи муҳим восита вазифасини ҳам ўтайди»<sup>43</sup>. Биз ҳам устоз адабиётшуноснинг бу фикрларига қўшилганимиз холда ҳикоядаги пейзаж билан боғлиқ рамзийлик ва туйғулар параллелизмига диққат қаратмоқчимиз. Даставвал, ҳикоянинг «*Соялар*» деб номланишига эътибор берсак. Соя - куёш нури тушмайдиган салқин ва кўланка жой. У ёруғликни, нурни тўсадиган нарсалардан тушадиган тасвирдир. Кўчма маънода соя ғашлик ва кўнгил хираликни, хижолат ва хавотирни, шунингдек, турли шарпаларни билдиради.

Англашиладики, Ғафур Ғулом ҳикояда кўпчилик назаридан панада қолган жихатларга эътиборни қаратмоқчи. Ҳомийсиз қолган оила аъзоларига, паноҳсиз нозик ниҳол кизи - Ёкутой ва онаси Энабуви тақдирига хайрихоҳлик билдирмоқчи бўлади.

Муаллиф табиатнинг сирли-сехрли шивирларига кулок тутади. Ҳикоя бошида тасвирланган янги ўтказилган олча кўчати асарнинг сўнгида кетмон дастадан йўғонроқ шаклга киради. Ожиз навнихол олча кўчатининг мевали дарахтлиги, таъми нордон эканлиги, қадди тиклиги Ёкутойга, ҳаётга қиёсланади. Тун ниҳоятда узун, кеча эса ғаюр. Шабда олчанинг япроқларини юлкалайди, сарв коматини силайди. Бу ўринда япроқ кўркамлик белгисию, дарахт танаси Ёкутойнинг келишган коматига ишора эканлиги ойдинлашади. Эрта пишар узум-чиллаки ранг-тус олиб, қизариб пиша бошлаган. Қисқаси, Ёкутойнинг ёшлиги, кўркамлиги, хушвақтлиги, юзларидаги қизиллик олчани ҳам, дарахтни ҳам, даройи узумларни ҳам уятда қолдирар даражада гўзал.

Ёзнинг шабадаси - беҳадик ва саёқ, капалакдай беқарор. Қизининг қалдирғоч қанотидай қайрилма қошлари - сут дарёсининг қўша зулуқлари.

<sup>43</sup> Мамажонов С. Ғафур Ғулом прозаси. Т. : Фан, 1966, 114 б.

Бирок ой ёруғлиги ва ойдин кеча атрофдаги туманли, оғир сокинлик муқаррар фожиадан дарак бераётгандай таассурот уйғотади. Салқин кеча сокинлиги ва вазминлиги ахли жонзотни уйқу оғушига чорлаган. Саррин шамоллар аллалаб тебратади, эркалаб ухлатади. Бир қарашда бутун атроф «*осойиши баркамол*»дай туюлади. Ойдин кеча ва ой ёруғига хос фахш ва харомга чорловчи, хиёнатга ундовчи хусусиятга эътибор берилса, унинг алдамчилиги аён бўлади. Муаллиф бу манзарага ортиқча махлиё бўлмасликка чорлаётгандай. Тонгга яқин эса бутун кўрғон ва чор атроф қоронғу зулмат ва ваҳм кўйнида қолади. Чунки муқаррар фожа аллақачон содир бўлиб улгурган.

Ёқутхон қалбидаги руҳий безовталиқ туйғулари табиат манзаралари фонида берилади. Зим-зиё зулмат нодонлик ва жаҳолат рамзидир. Ёзувчи Ёкутойга хос руҳий тўлқинлар, олдинда кутаётган таъна-дашномларни ҳис этишга мос манзаралар чизади. «*Гуноҳсиз маъсума*» қиз учун кўш сурнайларнинг овозлари мунгли туюлганидек, бўз айғирларнинг арава тортишларида ҳам оғриниш бордай сезилади. Бир томонда шодлик, бир томонда ғам. Толесиз кечанинг ёлғон тонгида барига нуқта кўйилади. Сир ошқор бўладию, покиза уйини, йигитлик ғурурини булғамокни истамаган Низомжон қизни кечирмайди.

Бешинчи марта гуллаб мева берган олча нордонлиги ҳикоя охирида яна эсланади. Бошқоронғи Ёкутой бу гал атайлаб онасининг боғига олчаўрликка келган. «*эски гаплар*» унинг ҳаётида мисоли соядай ўтиб кетган. У меҳнаткаш ишчи йигитга турмушга чиқиб, ўз бахтини озод меҳнат кўйнида топган қизлардан бирига айланган. Ўша «*Гўзаллик нимада?*» шеъривадиёқ бошланган Фафур Гулом эстетик қарашларига хос меҳнат кишисини улуғлаш ғояси бу ўринда ҳам бўй кўрсатиб, оптимистик ечимни таъминлайди.

Фафур Гулом пейзаж тасвирида рамзийлик ва параллелизмга риоя қилади. Шу маънода ҳикоядаги тун қуши укки ва унинг чақчайган кўзлари, гўзал парлари ҳақидаги ўринлар эътиборга моликдир. Уккиннинг парлари юмшоқ ва нафис. Қуш улардан ажралишни астойдил истамайди. Унинг кўкракларини юмдалаб, қайрилма патларини юлаётган Энабуви ўзи ардоқлаб ўстирган қушчага нисбатан жохилона муносабатда бўлади. Чунки бу парларни арзанда куёви Низомжоннинг бошига жиға қилмок илинжида, Аламли вағазабли укки қанчалик тирмашмасин ўзини мудоффа қилишдан ожиз. Туйғулар параллелизми шундаки, жаҳолат, нотўғри ҳатти-ҳаракатлар бегуноҳ ва ожиз қалбларда туғилган нафратдир. Қуш тақдирини мантиқан Ёкутой тақдирига ҳамоҳанг.

«*Чўтир хотининг толеи*» ҳикоясидаги Шарифахон эса бахил табиатнинг нотантилигидан азият чекади. Унинг юзи чўтир бўлса-да қалби оқ, оппоқ тиниқ туйғуларга, эркин орзуларга лиммо-лим. Қалбидаги ҳасрат туйғулари хунуклигидан келиб чиққан. Рубобий кечаларнинг сокинлиги, мажнунтолларнинг шаббодалар билан муҳаббати, шаршараларнинг майин тўлқинлари, бахмал қирлару боғ-роғлар Шарифа қалбидаги ҳасратни

кучайтиради. У табиий гўзалликдаги эркинликка хавас қилади. Жамиятда аёл зотига бўлган муносабатдаги нотенгликдан азият чекади. Мазкур ўринда муаллиф пейзаж тасвирини қахрамон тилидан баён этади.

Бирок «чехраси ўзгарган дунё» унинг қарашларида ўзгариш ясайди. Ҳаётда шараф топмок, азиз ва мукаррам бўлмок учун ташки хусннинг унчалик аҳамияти йуклигини англаган Шарифа отаси уйда қайғуда ўтказган кунларини буткул унитиб, меҳнат кучоғига отилади. Илғор бригадир бўлиб етишади, кўксини хур меҳнат нишони безайди. Ғафур Ғулум хотин-қизларни жамият ишларига фаол аралаштириш, уларнинг меҳнатини тўғри баҳолашни асосли суратда ташкил этишнинг аҳамияти ҳақидаги фикрларни илгари сурган мазкур ҳикояда ҳам мохир пейзаж устаси эканлигини намоён эта олган.

Кўринадики, Ғафур Ғулум ҳикояларида руҳий ҳолат ва кайфиятларни қиёслаш, асар мазмуни ва ғоясини муаллиф бадиий-эстетик ниятига мувофиқлаштириш, фалсафий қарашларини рўёбга чиқариш, инсон, табиат ва жамият муносабатларини ифодалашда пейзаждан мохирона фойдаланилган. Носир пейзаж тасвирини кўпинча реал ҳаёт воқеаларини ифодалашга хизмат қилдирган. Рамзий ишоралар мохияти, анъанавий рамзий образлар, оригинал топилмалар табиат ва инсон муносабатларини таъсирча ифодалашга ёрдам берган. Бетакрор пейзаж тасвирини яратиш орқали адиб китобхонда гўзаллик туйғусини тарбиялашни ҳам назарда тутган. Бу билан носир синчков табиат шайдоси сифатида ҳам намоён бўлади.

### 3.2. ЭПИК БАЁН ВА ЛИРИК ИФОДА УСЛУБИ

Бадиий ижодда наср ва назмнинг аралаш ҳолда қўлланилиши жуда қадимий тарихга эга бўлиб, Ўрта Осиё халқлари адабиётини кузатиш унда наср ва назмнинг ёнма-ён тараққий этиб келганлигини кўрсатади<sup>44</sup>. Халқ эпосларининг деярлик барчасида насрий ва шеърий тасвирнинг аралаш қўлланилганлигини кўрамиз<sup>45</sup>.

Саъдийнинг «Гулистон», Жомийнинг «Баҳористон», Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», «Мажолис ун-нафоис», Бобурнинг «Бобурнома», Абулғозининг «Шажараи турк» каби қатор асарларида наср ва назмнинг омукта бўлиб келганлигини кузатиш мумкин.

Маълум бир эпик асар таркибидаги шеърий матнлар ёзувчи услуби, асар бадиияти билан бевосита боғлиқ. Насрий баёнда шеърий ифодалар муайян вазифаларни бажариб, ижодкор маҳоратини намоён бўлишига кўмаклашади.

<sup>44</sup> Қаранг: Ўзбек насри тарихидан. Т.: Фан, 1982, 18 б.

<sup>45</sup> Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. Т.: Фан, 1981, 13 б.



Ғафур Ғулом насрида ҳам шеърий матнлар ўринли қўлланилган бўлиб, у ўзининг хикоя ва кассаларининг кўпчилигида эпик ва лирик баён усулига мурожаат этади. Бу усул ёзувчининг юксак маҳорат эгаси эканлигини намоён этиш билан бирга асарларининг бадиий етуқлигини таъминлаган. Адиб “Шум бола”, “Немай” кассаларида, “Ҳадим”, “Иноқлик”, “Элатияда бир ов”, “Жўрабўза”, “Фарзанди солиҳ”, “Луқмон”, “Бўйдоқ”, “Ҳасан Кайфий” ва бошқа қатор хикояларида турли ҳажмдаги шеър ёки шеърий парчаларни келтиради<sup>46</sup>. Унинг ижодида наср ва назмнинг биргаликда ишлатилиши шакл ва мазмун бирлигига бўйсунган. У ўзи илгари сураётган ғояни ёрқин ифодалашда, воқеалар тасвирини китобхонга таъсирли етказишда, инсон маънавий оламини гавдалантиришда, қаҳрамон рухий кечинмаларини ёритишда шеърий парчаларга мурожаат қилади. Бу ҳол бадиийликни, таъсирчанликни ошириб, асарнинг дидактик моҳиятини кучайтиради.

Ғафур Ғулом хикояларида келтирилган шеърлар ҳажм ва жанр жиҳатидан хилма-хилдир. Адиб хикояда келтирилган фикрни асослаш мақсадида мумтоз шоирлар ижодидан айрим байтлар, халқ оғзаки ижодининг лапар, ёр-ёр, қўшиқ каби жанрларидан намуналар танлайди. Хикояларда адибнинг мустақил ижоди маҳсули бўлган шеърий парчалар ҳам келтириладики, уларнинг айримлари алоҳида шоирлар ижодининг, баъзилари эса фольклорда мавжуд шеърларнинг Ғафур Ғулом томонидан қайта ишланган вариантларидир.

Ғафур Ғулом “Луқмон” хикоясида Саъдийдан байт келтиради. Бунда Саъдий байти хикоя мазмунини баён қилиш асосида изоҳланади ва хикоя қуйидаги шеър асосига қурилади:

*Маннам наққош будам, айби ман хўш ошкоро буд,  
Табиби кардаам, нуқсони ямро хок меғушад.*

Муаллиф хикоя мазмунида Саъдий каби ўзини Луқмон қилмишининг гувоҳи тарзида кўрсатади. Бошқача айтганда Ғафур Ғулом хикояси улуғ Шарқ шоирининг хикоясига татаббуъ қилинади. Ёзувчи хикояда табибман деб одамларни лаққиллатиб юрган Хубби ибн Абдулмалик ҳақида сўзлайди. Унинг кирдикорларини баён этиб, сохта табиблигини фош қилади. Бунда юқоридаги байт билан хикоя гоёси ўртасида мантиқий боғлиқлик мавжуд бўлиб, бу композицион яхлитликни юзага келтирган.

Ғафур Ғулом хикояларида баъзан шеърий матнлар қаҳрамон тилидан баён этилади. Бунда биз хикоя қаҳрамони билан келтирилган шеър лирик қаҳрамони рухий кечинмалари ўртасида яқинлик мавжудлигини кузатишимиз мумкин. Бунга мисол қилиб “Ҳасан Кайфий” хикоясини

<sup>46</sup> Қаранг: Ғафур Ғулом. Мукаммал асарлар тўплами. 6 т. Т.: Фан, 1986

келтиришимиз мумкин. Ёзувчи ҳикоянинг икки ўрнида Ҳасан Кайфий тилидан Ҳофизнинг куйидаги байтини келтиради:

*Кишти-шикастагонем, э боди шурта, бархез,  
Бояд, кй боз бинем он ёру ошноро*

Байтда “Кемамиз синиб дарё ўртасида қолганлармиз, э ёқимли шамол, тезроқ эсиб бизга қиргоққа чиқишга ёрдам бер. Кошки ўша ёру ошналаримизни қайтадан кўролсак” деган мазмун ифодаланган бўлиб, уни Ғафур Ғуломнинг ўзи таржима қилади. Гарчанд, ҳикоянинг кейинги ўринларида ҳам қахрамон тилидан бир неча бора мазкур байт хиргойи килинганига ишора қилинса-да, муаллиф ортиқча такрорлардан қочишга ҳаракат қилади. Адиб ундаги рамзий-мажозий мазмунни реал ҳаётийдек тасвир этилган эртақнома воқеалар билан чамбарчас боғлай олади. Инсоннинг тафаккур кучи, ижодкорлиги, ҳалоллиги, эътиқодига садоқати, эртанги кунга ишонч ва умидворлиги ғоясини тасдиқлашда ёзувчи Ҳофиз ғояларидан маҳорат билан фойдаланган. Ҳикояда ғоявий мазмуннинг китобхон қалбига етиб боришида шеърӣй парчалар муҳим ўрин тутган.

Қузатганимиздек, Ғафур Ғулом ҳикояларида Шарк мумтоз шоирлари ижодидан намуналар келтирилиши бежиз эмас. Саъдий ва Ҳофизга хос фалсафӣй мушоҳадакорлик, умуминсоний масалалардан сўзлаш Ғафур Ғулом руҳига анча яқин. Бу ҳолат Шарк фалсафаси ёзувчи бадиӣй тафаккурига сезиларли таъсир этганини далиллайди.

Ғафур Ғулом танлаган шеърлар пафос жихатидан ахлоқӣй-дидактик, ҳажвий, лирик, ижтимоӣй-сиёсий, фалсафӣй руҳда бўлиб, улар асар ғоясини маълум маънода тўлдиради, ёзувчи ғоявий ниятини рўёбга чиқишига ёрдам беради.

Ҳикояларда келтирилган шеърларнинг айримларида халқона соддалик ва равонлик кўзга ташланади. Бунга мисол қилиб «Жўрабўза» ҳикоясидаги куйидаги парчани келтириш мумкин:

*Дарёларнинг ул юзида отим юргану, ёр-ёр,  
Қуюшқони-я, сағрисига-я, ботиб юргану, ёр-ёр.*

Ҳикоя қахрамони Аҳмадкул ўта ҳамиятли, меҳнаткаш бир деҳқон йигит бўлиб, танланган шеърӣй парча қахрамон руҳӣй оламига мос. Мазкур байт ҳикоя мазмунининг ишончлилигини таъминлаган, моҳиятни очишга хизмат қилган. Ёзувчи қахрамон кечинмаларини поэтик ифода этиб, Аҳмадкул фожиасининг драматизмини санъаткорона тасвирлай олган.

Адиб ҳикояларида келтирилган байтлар ёки шеърларнинг айримлари у ёки бу шоир шеърларининг Ғафур Ғулом томонидан қайта ишланган шаклидир. Бунга мисол қилиб «Бўйдоқ» ҳикоясини келтириш мумкин. Ҳикояда келтирилган шеър ҳикоячи «мен» тилидан баён этилади:

*Кўзларингдан кўп гизола доғдир,  
Лабларинг олуца бутган боғдир.  
Кўкрагинг олмоси пишган чоғдир,  
Бир кўришдан ҳар касал ҳам соғдир,  
Мунча ҳам товус хироминг бор, ука?*

*Сочларингдан хом ипак шармандадир,  
Бўйларингга сарви осо бандадир,  
Сақлай ишқинг токи жоним тандадир,  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадир,  
Амр қил, қандай мароминг бор, ука?*

Шеър Муқимийнинг машхур мураббаъсига ўхшатма тарзида битилган бўлиб, шакл жиҳатидан бешлик усулида яратилган. Унинг тўртта мисраси ўзаро қофияланиб, бешинчи мисраси иккинчи банднинг худди шу мисрасига қофиядош бўлиб келган. Иккинчи банднинг 3-4 мисраларида Муқимий шеъри мисралари айнан такрорланади. Такрор байт куйидагича:

*Сақлай ишқинг токи жоним тандадир.  
Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадир.*

Шеърда кизнинг ташки гўзаллигию, бутун бўй-басти тасвири чизилади. Ёзувчи ҳикояда қизнинг гўзаллиги хусусида тўхталиб, фикрлари тасдиғи учун юқоридаги шеърни келтиради. Шеъринг мисралар орқали йигит ҳис-туйғуларини таъсирчан ифодалашга муваффақ бўлади.

Носир ҳикояларида келтирилган шеърларнинг барчасини бадий жиҳатдан етук деб бўлмайди. Улар ёзувчи мақсад ва ғоясини ёритишга хизмат қилса ҳам эпик баён кўпинча муаллиф тилидан олиб борилгани учун ҳамиша ҳам қахрамонлар руҳияти билан боғланавермайди. Ғафур Ғуломнинг “Эри билан бас бойлашган хотин” номли ҳикоясида меҳнат пафосини ифодалаш етакчилик қилади. Унда қахрамон руҳий кечинмалари таҳлилига унчалик аҳамият берилмайди. Ҳикояда бадий умумлашмалар, фикрий чуқурлик етишмайди, публицистик рух етакчилик қилади. Шунинг учун ҳам қурилишда концерт бераётган санъаткорлардан бирининг Болтабой меҳнатсеварлигини лапарга кўшиб айтиши асар қахрамонлари ички дунёсини ёритиб беришга хизмат қилмайди. Келтирилган шеър асар ғояси билан унчалик боғланмайди.

Умуман, Ғафур Ғулом ҳикояларининг фойзли жилоланишида, мусикий оҳангдорлик касб этишида насрий ифода ва шеъринг сатрлар вобасталиги, шеърдан насрга эркин кўчиш, мумтоз шоирларнинг шеъринг байтларию, халқ оғзаки ижоди намуналаридан эркин фойдаланиш, баъзан уларга ижодий ёндошиш муҳим ўрин тутади. Ёзувчи ҳикояларида наср ва назмнинг уйғунлашуви лиро-эпик насрий услубнинг ўзига хослигини

юзага чиқариб, жанр тилининг поэтик жозибадорлигини таъминлаган. Муаллифнинг хикоячиликда тўплаган тажрибалари муайян маънода у яратган киссалари муваффақияти учун ҳам ўзига хос замин вазифасини ўтаган.

### 3.3. ТАСВИР ПАЛИТРАСИ РАНГ - БАРАНГЛИГИ

Ғафур Ғулом 1912 йилда отасидан, 1917 йилда онасидан ажралади. Ўшанда у 15 яшар бўлиб, уч етим синглисини боқиши ва тарбиялаши, мустақил ҳаёт кечириши лозим эди. Хўл мева сотиш, этикдўзга шогирдлик, аравакашлик, кўриқчилик, тунакасозлик, харф терувчилик, ўқитувчи ва тарбиячилик 20-йилларнинг биринчи ярмигача бўлган даврда Ғафур Ғуломнинг машаққатли ҳаёти саҳифаларини ташкил этади. Тирикчилик гирдободаги ҳаёти, бошидан кечирган саргузаштларини Ғафур Ғулом бир умр унутмади:

*Иситма аралаш  
Кўрқинч туш каби  
Хаёл кўзгусидан  
Ўчмайди сира (2 т. 22 б.)*

Ўша «хаёл кўзгусидан» сира-сира ўчмаган хотиралар калбининг туб-тубида аламли бир нола бўлиб қолди. Инсоннинг инсонга меҳр-шафқатини, ҳароратли муҳаббатини, меҳрибон ва мушфиқ одамларни кўрганида ва яна:

*Оталик ҳиссининг  
Бебаҳо, лазиз  
Тўлқинлари ичра  
Ғарқ бўлиб кетиб... (2 т. 23 б.)*

Ҳаёт ва инсон тақдир ҳақида хаёллар гирдобида қолганида бутун инсон наслига қарата: «Тинчлан, жигарим», «Қайғурма, кўзим», «Миннатинг бошимга дурра», «Нега чўчиб тушдинг?», «Ўз уйингдасан», - дея айта олган ғоятда болажон инсон бўлган.

Ғафур Ғулом XX асрнинг 20-йилларидаёқ Туркистон Маориф Комиссарлигининг боқимсиз болаларни йиғиш ташаббусига қўшилади. «Урфон» номли мактаб қошида 150 болага мўлжаллаб очилган интернат (болалар уйи)да мудир ва тарбиячи бўлиб ишлайди. У етим болалар ва ўз ҳаётида муайян яқинлик, ўхшашликни кўргани учунми, уларнинг тақдирига бефарқ қарай олмайди. Унинг илк шеъри ҳам ҳаётини воқеалар заминидан, болалар уйида ёзилган. Бироқ шоир ундан кўнгли тўлмаган, чоп қилдиришга арзимайди, деб ҳисоблаган. У «Укаларимизни унутмайлик»

номли мақолаида барча элдошларни етим болаларни йиғишга чакиради, бу эзгу ва хайрли ишга даъват этади. Фафур Гуломнинг бир неча сағир болаларни ўз уйида тарбиялагани, вояга етказгани маълум. Шоир аксарият шеърлари ва айрим китоблари («Совга») калам ҳақини ўзи оталикка олган мактабга инъом этиб келган.

Фафур Гулом келажак наслларга қарата: «Кулимсираб турғувчи толеинг порлоқ», «Манглайингда порласин умринг қуёши», «Оламнинг томида учир варварак», «Ўксукликдан узоқ сангин духтарим», «Бўйларингдан ўргулай, азиз ўғиллар» сингари дил сўзларини изҳор эта олган меҳрибон инсон эди. Шунинг учун ҳам у Берлиндан берилган бир радио эшиттиришига жавоб тариқасида ёзган «Мен яҳудий» шеърисида:

*Инсон ирқиданман,  
Инсон миллати (2 т. 17 б.)*

деган инсонпарварлик тамойилига асосланади. Академик шоир шеърисидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, албатта. Бундай хусусият Фафур Гуломнинг барча тур ва жанрларда яратган асарларида, хусусан насрида ҳам яққол кўзга ташланади.

Фафур Гуломнинг кичик насри ҳақида тўхталган адабиётшунос С.Мамажонов Ойбекнинг қуйидаги сўзларини келтиради: «Фафур ўз ҳикояларида одамларнинг образини яхши кўрсатади. Ўзининг кичик қаҳрамонлари психологиясига қира билади. Уларнинг тушунчалари, қарашлари, мақсад ва интилишларини ингичка кўради»<sup>47</sup>. Носирнинг «Қизалоқ» (1928 й.) ҳикоясида эркин ҳаётга интилган Мукаррама ва Ибай тақдирини қизнинг ота-онаси: Шокир ака ва Зулайҳо хола ўзларича ҳал қилмоқчи бўладилар. Улар йигит томонидан келган совчиларни ноумид қайтаришади. Севгилиси билан биргаликда ота уйини тарк қилиб кетаётган Мукаррама: «Отам билан онам ранжимайдиган бўлсалар, бўлди-ку-я», - деб ўйлайди. У Андижонда тинч-тотув яшаса-да, ота-онасини соғинади. Уларнинг юзларига оёқ тираб, шундай ишларни қилганимдан «юзим шувут», - дея кечирим сўрайди. Мукарраманинг мактубини олиб, фарзандининг саломат ва бахтиёр эканлигини билган ота-она меҳрибончилиги айниқса таъсирли қизилган. Шокир ака: «Худоё оқ йўл берсин» деса, Зулайҳо хола: «...Ҳар уч жонни саломат кўра олсам», - дея интиқлик билан соғинч туйғуларини ифода этади.

Кўринадики, қиз қалбидаги тавба, ота-она кўнглида эса шафқат туйғулари лиммо-лим.

Қуръони Каримнинг «Ал-исро» сураси 23-24 оятларида таъкидланишича, ота-оналарини умр бўйи иззат-хурмат қилиш ҳар бир инсон зиммасига юклатилган асосий вазифалардан бири ҳисобланади<sup>48</sup>.

<sup>47</sup> Қаранг: Мамажонов С. Фафур Гулом прозаси. Т. : Фан, 1966, 50 б.

<sup>48</sup> Қуръони Карим. Ўзбекча - изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Ал-исро сураси. Т. : Чўлпон, 1992.

Ота-онага иззат-хурмат кўрсатмоқчи бўлган фарзанд аввало онасига мухаббатли бўлиши лозим. Зеро, «*Жаннат оналарнинг оёғи остидадир*». Олмониялик исломшунос олима Аннемарие Шиммел хоним кўпгина олиму уламолар, комил инсонларнинг оналари ўқимишли аёллар бўлишганини, улār ўзларининг бенуқсон ҳаётлари билан фарзандларига намуна бўлганликларини таъкидлаб ўтади<sup>49</sup>.

Дарҳақиқат, мусулмон ҳаётида онанинг ўрни ва фарзанд тарбиясидаги масъулияти ниҳоятда юксак саналган. Шунинг учун ҳам ёзувчи ва шоирларимиз асарларида она образи тасвирига алоҳида эътибор билан қарашади. Фафур Гуломнинг ҳикоя ва қиссаларида оналар образи талқинида ранг-баранглик кузатилиб, бунда ёзувчи маҳорати ёрқин намоён бўлади. Юқорида сўз юритилаётган «*Қизалоқ*» ҳикоясида бу борадаги ёзувчи санъаткорлиги янада яққолроқ кўзга ташланади. Носир ҳикояда лирик чекиниш ясаб, она меҳри ҳақида тўлқинланиб сўзлайди:

*«Ҳеч қайси эркалаш оқ сут берган она шафқатига тенглашмайди. Оналар ўстириб, ундиргунча тортган машаққатлари учун ҳурмат эгалари. Ҳамма оналар келажак бўгин яратувчи. Ҳамма оналар ҳам жамият «маъбуда»лари...» (6 т. 16 б.)* Агар эътибор берилса, нафақат ҳикоя қаҳрамонлари, балки «*ҳамма оналар*», демакки аёл зоти ҳақида сўз бормоқда. Бу атиги 36 ёшидагина ҳаётни тарқ этган ўз онасига бўлган ёзувчининг меҳрга қонмаган қалби нидолари ҳамдир.

Англашилмовчилик туфайли юз берган ҳаётий воқеа асосига қурилган «*Шошилинч телеграмма*» (1931 й.) ҳикоясида почта ходимлари телеграмма адресини ҳам, телеграмма юборувчиларнинг исmlарини ҳам чалкаштириб юборадилар. Бироқ мусибатли хабар ҳикоя қаҳрамони Мирмуломиддинни чексиз қайғу ва изтироблар гирдобига ташлайди. Ўз ховирини босиш учун «...яктақнинг барини шалаббо қилиб» йиғлайди. «*Бўғзига бир ҳиқичоқ тиқилиб*» «*вужудини титроқ қоплайди*»: «- Волида-я, волидаи меҳрибон-а, саҳарлар бешик тебратиб, оқ сутини аямаган, менинг мавжудиятимнинг мураббийси-я, вафот ... Қандай оғир, қандай мусибат. Дунёни бир туман босиб, кўзимдан тирқираб ёш оқа бошлади» (6 т. 107 б.) Ҳикоя 1931 йилда ёзилган бўлса-да, назаримизда унда 1917 йилдаги ёш Фафур Гуломнинг онасидан айрилган пайтидаги изтиробларининг излари ҳам акс этганлиги иштибоҳ туғдирмайди.

Ёзувчи ҳикояда қулғу билан бу қайғули вазиятни ўртадан кўтариб юбора олади. Ўз онасининг 1918 йилда Тошкентда вафот этганлигини эслagan Мирмуломиддин номидан тилга олинган сананинг носир биографиясига нисбатан тўғри келишлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Қаҳрамоннинг табиатан ҳазилкашлиги ҳам Фафур Гулом табиатига жуда яқин туради. Муаллиф қаҳрамон руҳий дунёсини очиб беришда ҳарфларнинг ташқи кўринишидан ҳам маҳорат билан фойдаланади.

<sup>49</sup> Аннемарие Шиммел. Жонон менинг жонимда. Олмон тилидан Йўлдош Парда таржимаси. Т.: Шарқ, 1999, 84 б.

Контрастли ҳолатлар кулгили вазиятни теранлаштиради. Телеграмма олинган ҳолатда: «*Ҳарфлар оташин бўлиб, мени ёқа бошлади. Ҳар «алиф» бир ништари обдор бўлиб бағримга қадалмоқда, ҳар «суқун» бир мўйинча бўлиб елкамга гам юкламоқда, ҳар «вов» бир аждари заҳаролуд бўлиб ўз қомига тортмоқда эди»* (6 т. 107 б.)

Телеграммани ҳазил деб билгач: «*Ҳар «алиф» бир ҳазилкаш бармоқ бўлиб қўлтиқ тағига, ҳар «суқун» иврайган бир оғиз каби башарага, ҳар «вов» қизларнинг ҳўлланган жамалакларидай қўлоққа кириб қитиқлай бошлади*». Ёки «*ўрдак думи қилиб қўл қўйдим*» каби мисолларга мурожаат қилсак, фикримизнинг тўғри эканлиги ойдинлашади.

Ғафур Ғулом ижодида ифода воситалари мажмуи мутаносиблигитасвир палитраси ғоятда ранг-баранг. Юқоридаги мисоллар кайсидир жиҳатлари билан Чўлпон романини эсга солади. Чўлпон «*Кеча ва кундуз*» романида суд йиғилиши баённомаси тасвирида аччиқ истехзо билан сўзлайди. Келтириладиган кўчирма оҳангига диққат қаратайлик: «*Инсоф қилиш керак: протокол ниҳоятда чиройлик хат билан ёзилган. Қогоз бетида худди поезднинг изларидай теп- текис кетади. Ҳаммадан ҳам «д» ва «б» ҳарфларини кўринг! Ҳайрон қоласиз! Қаерда «б» учраса қўйруғи чапга қайрилган: қаерда «д» учраса қўйруғи ўнгга қайрилган. Икковининг ҳам қўйруғи баландда: икковининг ҳам қўйруғи қулча бўлган илондай буралиб-буралиб ётади! Протокол эмас, томоша!*»<sup>50</sup>.

Бунда Чўлпон чоризм тузумини теранрок фош қилган бўлса, Ғафур Ғулом шўро идорасидаги тартибсизлик устидан кулади. Бу жиҳатдан муаллифлар мақсади бир-бирига яқинлашади. Бироқ Ғафур Ғулом ҳикоясининг 1931 йилда Чўлпон романининг 1935 йилда ёзилганлигини, жанр нуктаи назаридан мазкур асарларнинг фарқлинишини назардан кочирмаслик керак. Албатта, бу ўринда Чўлпонни Ғафур Ғулом ижодидан ўрганган дейиш унчалик тўғри эмас. Бироқ роман ёзилган пайтда ҳикоянинг эълон қилинганлиги, Чўлпоннинг у билан таниш бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Бу ўринда бадий тасвир имкониятларини кенгайтиришда ҳар иккала муаллифнинг ҳам рус адабиётидан, хусусан, Гоголь ижодидан таъсирланганлигини қайд этиш ўринлидир.

Кўринадики, Ғафур Ғулом ранг-баранг тасвир воситаларини ўзаро мутаносибликда қўллаганки, бу унинг ҳикоялари муваффақиятини таъминлай олган.

#### 3.4. «КИЧИК» ҚАҲРАМОННИНГ «КАТТА» ДУНЁСИ

Ғафур Ғуломнинг «*Ғазна*» (1935 й.) ҳикояси қаҳрамони-«мен» баёнчи муаллиф овозини ҳам бириктиради. Ҳикоя нисбатан кам учрайдиган ҳаётий воқеа асосига қурилган бўлиб, инсон табиатидаги тайёр

<sup>50</sup> Чўлпон. Кеча ва кундуз. Роман // Яна олдим созимни. Т. : Адабиёт ва санъат, 1991, 255 б.

бахт топиш туйғусига асосланади. Ҳикоя қаҳрамонлари ўта ишонувчан кишилар бўлиб, ёзувчи қаҳрамонлар қалб диалектикасини кўрсатиш орқали уларнинг рухий оламига урғу беради. Ҳикоя қаҳрамони йигит ҳам кампир онаси ва кўшниси сингари кулгили аҳволга тушса-да, бизнингча, сўз юритаётган мавзуйимиз учун бу унчалик муҳим эмас. Бироқ ундаги ўта ишонувчанлик, нафақат ҳаракатларида балки сўзи ва ишида, фикрлаш тарзида кузатилади.

Ғафур Ғулом мазкур характери миллий заминдан, ўзбекона урф-одат ва маданиятдан, мусулмон психологиясидан ажратиб олмайди. Ҳикоянинг миллий асоси моҳиятан ишонарли эканлиги ҳам унинг яшовчанлигини таъминлаган омиллардан биридир. Йигит ҳикоя қилади: *«Иккинчи уйнинг тўридан танча ўйдириб тағизга бўйра, устидан намат солиб, қўш қўллаб камтирни киргиздик (Не қилса ҳам волида-да, бир чеккаси шунинг ҳам хурсандлиги, раъйи керак, иккинчидан отамнинг арвоҳини хушнуд қилиш). Ишқилиб, бир қултум оби ёвгон билан бир обдаста таҳорат сувиси тайёр»* (6 т. 131 б.)

Ҳикояда йигит ўзи ва хотини яшаши учун мўлжалланган хонага шипи ва ерига тахта қокдириб, деразалари қўш қават қиладигина эмас, бир чеккасига гишт печка ҳам қурдиради. Меҳмонхонани эса алоҳида безайди. Аммо кампирнинг хонасига келганда танча, бўйра, намат, обдаста каби ашёлардан фойдаланади. Бу ҳол мутлақо тасодифий эмас. У онасининг характери, урф-одатлари, психологияси, инонч-эътиқодларини хурмат қилади. Хонани кампирнинг дидига мос қилиб *«безатиш»*нинг сири ана шунда. Қолаверса, у бир мусулмон фарзанди сифатида онаизорининг кўнглини овламоқчи, исломий ахлоқ бўйича ўз фарзандлик бурчларини беками-кўст бажармоқчи бўлади.

Муҳими шундаки, ҳикоячи «мен» нутқ шаклидан фойдаланилган *«Ғазна»* ҳикоясида Ғафур Ғуломнинг онага бўлган муносабатига хос ўз овози ҳам эшитилиб туради. Унда шартли ҳикоячи образи муаллифга анча яқин туради. Муаллиф овозининг қаҳрамон овозига сингиб кетганига диққат қилиш орқали ҳикоячи бажараётган вазифаларни англаш унчалик қийин эмас.

*«Ғазна»*нинг қаҳрамони техника янгилигини тушунмаслиги сюжетнинг муайян даражада янгилиги бўлса, аъъанавийлик ҳикоячининг фикр-ўйида, кўнглида исломий маърифат устиворлигида, амалий фаолияти шунга мувофиқлигида, унинг Аллоҳдан умидвор банди мўмин эканлигида кўринади. Шунинг учун уни маърифатсиз киши дейиш мумкин эмас. Зеро, у фарзандлик бурчини чуқур ҳис қила оладиган, оила тинчлигини кўзлайдиган, олижаноб туйғулар эгаси бўлган шахсдир. Носир вазият талабига кўра қаҳрамон характерида хос серқирраликни намоён этиб, инсон табиатининг мураккаблигига урғу берган.

Демак, Ғафур Ғулом образ тасвирига дифференциал ёндошган, уларнинг зиммасига ўз имкониятлари доирасида ғоявий-эстетик юк ортган, қаҳрамон табиатига тўғри келмайдиган жиҳатларни уларга



Ўртанган қалби, озор тортган бадани баробарида гангиб қолган қайғули ҳамда ҳасратли ҳолати китобхон кўз ўнгида, хотирасида мухрланиб қолади.

Дарҳақиқат, Ғафур Ғулом ҳикояларида ечимига муаллифнинг ўзи аралashiига қарамасдан, уларда тўлиқ детерминизм ва шафқатсиз реализм анча барқарорлиги акс этган руҳий лавҳалар мавжудлиги диққатга моликдир. Зеро, Қ.Йўлдошев юқоридаги манбада таъкидлаганидек: «*Ўзбек аёли – оғизлиги билан қудратли... истоқларини тинҳон сақлай олгани, бир умр орзу, номус домиди бўлганлиги, қаноати билан ҳам улугдир*». Шу боисдан ҳам «*Соялар*» ҳикоясининг қаҳрамони Ёкутой бир мўминнинг фарзанди сифатида тақдирга тан беради, тасодифларга оний лаҳзаларда умид боғласа ҳам, қаттиқ ишонмайди. Унинг замонлар ўтиб, ижтимоий ҳаётга фаол аралashiи, ўз бахтини топиши ҳам бир жихатдан масъуллик туйғусидан, ўз қисматига жавобгарликни ҳис қилишидан келиб чиқиб изоҳланиши мумкин.

Хуллас, ҳикоя бизнинг *иффат* ҳақидаги тушунчаларимиз доирасини хийла кенгайтиришга хизмат қилгани билан ҳам яшовчанлик касб этган, бугун ҳам ўз қимматини йўқотмаган бўлса ажаб эмас.

Ғафур Ғулом аёл номуси ҳақидаги гап-сўзларнинг ўзбек халқи ҳаётида қанчалик кучли таъсир қудратига эга эканлигини яхши билади. Ўзбекнинг наздида мазкур тушунчанинг муҳим аҳамият касб этишидан келиб чиқиб, ўз ортидан гап-сўз чиқармасликка уринган бир аёл қисмати мисолида у қанчалик ҳақ бўлмасин, жамият томонидан айбситилишини ҳаққоний, ишонарли кўрсатиб бера олган. Ҳикояда инсон руҳияти чуқур ёритилган бўлиб, бу ёзувчи ҳикоялари поэтикасининг жозибасини оширади.

### 3.6. ХАРАКТЕРЛАРНИНГ КОНТРАСТ ТАСВИРИ

Ғафур Ғулом «*Ҳилайи шаръий*» (1930 й.) номли ҳикоясида қаҳрамонлар руҳий дуёси, нияти, ички кечинмаларини уларнинг ўз ҳатти-ҳаракати, нутқи, орзу-интилишлари орқали кўрсатиш йўлидан боради. Биз ҳикоя хусусида муфассал тўхталиб ўтиришдан тийилиб, биттагина кичик ҳолатга диққат қаратиш билан чекланмоқчимиз.

Ҳикоя қаҳрамони Мулла Дилкаш қанчалик учинчи хотинга уйланиш васвасасида ёнса-да, халқнинг маломатидан кўрқади. Шу боис ҳам Мулла Абдулбоки Марғилоний ўйлаган хийла орқали ўз мақсадига эришмоқчи бўлади. Буни на катта хотин, на «*суюк*» хотин тушуниб етмайди. Унинг фирибгарлигини тушунмаган кенжа хотин эрининг ўз ёнини олишидан эркланади. Ҳатто сохта меҳрибонликка ишониб, ўз кўнглини ёрадигина эмас, тез кунда кундошлик балосидан кутилишига умид қилади.

Ниятига эришиш йўлини топган Мулла Дилкаш қулай вазиятнинг яқинлашишини сабрсизлик билан қутаётган бўлишига қарамасдан ўзини

уйкусираганга солади. Воқеанинг англашилмовчилик туфайли содир бўлганига катта хотинини ишонтиради. Бу учун ўзини анковликка солишга ҳаракат қилади. Хотин ишонгач эса гуноҳкор киши киёфасига кириб, мулойим тортиб қолади, «...бу иш шариатда қандай бўлар экан?», деб хотинининг кўнглига кўл солади. Мулла олдига борганда ҳам гуноҳкорона холда, ташвишли чехрада, хайрондек кайфиятда кўринади. Мўлтонилигини ошкор қилмайди.

Ғафур Ғулум юз берган воқеага персонажлар муносабатини ифодалашда уларнинг хатти-ҳаракатларига ишора қилиб ўтади. Масалага ойдинлик киритиш мақсадида Мулла Абдулбоқи Марғилоний олдига келишганда, мулла эр-хотинга бу муаммони «ҳал қилиб беради». Мулла Абдулбоқи «...Энди сиз эр-хотин эмас, она-бола бўлибсиз», - дейди. Яна ҳам аниқроқ қилиб эса: «...сиз ўғил, бу киши сизнинг онангиз, ризоий оқ сунт берган онангиз бўладилар», - дейди. Бу хабарни эшитгач: «Мулла Дилкаш хотинга қаради, хотин Мулла Дилкашга қаради». Мазкур ўринда ҳикоя қахрамонларининг ҳаракати яъни бир-бирига қараши руҳий кечинмаларни ёритишга ёрдам берган. Хотин тақдирининг қутилмаган тарзда бундай ҳал бўлганига гоҳ ишониб, гоҳ ишонқирамас, Мулла Дилкаш домланинг топган йўлидан ҳайратланиши билан бирга, хотинининг мазкур пайтдаги ахволини билишга ҳаракат қилади.

Катта Хотин - тақдир одами. У ўз тақдирининг қутилмаган тарзда ҳал бўлганига гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай туради. Мулла ҳукмини ўқигач беихтиёр тарзда: «Илоё, мен ўлай!», - деб юборади. Тўрт боланинг онаси бўлган бу аёл учун кундошликда кечаётган бўлса-да, оила муқаддас. У ўз оиласининг бузилишини хатто хаёлига ҳам келтирган эмас. Унинг хайронлиги ананшундан. «Ношукур» деб камситса ҳам, «аблаҳ» деб ҳақорат қилса ҳам эр ҳукми, оила тинчлиги унинг учун қадрли. Ҳатто масала узил-кесил ҳал бўлгач ҳам Мулла Дилкашнинг бир оғиз «бас» - деган буйрукона сўзини икки қилмайди. Чунки у мусулмон диёнатига кўра аёл кишининг номаҳрам олдига овоз чиқариши одоб доирасига кирмаслигини яхши билади.

Демакки, бу содда ва бечора аёл инсоф, виждон ва диёнат кишиси. Шу боис ҳам унинг учун Мулла Дилкаш ҳеч қачон бетавфиқ одам ҳисобланмаганидек, Мулла Абдулбоқи Марғилоний ҳам тақводор инсонлардан бири бўлиб кўринади. Ундаги бу ҳислатдан мутаассирлигини хатто муаллиф ҳам яшира олмай: «бечора содда хотин», - дея изох беради.

Муаллиф қахрамонларнинг мулла «ҳукми» ўқилгандан кейинги руҳий ҳолатидаги контрастлиликни персонажлар мулоқоти воситасида тасвирлайди: «Мадрасанинг эшигидан чиқарда Мулла Дилкаш хотинига қараб:

- Она, - деди, - ўзингиз бош бўлиб, яна биронта хотин олиб берасиз-да, икки хотинга ўрганган киши...

-Ўлинг илоё, онангиз нимаси, ҳеч бўлмаса «опа» денг, - деди бечора содда хотин» (6 т. 82 б.)

Кўриниб турибдики, бўлиб ўтган воқеа қаҳрамонлар рухиятига турлича таъсир кўрсатган бўлиб, Мулла Дилкаш «режа»си осонгина амалга ошганидан хурсанд бўлса, хотини эса такдирга тан бериб, ҳаёти бир умрга боғланган, фарзандларининг отаси бўлган умр йўлдошига «опа» бўлишга ҳам рози. Мулланинг бир оғиз «Онангиз бўладилар», деган сўзи хотинни канчалик эсанкратиб қўйган бўлса, Мулла Дилкаш мақсадига эришганидан ўзида йўқ шод.

Муаллиф икки кунлик қиска муддат ва бир оила ҳаётидан олинган эпизод мисолида ўзбек аёлига хос *эътиқодлилик, соддалик, ишонувчанлик, диёнатлилик* хусусиятлари билан, *мўлтонилик, фирибгарлик, жоҳилик, маърифатсизлик* туйғуларини контраст ҳолда тасвирлайди. У ҳар иккала томонга ҳам ачиниш билан қарайди. Шунга қарамадан мазкур кайфиятда носирнинг соддадилларга чинакам ачинаётгани, улардаги шу самимиятни ардоқлашини, аксинча томонни қоралаётганини, уларни ҳажв қилаётганини пайқаш жуда осон. Бунда Ғафур Ғулом сюжет ва характерларнинг зиддиятини ҳаётий асослайди. Ўзбекона ҳаёт тарзидан олинган, миллий колорит акс этган ишончли далиллар маънавий юксакликка чорлайди, ҳажв эса аччиқ кулгига айланади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Ғафур Ғулом шариат қонунлари устидан эмас, уни бузаётган айрим жохил кимсалар устидан кулади.

### 3.7. ИНСОНПАРВАРЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ЭСТЕТИК ИДЕАЛ

Ғафур Ғуломнинг «Менинг ўзригина болам» (1965 й.) ҳикояси асосида ётган воқеа ёзувчининг ўз уйида содир бўлган бўлиб, у ёшлик йилларида мазкур воқеанинг гувоҳи бўлган. Ҳикоядаги носкаш кампир-Қора буви унинг ёши саксондан ошган бувисидир. Ўзига қаттиқ таъсир қилган бу воқеий ҳикояни Ғафур Ғулом анча вақт латифа тарзида айтиб юрган ва кейинчалик қоғозга туширган. Ҳикояда носир воқеани анча теранлаштириб, замонанинг етакчи масалаларига, хусусан биринчи жаҳон урушига келтириб боғлайди. Адиб унда латифага хос жиҳатларни бартараф қилишга, аниқ тарихий заминга таянишга, ўғри ва кампирдаги инсонийлик хусусиятларини кучайтиришга, образларни типиклаштириш ва индивидуаллаштиришга, самимий юмор ҳамда фикрий ихчамликни сақлаб, лўнда баён этишга эришади. Ҳикоянинг бундай жиҳатларини адабиётшунос С. Мамажонов тўғри кўрсатиб ўтади<sup>52</sup>.

Хуршид Дўстмуҳаммад эса мазкур ҳикояни япон адиби Акутагава Рюноске (1892-1927)нинг «Расмиён дарвозаси», америка ёзувчиси

<sup>52</sup> Мамажонов С. Ғафур Ғулом прозаси. Т.: Фан, 1966, 120 б.



*бордир*», - дея *сабр* кишисига айланади. Сухбатдошига ҳам ҳаромни эътироф қилдира олади.

Хикоядаги Қора буви қайсидир жихати билан «*Ўтган кунлар*» романидаги Юсуфбек ҳожини эсга солади. Бу ҳолат уларнинг инсонпарварлигию меҳрибонлигида яққол кўзга ташланади. Ўз қутлуг уйдан бирор кимсанинг норози бўлиб кетишини астойдил истамаган Юсуфбек хожи қиёфаси, рухий тўлкинларига Қора бувининг: «*Вой ўлай, қутлуг уйдан қуруқ кетасанми, болам*», - деган сўзларни айтгандаги ҳолатини қиёсласак, бу муштараклик яққол намоён бўлади<sup>54</sup>.

Издан чиққан турмушни изоҳлашда кампирнинг ўз эътиқоди бор. «*Худонинг гашига тегдик шекилли...*», - дея ўйлайди у. Унинг кўнглига соя солаётган нохуш фикрларни энди йигит хайдаб чиқаради: «- *Йўқ, йўғ-э, буви, ёмон ният қилманг...*»

Бегонага-да сухбатда юзини очик ва тилини чучук тутган, ахли сухбатидан ўз бор-йўғини дариг тутмаган, унинг ҳатто ўғирлик қилмоқчилигини-да кечира олган, насиҳатлар қилиб тавбага етаклаган, биродари-диндошининг иллатини йўқотишга астойдил ҳаракат қилган, йигитни кўнглини овлашга, корнини тўйдиришга рағбат ва истак билдирган, етимларни тарбиялаб вояга етказётганини зинҳор-базинҳор миннат қилмаган кампир ақидалари ботинан ҳам, зохиран ҳам исломий ахлоқ асосларига таянади.

Шубҳасиз, хикояда Ғафур Ғуломдек улкан сўз санъаткорининг буюк инсонпарварлигига йўғрилган эстетик идеали, турмуш ҳақиқатига садоқати, оддий халққа бўлган чуқур ҳурмати, меҳр-шафқати, етимпарварлигию аёл зотига нисбатан эҳтиромни ўз ифодасини топган.

### 3.8. ИЖОДИЙ КОНЦЕПЦИЯ ВА ТАСВИР МАНТИҒИ МУТАНОСИБЛИГИ

Ғафур Ғуломнинг насрдаги маҳорати «*Нетай*» (1930), «*Турилган мурда*» (1934), «*Ёдгор*» (1936), «*Шум бола*» (1936-1962) қиссаларида анча ёрқин кўринади<sup>55</sup>.

«*Нетай*» қиссасида ижтимоий давр бош қахрамон тақдирининг фожиали бўлишига олиб келади. Қиссада ёзувчи инсон ва жамият муносабатлари масаласини анча кенг ёритади. У ҳар қандай нотинчликни қаттиқ қоралаб, «*Оталар ўғилларини, оналар қизларини танимаган бир мусибат кунлар*»да ҳам чин инсоний фазилатлар сақланиб қолиши ва оталик хиссининг кадрдон ва лаззатли туйғулари зинҳор миллат танламаслигига диққат қаратади.

<sup>54</sup> Қаранг: Абдулла Қодирий. Т.: Ўқитувчи, 1980.

<sup>55</sup> Қаранг: Ғафур Ғулом. Муқаммал асарлар тўплами. 5 т. Т.: Фан, 1986

Айрим таджикотчилар бисёр кайд қилишганидек, киссада биринчилардан бўлиб рус ишчисининг образи яратилганлиги бизнингча, муҳим эмас. Муҳими, Семён ва унинг хотинидаги кайнок меҳр-шафқат туйғулари, болажонлилик хислатларининг носир томонидан алоҳида меҳр-мухаббат билан чизилганлигидадир. Зеро, Ғафур Ғулом ҳам Зебихон, Пўтахонларнинг бахтсиз турмушидан, кўнгилларидаги туйғулардан, уларни қафасларга қамашга олиб келган вазиятдан, истак-тилакларнинг бўғилаётганлигидан, ҳақоратланган қалбларидан отилиб чиқаётган йиғилари тош кўнгилларга етиб бормаганидан сўзламокчи эканлигини лирик чекинишларда гоҳ ошқор, гоҳ мажозий тарзда сўзлайди.

Дукчи эшон бошчилигидаги ғазот қанчалик ижобий аҳамият касб этмасин, Ғафур Ғулом назарида мамлакатдаги бетинчликдан оддий халқ жабр кўради.

Саргардонлик туфайли Қўкон кўчаларида тентираб юрган етим киз Нетай бир бурда нон илинжида одамлар қўлига қарайди. Бирок «*Худо берсин*», - деган каломдан бошқасини эшитмайди. Ҳатто унга айримлар ваҳший ният билан назар соладилар. Киссада кишилар ҳаминқадар кун кечираётган, халқнинг аҳволи ниҳоятда ночор бўлган давр манзаралари ана шу тарика жонлантирилади. Ҳақли савол туғилади. Тасвир мантигининг ўзи Ғафур Ғуломнинг ижодий концепциясига хос қарама-қарши қўйиб қиёслаш услубига мувофиқ тарзда Семён образини талаб қилмайдими?

Дарҳақиқат шундай. Дукчи эшон ғазотининг моҳиятини яхши англаган киши адибнинг Россияга хос иккинчи манзарани, яъни оддий рус кишиларини тасвирлаш орқали, улардаги маҳаллий миллат вакилларига бўлган муносабатни кўрсатиш билан носир масалани илмий жиҳатдан ҳам тўғри асослашга интилганлигини англайди. Чунки адиб киссада қўйилган масалани нафақат бадий, балки таджикот йўли билан ҳам ечишга ҳаракат қилган. Асарда тирикчилиги зўрға ўтаётган, фарзандларидан бевакт ажралган қалби ўксик Семён кўприк тагида беозор ухлаб ётган қизалокка ачиниш баробарида фарзандларига вақтида бера олмаган, қалбининг аллақариди сақланаётган, секин-аста унитила бошлаган туйғуларини тирилтириб юборади. Бу отанинг фарзандга бўлган меҳри, шафқати, мухаббати, ардоғи эди.

Таассуфки, бу гўзал туйғуларни Самад, Саидрахимбой, Валихўжа бойлар тўғри тушунмайдилар. Натижада Нетайнинг тақдирини ташқи муҳит томонидан яратилган вазият ҳал қилиб, жоҳил, нафс исқанжасидаги кишилар масалани зўрлик ва зулм билан ҳал қиладилар. Мансабпарастлик, таъмагирлик, шафқатсизлик, нафс исқанжасидаги эврилишлар қизнинг тақдирини фожиали яқунлашга олиб келади ва у фоҳишахонага ташланади. Гарчанд, киссада характерлар рухияти етарлича очилмаган, воқеалар мантиғи анча кучли, тарихий фактлар бисёр, композицион тарқоклик мавжуд бўлса-да, асарнинг ечими тўғри ҳал қилинган.

Ғафур Ғулом XX аср бошларидаги Туркистон ҳаётини ёзғу ва разил кимсалар ўртасидаги тўқнашувлар, тақдир ўйинлари, ижтимоий жараёнлар замирида Нетайнинг аянчли тақдирига сабаб бўлган шарт-шароитларни, жамиятни, турфа хил кишилар характерини гавдалантириб бера олган, инсон фарзандининг ҳақ-ҳуқуқсизлиги қаттиқ қоралаган.

Носир «*Тирилган мурда*» киссасининг бош қаҳрамони Андижоннинг Ёрбоши қишлоғида яшаган, ўз ялқовлиги билан донг чиқарган Мамажон бўлиб, унда ҳаётий фактлар асос қилиб олинса-да, ёзувчи кўпроқ фольклор мотивларига таянади. Инсон табиатидаги нуқсонларни ҳажв қилувчи машҳур «*Минг бир кеча*» («*Алиф Лайло ва Лайло*») <sup>56</sup> китоби даги Абутанбал ҳақидаги эртақдан унумли фойдаланган Ғафур Ғулом яхши турмуш ҳақидаги инсон меҳнати ва инсонпарварлик билан боғлиқ концепциясини киссада ҳам ифода этган. Ғафур Ғулом Сидкий Хондайликийнинг форсча нусхасидан, Аҳрор Махзумнинг арабчадан қилган таржималари ёхуд асл нусхадан фойдаланганлигини тахмин қилиш мумкин. Чунки кисса ёзилган вақтда М.Салье томонидан рус тилига қилинган таржима (1929-1939) тўла нашр этилмаган, арабшунос олимлар Солиҳ Муталлибов, Абдуфаттоҳ Расулов, Убайдулла Каримов ва бошқалар томонидан «*Булоқ босмаси*» асосидаги арабча асл нусхадан қилинган таржима (1959-1963) ҳали амалга оширилмаган эди.

Мамажон «*Абутанбални ҳам бир чўқишда қочирадиган*» ялқов ва дангаса кишининг тимсолидир. Ундаги танбаллик ижтимоий муҳит туфайли келиб чиққан. Чунки фарзандини еру кўкка ишонмаган ота ўз вафотигача ўғлининг бирор касбни эгаллаши, меҳнат қилишига йўл очмайди. Отаси оламдан ўтгач эса, ғўр Мамажон қаттиқ қийналиб, реал ҳаёт билан рўбарў келади. Мамажонга ота қадрдони бўлган чолларнинг насихатлари таъсир қилмай, мерос ҳосил, ярим таноб ер, ярим бузилган кўрғончани ҳам қўлдан чиқариб, қишлоқ чойхонаси, мазор даҳмаси, Миржалол куруқ хонадониди хору зорликда умр кечиради.

Бир қарашда уни одамлар тамомила унитиб қўйишмагандай, қўшни оши чиқаришдан тортиб, насихатларгача қилишган, астойдил ачинишгандай туюлади. Бироқ ачиниш билангина инсон ҳаётда ўз ўрнини топиб кетиши амримаҳолдир. Ўз ҳешларидан тортиб, самаварчию бойгача ниманингдир эвзига унга «*саховат*» кўрсатишади. Бу муносабатларда инсоний самимият, бағрикенглик унчалик етишмайди. Мамажон эса тақдир одами. «*Қандай қилай, шундай тесқари дунё экан... кўниқиб кетарман*», - деб тақдирдан рози бўлиб юраверади. Бироқ у бир кун келиб «*пешонаси очилиб*» кетишидан тамомила ноумид ҳам эмас. Фольклор асарларидаги типологик қаҳрамонларга ўхшаб, омади юришиб кетишини орзу қилади. Лекин у мададни сеҳрли кучлардан олмай, оддий инсоний кучлар ва ижтимоий адолат Мамажоннинг мудроқ виждони ва пассив

<sup>56</sup> Минг бир кеча. Араб эртақлари. 8 томлик. 4 т. Т. : Ўзадабийнашр, 1961, 88-111 - бетлар.

психологиясини уйғота бошлайди. Ундаги маънавий майиблик иллатининг бархам топиши инсон ва жамият муаммосига боғлаб талкин қилинади.

Бизнингча, Мамажоннинг меҳрибон бир умр йўлдошини орзу қилиши унинг айнан меҳрга ташна қалби билан боғлиқ. Унинг ширин хаёллари билан ҳаётнинг боғланишига ҳам адабиётшуносликда талкин қилинганидай қандайдир тузум сабабчи эмас. Сатторкул аканинг ҳеч қандай таъмагирликсиз кўрсатган саховати, уни ўз оиласи аъзосидай қараб меҳр-мурувват кўрсатганидан кейин инсоний ҳароратни сезган, бундан қониқиш ҳосил қилган Мамажон умрида илк бор ором олиб ухлайди. Камчилик- нуксонларининг дўстона кечирилиши, ўзлигини англашга имкон берилиши, саводини чиқаришга йўналтирилиши Мамажонни «жуда ҳам жўн одам эмас»лигини англашга ёрдам беради. Ҳатто танқидларда ҳам қандайдир самимият борлигини тушуна бошлаган Мамажон ҳашар йўли билан уйлик бўлганида, қалбида муҳаббат куртак очиб оила курганида атрофида меҳрли, саховатли, самимий, бағри кенг инсонлар борлигини юрак-юракдан ҳис этади.

Мухит «мурда»га айлантирган кишининг тирилишига, қалби уйғониб тафаккури ўсишига, ўз жамоасию, давлат манфаатларини ўйлайдиган инсонга айланишига даставвал инсонга бўлган самимий муносабат сабабчи бўлса, иккинчидан иктисодий манфаатдорлик қахрамоннинг ўзгаришида муҳим омил вазифасини ўтайди. Шароит ва муносабатларнинг ўзгариши, инсон характерининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатади. Унинг «кўнгли сув ичган» қизнинг исми Кумри деб номланиши ҳам тасодифий эмас. Бу носирнинг беозорликка, меҳрга алоҳида эътибор қаратаётганлигини кўрсатади. Муаллиф «Тирилган мурда» асарида ҳам инсонпарварлик ақидасида собитлигини тасдиқ этади.

### 3.9. ТУЙҒУЛАРНИНГ МОҲИР ЗАРГАРИ

Фафур Фуломнинг «Ёдгор» қиссасида ўзбек халқининг номус учун яшашидек миллий белгиси ёрқин ўз ифодасини топган. Ёзувчи бу гал ҳам гуманизм масаласига диққат қаратади. Ота истаги йўлида, оила шаъни учун қайғурган Меҳри жаҳолат олдида ожиз ва бетадбир бўлиб қолади. У ўз севган йигити ва самимий муҳаббатининг тотли дамларидан нишона бўлган Ёдгорни қовушмокликка бўлган қатта ғов деб билиб, ноиложликдан ўйлаб топган ёлғони туфайли умр бўйи виждон азобида қийналади. Бегонанинг қўлига ғайритабиий ва латифанома ташлаб кетилган фарзандининг номаълум тақдири тўғрисида тортган ташвишлари ўз кучини кўрсатиб, руҳий изтироблар уни касалванд қилиб қўяди.

Ёдгор-рамзий ном, поэтик восита. Унинг ҳаёти ва хатти-ҳаракатини кўрсатиш ёзувчининг бош мақсади ҳам эмас. Асарда инсоний муносабатлар ва қахрамонлар маънавий-руҳий оламини кўрсатишда, характерлар ривожини таъминлашда мазкур восита муҳим рол ўйнайди.



Меҳрининг онаси кизининг севган йигити билан муносабатларини ёқласа-да, бироқ эрига қарши бора олмайди.

Жўранинг онаси ҳам номус кишиси бўлиб, ўғлини «*етти номусимни ерга букдинг*», - деб ёзғириши шундан. Саодатнинг онаси эса Жўрани «*бебошвоқ*»ка чиқарар экан, гулдай кизини унга беришни ўз шаънига номуносиб деб билади. Кампирнинг «*тинкасини қуритган*» Жўранинг болажонлиги сал ўтмай бегуноҳ гўдакка нисбатан бутун оилада меҳр-шафқат уйғотади. Кампир Ёдгорни ўз фарзандлари қатори севиб, ардоқлаб тарбиялайди, унда ўғлига ўхшаш кўп жихатларни кашф қилади. Шу болада ўғлини кўргандай, хидини думоғида хис этгандай бўлади. Саодат ҳам болага алоҳида меҳр билан қараб, унинг Ёдгорга бўлган теран, самимий мухаббати, меҳрибончилиги ўзбекона болажонлиликнинг, инсонпарварликнинг ёрқин нишонларидир. Аини пайтда бундай инсоний туйғулар ёш қалблар интилишларини тушунмаган жоҳил отага нисбатан ачиниш ва ғазаб туйғусини ҳам кучайтиради.

Ёш гўдакнинг сарсон бўлишида асарнинг охиригача Меҳрининг хатти-харакатларини, интилишларини айблаган китобхон қиссанинг сўнгига келиб унга бўлган муносабатларини ўзгартиради. Жўрага кўшилиб китобхоннинг қалбида ҳам меҳр-шафқат, кечиримлилик туйғулари бўй кўрсатади. Қиссада Жўра кечинмалари орқали ўз фикр-ўйларини ифода этган Ғафур Ғулóm лирик чекиниш қилиб, ўз онасига бўлган меҳр-ардоғини ифода этади: «*Эй, мени бағринг билан парвариш қилган она, эй, менга борлигингни берган она, эй, менинг тарбиям учун кўз юммасдан ҳулкарлар кўзларингга чўккан она. Эй, қора кечаларнинг зулмати бахтига чўккан она, эй, ёруғ кунларнинг саодати келажакнингга кўнган она! Дунёда онадан ортиқ ким меҳрибон? Ҳалигача бешик тепасида куйлаган аллаларингга баравар шеър ёза олмадим. Ҳалигача мenden чиққан кичик иситма учун тортган қайгуларингга тенг қайгу ҳис қила олмадим*» (5 т. 64 б.)

Англашиладики, адабиётшуносликда талкин қилиб келинганидай, Меҳри бевафо она образи эмас. У номусни ўйлайдиган, хатолари учун изтироб чекадиган, ўз-ўзини кечирмай руҳан қийналадиган, юрак «*сир*»ларини эридан ҳам пинҳон тутиб, уни аяйдиган, шафқат ва марҳаматга лойиқ аёл образидир. Фарзандини бағрида парвариш қила олмаган, унга бутун борлигини бахшида этиб, тунлари бедор аллалар айта олмаган экан, бу учун унинг бахтига чанг солган ота табиатидаги маърифатсизликни, жаҳолатни айбсйтиш ўринли бўлар эди. Ҳаёт ҳақиқатини миллий жозибаси билан бера олишда Ғафур Ғулómга Шарқ адабиётига хос ривоятчилик усуллари, воқеа тузиш йўлларидан ижодий фойдаланиш ниҳоятда қўл келган.

Қиссанинг композицион қурилиши, сюжетнинг ривожланиш усули, қолиплаш санъатидан фойдаланиш, эпистоляр жанрга мурожаат этиш бадийятда яққол кўзга ташланиб туради.

«Шум бола» киссасида Ғафур Ғулом содда, беғубор, маъсум ва мусаффо табиий хислатларга эга бўлган ўспирин образини яратади. Асар ўткир хажв ва доно юмор билан зийнатланган, етим боланинг саргузаштлари асосига қурилган. Асарда маълум даражада автобиографик элементлар учраса-да, унда ўзбек болаларининг бошидан ўтказган саргузаштлари хикоя қилинади.

Мамлакатдаги нотинчлик туфайли шаҳарда ишсизлик муаммоси келиб чиққан. Қиссадаги Омон, Ит Обид, Бит Обид, Туроббой, Йўлдош, Хусни, Солих, Абдулла, Пўлатхўжа, Миразиз сингари болаларнинг тақдири бир-бирига ўхшаш. Омон онасидан, Йўлдош эса ота-онасидан, Шум бола отасидан ажралган. Одамларнинг касб-корларига диққат қилинса, пичоқчи, эски-туски йиғувчи, тикувчи, кўнчи, хофиз, ғўзафуруш, керосинфуруш, майда савдогарлик ва ҳоказо. Шум бола таниган маҳалладошлари, кўни-кўшнилари билан китобхон шу тарзда танишади. Эътибор берилса Йўлдош «*бари мазорлаб кетган сурп ятак*» кийиб олган ва бошқаларнинг ҳам аҳволи ҳаминкадар. Шум болаларнинг майда-чуйда сақланадиган уйи зах босган. Ёғлари кичкинагина хўқчада сақланади. Хатто товукка мояк ўрнига ҳам пиёз қўйилган. Шунга карамасдан одамларда меҳр-шафқат, иймон, эътиқод каби инсоний туйғулар сўнмаган.

Шум боланинг онаси образини олайлик. У боласининг бошига хамир ёйиб ўтирган ўқлови билан «*астагина*» уради. Чунки унинг учун ўчоқ боши «*Фотимаи Заҳронинг дастгоҳлари бўлган қутлуг ер*» бўлиб, бу жойни ифлос қилиш гуноҳ. Она болагинамининг бошини ёриб қўйдимми?-деган андишада эсхонаси чиқиб кетса, Шум бола қўрқиш ва уятдан кўчага қочади, хатто уйига қайтиб келишга бети чидамайди. Чунки етимча сингилларининг насибасини кўчага ташмалаш уят эканлигини у яхши билади. Бироқ ўртоқлари олдидаги хамиятли бўлишга интилиш туйғуси уни шу йўлга бошлаганди-да. Бечора онаизор бутун қисса давомида Шум болани соғинч ва интизорлик билан кутади. Дўсти Туроббойнинг тилидан баён қилинишича, у хатто ўғлим ўлиб қолган бўлса-я, деб аза очмоқчиём бўлади.

Шум боланинг уйга қайтмаслиги бизнингча, унинг меҳри қаттиқ болагидан эмас. Бу ҳол бир қарашда бу боланинг саёҳатга ўчлигидан, янги-янги саргузаштларга мойиллигидан келиб чиққандай туюлади. Бироқ шу билангина мазкур ҳолатни изохлаб бўлмайди. Аммаси ва поччасининг эркалашлари, болажонлиги Шум бола калбидагина эмас, китобхонда ҳам ниҳоятда илиқ таассуротлар уйғотади. Бу меҳрибончилик бир жихатдан уларнинг ўксик қалби билан боғлиқ бўлса, иккинчидан етимпарварлик, қариндошжонлилик билан изоҳланади. Ахир уларнинг нозик қалблари турфа гулларгаю хайвону паррандаларгача тизгинсиз бир меҳр мужассамлашган эмасми?

«Шум бола» киссасида мазкур типдаги қахрамонлар жуда кўп. Шум бола ва Омондан тўрсиз гардиш ва бола бешикни олган қозок кампир хикоячи «мен» айтганидай «*қўр харидор*» эмас. У ўз болаларини бозорлик

билан сийламоқчи, қолаверса, шу етимча болаларни-да хушнуд этиб, кераксиз матох - гардишни ҳам сотиб олади. Ҳар бир сўзида «қарозим», «қароқларим», -деб оғзидан бол томадиган бу меҳрибон ва ҳалол кампир шу болаларни рози қилиб молларини олишга кўнади.

Қозок кампирнинг иқтисодий аҳволи ҳам мактовга лойиқ эмас. У ўзи етиштирган ул-бул нарсалар: товук, тухум, сўк, курут билан оилага зарур анжомларни айрибошлашининг ўзиёқ бечораҳолигини кўрсатиб турибди. Чунки савдо қилишга нақд пули йўқ. Демак, ўлкадаги барча миллат вакиллари ҳам моддий мухтожликда кўл учида умргузаронлик қилишмоқда. Шунга қарамасдан, инсоний ҳарорат, болажонлилик, ҳалоллик, поклик, инсоф туйғулари билан уларнинг қалби лиммо-лим тўла эканлиги жуда муҳимдир.

Қирғиз кампир Яхшиқиз характерида анчагина салбий жиҳатлар бўртиб кўринади. Бечора кампирни турмуш ташвишлари бирмунча ҳисоб-китоблик қилиб қўйган бўлиб, у ўз тирикчилиги муаммолари билан ҳаёт кечиради. Бироқ кампир инсоний ҳислатлардан, эътиқоддан бегона ҳам эмас. Кампир етимчаларга хайрли назар билан қарайди, уларни андак аяб, ярим танга эвазига тунаш жойи иккита чап-чап нон билан сийлаб, ўзлари олиб келган тухумларни ковуриб беришга рози бўлади. «Аллоҳнинг осмони ҳам, ери ҳам кенг» эканлиги ҳақидаги кампирнинг содда фалсафаси замирида унинг эътиқодига хос жиҳатлар мужассамлашган. Атрофини қуршаган муҳитга кўникиб кетган кампирда ҳам ҳали сўнмаган инсоний туйғуларни кўриш учун давр ва одамлар ҳаётини теран билиш, маиший ҳолатларнинг сабабларини таҳлил эта олиш, ҳар бир қахрамоннинг рухий оламидаги кўз илғамас нозик жиҳатларни маҳорат билан акс эттириш лозим эди. Ғафур Ғулом мазкур машаққатли юмушни юксак даражада уддалай олди.

Шум бола Сарибойникига илк борган куни олма яшиқларидан қароват, ёғоч қириндисидан ёстиқ қилиб ётишига қарамасдан, мазза қилиб ухлайди. Чунки у ҳали зикна бой билан юзлашмаган эди. Ўзига ўхшаган хизматкорларнинг меҳр-шафқатидан, самимий маслаҳатларидан қониқиш ҳосил қилган эди. Бир чўмич гўжаю икки бурда жайдари нон бир етимнинг кўнглини овлашга, қорнини тўйдиришга етар экан. Одамнинг одамга меҳр-оқибат кўрсатиши нахотки шунчалар мушкул бўлса?-дея таъкидлаётгандай туюлади Ғафур Ғулом. Бундай ўринлар Шум болани дарбадарлик ва маконсизлик балосига гирифдор этган муҳит устидан айбномадай туюлади. Аслида ҳам шундай.

Ақсарият тадқиқотчилар қиссадаги Омон образига бирмунча ётсираб қарашади. Шум боланинг айрим сафарларида йўлдош бўлган ҳамқишлоғи Омон тақдирини бош қахрамон қисматидан ажратиш мумкинми? Бундай йўл тутишда нечоғлик асос бор. М.Амилова унинг қиёфасида дўстга хиёнатни, бойликка ўчликни кўради.<sup>57</sup> Омонни Шум болага қарама-қарши

<sup>57</sup> Қаранг: Амилова М. Ўзбек совет адабиётида фольклор аънаналари. Т. : Фан, 1990, 65-66 б.

тарзда яратилган образ деб ҳисоблайди. Ҳ.Ёқубов эса уни очикдан-очик «сўтак»<sup>58</sup> деб таърифлайди.

Албатта Шум бола ва Омон айрича характердаги болалар. Омонга хос хислатларда хушчакчаклик эмас, балки бирмунча жиддийлик кузатилади. Турсунбой аканинг ёлғиз ўғли бўлган бу бола онасидан эрта ажраб, етимлик азобларини тотиб кўрган, ҳаёт анча улғайтириб қўйган ўспириндир. Бунинг устига у Шум боладан бири-иккиёш каттарок бўлиб, Омон кўрган билганининг кўзича курук қўл билан уйга боришдан ор қилади. У хаёлпараст кишилардай мол-дунёси кўпайиб кетишини орзу қилади, ўз ниятларини рўёбга чиқариш мақсадида чор-ночорликдан не бир кўччаларга кириб чиқмайди. Поездда юрган кишиларга айрича хавас билан қарайди, узоқ-узоқларга кетиб колгиси келади. У дунё қидириб, бахт излаб юрганлиги жиҳатидан Шум бола ва унинг ўртоқлари тақдирига тақдири туташлигига, меҳр-мурувватга ташна эканлигига жиддий эътибор қаратиш зарур. Шум болани кўрганида кучоғига отилиб. Ялаб-юлкаши, хол-ахвол сўраши шундан Шум бола билан Кўктерак бозорига қўйларни ҳайдаб кетаётган Омон авж пардаларда мунгли куйлаётган ўртоғига қарата: «*Айм, ука! Анча вақтдан буён шунақа бир роҳат, таниш овоз эшитганим йўқ*», дейди. Худди ана шу ҳолатда Омоннинг рухий тўлқинлари ёркинрок ифодасини топган. Бу ўспириннинг дил торларидан силкиётган дардли изтироблар, соғинч туйғулари Шум боланинг қўшиғи оҳанглигига қўшилиб китобхон қалбига кўчса, бу икки тақдирни руҳан бирлаштириб юборса ажаб эмас. Зеро, содир бўлаётган воқеалар қахрамонлар тақдирида беиз кетмайди. Вақт ўтиб ёши улғайган сари Шум бола ҳам тобора кўпрок оила ташвиши, бева онаси ва сингилларини ўйлайдиган, уларга ёрдам бериш бурчи билан руҳан қийналадиган бўлиб қолади: «*Онам шўрликнинг бева камбагал рўзгорига жодидай жағ билан боришим ўзимга ҳам ўнгайсиз, уларнинг ҳам менга кўзлари учиб тураган бўлса керак... Бева онамни, етимча сингилларимни кўп ўйлайман, ичим ачишади. Нега мен бундай ношуд бола бўлдим, кимга бўлса ҳам шогирдми, югурдакми бўлиш керак, бирор нима топиб онамга қарашиб юборишим керак-ку, дейман, Ўкинаман, ўз-ўзимни қийиман, баъзан-баъзан йиглаб қўяман. Аммо шу ҳолда уйга қайтиш қийин*» (5 т. 181-182 б.)

Шум боланинг фалсафаси, фикр-мулоҳазалари илк бор уйдан чиқиб кетган пайтидагидан анча ўсганлиги, ҳаёт уни улғайтириб қўйганлиги маълум бўлади. Шунга боғлиқ тарзда қиссанинг услубидаги эпик тасвир етакчилиги лиризм билан алмашина боради. Бу эса носирга халқ турмушининг турфа жиҳатларини кенгрок ёритиш, характерлар руҳиятини теранрок кўрсатиш имконини беради.

Асардаги қахрамонларнинг тўқрок турмушга интилишини табиий инсоний хислат деб баҳолаш лозим. Шунга кўра Омонни «*бойлик орттириш ташвишидаги назари паст, маънавий қашшоқ образ*» деб

<sup>58</sup> Ёқубов Ҳ. Фафур Фулом (ҳаёти ва ижоди). Т. : Бадиий адабиёт, 1959. 68 б.

ўйлаш анча бирёкламалик бўлар эди. Унинг характерида айрим ҳолларда кузатилган Шум боладан ўч олишга интилиш эса, болаларча кек саклашдан келиб чиққан ўжарликдан бошқа нарса эмасди. Болаларнинг бирида орийат устунлик қилган пайтда, иккинчиси эса сал муросуага келишни истамайди. Мана шунга ўхшаш ўспиринларча ўжарликнинг ўзи характерларнинг ишончли чиқишини таъминлаган омилдир.

«Шум бола» қиссасининг гуманистик пафосини ёркинрок кўриш учун тақдирлари бир-бирига туташ бўлган етим болалар ўртасидан зиддият кидиришда ҳеч қандай мантиқ кўринмайди. Асарда тасвирланган ижтимоий муаммоларни англамоқ учун жаҳон мухорабасини бошлаб, халқни ночор аҳволда қолдирган ва бундан манфаатдор кишиларга хос ғайринсоний жиҳатлардан тамомила фаркланувчи моддий муҳтожликдан, кундалик ваҳималардан асабийлашган оддий, самимий инсонларга хос жиҳатларнинг бир-бирига қарама-қарши кўйилишидан излаш фойдалирок бўларди. Мураккаб вазиятларда ҳам соф инсоний қиёфаларини йўқотмаган кишиларнинг рухий тўлқинларини тушунмоқ Фафур Фулом кўзлаган мақсадларни англашга ёрдам беради. Маъноли, мазмунли ҳаётни кўмсаган, тақдирини эндиликда қорин тўқлигию хотиржам кун ўтказишгагина боғлаб тасаввур қила олмайдиган Шум бола қалбининг тонгдай тиниқлиги, ўзини қушдай енгил ҳис этаётганлиги, кўкрагини тўлдириб нафас олиши каби рамзийлик билан қиссанинг яқунланиши зинҳор бежиз эмас. Бу Фафур Фуломга хос инсон тақдирининг қўл билан яратилиши ҳақидаги ижодий-эстетик идеалларга бориб такалади.

Қиссанинг аксарият қахрамонлари ожиз бир банда сифатида тақдир синовлари олдида бетадбир қоладилар. Бундай ўринларда инсон ожизлигию иймон қудрати намоён бўлгандек туюлади. Алоҳида олинган кишилар ва оломон руҳияти тасвирланган ўринларда бу ҳол яққолрок ифодаланган. Тошкентлик донги чиққан яллачилардан бири Ойша тақдирининг шогирдлари бўлган Сарви, Фотима, Рисолат яллачиларниқига туташ. Ҳаёт зарбаси билан бир пайтлар алданган, ниҳоят номигагина бўлса-да, Раҳмат ҳожига хотинлик қилиб, унинг турфа найрангларига сабр билан чидаб келаётган, зарур бўлса ўз оиласини боқиш, тирикчилигини ўтказиш учун «юзини ерга суриб тилангандай бўлиб, беш ўн сўм орттириб» келадиган Ойша яллачи жуда ҳам ҳаётдан рози эмас. Эндиликда уни пул ҳам, эри ҳам қизиқтирмайди. Бечора аёл ўз кадрининг оёқ ости қилиниши, нафсониятининг камситилиши, хўрланишига навбат келганида бардоши тугайди.

Ялла айтиб, муқом тушиб, даврадагиларга турли қилиқлар кўрсатиб, данғиллама меҳмонхоналарда «битта қийғир бўйин қилиш билан осмондаги қушни овлайдиган» яллачини ногоҳ танимай қоласиз. Ўзига ўхшаган тақдирлар сонини яна биттага кўпайишини истамаган Ойша яллачи қалбида сўниб бораётган инсоний туйғулар қайта тирилади. Мусулмон бир қосибнинг шаънини ўйлаганида, ҳамиятли, ҳимоятли, беш вақт намозни қанда қилмайдиган кишининг фарзанди бўлган Латифахонга

ачинганида, уни харом йўлдан саклаб қолиш учун куйинганида бу ҳолат яққол намоён бўлади. Қизни муқаррар фалокатдан огоҳ этиб, «*оймпоиша*», «*поишахон*», «*оттоққинам*», -деб эркалаб хушёрликка чорлайди. Акли кириб қолган Латифахоннинг уни «опа», - деб аташи, гунохлари учун узрхоҳлик қилишида юксак инсоний самимият мужассам. Ўпишиб, кучоклашиб, кўз ёши қилиб хайрлашаётган бу икки аёл кундошлардан кўра опа-сингилларга яқин меҳр-мурувват бир-бирларидан ажрашади. Ойшанинг жасорати Латифахонни қочириб юборишида кўринса, Латифахоннинг ҳақиқатан ҳам мўмин кишининг фарзанди эканлиги: «*Нимаши қилган бўлсам, билиб ўтган, билмай ўтган гуноҳларим учун кечиринг*», - дея қалбини очишида кўринади. Бу беғараз самимиятга қайтарилаётган миннатдорчиликкина эмас, Аллоҳдан умидвор муслиманинг истиғфори, тавбаси ҳамдир.

Латифахон ўз тақдирининг яхшиликка юз буришини Яратганнинг марҳаматидан деб билувчи эътиқод кишиси. Шунинг учун бўлса керак, тақдир уни иккинчи бор синаётганида ҳам бу бевага нисбатан қалбимизда ачиниш, ҳамдардлик, руҳий яқинлик туйғуси зинҳор сўнмайди. Аксинча, адашган Ойша яллагига нисбатан ҳам илиқ меҳр пайдо бўлади. Раҳмат хожига чиқарилган халқ ажридан каноат ҳосил қиламиз.

БАДИИЙ ИЖОД ВА АДАБИЙ ТАЪСИР

4.1. ҒАФУР ҒУЛОМ НАСРИ ПОЭТИКАСИГА АБДУЛЛА  
КОДИРИЙ РОМАНЛАРИ ТАЪСИРИ

Абдулла Қодирий ижоди эстетик маҳорат намунаси сифатида кўплаб ўзбек ва туркий халқлар ёзувчилари учун маънавий озуқа берган.

Қодирий романларининг Чўлпон, Ойбек ижодига таъсири хусусида адабиётшуносликда маълум мулоҳазалар билдирилган<sup>59</sup> бўлса-да, адибнинг Ғафур Ғуломга таъсири масаласида нисбатан кам фикр айтилган.

Ғафур Ғулом Қодирий, Чўлпон, Тожи Раҳмон, Жўра Маҳкам, Сўфизода, Хусайн Шамс каби ижодкорлар билан бир неча вақт яқин мулоқотда бўлган. Қодирий ва Ғафур Ғулом баъзан улфатчилик ҳам қилишган. Бундай давраларда баъзан Чўлпон ҳам иштирок этган. 1936 йилнинг ёзида қурултойда қатнашиш учун Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасидан вакил сифатида бир гуруҳ ёзувчилар билан бир қаторда Қодирий ва Ғафур Ғулом ҳам бирга бўлишган. Бу ҳақда Ғафур Ғуломнинг ўзи<sup>60</sup>, Қодирийнинг ўғли Ҳабибулло Қодирий<sup>61</sup> кайд қилиб ўтишади.

Ғафур Ғуломнинг эътироф этишича, Қодирий уни ўзига яқинлаштиришга, суҳбатларида ҳамроҳ қилишга ҳаракат қилган. Чамаси у Ғафур Ғулом иктидори, салоҳиятини кадрлаган, истикболига умид билан қараган. Таассуфки, 1939 йилда сўзлаган нутқида Ғафур Ғулом ўзини «*бир шўро шоири*» эканлигини исботлашга, «*катта-катта хато*»ларини эътироф этишга мажбур бўлар экан, юқорида номлари келтирилган шахсларга, хусусан, Қодирийга нисбатан ноҳолис муносабатда ҳам бўлади. Бизнингча, бу ҳолат шахсий муносабатлар доирасидагина изоҳланиши, табиатан гоятда мураккаб бўлган бадиий ижод ва ўзаро таъсир жараёнига тадбиқ этилмаслиги лозим кўринади. Шубҳасиз, бу иккала санъаткор ижодига ўзаро бир-бирига яқин ва муштарак жиҳатлар анчагина.

Абдулла Қодирий романлари билан Ғафур Ғулом қисса ва ҳикояларини кузатар эканми. Воқеалар талқини, қаҳрамонлар рухий кечинмалари, қалб драматизми ифодаси, ижодкорнинг ҳаётга, воқеликка, инсонга муносабати, бадиий-эстетик қарашларида ажиб бир муштараклик кўзга ташланади. Бунга биз Қодирий романлари билан Ғафур Ғуломнинг «Қизалоқ», «Немай» асарларининг айрим ўринларини қиёслаш орқали ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

<sup>59</sup> Бу ҳақда қаранг: Отаев Р. Тонг юлдузи шуълалари. Шарқ юлдузи, 1989. № 1; Каримов Б. Қодирий қаҳри. Т.: 2003, 30-35 бетлар; Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. Т.: Шарқ, 2004, 237-263- бетлар.

<sup>60</sup> Ғафур Ғулом. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик. 12 т.Т.: Фан, 1989. 9 б. (Монографияда Ғафур Ғулом матъруза ва мактубларидан келтирилган иктибослар шу нашрдан олинди, қавс ичида жилд ва саҳифа кўрсатиб борилди)

<sup>61</sup> Ҳабибулло Қодирий. Отам ҳақида. Хотиралар. Т.: 1983.

Ғафур Ғулумнинг «Қизалоқ» ҳикояси, «Немай» киссаси ўзининг жанрий хусусиятлари, ёзувчи ғоявий-бадний нияти, услубий ўзига хослиги билан «Меҳробдан чаён» романидан фарқ қилса-да, улардаги айрим воқеалар талқини, қаҳрамонлар рухий кечинмалари ифодасида ажиб бир уйғунлик мавжуд.

«Меҳробдан чаён» романида Раъно хонга унаштирилгач, тақдирга тан бериб ўтирмай, Анвар билан биргаликда ўз эркин ҳаёти, бахти учун кураш йўлларини излайди ва улар бир кечадаёқ Махдум хонадонини тарк этишади. Худди шунга ўхшаш воқеа «Қизалоқ» ҳикояси учун асос қилиб олинади. Ҳикоя қаҳрамони Ибай ҳам Анвар сингари оқ қорани танийдиган, ҳукумат ишларида ишлайдиган йигит. Ота-она раъйига қарши бориб, Ибайнинг далдаси билан севгилиси Мукаррама ва йигит ота уйдан бош олиб кетади. Мазкур воқеа талқинида роман қаҳрамонлари билан ҳикоя қаҳрамонлари ўртасида муштаракликлар намоён бўлади. Бу аввало иккала асар қаҳрамонлари қалбидаги меҳр ва соғинч туйғулари тасвирида кузатилади. Роман қаҳрамони Раъно ҳам, ҳикоя қаҳрамони Мукаррама ҳам уйдан кетгач, тез кунда ўз туғилиб ўсган уйи ва ота-онасини соғиниб қолишади. Ўз жасорати билан Анварни лол қолдирган Раъно баъзан кўз ёши тўкиб, йигитни хуноб қилади. Анвар унга далда бериб: «...*Биз Тошкентга етган кунимизоқ соғлимизни ва узримизни айтиб хат ёзамиз*», - дейди. Маълум вақт ўтиб, бу воқеалар эскиргач, Қўқонга ўзимиз келишимиз мумкин, деб қизни юпатади. Бунда хоннинг ғазабидан, ота-она хижронидан кўркмай, уларнинг бошига тушиши мумкин бўлган бало-қазоларни ўйламасдан ўз бахти йўлида жасорат билан курашга отланган қиз хиссиётлари ҳаётгий, жонли ва асосли акс эттирилган. Мазкур ўринда *«тасвир яна ҳолис, изчил реалистик ўзанга тушиб олади»*<sup>62</sup>

«Қизалоқ»даги қизнинг рухий кечинмалари ифодасида ҳам Раъно туйғуларига уйғунлик кузатилади. Йиллар ўтиб, Ибай ва Мукаррамадан хабарнома келади. Мақтубда иккала ёш Андижонда бахтли ҳаёт кечиришаётгани баён этилиб, бўлиб ўтган ишлар учун ота-онадан уз сўрашади. Унда қизнинг бу ишлардан пушаймонлиги, ота-онасини бир кўришга интизорлиги, изн беришса қайтиб келишлари мумкинлиги келтирилади. Бу ўринда ҳар иккала адиб тасвирида муайян ўзига хослик намоён бўлади.

Ғафур Ғулум ҳикоясида ота-она ёшларнинг гуноҳини кечириб, хат ёзишгач, улар қайтиб келишади. Қиз фарзанд дунёга келиши билан ҳикоя ниҳояланади. Ҳикояда қиз қалбидаги тавба, ота-она қалбидаги меҳру шафқат ўзига хос таъсирчан услубда тасвирланган.

«Меҳробдан чаён» романи эпилогда эса хондан авфнома боргачгина, Анвар билан Раъно Тошкентдан Қўқонга қайтиб келишгани ҳақида маълумот берилади. Иккала асарда ҳам ёшларнинг ўз бахти ва

<sup>62</sup> Норматов У. Кодирий боғи. Т.: Ёзувчи, 1995, 173 б.



эркин ҳаёти учун курашлари ва уларнинг орзу ниятлари рўёбга чиқиши ишонарли тарзда ёритилган.

Ёзувчилар ҳар бир детал ва ҳолат тасвирига алоҳида эътибор билан ёндошишган. Романда Анвар билан Раъно уйларида кетган ўша кечадаги қизнинг ташқи кўриниши, аниқроғи кийими масаласи диққатни жалб қилади. Йигит ҳеч кутмаганда қиз эркакча кийиниб олади. «*Паранжи ол, Раъно*», - деб турган Анвар ўз ёнида турган «*ўстирин йигит*»ни кўриб, унинг тадбиркорлигига лол қолади. Ёзувчи бу ўринда ўз бахти ва келажаги учун дадил курашга отланган қизнинг жасоратини аниқ ёритиш учун ушбу тасвирга мушоақат қилган. «*Қизалоқ*»да бу ҳолат тасвири бирмунча яланғочроқ бўлиб, унда ташаббускорлик кўпроқ йигит кўлида. Ибайнинг тавсияси билан қиз саҳар чоғи паранжисиз, очиқ ҳолда уйдан кетади. Иккала асарда ҳам адиблар танлаган тасвир усуллари ёшларнинг эркин муҳаббат ва бахтли ҳаёт учун дадил қадамларини реалистик тарзда акс эттиришга ёрдам берган.

Асарлардаги ота-оналар руҳий кечинмалари тасвири ҳам эътиборга молик. Романдаги Солиҳ Маҳдумнинг фожиа хабарини эшитган пайтдаги аҳволи ғоятда ачинарли ва аянчли бўлиб, эл-юрт олдида шарманда бўлган ота қайғу билан йиғлаб: «*Илоҳи жувонмарг бўлсин, мени ерга қаратди*», - дейди. Нигор Ойим эса чорасиз ҳолда пик-пик йиғлайди.

Ҳикояда бу даҳшатли хабарни эшитган Зулайҳо хола айюхоннас солиб йиғлайди. Чорасиз она қизини «*оқ*» қилиб, Ибайни қарғайди. Отаси Шоқир ака эса Ибайларниқига бориб, тўс-тўпалон кўтарганидан натижа чиқмагач, уни «*дуоини бад*» қилади. Мазкур ўринда ҳар иккала асарда ҳам рўй берган мудҳиш воқеани ҳаққоний акс эттириш ва қутилмаган хабарнинг ота-онага кўрсатган таъсирини ёритишда халқ қарғишлари кенг қўлланилган. Бунда қарғишлар бир томондан қаҳрамонлар руҳий кечинмаларини ёритишга ёрдам берса, яна бир жиҳатдан асарларнинг миллий колоритини кучайтиришга хизмат қилади.

Ғафур Ғулом ҳикоясида Қодирий таъсири кучли бўлиши билан бирга ёлғиз фарзандга бўлган меҳр-муҳаббат, соғинч хисси ўзига хос тарзда тасвирланади. Фарзандини бир кўришга зор бўлган ота-она аҳволи лирик чекиниш воситасида Ғафур Ғуломга хос бўлган ғоятда таъсирчан услубда ёритиб берилган.

Халқ орасида тарқалган айрим удум ва одатлар тасвирида ҳам «*Меҳробдан чаён*» романи ва «*Қизалоқ*» ҳикоясида ўхшашликлар бор. Шундай одатлардан бири совчи юбориш олдида қизни кўриб келишдир.

Раънони хонга тавсия қилиш олдида ўзини «*онҳазратнинг отган ўқлари*» деб ҳисоблайдиган Гулшан бошқа ховлига адашиб кириб қолган қиёфада Маҳдум хонадонига келиб, қизни ҳақиқатдан маликаликка муносиб эканлигига ишонч ҳосил қилгачгина бу ҳақда хонга арз қилади. Бегона аёл қиёфасидаги қуда томон вакилларининг «адашиб» келиб қолиш эпизоди «*Қизалоқ*»да ҳам учрайди.

Умуман, Ғафур Ғулом асарлари поэтикасида Қодирий романлари сезиларли из қолдирган. Айни пайтда ижодий таъсирланиш билан бирга Ғафур Ғулом насрий асарларида ўз услубига хос жиҳатларни ҳам намоён эта олган. Бу таъсирланиш Ғафур Ғулом кинесаларида ҳам кузатилади.

Маълумки, «*Меҳробдан чаён*» романи композициясида «*Зулм ўчоғи*», «*Хон кўнгил очмоқчи*», «*Қирқ қизлар*», «*Нозик*» боблари мавжуд бўлиб, бир қарашда мазкур боблар етакчи воқеа билан унчалик боғланмагандек кўринади. Бирок бу ўринларни Анвар билан Раънони истиқболда кутаётган ҳаётнинг олдиндан чизилган картинаси деб тушинилса масала бирмунча ойдинлашади. Ғафур Ғуломнинг «*Нетай*» кинесасида асосий воқеалар бошланишидан олдин ёзувчи узундан-узук лирик киришлар қилиб, ўша замон тўғрисида, қахрамонлар яшаётган муҳит ҳақида, фоҳишахона ва ундаги аёлларнинг аянчли ҳаёти хусусида ўз мулоҳазаларини баён этади. Лирик киришлар асар воқеалари билан мантқан боғланган бўлиб, Нетай қиз тақдирини ҳал этишда, унинг тақдири фожиали тус олишида шу муҳитнинг таъсири катта бўлганини таъкидлашга хизмат қилади. Қисқаси давр ва муҳит ҳақидаги кинесадаги фикр-мулоҳазалар Нетайни кутаётган ҳаёт картинаси десак муболоғали бўлмайди.

Романнинг «*Қирқ қизлар*» бобида келтирилган Назми билан кинесадаги Нетай тақдирлари, фожиавий ҳаёти, рухий изтироблари ўртасида ҳам муштаракликлар мавжуд.

Тўй куни яқин бўлса-да, севганидан айрилиб, отасининг уч йиллик солиқи бадалига Худоевга тортиқ қилинган Назми номуси топталиб, «*қирқ қизлар*»га қўшилган. Бу шоира қиз икки йил йиғлаб, зору нолон ўн гулидан бир гули очилмай, бевақт ёруғ оламини тарк этади. Қодирий Назми сиймосида туткин қизларнинг аччиқ тақдирию, кўнгил ўртанишларини мунгли оҳангларда ифодалайди.

«*Нетай*» да химоясиз ёш қиз Тошкентда бир кеча меҳмон бўлган Амир Олимхонга тортиқ қилинади. Нетай ҳам ўз аҳволини, фиғону нолаларини Назми каби ашула билан ифодалаши кинесанинг эстетик таъсирчанлигини янада оширади.

Бадий асарнинг муҳим узвларидан бири портрет бўлиб, қахрамоннинг ботиний ва зоҳирий жиҳатларини намоён бўлишида ўрни каттадир. Юксак санъаткорлар қахрамон портрети тасвирига алоҳида аҳамият билан қараганлар ва уларни ўз эстетик идеалига монанд равишда чизишга ҳаракат қилганлар. Қодирийнинг «*Ўтган кунлар*» романидаги Жаннат кампир хунукликнинг типик вакили сифатида таърифланади ва портрети шундай чизилади: «*.. ердан бичиб олгандек пак-пакана, бурни юзи билан баравар деярли теп-текис, кўзи қоққан қозиқ ўрнидек чун-чуқур, оғзи қулоғи билан қошиқ солишар даражада жуда катта, юзи қирқ йиллик оғриқларникидек сап-сарик, қирқ беш ёшлар чамасида бир хотин эди*».

«Нетай» кинесасида фоҳишахонада қизга беркитилган кампир тасвири шунга монанд: «*...кемиш, тишқоли суртилган тишли, бурушиқ оғизли...*», «*ившиқ бармоқли*» тарзда келтирилади. Тасвирдаги «*тиши*», «*оғиз*»,

«бармоқ», «юз» кабилар қахрамон маънавий қиёфасини очишда муҳим қалит вазифасини бажаради.

Ғафур Ғулом қиссаларида Қодирий ижодида маҳорат билан қўлланилган сир сақлаш усули ҳам санъаткорона қўлланилган. Нетайнинг Семёнлар оиласига қандай келиб қолгани сир тутилиб, эр-хотиннинг қизга кўрсатган меҳрибончиликлари, уни эркалатишлари келтирилгачгина, бу «*нотаниш тилда гапирувчи*» кишиларнинг кимлиги ва Нетайнинг бу хонадонга қандай келиб қолгани айтилади.

Асарда Семёндан қизни тортиб олиш учун «тоға» қиёфасида келган Самаднинг номи сир тутилиб, дастлаб унинг ташқи кўринишигина чизилади, қозихонадагина унинг ким эканлиги маълум бўлади. Қиссада бундай усулнинг қўлланилиши китобхоннинг воқеалар ривожига кизиқишини кучайтириш билан бирга қахрамонлар руҳий оламини таъсирчан кўрсатиб беришга ёрдам беради.

Кузатилган қиёсларни тубандагича хулосалашимиз мумкин:

Қодирий ва Ғафур Ғулом шахсий муносабатлари расмий чиқишлардаги мавжуд маълумотлар доирасидагина изоҳланса, бу орқали иккала адиб қалби ички қатламларига етиб бориш анча мушкул.

Бизнингча, Қодирий Ғафур Ғулом иқтидори ва салоҳиятини кадрлаган, истикболига умид билан қараган, адабий қиёфасини шакллантиришга уринган. Ғафур Ғулом ҳам бу хайрли ишга хайрихоҳ бўлган. Бироқ машъум 1937 йилда сўзлаган нутқида унда ўзини муқаррар ҳалокатлардан ҳимоя қилишга интилиш туйғуси кучлироқ намоён бўлади.

Ижод ва таъсирланиш ўз табиатига кўра мураккаб жараён. Қодирий романлари билан Ғафур Ғуломнинг «*Қизалоқ*» ҳикояси, «*Нетай*» қиссаси мисолидаги кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ҳар иккала улкан санъаткорнинг ҳаётга ва воқеликка муносабати, бадиий-эстетик талқини, руҳий кечинмалар, қалб драматизмини акс эттиришда лирик кириш, лирик чекиниш, қистирма эпизод каби воситалар, сир сақлаш каби усуллардан фойдаланишда ўзаро яқинликлар кўзга ташланади. Шунингдек, *Анвар-Раъно-Солиҳ Маҳдум-Нигор Ойим; Ибай-Муқаррама-Шоқир ака-Зулайҳо хола; Гулшан ва Ибайнинг янгаси (қўшниси билан), Назми ва Нетай, Жаннат кампир ва қўшмачи кампир* (исми келтирилмаган — таъкид бизники.Т.М.)каби қаҳрамонларнинг ички ва ташқи портрети, ҳатти-ҳаракатлари, муомила-муносабатлари талқинида анчагина муштарак жиҳатлар мавжудлиги аён бўлади.

Қиёсга тортилган асарлар жанр эътибори билан роман, қисса, ҳикоя каби фарқланишга қараб, ҳар иккала адибда ўзига хослик бўлиши табиий, албатта. Бироқ бундан қатъий назар Ғафур Ғулом талқинларида фактларга кўп боғланиш, публицистик баёнга берилиш, композицион тарқоқлик, қаҳрамонлардан муайян томоннинг позициясига муаллифнинг тамойил бўлиши каби ҳоллар кузатилади.

Шубҳасиз, Абдулла Қодирийнинг Ғафур Ғуломга таъсири юқорида кузатилган ҳоллардангина иборат эмас. Келажакда индивидуал услуб ва

махорат муаммоларига боғлаб адабий таъсир муаммоларини теран ўрганиш янги ҳулосалар бериши мумкин.

#### 4.2. КЎНГИЛ ОЛАМИ НАҚШЛАНГАН САТРЛАР

Ойбек ва Ғафур Ғулом нафақат замондош балки бир-бирига якин дўст, ҳамфикр, ҳаммаслак эдилар. Бу нодир истеъдод эгалари доимо бир-бирининг ижодини синчковлик билан кузатиб боришар, ўрни билан ўз муносабатларини ҳам билдиришар эди. Ойбек мақолаларининг бирида Ғафур Ғулом ижоди ҳақида сўз юритар экан, «*Ўзбек поэзиясида такрордан, шаблондан, ясамачиликдан энг кўп қочган шоир Ғафур Ғуломдир. У образлар устида кўп ишлайди. Фикр ва туйғуларни тамомила янгича беришга тиришади*», - дея юксак баҳолайди.

Ойбекнинг 1934 йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида қилган маърузасида<sup>63</sup> икки шоирнинг 30-йилларгача бўлган ижоди услуб ва маҳорат жиҳатидан қуйидаги икки босқичга бўлиб кўрсатилади.

##### 1. Изланиш босқичи.

##### 2. Реалистик услубни тўла ўзлаштириш босқичи.

Ойбек шоирнинг «*Динамо*», «*Тирик қўшиқлар*» тўпламларига кирган «*Турксиб йўлларида*», «*Кафансиз қолдилар*», «*Таклиф қиламан*» «*Тўқиниш*», «*Яловбардорликка*», сингари шеърларини таҳлилга тортади. Ғафур Ғулом ижодининг изланиш босқичида яратилган мазкур асарларга таяниб, қаламқаш ижодининг асосини поэзия ташкил этади, деган ҳулосага келади. Ғафур Ғуломни XX аср ўзбек шеърятининг «*олдинги шоирларидан, етакчи қучларидан бири*» деб санар экан, «*адабиётимизда кўркам ўринни ишғол қилади*», - деб баҳолайди. Мазкур асарларда ғоявий-бадий жиҳатдан яратувчанлик, курашчанлик, жанговорлик руҳи ифодалангани, давр пафоси ўзига хос услубда акс этганлигини тўғри англайди. Ғафур Ғуломнинг ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарига ижодий ёндашуви, фикр-туйғу, образли ифодалар устида некбин бир катъият билан ишлаши, услубий индивидуаллиги сингари масалалар Ойбекнинг синчков назаридан четда қолмайди: «*Фикр, сезгиларни, воқеаларни, конкрет, яққол, қиррали, қабариқ ва янги образларда беришга интилади*», - деб ёзади.

Айни пайтда Ғафур Ғуломнинг баъзи асарларида курук ташвикийлик, деклоративлик, ундов, кечинма ифодасида мавҳумлик ва ҳатто шеърый сатрларга ажратилган оддий насрий парчалар ҳам учрашини холислик билан кўрсатиб беради. Ғафур Ғуломнинг «*Кўкан*» поэмасида халқ тили ва образли ифодалари, соддадил дехкон руҳиятининг ишончли тасвирлари мавжудлигини эътироф этган Ойбек: «*Поэмада халқ сўзлари, маҳсус ифодалари, мақоллари ўз жойида, мослаб ишлатилган. Унинг ўхшатишлари, сифатлашлари, метафоралари содда, шу билан баравар*

<sup>63</sup> Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. Ўн тўртинчи том. Тошкент, Фан, 1979, 102-106-бетлар.

*ўткир, аниқдир*», - деб ёзади. Реализмнинг ҳаққонийлик тамойилига таянган, кадрдон дўстининг нуқсонларини самимият билан кўрсатишга интилган Ойбек биринчилардан бўлиб «*Кўкан*» поэмасидаги етакчи қахрамоннинг тирик чизгилардан маҳрум холда юзаки тасвирлангани, шоир ижодида схематизм таъсири кузатилишини пайқаган, аввало дўстини, қолаверса адабиётимизни бу иллатдан холи кўришга уринган эди.

Ойбекнинг фикрича, Фафур Гуломнинг 30-йиллар шеърятидаги иккинчи босқич унинг «*Мудофаа*» шеъри ва «*Тўй*» поэмасидан бошланади. Шоир ижодининг янги босқичга кўтарилганини белгилловчи факторлар сифатида Ойбек маазкур асарларда характерларнинг мукамаллиги, кечинмаларнинг ишонарлилиги, бадииятнинг юқорилиги, услуб равлонлиги, фикр ифодасида тўлақонлиликка интилиш, эстетик таъсирчанлик кучлилиги каби ўнлаб соф адабий-эстетик жиҳатларни кўрсатади.

Ойбек Фафур Гулом реалистик насрига хос характерли аломатларни М. Зошченко ҳикоялари билан қиёслашга, демакки янги ўзбек адабиётининг бўй-бастини рус ва жаҳон адабиёти ютуқлари билан ўлчашга ҳаракат қилади... Фафур Гулом кичик насридаги адибнинг турмуш иллатлари ифодасида юмористик кулгидан фойдаланиш иқтидори ҳақида тўхталиб: «*Эски турмуш ва одатлар Фафурнинг юмористик картиналарида бутун ичи билан равшан кўринади... Фафур ўз ҳикояларида одамларнинг образини яхши кўрсатади. Ўзининг кичик қахрамонлари психологиясига кира билади. Уларнинг тушунчалари, қарашлари, мақсад ва интилишларини нозик кўради*», - дея баҳолайди.

Фафур Гулом ижодининг баъзи бир хусусиятларинигина ёритишни кўзлаган Ойбек анча муфассал таҳлилларга киришиб кетади. Чамаси шоир ва носирнинг сермаҳсул ижоди, иқтидорининг секирралиги уни ўзига ром этган, уларни теран ўрганишнинг ўта муҳимлигини англаган бўлса керак. Шу маънода Ойбекни Фафур гуломшуносликнинг илк қалдирғочларидан бири дейиш мумкин.

Ойбек Фафур Гуломнинг «*Немай*» қиссасида тасвир жимжимадорликдан холи, аниқ ва равшанлиги, шакл ва услуб мутаносиблиги, композицияда сунъийлик сезилмаслиги, фабуланинг соддалиги сингари адиб муваффақиятларини мамнуният билан қайд этади. У Фафур Гуломнинг «*Ҳажжи қабул бўлди*» ҳикояси ва «*Немай*» қиссаларида адиб публицистик услубга тамойил бўлишини, воқеаларни бадиий образларда кўрсатиш ўрнига баъзан муҳокама қилиш, исботлаш, тадқиқ этишга интилишини ҳам самимият билан танқид қилади. Кадрдон биродарининг ижоди бу таҳлитдаги нуқсонлардан холи бўлишини кўриш умиди олимни масалалар моҳиятига ҳолислик билан ёндошишга ундайди. Муҳими, Ойбек қалб амри, зиёли этикасига, илмий аниқлик, ҳаққонийлик тамойилларига тўла маънода риоя этади, оппонентига нисбатан чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлади.

Ойбекнинг «*Дўстим, орқадошим Ғафур*» сарлавҳаси билан «*Шарқ юлдузи*» журналининг 1963 йил, 5-сонига чоп этилган мақоласи ихчамгина бўлиб, Ғафур Ғуломнинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан ёзилган<sup>64</sup>. Ёшлиқдан бирга ўсиб, хаётнинг шодлик ва қайгуларини биргаликда татиган, ижод қилган самимий дўстнинг эхтироми «*Дўстим, орқадошим, Ғафур*» деб бошланувчи илк жумладаёқ ўз ифодасини топади. Мақола давомида ана шу самимият туйғуси тўла сакланади. Икки оғиз сўз билан мадҳингни айтиб бўлолмаймен. Сенга бир дoston ёзсам деган умидим бор. Қудратли, салмоқли, чуқур мазмунли гўзал шеърларингни севаман»,-дея дил изҳорларини баён этади муаллиф. Гарчанд, Ойбекнинг ижодий ниятида бўлган Ғафур Ғуломга аталган дoston яратилмаган бўлса-да, ўнлаб дostonларга мавзу бўлгулик икки ўзбек шоирининг ўзаро ҳурмат-эхтироми, ижодий ҳамкорлиги уларнинг шахсияти, исътедоднинг мағзини инкишоф этишга туртки бўлиши, келажак насллар учун ўрнак вазифасини ўташига шубҳа йўқ.

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек хаёти ва ижодий меросини ўрганишга бағишланган ранг-баранг тадқиқотлар ичида Ғафур Ғуломнинг мақолалари ҳам алоҳида ўрин тутади.

Ғафур Ғулом ҳам Ойбек ижодига алоҳида ҳурмат билан қараган. Ёзувчи Саид Аҳмад: замондошларигиздан кимларнинг ёзганлари сизга ёқади?- деб сўраганларида Ғафур Ғуломнинг бунга жавобан: «*Ойбекнинг кенглиги, Абдулланнинг сиққиқлиги, Шайхзоданинг чуқурлиги, Уйғуннинг раволиги, Миртемирнинг эркалиги менга жуда ёқади... Ойбек фикрни кенг қамраб олади. Айниқса, «Навоий» романи Ойбек ижоди ширага, ўзи ақлга тўлганлигини кўрсатади*»<sup>65</sup>, - деган илиқ сўзларини хотирлайди.

Ғафур Ғуломнинг Ойбекка бўлган муносабати замондашлари хотирасида эмас, балки «*Қадрдон дўстнинг юбилеи*» (1955), «*Ойбек-ёзувчи ва олим*» (1955), «*Менинг ярим асрлик дўстим*» (1965), сингари алоҳида мақолаларида ёрқинроқ ифодасини топган.

Ғафур Ғуломнинг «*Қадрдон дўстнинг юбилеи*» номли мақоласи Ойбек таваллудининг эллик йиллиги муносабати билан ёзилган (1955 йил 29 май). Мақолада Ойбекнинг адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига қўшган хиссаси, ижодий тафаккурининг кенг қамровлилиги, заҳматкаш ва билимдонлиги юқори баҳоланган. Ойбекни ўзбек адабиётининг етук билимдони, деб билган муаллиф унинг кунт билан ижодий меҳнат қилишини, халқ хаёти, тили урф-одатлари ва фольклорини, ўзбек ва жаҳон адабиётининг нодир намуналарини кунт билан ўрганганлигини қайд қилар экан, мазкур жиҳатни Ойбек асарларининг бадий етуклигини таъминлаган асосий омил сифатида санайди.

Ғафур Ғулом улуғ санъаткор асарларининг шакли ва ғоявий мазмунига диққат қаратади. Ойбек ижодини тадрижий ривожланишда

<sup>64</sup> Ойбек. Ижод булогинг хамиша кайнасин! Ўн тўртинчи том. Тошкент, Фан, 1979, 331 б.

<sup>65</sup> Саид Аҳмад. Йўқотганларим ва топганларим. Хотиралар, адабий ўйлар. Т. : Шарқ НМК. Бош таҳририяти. 33 б.

ўрганишга уринади. Ёш қаламкашнинг илк ижоди 15-16 ёшларида бошланганини қайд қилади. Дастлабки тўпламлари («Туйғулар», «Кўнгли найлари»), шунингдек, «Темирчи Жўра», «Бахтигул ва Согиндиқ», «Қизлар», «Ҳамза» каби поэмаларига тўхталади.

Ойбекни «*ҳақиқий ватанпарвар шоир*», - деб таърифлаган Ғафур Ғулом шоир асарларини мавзу долзарблиги нуктаи назаридангина баҳолайди. Мақола обзор характерида бўлгани боис муаллиф Ойбек ижодига умумийроқ муносабат билдиради. Унинг ўзбек адабиётидаги энг буюк хизматларидан бири сифатида «*тўлақонли, етук романлар ёзиб бериши*» эътироф этилади. «*Қутлуг қон*», «*Навоий*», «*Олтин водийдан шабадалар*» романлари мисолида Ойбекнинг ўзбек романчилиги тараққиётига кўшган муносиб хиссаси кўрсатилади. Жумладан, «*Қутлуг қон*» ҳақида тўхталиб: «*Бу асар ўз мазмуни билан ўзбек халқи тараққиётини, бутун тарихий даврини ўзида акс эттиради*» - деб ёзади.

Халқнинг оғир турмуши, эрк ва озодлик йўлидаги интилишларининг Ойбек асарларидаги ифодаси хусусида тўхталган Ғафур Ғулом унинг болаларга аталган «*Зафар ва Захро*», «*Қонли бармоқлар*» поэмаларида Покистон болаларининг азоб-уқубатда яшаши, оғир ҳамда машаққатли ҳаёти билан контраст ҳолда шоирнинг бахтли ва эркин ҳаёт ҳақидаги орзу-ниятлари бадий жилоланганлигига эътибор қаратади.

Академик Ойбекнинг олим ва таржимон, фаол жамоат арбоби сифатидаги фаолиятини, ўзбек маданияти ривожига кўшган улкан хиссасини ихчам шаклда ёритиб беради.

Юбилей мақола характерида келиб чиқиб, танкидий фикрлардан тийилган Ғафур Ғулом фикр-мулоҳазаларида кўпроқ эътибор ғоявий мазмунга қаратилган. Мақолага эътироф руҳи сингдирилган.

Ғафур Ғуломнинг «*Ойбек-ёзувчи олим*» номли мақоласи ҳам шу йили ёзилган. («Тошкент ҳақиқати», 1955 йил, 31 май). Мақолада Ойбекни ўзбекнинг «*йирик шоирларидан бири*», - деб қараб, дастлабки поэмалари сюжетлилиги, ҳаётий воқеалар ва инсон ички кечинмалари реалистик тасвирланганлиги билан алоҳида аҳамият қасб этиши айтилади.

Тадқиқотчи Ойбекнинг ёзувчилик фаолиятига тўхталар экан, ўзбек прзасининг вужудга келиши ва тараққиётидаги ўрнини юксак баҳолаб шундай дейди: «*Муҳим жанрлардан бири бўлган ўзбек романининг тараққиёти Ойбек номи билан чамбарчас боғланган*».

Муаллиф адиб ижодига реализмнинг ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси, сюжет, композиция, лирик қахрамон кечинмаси каби талаблари асосида ёндошиши жиҳатидан мақола назарий қиммат қасб этади.

Адабиёт ва санъат асарлари миллий характерга эга бўлишига аҳамият берган Ғафур Ғулом: «*Ойбек асарлари ўз шакли билан тўлиғича миллийдир*», - дея ёзади.

Маълумки, Ойбек ўзбек адабиётида тарихий роман жанрини мувффақиятли давом эттирган ижодкорлардан биридир. Адибнинг

«Навоий» (1944) романи мувфаккиятини таъминлаган куйидаги жихатларни Гафур Гулом алоҳида қайд этади:

-Ойбек А.Н.Толстой каби тарихий роман жанрининг йирик усталари тажрибаларига таяниб иш кўрди;

-Тарихда шахснинг ролини пухта тушунган Ойбек Навоийнинг ҳаққоний образини яратиб берди;

-ёзувчи XV аср тарихий воқеаларни, давр адбий-илмий ҳаётини чуқур ва атрофлича ўрганди;

-Ойбек мазкур асарда ёзувчилик қобилияти билан олимлигини бирлаштира олди.

Гафур Гуломнинг синчков назари, адабий таъсир, ижодкор услуби, дунёқараши, характер ишончилигини таъминлаган омиллар, ижод психологияси сингари соф назарий масалаларга қаратилади. Натижада Ойбек насри теран анланади.

Мақолда академик Ойбекнинг ўзбек адабиётшунослиги олдидаги хизматлари ҳам муносиб баҳоланади. Ойбекнинг ўзбек, форс-тожик ва рус адабиётларини чуқур билиши адабиётшуносликнинг турли соҳаларига оид илмий изланишлар олиб боришга яқиндан ёрдам берганлиги қайд этилади. Бинобарин, Гафур Гулом Ойбекнинг олимона мушоҳодакорлиги, ўткир тафаккури, кенг эрудициясини теран англайди.

*“Ойбекнинг бутун куч-гайрати ва муҳаббати ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигини ривожлантириши ишига қаратилгандир”*, -деб ёзган тадқиқотчи Ойбекнинг адабиётшунослик фаолиятини мавзу йўналишига кўра нисбий жихатдан урта гуруҳга ажратиб қарайди:

1. Адабиёт назариясига оид мақолалар: (*“Ўзбек поэзиясининг тили”*, *“Ўзбек поэзияси сўнги йилларда”* ва бошқалар).

2. Мумтоз адабиёт тадқиқига оид илмий изланишлар (*“Навоийнинг адабий мероси”*, *“Улуғ мутафаккирнинг ҳаёти ва ижод йўли”*, *“Навоий идеяларининг кенглиги”* номли Навоий меросини ўрганишга доир тадқиқотлари, Муқимий, Фуркат ижодига бағишланган мақолалар).

3. Ўзбек адабий танқидчилигига оид мақолалар: (*“Ўзбек совет адабиёти юксалиши йўлида”* ва бошқалар).

*“Менинг ярим асрлик дўстим”* деб номланган навбатдаги мақола Ойбек таваллудининг олтимиш йиллиги муносабати билан ёзилган. (*“Шарк юлдузи”*, 1965 йил, 9-сон).

Мақола бирга ўсиб камолга етган азиз дўст ёрқин хотиралари, тақдирдош қаламкаш ва олимнинг ҳақли эътирофлари билан йўғрилган. Ёндош маҳаллаларда улғайган, бир-бирига ҳавас қилиб яшаётган ўзбек зиёлиларининг кўнгил олами нақшланган сатрлар зинҳор бефарқ ўқилмайди. Кўз олдимизда гоҳ Опар тарновда чўмилаётган, гоҳ окшомларда бир тўп болалар билан *“минди-минди”*, *“қушим боши”*, *“ботмон-ботмон”*, *“оқтеракми - кўк терак”*, *“бекинмачоқ”* ўйинларини ўйнаётган, гоҳида мактаб таҳсилю, ҳаёт кучоғида улғаймоқда бўлган болалик, ўспиринлик, йигитлик онларидаги икки дўст қиёфаси жонланади.



"*Ойбек русчага уста бўлиб кетди, мен нуноқ эдим, ҳавасим келар эди*",-деб ёзади Ғафур Ғулом. У тақдирларидаги муштарақликлар: халқнинг эътирофи, ёзувчилик, шоирлик, академиклик ҳақида улкан бир қониқиш ва мануният билан сўзлайди.

Ғафур Ғуломнинг фикрлари муболағадан, баландпарвозликдан тамонича холи бўлган дил изҳорларидир, дейишимизга тўла асослар бор. Чунони у ёзади: "*...тан бериб айтиш керакки, Ойбек гоётда бардрши, қунтли, заҳматкаш ижодкордир... Асарларини ўқиб ургурмайсан, янги бир асар билан "мана ман" деб рўпарангда табассум қилиб туради.*

*Қандай яхши, яхши..."*

Дўстнинг мувафаккиятидан астойдил мамнуният ҳиссини қалбан туя билиш, бегараз биродарларга, буюк исътедодларга, чинакам маънодаги инсонларга хос ибратга лойик жиҳатдир.

Ғафур Ғулом Ойбекнинг ижодий меҳнатдан чарчамаслиги, ўткир сермаҳсул ва залворли қаламкаш эканлигини адабиётимиз тарихида назари йўқ деб ҳисоблайди: "*Ойбекни ўзига, Ойбекка ўхшатиш мумкин*",-дея таърифлайди. Бу қайсидир маънода Алишер Навоий ҳақида унинг замондоши Захриддин Муҳаммад Бобурнинг "*Алишербек назари йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас*"<sup>66</sup>, - деган эътирофларини эсга солади. Йиллар ўтган сайин бу сўзларнинг кадри яна ошади. Зеро, ижодкор руҳиятига яқин биродарнинг ҳақли сўзлари ҳар иккала адиб шахсиятининг исътедод кирраларини ойдинлаштириш имконини беради.

Хуллас, айтиш мумкинки, Ғафур Ғулом Ойбек ҳаёти ва ижодининг туб масалалари моҳиятини тўғри пайкаган. Муайян тарзда тизимли ўрганишга уринган. Шу маънода ойбекшуносликнинг тараққиётига сезиларли улуш қўшган.

#### **4.3. АДАБИЙ ТАЪСИР ВА ИЖОДИЙ ИНДИВИДУАЛЛИК**

Ўзбек ва қорақалпоқ халқи қадимдан тили, маданияти, яшаш тарзи, урф-одатлари жиҳатидан бир-бирига яқин бўлиб, бу халқлар ўртасидаги адабий таъсир ва алоқалар ҳақида гап кетганда буни назардан четда қолдирмаслик керак. Айниқса, Қорақалпоғистоннинг Ўзбекистон таркибида бўлиши бу муносабатларни янада жипслаштиради. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: "*Иброҳим Юсупов ва Тўлепберган Қаййбергенов, Жўлдосбек Қуттимуратов ва Қуватбой Абдураимов, Байрам Матчонов ва Замира Давлетмуратова, Турсинбой Ешжанов ва Саригул Баҳадирова, Вадим Ягодин каби фан ва маданият арбоблари*

нафақат қорақалпоқ халқининг балки бутун Ўзбекистонимизнинг фаҳру - гуруридир»<sup>67</sup>.

Ўзбек ёзувчиларининг қорақалпоқ адабиётига таъсири ҳақида сўз кетганда Ғафур Ғулом номини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Унинг асарлари мазмунига сингдирилган фалсафий мазмундорлик, умуминсоний ғоялар, бадиий теранлик, санъаткорона поэтик талкинлар, тасвир усули шоир ижодининг қардош халқлар қалбига тез етиб боришини таъминлади. Шунинг учун ҳам қорақалпоқ халқи уни «ўзининг энг сеvimли шоирларидан бири»<sup>68</sup> деб билади.

Ғафур Ғуломнинг қорақалпоқ шоирларига кўрсатган таъсири ҳақида адабиётшунос С.Мамажонов эътиборга молик фикр-мулоҳазаларни баён этган. Биз ушбу ўринда устоз адабиётшунос фикрларига кўшилган ва уни такрорламаган ҳолда мазкур масалани Ғафур Ғулом ва қорақалпоқ шоири Ибройим Юсупов ижоди мисолида ўрганишга ва айрим кузатишларимизни ифодалашга ҳаракат қилдик.

Ибройим Юсупов учун Ғафур Ғулом ижоди маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилган. У таниқли шоир ижодига ғоятда ҳурмат билан қараган, ундан ўрнак олган, ижодий ўрганган. Даврнинг муҳим муаммоларини поэтик идрок этишда, масалани фалсафий таҳлил қилишда, инсонпарварлик туйғуларини ҳаётбахш руҳда акс эттиришда, ўз ғоявий-эстетик қарашларини янада бойитишда, бадиий маҳорат сирларини пухта эгаллаб, ўз ижодий йўлига эга бўлишида Ғафур Ғулом ижодидан баҳраманд бўлган. Бунга шоир ижодидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ибройим Юсупов сатира ва юморга муносабатда устоз санъаткорнинг Ғоявий-эстетик йўналишига суянган. Ғафур Ғуломнинг «Кампиримнинг ҳийласи», Ибройим Юсуповнинг «Саллона-саллона борар бир эсонон» номли шеърлари бунга мисол бўла олади. Шеърларни киёсий таҳлил этиш шуни кўрсатадики, Ибройим Юсупов Ғафур Ғулом ижодидан таъсирланиш билан бирга ўз услубига хос жиҳатларни ҳам намоён этиб, ўзининг етук ижодкор эканлигини кўрсата олган.

Ғафур Ғуломнинг «Кампиримнинг ҳийласи» номли шеърида қариб куйилмаган бир тақводорнинг юмористик образи чизилади. Бошида салла, бир қўлида асо, иккинчи қўлида тасбеҳ ушлаб «*ошда ҳақнинг зикрин айтиб*» кўчага чиққан бу чолнинг ягона мақсади «*бир сатанг хушҳолни*» учратиш ва у билан кўнгилхушлик қилишдир. У бирдан «*муродига етгандай*» бўлади, севинчи ичига сиғмайди. Чунки:

*Ногаҳон ўтди ликонглаб парда ичра бир пари,*

*Туртди-кетди ёнгинамда чимчилаб мен чолни..*

*«Иҳ!» дедим, бир рамзи ишқи эрди бу ночиз йўтал,*

*Қайрилиб боқди, бир алифдек қилди қаддим - долни*

*(1 т. 43 б.)*

<sup>67</sup> Аму тонги. 1999, 4 декабр.

<sup>68</sup> Юсупов И. Озод Шарқнинг оксокол шоири. Эмударья, 1963, №5

Ибройим Юсупов шеъри сюжети ҳам шунга якин бўлиб, унда ёш бир йигитнинг саргузашти санъаткорона ёритилади. Кенг далада кетаётган йигитнинг кўзи ногахон бир қизга тушади. Қиз «*чумоли мисоли нозик бел*», қизил кўйлақда «*ловвулаб ёниб*» бораётган, келишган, «*келсанг кел*» деган, «*икки ўрим сочи тақим*»ига етган тарзда таърифланади.

Хар иккала шеърда бошланган энгил юмор тобора кучайтира борилади. «*Кампиримнинг ҳийласи*»да чол ҳасса, тасбех, чопонини қассобга бериб, «*ширин забон, гунча даҳон жонон*» ортидан йўргалаб кетса, иккинчи шеърда йигит чакмон, попоғи, этиги, белбоғини ечиб ташлаб, «*қуш бўлиб*» «*сулув қиз*» изидан учиши кулгили тарзда тасвирланади. Ғафур Ғулум чол ва жонон эртага учрашишга келишганини баён этиб, шеър сюжети кулгили ва драматик тарзда ечимини топади:

*Эртанинг фикрин қилай деб, ҳовлига келган эдим,  
Кирмасимдан баччагар кампир йўгон бир толни-  
Келтириб бошимга урди, чиқди кўзнинг пахтаси,  
Бешни урганда чиқарди, миядан мисқолни...  
Кўп ҳақоратлар қилурди мен ғарибу лолни.  
Кўчада кўрган ўшал нозик бадан билсам кейин,  
Кампирим эрмиш, синармиш мен қари дажжолни.*

Ибройим Юсупов шеърида ҳам лирик қахрамон тушган аҳвол шунга яқин:

*«Тўхта бўтакўз» деб ҳайқириб бориб,  
Қизнинг майингина кўлини олди,  
Йигит бояқшининг юзи оқариб  
Лаб тишлаб, ҳайратдан анграйиб қолди.  
Азондан кечгача қувган «жонони»  
Ўтир ҳам шилтиқ кўз бир аёл экан.  
Йигит кўнглин тирнаб ҳижил-армони,  
«Алдамчи дунё!» деб йиғлаган экан»<sup>69</sup>*

Иккала шеърнинг ҳам юмористик объекти ахлоқий нопок кишилар бўлиб, маънавий бузук, ахлоқий тубан бу кимсаларнинг мушкул ҳамда кулгули холга тушиб қолишлари шоирлар томонидан ўзига хос услубда акс эттирилган. Шоирлар турли ўхшатиш ва қиёслар орқали характерларнинг ботиний ва зохирий жиҳатларини юмористик тарзда тасвирлайдилар.

Ғафур Ғулум «*аста-аста лаб ялаб*», «*саъри кавшим тескари кийдим*», «*орқасидан йўрта қолдим*», «*ялай деб болни*», «*ичбиқинга қўл юбориб*», «*лаб қочиб кетди қулоққа*» каби ўхшатиш ва ифодалар воситасида лирик қахрамоннинг характерли жиҳатларини жонлантиради.

<sup>69</sup> Ибройим Юсупов Қоратол. Т.: Адабиёт ва санъат. 1988, 30 б.

«Дарёдай тошиб», «ўзин Бердақ сезар, ўзин хон сезар», «кўли етардек ойга», «ўлжа кўрган сордай», «оч назари билан боқар», «този бўлиб ўқдай учадир» каби Ибройим Юсупов қўллаган тасвирий ифода ва воситалар йигитнинг ички ва ташки оламини жилолантиришга хизмат қилади.

Шеър ғоявий мазмунини бадий ифодалашда иккала шоирда ўзаро яқинлик билан бирга ўзига хослик ҳам кўзга ташланади. Бу аввало шеърларнинг шаклида кузатилиб, Фафур Фулом ўз ғоявий ниятини арузда ифода этса, Ибройим Юсупов бармоқ вазни имкониятларидан махорат билан фойдаланган. Ҳар иккала шоирнинг ифода усули ҳам ўзига хос бўлиб, Фафур Фулом шеърида воқеа қахрамон тилидан баён этилади. И.Юсуповда эса воқеа муаллиф тилидан келтирилади.

Лирик қахрамон ташки қиёфасини чизишда ҳам ҳар бир шоир ўз қахрамони яшаш шароити, ёшини назардан кочирмайди. Фафур Фулом қахрамони оёғида саъри кавиш, бошида салла, эғнида чопон, бир кўлида асо, яна бирида тасбех ушлаган «диндор» қиёфасида гавдалантирилса, иккинчи шеърдаги қахрамон ёш, навқирон, эғнида чакмон, бошида попок, белида белбоғ, пичок бор ёш йигит. Унинг ташки кўринишидан қорақалпоқ миллатига мансублиги ёрқин намоён бўлади.

Кўринадики, юмористик образни таъсирчан ва ёрқин ифодалашда И.Юсупов устоз санъаткор меросидан ижодий фойдаланган ҳолда ўзининг новатор шоир эканини намоён эта олган.

Устоз шоир ва И.Юсупов ижодидаги ҳамоҳанглик яна кўплаб шеърларида кузатилади. Қорақалпоқ шоири ватан мавзуси талқинида ҳам улуғ ўзбек шоиридан таъсирланган. Улар ижодида ватанимизнинг кўрки-жамоли, фусункорлиги, чексиз гўзаллиги юксак ватанпарварлик билан тараннум этилган. Айниқса, уруш мавзуси билан боғлиқ ўринларда ўз юртига, халқига бўлган самимий муҳаббат душманга чексиз нафрат ватанпарварлик билан акс эттирилган. Ибройим Юсуповнинг «Булбул уяси» номли достонидаги «Бу юртга муҳаббат, душманга нафрат», «Уруш ғам солмаган бир хонадон йўқ», «Бу уруш аталган тенгсиз офатга, нафрат ўқиб ўтган инсон виждони» каби қатор байт ва мисраларида Фафур Фуломнинг «Кузатиш», «Согиниш», «Халқ отланди», «Сен етим эмассан» сингари шеърлари ғоясига яқинлик кузатилади.

Бадий асар тўқимасидаги композицион воситалардан бири бўлган лирик чекиниш Фафур Фулом ижодида кенг қўлланилиб, уларда шоир ўзининг болалик йилларини тез-тез эсга олади. Шоирнинг «Сен етим эмассан», «Ўзбекистон» шеърларидаги сингари И. Юсупов ҳам «Булбул уяси» достонида болалик ва ёшлик йиллари билан боғлиқ лирик чекинишлар қилади.

Ибройим Юсупов яна кўплаб ўринларда Фафур Фулом ижодидан илҳомланганки, буларнинг барчасини бир иш доирасида тадқиқ этиш имконига эгамиз. Биз мазкур ўринда адабий таъсир ва ўзига хосликнинг

айрим жиҳатларини шоирларнинг юқоридаги шеърлари мисолида кузатиб, умумлашмаларимизни баён зитш билан чекландик.

Умуман, И.Юсуповнинг етук шоир сифатидги ижодий индивидуаллигини инкор этмаган ҳолда айтиш мумкинки, унинг ғоявий-бадий баркамол асарлар яратиб, эл назарига тушишида Ғафур Ғулум ижодий меросидан баҳрамандлик ҳам ўзига хос мактаб ролини ўтаган.

#### 4.4. МАРСИЯЛАРДАГИ ДИЛ РОЗЛАРИ

*Бу ёруғ оламда бормикан, ахир,  
Шоир вафотидан ортиқроқ мотам  
Абдулла Орипов.*

Марсия ёзиш анъанаси халқ оғзаки ижоди ва Урхун-Энасой битикларига бориб тақалади. Маҳмуд Қошғарийнинг *«Девону лугати-турк»* асарида *«Али Эр Тўнга»* марсияси берилган. Фитрат *«Эски турк адабиёти намуналари»* (Самарқанд –Тошкент, 1927) китобида бу марсияни маълум тартибга келтириб чоп эттирган. Алишер Навоийнинг Жомий вафоти муносабати билан ёзган 140 мисралик марсияси Садриддин Айний томонидан *“шоҳ асар”* деб баҳоланган<sup>70</sup>. Бу каби мисоллар ўтмишда теран мазмунли ва бадий савияси юксак бўлган марсия жанри намуналари яратилганлигини кўрсатади. Хувайдо, Роқим, Нодира, Кулфат каби бир қатор шоирларимиз мазкур анъанани муваффақиятли давом эттиришган.

XX асрга келиб, муайян ижодкор вафоти муносабати билан марсия ёзиш ўзига хос анъанага айланди. Бехбудий ва Ҳамзанинг Исмоилбек Гаспирали вафотига, Фитрат, Садриддин Айний, Чўлпон сингари ижодкорларнинг Бехбудий хотирасига бағишланган марсиялари бунга мисол бўла олади. Бироқ муайян муддат бу жанрга мурожаат қилишда узилиш ҳоллари кузатилади.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб марсия ёзиш анъанаси қайта тикланиб, реалистик йўналиш касб эта борди. Айниқса, Ғафур Ғулум вафотига бағишланган марсиялар ҳис-туйғу ва фикр теранлиги, услубий ўзига хослиги жиҳатидан характерлидир. Абдулла Орипов, Шайхзода, Чархий, Улфат, Ҳабибий кабиларнинг марсияларида Ғафур Ғулумнинг улўғлиги, унинг ўлмас сиймоси, ижодкор дўстлари ва халқнинг унга бўлган меҳр-мухаббати шоирона талқин этилади. Биз ушбу ўринда юқорида номлари қайд этиб ўтилган шоирлар марсияларининг барчасини таҳлил этиб ўтирмасдан, Шайхзоданинг *“Ғафурга хат”*, Абдулла Ориповнинг *“Алвидо устоз”* шеърлари доирасида фикр-мулоҳазаларимизни имкон қадар баён этишга ҳаракат қилдик. Мазкур

<sup>70</sup> Адабий тур ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид). Уч жилдлик, Иккинчи жилд. Лирика.Т.: Фан, 1992, 149 б.

марсиялар гоъвий-бадий жихатдан алохида аҳамиятга эга бўлиб, уларда улуг ижодкор табиатига хос сифатлар маҳорат билан ёритилган, шоирнинг жамиятдаги ўрни, хизматлари эсланган.

Ғафур Ғулом вафотида бағишланган дастлабки изтироблар баёни Абдулла Ориповнинг *“Алвидо устоз”* номли шеърида ўз ифодасини топган бўлиб, ёзувчи Саид Аҳмаднинг хотирлашича, марсия Ғафур Ғулом вафоти куни илк бор ўқилган экан<sup>71</sup>. Олти банддан иборат шеърда шоирнинг ҳасрат-надоматлари ва халқ кайғуси санъаткорона ифодаланган. Шоир Ғафур Ғуломни ўзбек шеъриятининг раҳнамо карвонбошиси-сарбони деб билади. Ўзини Ғафур Ғулом шогирдлари сафида деб санаган лирик “мен” ҳасратли қалби барча тенгқурлари каби “етим бўтадек” кайғуга чўмган. Бу ўринда *“сарбон”, “етим бўта”, “карвон йўли”, “интизор кўзлар”* сингари Ғафур Ғуломнинг *“Созиниш”* шеъридаги шоир руҳий тўлқинларининг маҳсули бўлган поэтик тимсоллар марсияга сингдирилиб, ҳасрат-надоматларни таъсирчан ифодалашга йўналтирилган.

Марсияда ҳаёт ва ўлим бир-бирига қарама-қарши қўйилади. *“Шеър майдони”* яъни шеърият майдони аيني пайтда куч-қудратга тўлган мардлар майдони ҳамдир. Аёвсиз жанглarda ёвузлик кучлари ғолиб келади. Шоир ўлимни “сўқир ва ёвуз”ликда, ажални эса “котил”ликда айблади. Лирик қахрамон руҳан иложсиз ва нолон кайфиятда қолиб, қисмат аёвсизлигидан “дод” деб нола қилади. Шу нола оҳангига уйғун тарзда қалбининг туб-тубидан беҳад кучли мунг отилиб чиқади.

Бирок дафатан лирик қахрамон бу кайғули хабарни қабул қилгиси келмайди. Ғайришуурий бир туйғу “наҳотки” деган сўзни қалби ва онгида чарх урдиради. У аста-аста ўз туйғуларини жиловлаб, вазмин ва залворли фикрлай бошлайди. Улуг устоз энди қайтмас сафарга чиққани, келмас маконга йўл олганини англай бошлайди. Олис сафарларга кетганлар ҳам, ҳатто ботаётган куёш ҳам муайян муддатдан кейин қайтиши, яна хузуримизга келиши тайин. Нега энди инсон фарзанди муқаррар тарзда йўқлик салтанатига йўл олади. **Нега?** Унинг тафаккуридаги фалсафий саволлар шодаси ноғоҳ тўзиб кетади. Нигоҳлар атрофдаги азага келган минглаб мотамзода қиёфаларга тушганида, алвидо айтиш фурсати етганини англаб етади, фожияни эътироф этишга мажбур бўлади.

Шоир услубига хос жихатлардан бири шундаки, у Ғафур Ғуломнинг барча сифатларини бир-бир санаб ўтирмайди. Унинг ўқинч-изтиробни, ғам-алами билан таниша борар эканмиз, аста-секин Ғафур Ғуломнинг ўзбек шеъриятида тутган мавқеи, она халқ ва шогирдларнинг устозга бўлган меҳр-муҳаббати кўз ўнгимизда жонлана боради, қалбимизга шоирни йўқотиш нақадар катта мотам экани тобора чуқурроқ сингиб бораётганлигини англаймиз.

Устоздан жудолик чинакамига улкан йўқотиш эканини ҳис этган шоирнинг бу фожиадан *“жигари силқиб, тили лол қотади”*. Ҳолат ва

<sup>71</sup> Саид Аҳмад. Йўқотганларим ва топганларим. Хотиралар, адабий ўйлар. Т.: Шарқ, 1999, 88 б.

кечинманинг реал манзарасини чизган муаллиф кўзларида пайдо бўлган халқа-халқа ёшларга қўшилиб қалбидаги ўтли нидо отилиб чиқади: “*Йигла, онажоним, эй она халқим*”, - дея хайқиради у.

Шеърдаги “*дилда қотган гам*” поэтик тимсоли воситасида кайғунинг махзун руҳи ифода этилади:

*Дардли мусиқалар, ингрангиз бир-бир,*

*Ўзинг ҳам йигла, эй, дилда қотган гам.*

*Ёруз бу оламда бормикан, ахир,*

*Шоир вафотидан озирроқ мотам!*

Мотам руҳини ифода этаётган мусика оҳанглиридаги дардчиллик ва ҳазинлик лирик “мен”нинг мунгли кайфиятини ифодалайди. “*Дилда қотган гам*” поэтик топилмаси бу йўқотишнинг ғоятда катта мотам эканлигини, устоз Ғафур Ғулом ўлими оламдаги жамики кайғулардан-да оғирроқ фожиа эканини аниқ ҳис қилишга ёрдам беради. Шоир вафотини халқнинг дард-ҳасратларига ҳамдард, ҳамнафас, оташнафас бир қалбдан жудодик деб билган лирик “мен” дилини чуллаган ғам-андўхнинг йиғи бўлиб отилиб чиқиши, изтироб-ўртганишлари китобхонга кўчади.

Бироқ шеър бутунлай чорасизлик, умидсизлик ва изтиробли мунг билан тугамайди. Абдулла Ориповнинг кайғусида мархумга чексиз хурмат ва эъзоз баробарида Ғафур Ғулом бошлаган эзгу ишларнинг шоғирдлари томонидан давом эттирилишига некбин бир ишонч-оптимистик руҳ ва улуғворлик ўз ифодасини топади. Яшовчанлик ва курашчанликка даъват этувчи ҳаётбахш мазмун китобхон дилига эстетик таъсир этиб, аниқ мақсад сари интилиш, фидойи инсондан ўрнак олиб яшашга, яратишга ундайди.

Мақсуд Шайхзоданинг “*Ғафурга хат*” номли марсияси Ғафур Ғулом вафотидан уч ой кейин яратилган бўлиб, у юз мисрадан иборат<sup>72</sup>. Шеър гоёвий мазмунига кўра ўша фожиа билан чамбарчас боғлиқ. Марсия мавхум ғам-андўх эмас, балки шоирнинг алам ва изтиробининг бадий ифодасига бағишланган. Лирик “мен” қалбидаги дилни ўртовчи мотамсаролик кайфияти ва дардли кечинмалар чин дўст ва халқ куйчисини йўқотишнинг акс-садосидир.

Таъкидлаганимиздек, марсия анчагина катта ҳажмли бўлиб, у Ғафур Ғулом хотираси ҳақидаги ғоятда таъсирчан асарлардан биридир. Мақсуд Шайхзода юз берган йўқотишни аниқ ва ҳаққоний тасвирлаш учун аввало улуғ шоирнинг инсон ва ижодкор сифатидаги қиёфасини гавдалантириб беради. Ғафур Ғуломнинг умр саҳифалари, кўрган-кечирганлари, характери ва табиатига хос сифатлар эсга олинади. Шоир характерини таърифловчи мисралар улуғ ижодкорнинг зохирий ва ботиний оламини

<sup>72</sup> Қаранг: Шайхзода. Ғафурга хат. Жаҳон адабиёти. 2003, №5, 18-20 б. (Шеърдан келтирилган матнлар шу нашрдан олинди.)

ёритиб берувчи, Ғафур Ғулом сиймосининг туб мохиятини очувчи Шайхзода калб ҳароратидан ёлкинланган оловли, куйдиргувчи қудрат касб этган сатрлардир:

*Тинмас, толмас, жонпарвар кўз борди сенда,*

*Қирқ шоирга етарлик сўз борди сенда.*

*Ҳофизангда юз минг байт, ўн минг латифа,*

*Минг саргузашт, юз қисса, сонсиз саҳифа...*

*Ҳаммаси сенда эди ва сендан эди,*

*Идрокингдан, зехнингдан, кўксингдан эди.*

Ушбу сатрларда Ғафур Ғуломга хос ўнлаб сифатлар ўзининг бадиий инъикосини топган бўлиб, шоир унинг қувваи ҳофизаси, тийран нигоҳи, эрудициясини эсга олиб, бу улуғ санъаткорнинг ёркин ва баркамол тимсолини чизади. Хотиралар уммони Шайхзода хаёлини Ғафур Ғулом билан ўтказган бахтиёр кунлар сари етаклайди. Банагоҳ шоир бир пайтлардагидек, дўсти билан сайр қилишни, дилдан гаплашишини, Навоий ҳақида сухбатлашишни қўмсайди. Бирок у дўсти кадрдон йўқлигини англаб, руҳан маҳзун бир ҳолатни туяди. Шу боис ҳам айна дамда шоир Ғафур Ғулом номини алам ва ҳасрат билан улуғлайди. Шоир даставвал, дўстини ёруғ оламда мавжуд: боғ-роғлар, дала-қирлар, хаттоки, қўпригу чорраҳаларни, муҳими сўз маржонларини тарк этиб кетганига ишонмайди. Чунки шоирнинг наздида: *“Ғафур Ғулом ва ўлим қовушмаган гап”*. Марсияда изтироб ва ҳасрат етакчи кечинма даражасига кўтарилади. *“Ҳазон нафаси”, “қаро зулмат”, “шодликлар уйин ёндирдинг”, “ҳасратим чексиз”, “ҳасрат тўлган”* каби поэтик тамсил ва топилмалар орқали шоир айрилиқ дард-аламларини таъсирчан ёритиб беришга муваффақ бўлади.

Шайхзода кечинма ва ҳолатни ёркин тасвирлаб бериш учун ранг-баранг тасвирий восита ва усулларга мурожаат қилади. Ғафур Ғулом ва ўлимни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, уларни киш ва райхон, дашт ва булоқларга қиёслаш орқали антитеза, *“Қайдан сени қидирай, адресинг қаер? Қимдан сени сўрайин? Одамлар не дер?”* сингари ўринларда тажохилу ориф, дўстига савол бериб, унинг номидан ўзи жавоб бериш усулини бир неча ўринда қўллаш орқали саволу жавобдан фойдаланади.

Марсиянинг яна бир ўзига хослиги шундаки, унда лирик “мен” қалбдаги оғир кечинмаларнинг чексиз-чорасизлиги Ғафур Ғулом томонидан бот-бот айтиб юрилган турк шоири Абдулҳақ Ҳомид (1851-1937)нинг куйидаги байти воситасида ифодаланади:

*“Эвоҳ, на ер, на ёр қолди,  
Кўнглим тўла оҳу зор қолди!”*



Ғафур Ғулом қалбидан жудолик дамларида, ёлғизлик туйган ҳолатларда тилига кўчган ушбу байтнинг марсияга сингдирилиши унга ҳаётгий мазмун, жонли руҳ ва эстетик таъсирчанлик бағишлаган.

Мақсуд Шайхзода марсияда нафақат Ғафур Ғулом ҳақида, балки ижодкор ва давр, яшаш ва курашиш, ҳаёт ва ўлим, умрнинг мазмуни каби фалсафий муаммолар, ижтимоий-сиёсий масалалар хусусида сўзлайди, ўз бадий-фалсафий қарашларини илгари суради. Бу эса марсиянинг маърифий, фалсафий қимматини янада кучайтиради. Мисолларга муурожаат қиламиз. Марсия қуйидаги байт билан бошланади:

*Олтмиш йиллик умрнинг ҳаяжонларин,  
Тўполонлар, ҳужумлар, қаҳқаҳаларин.*

Байтдаги «*тўполонлар, ҳужумлар*» жумласи бевосита диққатни жалб этади. Биз шоир яшаган ғоятда зиддиятли ва мураккаб бўлган- XX аср талотўмларини эсласак, Мақсуд Шайхзода ишора қилиб ўтган сўзларнинг маъноси ойдинлашади. Демакки, Ғафур Ғулом ҳам ноҳақ ҳужумлардан четда қолмаган, улардан жабр тортган. Шоир яна бир ўринда “*Эҳ-ҳе, не-не кунларни кечирдик бирга*”,- дея ҳаёлан сўзлайди. Биз икки дўст, икки ижодкор инсоннинг яхши-ёмон кунларда бир-бирига яқин ҳамдард, ҳамфикр бўлиб яшаганига гувоҳ бўламиз. Шоир ўтган умр саҳифаларини қузатишда давом этади:

*Курашларнинг қизгин, дабдабасини,  
Муҳаббатнинг кўп асов жазавасини,  
“Ҳаёт” деган китобдан ўқиб олгандин.*

Мазкур ўринда кураш, муҳаббат каби инсон ҳаёти билан боғлиқ туйғу-кечинма, ҳаракат руҳининг реал асосига хос айрим қирралари лирикага хос нозикликда ёритиб берилади. “*Ҳаёт*” китоби”нинг фалсафий моҳияти бетакрор ифодаланган. Ғоявий-эстетик жиҳатдан аниқ баҳоланган.

Марсиянинг алоҳида диққат жалб этадиган жиҳати шундаки, шоир юз берган фожианинг бутун дахшатини тўла тасаввур этиш учун лирик чекиниш қилади. Шу орқали шеърнинг китобхон қалбига эстетик таъсири асосида пайдо бўладиган ҳолат ва руҳий кечинманинг чуқурлашувига эришади:

*Ўлим шундай бир мулкки, султони жимлик,  
Унда товуш чиқармай ётар фуқаро.  
Қаро зулмат у жойда қилар ҳоқимлик,  
Шу туфайли ўлимнинг туғи ҳам қаро.*

Мазкур лирик чекиниш катта фалсафий мазмунга эга бўлиб, шоир ўлим образини бутун дахшати билан гавдалантиради. Бунда образли қилиб, ўлим катта бир мулкка ўхшатилади-ки, мазкур мулкнинг султони жимликдир. Инсон анашу ҳукмронга бўйсунган ҳолда товуш чиқармай ётиши лозим. Унда қора зулмат ҳоким бўлгани боис ўлимнинг туғи ҳам қора. Ушбу ўринда шоир фалсафийликни ғоятда чуқурлаштириб, ўлим ҳақида, унинг дахшатлари хусусида инсонларни оғахлантириш орқали ҳаёт ва тирикликнинг, яшаш ва курашнинг кадрига етишга чакиради.

Шеърнинг бошида тушқинликка тушган, ғамга тўлган лирик қаҳрамон энди ўзини қўлга олади. У дўстига берган саволларга жавобан ифтихор билан «*Адресинг юракларнинг айнан тўрида*» - дейди. У Ғафур Ғуломнинг оддий бир инсон сифатида юраги тўридан жой олгани, шеърлари миллионлаб дилларга мухрлангани, сўзлари масалдек тилдан-тилга кўчганини эслаб ўзига-ўзи тасалли беради. Қисқаси, Шайхзода шоир яратган бебаҳо дурдоналари билан мангу барҳаёт бўлишини поэтик жилогантиради.

Умуман, ушбу марсия улуғ санъаткор вафотига бағишланган, трагик мазмун ва ҳаётбахш оптимизм билан суғорилган асардир. Унда шоир дўстини кўмсаш, эслаш, хотирлаш орқали Ғафур Ғулом шахси, ижоди ва азиз хотирасига бўлган самимий муносабатини ёрқин ифодалай олган.

Биз юқорида Абдулла Орипов, Максуд Шайхзода қаламига мансуб марсиялар билан танишиб шунга ишонч ҳосил қилдикки, уларда Ғафур Ғулом характери ва табиатига хос етакчи хусусиятлар лирик қаҳрамон дард-кечинмалари билан уйғунликда тасвирланган. Марсияларда қўлланилган ранг-баранг ифода воситалари ва усуллари шеърнинг етук бадиият намунаси эканлигини кўрсатади, улуғ санъаткор киёфасини кўз олдимизда жонлантиришга хизмат қилади. Ҳар иккала шоир ҳам Ғафур Ғулом вафотига аза очиб, ҳасрат-надоматлару, мунгли изтиробларини баён этиш билангина чекланишмайди. Шеърларда қайғу мазмун-оҳанги жиҳатидан марҳум номини эъзозлаш ва ҳурмат қилишга йўналтирилади. Ижодкорлар ҳаяжонлари марсияларга кўчиб, таъсирчанликни оширса, оптимистик яқун ва ҳаётга муҳаббатнинг кучли ифодаси китобхон қалбига таскин беради, умидворлик уйғотади.

ДАВР АДАБИЙ ТАФАККУРИ ВА ҒАФУР ҒУЛОМ  
ЭСТЕТИКАСИ

5.1. ҒАФУР ҒУЛОМ САБОҚЛАРИ

Ғафур Ғулом ўзбек бадиий-эстетик тафаккури ривожига муносиб улуш қўшган истеъдод эгаларидан биридир. Унинг адабий-танқидий қарашлари «Ўзбек адабий танқидчилиги ва адабиётшунослик илми камолотида ёрқин из қолдирган»<sup>73</sup> бўлиб, ниҳоятда бой ва ранг-барангдир. У ўзининг адабиётшунос сифатидаги фаолиятида оғзаки ва ёзма адабиётнинг кўплаб муаммоларига диққатини қаратган. Бадиий асарлар мазмун-моҳиятига сингдирилган инсонпарварлик, гўзаллик, ватанпарварлик туйғуларини, адолат ва маърифат ғояларини юксак маҳорат билан кўрсатиб бера олган.

Ғафур Ғуломнинг бир қатор мақола ва маърузалари ёш ижодкорлар билан боғлиқ назарий ва амалий масалаларга бағишланади. У адабиёт ва санъат олдидаги масалалар кўламини теран ҳис қилгани ҳолда ёш қаламкашларга ижодкорлик бурчини атрофлича тушунтиришга ҳаракат қилади.

1962 йилда «Ўзбекистон маданияти» газетасида Ғафур Ғуломнинг «Талант ва маҳорат» номли мақоласи эълон қилинади. Мақолада асосан, ёш носирлар ижоди хусусида сўз юритилади. Муаллиф ёш ижодкорларга «бадиий ижод меросхўрлари» деб қарайди ва ўзининг уларга бўлган самимий меҳрини шундай изҳор қилади: «Мен ижодкорлик заҳматини бўйнига олиб қалам тебратаетган ёш ёзувчиларга назар ташлар эканман, кўпгина енгил тортман, оталик гурури, қандайдир қониқиши ва таскинлик ҳисси пайдо бўлади» (11 том, 275 б.)

Мақолада Ғафур Ғулом ўзбек ҳикоячилиги хусусида тўхталар экан, Ўлмас Умарбеков, Фарход Мусажонов, Худойберди Тўхтабоев каби ёш ижодкорлар келажагига умид билан қарайди. Айниқса, Ўлмас Умарбеков ижодига алоҳида эътибор қаратилади. Муаллиф ёш ёзувчи ўзбек кишиларининг юксак инсоний фазилатларини оддий лекин жонли, такрорланмас лавҳаларда ёритиб борганини таъкидлайди. Ўлмас Умарбековнинг «Хатингни кутаман», «Беи панжа баравар эмас», «Юрак сўзлари», «Бобоёнгоқ», «Меҳр», «Ҳайкал» каби ҳикояларида ёзувчи ижоди юқори поғонага кўтарилгани асосланади.

Ғафур Ғулом Ўлмас Умарбеков яхши ёзувчи бўлиб етишишига умид билдиргани ҳолда унинг ижодига хос айрим камчиликларни ҳам келтириб ўтади: «... баъзи ҳикояларида сюжет суст, баёнчилик, чўзиқлик бор, нурсиз образлар учраб туради. Сўнгга Ўлмасда конфликт заифлиги равшан

<sup>73</sup> Мамажонов С. Услуб жилolari. 153 б.

сезилади, тасвирда образлилик етишмайди. Тил бойлигини ошириш устида кўпроқ ишлаш»и лозим дея таъкидлайди.

Кўринадики, Фафур Ғулом Ўлмас Умарбеков ижодининг туб мохиятини англаган ҳолда ҳолисона баҳолайди. Мақолада ўз адабиёти ва маданиятини жондан севган, унинг эртаси учун қайғирувчи олим нафаси сезилиб турибди.

Фафур Ғуломнинг ёш ижодкорларга бўлган муносабати унинг адабий хатларида ҳам ўз аксини топган. У «Ёш шоир Амин Умарийга ўртоқлик хати» номли очик хатида шоирнинг «Икки ёшлик», «Байрогимиз», «Мардона курашчи» шеърлари таҳлили орқали Амин Умарийга содда ва пухта ёзиш ҳақида маслаҳатлар беради. Бунда у замонавий адабиётимизнинг синчков кузатувчи мураббийси сифатида кўзга ташланади. Муаллиф Амин Умарий шеърларига ўта ҳолислик ва талабчанлик билан баҳо берар экан, бир шоир сифатида ўз тажрибалари билан ўртоқлашишни, айрим маслаҳатлар беришни ўзининг бурчи деб билади. Фафур Ғулом ёш шоирнинг «Икки ёшлик» шеъри ҳақида сўз юритиб, унинг ҳажман жуда узунлиги, шоир фикрларида мантикий боғлиқлик йўқлиги, айрим маъно бузилишлар мавжудлигини кескин танқид қилади. Қофиялар ҳам камчиликлардан холи эмаслигини эслатади. Жумладан, «Ғофил кеч келдинг»га «Бутун ҳеч билдинг» қофия бўлмаслигини танқид қилади.

Муаллиф шоирнинг «Байрогимиз» шеърини таҳлил қилар экан, манзуманинг анча яхши ишланганини, эмоционал таъсири кучлилигини таъкидлаб кўрсатади. Шунингдек, шеърда изчил давомийлик йўқлиги ҳам қайд қилиб ўтилади. «Мардона курашчи» шеърининг анча қисқалиги, завқ нисбий берилганлиги, аниқлаштириш лозим бўлган ўринлар мавжудлиги уқтирилади.

Бунда Фафур Ғулом шеърни инсон маънавий дунёсини бойитувчи ғоявий қурол деб билган нозиктаъб шоир ва олим сифатида намоён бўлади. Таҳлилда эътиборни тортадиган нарса шеърларнинг тил масаласига диққат қаратилишидир. Муаллиф шоирга араб ва бошқа чет сўзларни камрок ишлатишни маслаҳат беради. Уни бадиий содда, санъаткорона, эстетик таъсири кучли бўлган асарлар ёзишга даъват этади.

Кўринадики, Фафур Ғулом Амин Умарийнинг учта шеъри таҳлили мисолда адабий жараёни фаол кузатиб борувчи, ундаги ютуқ ва камчиликлар тўғрисида ўзининг холис ва жиддий мулоҳазаларини дадил баён қилувчи адабий танқидчи сифатида ҳам гавдаланади. У ўзига хос теранлик, синчковлик, зукколик ва ўта билимдонлик билан Амин Умарий ижодини тадқиқ этади ва фойдали йўл-йўриқлар кўрсатади.

Фафур Ғулом ёш ижодкорлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларининг бир туркуми турли йиғинларда сўзлаган маърузалари бағридан жой олган. У 1965 йил сентябрида бўлиб ўтган ёш шоирлар асарларининг муҳокамасида кизгин нутқ сўзлайди. Мазкур нутқ кейинчалик Фафур Ғулом «Мукамал асарлар тўплами»нинг 12 - тоmidан ўрин олган (65-67 саҳифалар)

Маърузада Ғафур Ғулом яхлит ижодига хос бўлган бир ибратли фазилат кўзга ташланади. Бу Шарқ мумтоз адабиётига чексиз хурмат ва эҳтиром туйғусидир. Ғафур Ғулом бутун ижоди мобайнида шу туйғуга содиқ қолган ва уни турли жанрдаги асарлари мазмунига сингдириб юборишга уринган.

Адабиётшунос А.Хайитметовнинг куйидаги фикрлари ҳам мулоҳазаларимизни тўла тасдиқлайди: *“Ғафур Ғулом ўзбек адабиётини, хусусан, унинг мумтоз қисмини умумий катта Шарқ адабиётининг бир бўлаги деб қарар, ўзбек адабиёти тарихини шу тарзда ўрганиш тарафдори эди”*<sup>74</sup> Юқоридаги маърузада ҳам адиб худди шу ижодий концепциясига содиқ қолади. Ёш ижодкорларга ўқиб-ўрганиш ҳақида маслаҳатлар берар экан, аввало *“Шарқнинг каттакон адабиётини билиш”* лозимлигини уқтиради. Арузнинг кўпгина вазнлари ўзбек тилига тўғри келиши, уларда бемалол ёзиш мумкинлигини таъкидлашдан чарчамайди.

Умуман, Ғафур Ғулом ёш ижодкорлар Шарқ мумтоз адабиётини пухта ўрганиб, юсак бадиий савияда асарлар яратишлари мумкинлигига ишонч билдиради. 1965 йилнинг 8-17 сентябр кунларида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ёш ёзувчиларнинг кенгаш семинарида Ғафур Ғулом муҳокама пайтидаги фикрларини такрорламаган ҳолда яна нутқ сўзлайди. Мазкур нутқ ҳам 12 - томдан ўрин олган (68-72 саҳифалар)

Ғафур Ғулом маърузасида ўз ижодий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда Шарқнинг буюк ижодкорлари Саъдий, Хоразмий, Умар Хайёмларни кунт билан ўқишга чақиради. Бу фикрларига қўшимча қилгани ҳолда рус классик адабиётини, Ғарбий Европа адабиётини ҳам чуқур ўрганишни маслаҳат беради.

Демакки, Ғафур Ғулом янги ўзбек адабиёти ҳам жаҳоннинг энг етуқ адабиётлари даражасига чиқишига умид билан қараган ва бу йўлда ёш қаламкашларни астойдил заҳмат чекишга ундаган.

Маърузачи эътибар қаратган масалалардан яна бири бу тил масаласидир. У катта умидлар билан майдонга чиқаётган янги адабиёт яратувчилари француз, инглиз, немис тилларидан бирортасини пухта билишлари лозим деб билади. Ана шундагина у бемалол жаҳон халқлари билан муносабат ўрнатиши мумкин деб ҳисоблайди. Англашиладики, Ғафур Ғулом тил билиш ижодкор маданияти ва маънавиятини белгиловчи воситалардан бири деб қараган.

Имкон қадар кузатишларимиз шуни кўрсатадики, Ғафур Ғуломнинг фикр-мулоҳазалари бугунги кунда ҳам ўз кучини йўқотмаган. Унинг ёш ижодкорлар билан боғлиқ кузатишларида давр билан изоҳланувчи айрим камчиликлар кузатилса-да, уларда эътиборга молик муаммолар кун тартибига қўйилиб, жамоатчилик диққати жалб қилинганлиги муҳим қиммат касб этади.

<sup>74</sup> Хайитметов А. Мумтоз адабиётимиз билимдони // Адабий меросимиз уфқлари. Т. : Ўқитувчи, 1997, 56 б.

Шубхасиз, Ғафур Ғуломнинг бу фикр-мулоҳазалари кейинги йилларда эл назарига тушган кўплаб қаламкашлар ижодининг силликлашуви, бадиий-эстетик савиясининг юксалиши, асарлари умрбокийлик қудратининг ошишида муайян рол ўйнаган. Унинг маъруза ва мактувлари, мақола ва эътирофларида ижод масъулиятини тийран ҳис қилувчи тажрибали мураббий, талабчан устоз, ҳозиржавоб тадқиқотчи, адабиётимиз келажига умид кўзи билан қараган шоирнинг меҳрибон нафаси, қузатувчан нигоҳи кўриниб ва сезилиб туради.

## 5.2. ҒАФУР ҒУЛОМ АДАБИЙ МАКТУБЛАРИ

Академик Ғафур Ғулом ижодий меросининг бир қисмини адабий-танқидий ва назарий қарашлар ташкил этади. Бундай қарашлар олимнинг ихчам ва сиқик тақризлари, адабиётнинг турли хил муаммолари талқинига бағишланган мақолалари, анжуман ҳамда юбилейларда сўзлаган нутқ ва маърузалари, адабий ёзишмаларида ўз аксини топган. Ғафур Ғулом адабий-эстетик қарашларида мумтоз адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, халқ оғзаки ижоди, замонавий адабиёт муаммолари ва адабий жараёнга муносабат муайян ўрин тутади. Умуман, у бадиий-эстетик тафаккур тараққиётига муайян ҳисса қўша олган.

Ғафур Ғулом адабий-танқидий маъруза ва мақолалари ҳақида адабиётшуносликда маълум даражада фикр-мулоҳазалар билдирилган<sup>75</sup> бўлса-да, унинг мактувлари нисбатан кам ўрганилган. Ҳолбуки, Ғафур Ғулом адабий мактувлари ғоятда ранг-баранг бўлиб, ўзбек адабиёти ривожига, адабий танқидчилик тараққиётига, мазкур жанр тақомилига маълум даражада ижобий таъсир кўрсатган. Унинг мактувлари «*Мукамал асарлар тўплами*» нинг 12 - тоmidан ўрин олган бўлиб, адабий мактувларда турли хил мавзулардан сўз юритади. Уларда адабиётнинг у ёки бу масаласи, ўша давр учун ғоятда муҳим бўлган муаммолар таҳлил этилади. Мактувларда дўстона самимият ва улуғворлик нафаси сезилиб туради. Улар Ғафур Ғуломнинг адабиётшунослик илми тақомилида тутган ўрнини тўғри белгилашда муҳим аҳамият касб этади, ёзувчининг инсон ва ижодкор сифатидаги фазилатларининг айрим қирраларини ойдинлаштиришга ёрдам беради.

Маълумки, Ғафур Ғулом ёшлар ижодига ғоятда эътибор ва талабчанлик билан қараган, уларнинг ютуқ ва камчиликларини қузатиб, фойдали маслаҳатлар бериб борган. Унинг мазкур йўналишдаги бир қатор мақола ва маърузалари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизни «*Теран нигоҳ ва ҳароратли нафас*»<sup>76</sup> номли мақоламизда қисман баён этганмиз.

<sup>75</sup> Бу ҳақда қarang: Мамажонов С. Услуг жилolari. Т. : 1972; Назаров Б. Ғафур Ғулом олами. Т. : Фан, 2004; Ёкубов И., Матёкубова Т. Истеъдод ва маҳорат. Т. : 2003.

<sup>76</sup> Матёкубова Т. Теран нигоҳ ва ҳароратли нафас // Бадиий тафаккур ва адабий жараён. Илмий тўплам. Т. : 2004, 39-41 б.

Мактубларнинг бир қисми ҳам бевосита ёш ижодкорлар билан боғлиқ бўлиб, уларда Ғафур Ғулом мураббий устоз сифатида гавдаалнади, ўзининг фойдали насихатларини ёш қаламкаш дўстларидан аямайди. Бу жиҳатдан унинг Асқад Мухторга йўллаган шеърий мактуби характерлидир. Мактуб 1947 йилда ёзилган бўлиб, у хажман ниҳоятда қиска, фикр очик ва шоирона мушоҳадалар билан ифодаланган. Ёш шоирга бўлган самимий эҳтиром ва ҳурмат, дўстона йўл-йўриқ шеърий сатрлар орқали маҳорат билан ифодаланган:

*Шоирлик нимаю заргарлик нима,*

*Сени ҳам ўзига тортди бу ҳунар.*

*Олмос пораларни заррин инга тер,*

*Бошинг Сурайёга бўлсин баробар.*

*(12 т. 150 б.)*

Курук насихатгўйликдан тийилишга ҳаракат қилган шоир ўз мулоҳазаларини қиска ва аниқ сатрларда таъсирчан услубда ифодалай олган. Шоирлик машаққатини пухта билган Ғафур Ғулом уни заргарлик билан тенг қўяди. Шоирни «*Олмос пораларни заррин инга тераётган*» заргарга ўхшатади ва бу ишни масъулият билан уйдалайдиган, коинот кенгликларида фикрлай оладиган ижодкоргина юксакликларга кўтарилиши, эъзоз ва ҳурмат топиши мумкинлигини уқтиради. Мактубдаги бу фикрлар нафақат Асқад Мухторга, балки адабиёт майдонига қадам қўяётган, ижод масъулиятини теран англаши зарур бўлган қаламкашларга қарата айтилган бўлиб, замонлар оша аҳамиятини йўқотмаслиги билан кадрлидир.

Мактубларга хос сифатлардан бири шундаки, уларда муайян масалага диққат қаратиш ёки ечимини топиш билан чекланилмайди. Бу жанрга мансуб асарларида ҳам Ғафур Ғулом юксак маҳорат эгаси бўлган ижодкор сифатида намоён бўлади. Ўз фикр-мулоҳаза, хис-туйғуларини санъаткорона ифодалашга уринади. Қозоқ ёзувчиси Кувондик Шанғитбоевга ёзган мактубида тонг пайти деразадан ялтираб кўриниб турган юлдузлар таърифланади. Шундан кейин ёзувчи иш кабинетиде суратлари осиглиқ турган, яқиндагина тирик бўлган *Максим Горький, Владимир Маяковский, Абулқосим Лоҳутий, Ҳамза, Ҳамид Олимжон, Самад Вурғун, Мухтор Аезов, Аброр Ҳидоят* каби устозларини, дўстларини бир-бир эсга олади. Улар адабий, илмий, ижодий вазифаларини шараф билан адо этиб, мангу уйкуга кетганини баён этади. *Берди Кербобоев, Собит Муқонов, Ойбек, Мирзо Турсунзода, Сулаймон Рустам, Комил Яшин, Павло Тичина, Александр Твардовский* каби дўстларини ўзининг қардош-қариндоши деб билади. Улар реалистик адабиётнинг бутун завқини, ҳузурини, машаққатларини елкаларида кўтариб келаётганликларини таъкидлаб: «...сен қурли (тенги- таъкид бизники. Т.М.) ёш авлод шуларнинг фарзандлари ва шогирдлари

ҳисобланасиз», - дея қайд қилади. Мактубдаги фикр-мулоҳазаларда халқлар дўстлиги масаласига диққат қилиниши айниқса муҳимдир.

Ғафур Ғулом қозоқ ва ўзбек халқи меҳнати ва ижодкорлигида муштарак жиҳатлар кўплигини ижтимоий-маданий ҳаёт, ҳудудлараро яқинлик, ижодкорлар ўртасидаги самимий дўстона муносабатларни кўплаб мисоллар келтириш орқали исботлаб беради.

Ғафур Ғулом адабиётнинг залворли юқини яхши англаган ҳолда унга ғоятда талабчанлик ва холислик билан ёндошар эди. У ўзи англаган ҳақиқатга мос келмайдиган мақолалар, айрим нотўғри талқинларга муносабат билдириб борган. Бу ҳолат унинг мактубларида ҳам кузатилади. Шундай мактублардан бири поляк ёзувчиси Раковскийнинг хатига жавобан ёзилган. Польшалик ёзувчи Раковский Москвада нашр этилган «Сто лучших стихотворений» тўпламига киритилган Ғафур Ғуломнинг «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим» номли шеърини ўқиб, ундаги шарқона меҳмондўстлик, очикқўллик ва саҳийликни тушуниб етмайди ва хайрон бўлиб, шеър муаллифига хат ёзади. Бир олам меҳмонни уйига таклиф қилиш учун киши миллионер, уйи эса катта қаср бўлиши лозим дея шеърга эътироз билдиради.

Ғафур Ғулом унга жавобан юксак маданият, камтаринлик ва хотиржамлик билан ўз фикрларини асослаб беради. Жавоб мактубида шеърдаги таклифини яна такрорлаб шундай дейди: «Гарчанд мен шоир бўлсам-да, бўрттириши ҳуқуқидан фойдаланишим мумкин бўлса-да, лекин Сиз ўқиган шеърдаги барча гаплар чин. Мен ўз шеъримдаги таклифимни Сизга ёзган хатимда такрорлашим мумкин.

*Марҳамат! Қалби саҳий одам учун миллион пул эмас, самимият ва ўзаро ҳурмат етарли... Яна бир марта айтаман, марҳамат қилинг! Гул байрами яқинлашяпти. Бизда гул ҳаммага етарли» (12 т., 197 б.)*

Бу шарқона меҳмондўстлик, самимият ва бағрикенгликни тўғри англаган, унга амал қилган ва уни ўз ижодида юқори даражада ифодалай олган шоирнинг ғоятда ҳақли эътирофи эди.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1949 йил 18 октябр сониди Ғафур Ғуломнинг «Нафасдек табиий рост сўз» номли мақоласи эълон қилинади. Мақоланинг баъзи ўринларига адабиётшунос В.Мирзаев ўз мулоҳазасини билдиради. Унга Ғафур Ғулом мактуб ёзиб, адабиётшунос мулоҳазаларига асосли жавоблар беради.

Ғафур Ғулом ва В.Мирзаевлар эътибор қаратишган масалалардан бири Фурқатнинг Ёрқентдан Марғилон шаҳрида турувчи Тошболтуга ёзган мактубидан келтирилган байтнинг турлича шарҳида кузатилади. Ғафур Ғуломнинг газетадаги мақоласида Фурқатнинг куйидаги байти келтирилади:

*Муқимий, Нисбатий ўлди, демишсан, ўлса ўлгандир,  
Замона ҳхоли қолмас бир нафас ақли расолардин.*



Ғафур Ғулом мактубда В.Мирзаевнинг Фуркат Муқимий ўлимига бепарво ва лоқайд қаради, «шукрки ўлди», дегандай шу байтларни ёзди, дея байтни изоҳлашини инкор этади.

«Тасалли» - кишидаги энг олижаноб фазилатлардан бири эканини тўғри англаган шоир В.Мирзаевга уни «шукр» билан алмаштирмасликни маслаҳат беради. Фуркатнинг Муқимийга нисбатан ҳеч қандай гарази йўқлигини таъкидлаб, иккинчи мисрада шоирнинг эзгу умиди ўз ифодасини топганини баён этади. Унда Муқимий вафоти билан адабиёт ўлмайди, халқ даҳоси нозиктаъб шоирлар, ақли расо кишиларни етиштириб чиқаради, деган ғоя илгари сурилгани ҳаётий мисоллар воситасида исботлаб берилади. Ғафур Ғулом адабиётдаги оптимистик руҳни чуқур англагани ҳолда ҳаётга, келажакка умид билан қараш Фуркатнинг бош мақсади бўлганини тўғри изоҳлай олади ва адабиётшуноснинг ҳам буни тўғри тушунишини истайди.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, Ғафур Ғулом мактублари мавзу йўналишига кўра ранг-баранг бўлиб, уларнинг аксарият қисми оила аъзоларига (хотини, синглиси, фарзандларига), турли вилоятларда истиқомат қилувчи дўстларига, турфа хил ёш ва мавқега эга бўлган ижодкорларга ёзилган. Айниқса, улар орасида ўзбек ва қардош халқлар ижодкорларига йўллаган мактублари алоҳида ажралиб туради. Шеърӣй ва насрий усулда битилган Ғафур Ғулом адабий мактубларида адабиётшуносликнинг ижодий ҳамкорлик, адабий таъсир, ижодкор ва ижод масъулияти, матншунослик, поэтик идрок, бадий маҳорат сингари долзарб масалаларига диққат қаратилган.

Академик шоир ўз мактубларининг бадиияти, тили масаласига эътибор билан қараган. Унинг адабий-танқидий мақолаларида бўлганидек, мактубларида ҳам ҳолислик, ҳаққонийлик, илмий теранлик ва аниқлик каби фазилатлар намоён бўлади. Уларни ўрганиш ва таҳлил этиш Ғафур Ғулом эстетикасини, ўша давр адабий тафаккурини теранроқ англаш, бинобарин бугунги адабиётшунослик илми ривожини учун ҳам аҳамиятлидир.

### 5.3. ШОИРНИНГ ТАҲАЙЮЛ ДУНЁСИ

Чинакам истеъдод соҳиблари қалб амри билан қалам тебратади, ижоди намуналарининг китобхонлар томонидан илиқ қабул қилиниши учун астойдил заҳмат чекади. Зеро қалам аҳлининг масъулиятни теран англаши, бадий ижоднинг етакчи тамойилларини чуқур ҳис этиши, ёзганларини кўнгил тафтишидан ўтказиб туриши ҳар қандай бадий асарнинг мукамаллигини таъминловчи омиллардир. Ўзбек адабиёти намоёндалари мероси анашу мезон асосида яратилган битикларда сўз санъати ва унинг етакчи хусусиятларини ифода этувчи ўринлар анчагина. Сайфи Саройи, Хайдар Хоразмий, Навоий, Бобур каби шоирларимизнинг

айрим байт ёки кичик ҳажмдаги шеърларида, дostonларидан ўрин олган баъзи намуналарда ўзи ва салафлари ижоди ҳақида сўз юритилади. Адабиётнинг, бадий ижоднинг нозик қирраларига муайян муносабат ифодаланади. Жумладан, Алишер Навоий Саид Ҳасан Ардашерга йўллаган маснавий номасида:

*Мен ул менки, то турк бедодидур,  
Бу тил бирла то назм бунёдидур*<sup>77</sup>.

деб ёзган бўлса, «Лисон ут- тайр» достонида:

*Турк назмида чу мен тортиб алам,  
Айладим ул мамлакатни якқалам*<sup>78</sup>

деган сатрларни битади. Бундай ўринларда Навоий туркий тилда қалам тебратишда нодир эканини шоирона тасвирлаш билан бирга «турк назмида ижод этганидан гурур ва ифтихор туйғуларини ифода этади. Адабиётнинг, хусусан туркий шеърятнинг қудратини улуғлайди.

«Мажolis ун-нафоис», «Маҳбуб ул-қулуб» асарлари, «Ҳамса» дostonларининг айрим боблари, кўпгина лирик шеърларида бадий асар мукамаллигини таъминловчи омиллар, ўз ёзганлари барча даврлар талабига жавоб бера олиши хусусида сўз юритилади. Навоий ижод аҳлига ғоятда талабчанлик билан ёндошиб, баъзан унинг хато қилиши ҳам мумкинлигини таъкидлайди. Ҳатто ўзининг ижоди ҳам бундай камчиликлардан холи эмаслигини камтарона эътироф этар экан, бунинг учун китобхондан узр сўрайди.

Захириддин Муҳаммад Бобур эса ижодкорларни пухта, асосли ва мантиқан бир бутунликни ташкил этувчи асарлар ёзишга чақириб, санъаткорона яратилмаган ҳар қандай асарни кескин танқид қилади. Бобур ўзига ҳам танқидий назар билан ёндошиб, «Бобурнома»да ижодининг илк даврида ҳажвий ва ҳазиломуз асарлар деб «қабих ва зийт назм» ёзганини қоралайди. Бинобарин, у ҳазил-мутойибанинг ғоявий-бадий жиҳатдан етук, соғлом бўлишини тарғиб қилади.

Бадий маҳорат масаласи, хусусан, шакл ва мазмун мутаносиблиги, қофия, вазн муаммоси ҳам ҳамиша ижодкорларимиз диққат марказида бўлиб келган. Ўзбек адабиёти тарихидаги алоҳида асарлар ёки бадий асарлар таркибидаги шеъринг парчаларда шакл ва мазмун мувофиқлиги масаласига муайян муносабат билдирилган. XIV асрнинг машхур шоири Сайфи Саройи «Васфул шуаро» маснавийсида шундай дейди:

<sup>77</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Т.: Фан, 1988, 529 б.

<sup>78</sup> Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа бирлашмаси. 1991, 259 б.

*Кими маъни қўюб, лафзин тузатур,  
Кими вазнин бузуб, санъат кузатур*<sup>79</sup>

Шоир ўз замонасида гўзал шеърлар ёзиб, кишиларга завк бағишловчи қалам аҳли бўлганидек, шаклбозликка берилиб, бадиий заиф асарлар битувчи ижодкорлар ҳам борлигини такидлайди.

Хайдар Хоразимий ҳам бу иллатга қарши чиқиб, бадиий сўздаги мазмундорликни биринчи ўринга қўяди:

*Сўзда керак маънию маънида завқ,  
Сўзлагувчида сўз учун дарду шавқ*<sup>80</sup>

Шоирнинг фикрича, асардаги мазмун унинг дард-кечинмалари билан боғланиб кетмоғи керак, яъни у чуқур ҳиссиёт, илҳом ва завк билан баён этилмоғи лозим.

*«Мен шарқ шоириман. Шунинг учун Шарқ классикларининг ҳаммаси менинг ҳеш-акраболарим, десам ажабланарли бўлмас... Мени уларнинг мероси ва анъаналари тарбиялаган. Ҳали бешикда ётар эканман онам Ҳофиз, Жомий, Навоий ва Фузулий газалларидан хониш қилиб, мени аллаларди. Табиийки, уларнинг асарлари она сuti билан қонимга сингиб, жисму руҳимга сайқал берарди»*(11 т. 298 б.) , - дейди академик шоир Фафур Фулом.

Фафур Фулом «Мен Шарқли шоирман» дея ғурурланиши мутлақо табиийдир. Чунки, шарқона ифода йўсинлари, сўзлаш маданияти, тафаккур тарзи унинг асарларидан мустахкам ўрин олган. Шу боис ҳам шоир ижодини шарқ адабиётига хос анъаналардан ажратмаган ҳолда тушунишимиз, шу мезонлар асосида таҳлил этишимиз лозим.

Адабий, эстетик тафаккурнинг янгиланиши бадиий ижод намуналарини муаллифнинг ижодий тажриба ва сабоқлари билан муштаракликда тадқиқ этиш заруриятини туғдирмоқда. Чунки, теран маъно-моҳиятни кашф этиш, поэтик маҳоратни тўғри англаш, санъаткорнинг руҳий туғёнларини, қалб кечинмаларини, ижод жараёнидаги ҳолатини чуқурроқ ёритиш алалоқибат бадиий -эстетик оламни кашф этишдир.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, адабиёт ва бадиий ижод билан боғлиқ қарашлар Фафур Фуломнинг адабий-эстетик қарашларидан келиб чиққан ҳолда баъзан алоҳида шеърларида, баъзан турли мавзуга оид асарларининг айрим ўринларида ифодаланади. Бунда бадиий ижоднинг моҳияти, ўзига хос жиҳатлари, шоирлик бурчи ва масъулияти, илҳом

<sup>79</sup> Фозилов Э. XIV аср Хоразм ёдномалари. Т. : Фан, 1973, 126 б.

<sup>80</sup> Муборак мактублар. Т. : Адабиёт ва санъат, 1978, 122 б.

онларидаги туйғу-кечинмаларининг чексизлиги, бадий маҳорат масаласи шоирона нигоҳ билан талкин этилади.

Ғафур Ғулом шеърлятида ҳам ўзбекона гурур ва ифтихор туйғулари ифодаланган ўринларда Навоий ижодига ҳамоҳанг мулоҳазалар кузатилади. Шоир халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажги ҳақида сўз юритар экан, ўз халқига бўлган чексиз муҳаббати ва хурматини ғафурона эҳтиром туйғулари билан ифодалайди. У шеърларининг бирида:

*Мен ўзбек шоириман-  
Ўз халқимнинг тилиман (3 т. 161 б).*

деб ёзади. Ўзбек шоири эканидан чексиз ифтихор этган ижодкор ўзини ва сўзини шу халқнинг кўнгил талпинишлари нидоси деб билади. Миллат номини баланд кўтарар экан, гурур ва ифтихорини юксак патетика билан самимий ифода этади.

«Ассалом» шеърда бу мазмун янада салмоқлироқ ва кенгроқ акс этганлигини кузатамиз:

*Мен шарқли шоирман, илҳомим уфқи  
Қуриль оролидан Африкагача..  
Фаллоҳлар, кулилар жаҳон орзусин  
Ифодаси бордир шеъримда анча (2 т. 117 б.)*

Лирик қахрамон «илҳоми уфқи»нинг «Қуриль оролидан Африкагача» камрашини ўқиганда шоир таҳайюл олами сарҳадларининг кенглиklarини кузатиш мумкин. Шеърда фаллоҳлар, кулилар «жаҳон орзусин»нинг ифодаси борлиги, дунёнинг бу чеккасида туриб, нариги бурчагидаги халқлар ташвиши, орзу-ниятлари, интилишларига ҳамдардликнинг акс эттирилиши шарқона бағрикенглик, ғафурона инсонпарварлик белгиларидир.

Мазкур бандга адабий-эстетик мазмун ҳам юклатилган бўлиб, шоир бадий адабиётда ҳамиша умумжаҳоний муаммолар ифодаланиши умуминсониятнинг ўй-хаёллари, орзу-умидлари, дард-кечикмалари поэтик идрок этилиши лозимлиги ҳақидаги эстетик концепциясини илгари суради.

Маълумингизким, шўро мафкураси даврида адабиёт айрим синф, гуруҳ, табақалар манфаатини кўзлайди, деган қарашлар ҳукмрон эди. Юқоридаги фикр-мулоҳазалар чинакам истеъдод эгалари ҳамма замонларда ва ҳамиша адабиёт ва унинг маъно-моҳиятини теран тушунган ҳолда, умумбашарий муаммоларни куйлашга имкон топганини, инсоният орзу-армонларини ифодалашга ҳаракат қилганликларини кўрсатади.

XX асрнинг забардаст шоири Ғафур Ғуломнинг «Сарҳисоб» (1940) номли шеърда шундай сатрлар бор:

*Гомердан бошланиб тамом бўлмаган  
Одамзод ақлининг дурдоналари;  
Миллиард сатрларга занжирбанд сўзлар,  
Ўзингиз шоирга юпанч беринги,  
Ва шоирлигига ишонч берингиз (1 т. 197 б.)*

Гомердан то ўз давригача бўлган шеъриятни шоирона тийран нигоҳи ва тафаккурида ягона фокусга жамлаган шоир китобхонни ўзининг дардли фикр-туйғуларидан ҳам огоҳ этади.

Ғафур Ғулом ижодидаги «яширин дардлар»га алоҳида эътибор қаратган академик Бахтиёр Назаров «*Сарҳисоб*» шеъридаги ушбу сатрларга урғу бериб шундай дейди; «*Сатрларда сўзларнинг занжирбанд бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикр унинг (Ғафур Ғуломнинг - таъкид бизники.Т.М.) ўзига, ўз асарларига ҳам тааллуқли экани шубҳасиздир*»<sup>81</sup> Сўзларнинг сатрларга занжирбандлиги замиридаги пинҳон маънолардан бири замона интилишларига занжирбанд бўлган шоирнинг ўзидир. У қалб ардоғидаги тизироб ва интилишлари битилган сатрларидангина юпанч излар экан, баъзан ўзининг ҳақиқий ижодкорлигига ҳам иккилангандай, иштибоҳга борган лахзаларида «*Нималар ёзибман, нима куйлабман?*» деган саволларига жавобни ўз кўнглидан кидиради:

*Тонглар жилосидай уфқимга зийнат,  
Жилгалар ранг олди ўйноқ дилимдан,  
Покиза шеърлар оқмиш тилимдан.*

дея жавоб беради. Бундай савол ва жавоблар орқали Ғафур Ғулом ўз кўнглида кечаётган андишаларга тайинли жавоб топиш билан бирга шоир ва шоирлик бурчи масаласига ҳам эстетик муносабат билдиради. Унингча, агар қалам аҳли ўзига ва ижодига нисбатан талабчан бўлсагина, ёзганларини ички «мен»и олдида сарҳисоб қилиб турсагина, ҳақиқий ва том маънодаги бадиият намуналарини яратиши мумкин.

Бир қарашда «*Сарҳисоб*» шеърида шоир инсониятнинг тафаккур дурдоналари сатрларга мухрланиб қолгани, абадиятга дахлдорлигини хусусида сўзлаётгандай туюлади. У сўзнинг улугвор қудрати олдида хайратини яшира олмайди. Айни пайтда айнан ана шу мислсиз куч-қудрат шоир дилига юпанч, кўнглига таскин берибгина қолмайди, балки аъмолига ишончини ҳам мустаҳкамлайди. Одамзод наслининг, шоирлар шажарасининг олдида, ҳаётнинг абадийлиги қаршисида ўзининг ҳам ўткинчи, зарра янглиғ кичик вужуд эканлигини яхши англагани ҳолда, сўзлари яъни ижод намуналарининг мангу қолажасидан таскин топади. Бу эса унинг илҳом булоғи қайнашини, тафаккур парвозлари сарбаландлигини таъминлайди.

<sup>81</sup> Назаров Б Ғафур Ғулом олами. Т. : Фан, 2004, 70 б.

«Анор» шеърида ҳам Ғафур Ғулом кўнгил дардлари, орзу-ниятлари ифодаси учун шоирона жумлалар топган. Ижодхонасини у «хуршидийхона» деб атар экан, бир нафас ҳам боболар машъалини кўтариш, улар ишини давом килдириш истагидан бегона бўлмаганлигидан сўзлайди. Замона нотинчлиги, ўз имконсизлигидан чуқур таассуф қилади:

*Кошкийди халқим учун Ҳофиз газалларидек  
Тинч- омонлик замоннинг лирикасин ёзолсам.  
Кошкийди бир нафас мен бу хуршидий хонамда  
Ота-бобом бошлаган дафтарин тўлгазолсам  
(3 т. 149 б.)*

Банддаги фикрларга диққат қилар эканмиз, унда шоир лирик қахрамони қалбини азоблаётган чексиз бир дард-изтиробни ҳис қиламиз. Шоир иккита ўзаро боғлиқ бўлган масалага диққат қаратади. Биринчиси «тинч-омонлик замон» орзуси бўлса, иккинчиси кўнгли тилаганидек эркин ижод қила олмаётганидир. Лирик «мен» ота-боболар анъаналарини давом эттириб, халқи учун қалам тебратмоқни истаса-да, жамият бунга монелик килувчи тўсиқлар қўйган. Биринчи ва учинчи мисралар бошида такрорланган «*кошкийди*» сўзи лирик қахрамон дард-кечинмалари, орзу-ниятларини таъсирчанроқ ифодалашга хизмат қилган, ижод эрки чеклаб қўйилган жамиятдаги шоир дил тугёнларининг теранлигини акс эттирган.

Ғафур Ғулом салафлари ва замондошларига бағишланган катор шеърларида ҳам адабиёт, бадий ижод, сўз санъатининг юксаклиги ҳақидаги айрим қарашларини илгари суради. Унинг «*Алишер*» номли шеърида Навоийга бўлган хурмат, халқ эъзозидан ифтихор туйғулари гурур билан куйланади. «*Буюк Алишернинг асрий нидоси*», «*Тўфон, қуюнларда яққаю ёлғиз, Монолит, гранит ҳайкалдай мағрур*», «*Олтин балдоқдаги нифрит кўз каби Асаринг биз учун бўлди қорачуғ*», «*Алишер Муштарий юлдузи каби Ўзбек осмонида болқизган чоғи*» каби кўтаринки руҳга йўғрилган сатрлардаги куйма образлар Алишернинг бетакрор киёфасини гавдалантиришга қўмаклашади. Алишер «*тўфон*», «*қуюн*»ларда ёлғиз эди. Унинг ижоди завол билмаслиги, кўз қорачиғидай эъзозланиши боиси ҳам курашлардаги мағрурлик, интилишлардаги собитликдадир. Минг йилларни кўзлаб қалам тебратиш яъни ўзбек осмонида юлдуздай порламоқ бахти насиб этган бобокалон устоздан ифтихор этмоқ айна пайтда шу юксак манзил ҳавосида интилмоқ ҳамдир. Анашу интилишдан толмаслик Ғафур Ғулом ижодини ҳам абадиятга дахлдор қила олди.

Ғафур Ғулом бадий адабиётнинг мангуликка дахлдорлиги билан боғлиқ фикрларини эрамиздан илгариги 340-278 йилларда яшаб ижод этган Хитой шоирига бағишланган «*Цюй Юань*» номли шеърида ҳам бадий ифода этади. Шоир уни шунчаки мадҳ этибгина қолмай, муборак номининг улуғланиши сир-асрорларини ёритишга ҳаракат қилади. У Цюй Юанни «*инсоний зеҳннинг илк шоири*» деб олқишлар экан, унинг ҳатто

Гомерларга ҳам устоз бўлганини таъкидлайди. Шоирнинг умрбоқийлиги боисини ўз халқининг дил армонлари, орзу-ниятлари, эрк-озодлик йўлидаги курашларини куйлашида деб билади. Бу борада ўзини эрк куйчиларига ҳамдам ҳамнафас сезган шоирнинг мазкур фикри шеърнинг лейтмотиви даражасига кўтарилган:

*Улуғ Цюй Юань ижодларидан*  
*Илҳомим баҳраманд бўлса - менга бас.*  
*Гарчанд орамизда минг-минг йил фарқ бор,*  
*Эрк учун курашда жондош, ҳамнафас*  
*(3 т. 45 б.)*

Ғафур Ғулом бадийий етук асардан нафакат кофия ва вазн мутаносиблигини, балки туйғулар ифодасини нозик илғаб, илҳом билан шеъриятга кўчиришни истайди.

*Қофия, вазну илҳом*  
*Шоирга керак жуда;*  
*Шабнам каби тиниқлик,*  
*Шафақларда кулгудай,*  
*Шеърга кўчса азар*

*Сўзинг қолмас армонда (3 т. 8 б.)*

Демак, шоир табиийлик, самимият, охангдорлик, фикр ва туйғу аниқлиги бўлсагина бадийий сўз ўзининг чинакам вазифасини бажара олишини яхши англаган. Мазкур ўринда «Сўзинг қолмас армонда» сатрида сўзгина эмас, балки умуман шеър, кенг маънода эса ижод маҳсули назарда тутилади. Адабиётнинг бадийий-эстетик жиҳатига диққат қаратилиб, унинг юксак маънавият такомиллидаги ўрни юқори баҳоланади.

Ғафур Ғулом шеъриятнинг етакчи сифат-хусусиятларини, ижод масъулиятини теран хис этган ҳолда ифода эта олган. У адабиётнинг объекти инсон эканини яхши англаб, унинг турфа хил рухий дунёсини ўзига хос тарзда нозик кўра олади ва шеърлари шаклини ўз ғоявий ниятига мос ҳолда белгилайди. Шоир бир шеъри матлаида шундай ёзади:

*Ўн бир, ўн уч ҳижоли кенг қофияли*  
*Жўн маснавий шеърдан кўплар зерикди,*  
*Созга тушатурган «фаулотун»ли*  
*Қийинроқ йўлларни бошлайман энди (1 т. 236 б.)*

Кўринадики, шоир анъанавий шеърини шакллар имкониятларини пухта ўрганиб, ўз шеърларини мухлисларига макбул бўладиган оханг ва шаклларда яратишга ҳаракат қилган. Шоирнинг фикрича, инсон руҳиятини турли ракурсларда акс эттиришда турфа хил шаклларга мурожаат этиш

лозим. Янгича маъно-мазмун ифодаламайдиган жўн кофиялардан иборат бўлган шеър китобхоннинг медаласига тегади, мусикий оҳангдорликдан маҳрумлиги боис соз билан уйғунлаша олмайди. Шу боис ҳам анъанавий шеърятни қайта жонлантириш орқали мусикий равонликни таъминлаш, китобхон дилига йўл топиш мумкин.

Умуман, Ғафур Ғулом нафақат мазмун балки мусикийлик, оҳандорлик, туйғу ва кечинма ифодаси билан шаклий мутаносиблик таъминлансагина, шеър ўзининг бадий-эстетик вазифасини бажара олишини, китобхон қалбига таъсирчан етиб боришини шоирона нигоҳ билан теран англай олган. Шоир сўз санъати, шоирлик бурчи ва масъулияти, бадий ижод ва унинг етакчи хусусиятларини чуқур хис қилган ҳолда ижод қилганки, бу унинг асарлари мукамаллигини таъминлаган.

#### 5.4. БАДИЙ-ЭСТЕТИК ОЛАМ ИНКИШОФИ

Академик шоир Ғафур Ғулом ўз шогирдларидан бирининг рубойлари ҳақида фикр юритар экан: «*Катта шоир бўлиш, аммо катта меъмор бўлмаслик мумкин*»<sup>82</sup> деб ёзади. Бадий ижод ва ижод аҳлига нисбатан бундай талабчанлик билан ёндошган шоирнинг санъат тилини теран англаганлиги шубҳасиздир. У руҳан туйган, фикран англаган нарсаларини бадий бетакрор образларда гавдалантира олган. Мушоҳада ва таассуротлари, фикрини банд этган ўй-хаёлларини образларда мужассамлаштирган. Бир қарашда ниҳоятда оддий ва кундалик турмушда учраши мумкин бўлган деталлар шоир лирикасида анчагина мураккаб бадий образ даражасига кўтарилади. Ижодий тафаккурга таянган ҳолда образли тасаввурларини моҳирона поэтик ифода эта олиш Ғафур Ғулом иктидорининг ўзига хослигини кўрсатади. Фикр-туйғуларни жонли образларда ифодалаш, уларни китобхонга «юктириш» орқали у билан фикран бирлаша олиш камдан-кам ижодкорга насиб этадиган бахтдир. Ғафур Ғулом анашундай буюк бахтга эришган санъаткор эди.

Ғазал мулкининг султони Алишер Навоий илохий ишқ ўтини ракам айлар экан: «*Сўздин қуяр қалам, қурур қора, эрир даво*» деб ёзади. Шоир «*қалам*», «*сиёҳ*», «*даво*»га урғу бериш орқали ғоятда муболоғали тасвир яратишга эришади, маънавий-руҳий кечинманинг кудратини улуглайди. Ўз иктидори, бадий қобилияти, таланти, ижодий меросию, адабиётимиз ва маданиятимиз олдида қилган хизматлари жиҳатидан Алишер Навоийдан кейинги даврда юсак ўринда туриши эътироф этилган<sup>83</sup> Огаҳий «*қалам*», «*қаламдон*», «*жузвдон*», «*қогоз*», «*даво*» сингари образларга фаол мурожаат этади. Огаҳийнинг «*Қаламга хитоб*», «*Шеърый мадҳал*» сингари

<sup>82</sup>Шарк юлдузи. 1966, № 10, 160 б.

<sup>83</sup>Каримов Ғ., Долимов С. Муҳаммад Ризо Огаҳий (Сўзбоши) Огаҳий. Асарлар. 6 жилдлик. 1-жилд. Т.: Адабиёт ва санъат, 1971, 5 б.



газал ва маснавийларида фикрларимиз тасдиғига хизмат қилувчи дилбар байтларни кузатиш мумкин. Уларда шоир Ойнинг алоҳида илтифот кўрсатиб, давоту қоғоз тутиши, Аторуднинг қаламини йўнишни одат қилишини истаб қолган хаёлотнинг юксак уфқларига кўтарилган онларини учратиш мумкин:

*Ёнимда Аторудинг ҳамиша,  
Қилсин қаламим йўнорни пеша*

дея фалакка мурожаат қилади Огаҳий. Гениал шоир Шота Руставели эса ўзининг «Достонларда билинади шоирларнинг аълоси», - деган эътиқодида собит туриб яратган «Йўлборс терисини ёпинган паҳлавон» асарида гўзал Тамарани таърифлар экан:

*Ақшқ кўзнинг қўлларидан сиёҳ ичди қаламим,  
Ништар каби юракларни тилсин куйим-аламим!*<sup>84</sup>

деган мисраларни битади.

Мумтоз адабиёт анъаналарини ижодий давом эттирган Ғафур Ғулом шеъриятида ҳам бундай образларни кўплаб учратиш мумкин. Бу масалага биринчилардан бўлиб эътибор қаратган академик Бахтиёр Назаров шоирнинг «Қоғоз» номли шеърини таҳлил этар экан, қуйидагиларни қайд қилади: «Ғафур Ғулом «ижод», «қоғоз» образларини умр, ҳаёт, яшамок маъноларида талқин қилади... Ижод –яшамок маъноси ва ошлага муҳаббат шоир ҳаёти ва асарларидаги ажралмас учликнинг олтин ҳалқаларини ташкил этади»<sup>85</sup>. Адабиётшунос шахсий-интим характердаги шеърни Ғафур Ғуломнинг ҳаёти, табиати, феъл-атворида боғлиқ воқеа-ходисалару рухий-ҳиссий кечинмаларга боғлаб таҳлил этиш орқали образлар қатига яширинган ғафуруна қудрат ва маҳоратни ҳам, поэтик кашфиёт даражасига кўтарилган образларни ҳам кўрсатиб беришга муваффақ бўлади. Шеърнинг ушбу бандини кўздан кечирайлик:

*Жонланиб, ўзинг айт, қайси кўз билан  
Сенинг мақтовингни куйлайин, қоғоз!  
Дўстим Муҳаррамга ошиқ кўз билан  
Бир умр термулдим, икковинг мумтоз (3 т. 49 б.)*

Қоғознинг оқ ва беғуборлиги, шоирга хамиша ҳамроҳлиги, қувончли ҳамда қайғули дамларда дўст эканлиги, Ғафур Ғуломнинг «қоғозга ишқи тушган»лиги, унга «бир умр термулиб» яъни ижоддан тўхтамай ҳаёт кечирганлиги аён.

<sup>84</sup> Шота Руставели. Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон. Т. : Фан, 1959, 8 б.

<sup>85</sup> Назаров Б. Ғафур Ғулом олами. 165 б.

Шеърда шоир мазкур фикрни таъкидлаб, бундан ифтихор этганида Фафур Ғуломнинг ижодкорликни нақадар юксак санашинигина эмас, балки «ошиқ» нигоҳлари, қалб ҳарорати, кўнгил талпинишларида алоҳида ажралиб турувчи «мумтоз» дўст сифатида эъзозлаганини ҳам англаш мумкин. Аниқ тарихий шахс – Мухаррамхон ая сифатларининг «қоғоз» образига хос хусусиятлар билан қиёсланиши шубҳасиз, улар ўртасидаги муайян умумий белгиларни топиш асосига қурилган. Бу эса тасвир объекти ифодасининг ёрқинлигини таъминлаган. Шеърда руҳий ҳароратнинг жонли ифодаланиши, кўзланган ғоянинг теранлашишига эришиш имконини берган. Тасвирда образлилик ва таъсирчанликка эришилганлиги ўқувчининг қалбида ҳар иккала тасвир объектига нисбатан кизиқиш ва ҳавас уйғотади. Фафур Ғулом тасвирида қоғознинг тозалиги «кўзнинг оқидек», ғазал маъносининг кенглиги эса «қоғознинг беғубор бағридай» деб таърифланади. Ошиқ шоирларнинг барчаси ўз жононасини хушнуд қилмоқ ниятида бўлганларидек, бу йўлда машаққат чекканларидек, қоғознинг кўксига ҳам садафдай инжулар тизадилар.

Қалб ҳарорати билан яратилган шеърдаги ҳар бир нукта юкоридаги фикрнинг мантиқий давоми сифатида кўзнинг «қорачиқ»ига ўхшатилади. Шоир кўзининг ҳам очи, ҳам қорачиги, барча шоирларнинг жони ҳам жонони, азамат эрларнинг кенг майдони, бағри очик, беғубор, покиза деб улуғланаётган, мактовига шоир сўз тополмай, топган сифатларидан эса кўнгли тўлмаётган «қоғоз» образи чинакам маънода жонлангандай, шоир айна дамдаги сирдоши, суҳбатдошига айлангандай туюлади, «Қоғоз» чинакам маънода Фафур Ғулом муҳаббатининг, вафо-садоқатининг, ижоди ва ҳаётининг, борингки бутун борлигининггина эмас, балки барча ошиқ шоирлар интилишларининг рамзи даражасига кўтарилади.

Назаримизда, Фафур Ғулом бадий асарнинг ифода самимияти, мазмун теранлиги, туйғулар беғуборлиги, ҳар бир нукта олдидаги ижодкор масъулияти, бадий ижод машаққати билан боғлиқ адабий-эстетик қарашларини ҳам мазкур шеър қатига қисман жойлагандай туюлади.

Ёзувчи Саид Аҳмад «Биллур сиёҳдон» номли хотираларида Фафур Ғулом сиёҳдонни нақадар эъзозлагани, янги сиёҳдон совға қилган украинalik шоирга алоҳида эҳтиром кўрсатгани ҳақида тўлкинланиб ёзади<sup>86</sup>. Ҳатто Ойбекни ҳам ўзига мафтун этган Фафур Ғулом сиёҳдони шеърларида ҳам таърифлангандир. Эҳтимол, бу айнан ўша совға қилинган сиёҳдонгина эмасдир. Балки шоирнинг бир умрлик ҳамроҳи, беғубор фикр-туйғулари ифодасининг яқин ёрдамчиси, ўз вужудидаги сиёҳни қатра-қатра сарф этиб, ижодига кўмақдош бўлган дўсти маъноларида тушунилмоғи керакдир. Шоир «Сиёҳдон» шеърда ёзади:

*Сиёҳдон, азизим, қора кўзлим,  
Қора тунлар аро ёриган кўзу (2 т. 132 б.)*

<sup>86</sup> Саид Аҳмад. Биллур сиёҳдон. «Жаҳон адабиёти» журнали. 2003, № 5, 25 б.

«Азизим», «қора кўзлим» дея эъозланаётган сиёхдон шоир армонларининг ушалиши сабабчиларидан бири, ижод махсулларида унинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Оламга донг таратган шоир дилидаги армонлари ушалганда, сиёхдонини унитмайди. Фикрларидаги бегубор тиникликни ифода этишда муносиб ҳисса қўшганлиги боис шоир сиёху сиёхдонга омонлик тилайди. Бу шунчаки сиёхдон ёки оддийгина бир сиёх эмас. Шоирнинг ардоғида: «Қалбимда қайнаган қип-қизил қоним», - дея муболоғали тарзда сифатланаётган «сиёх»луғавий маъносидagi «қора»лик сифатини йўқотади. У энди шеър битиш учун ёхуд мактуб ёзишга мўлжалланган шунчаки рангли суюклик эмас, аксинча шоир дилининг изхори. Кўнгил талпинишларининг рамзидир. Бунда сиёх шоир дилининг покизалиги, софлиги, кўксидagi шиддатнинг кайноқлиги, томирларидаги коннинг жўшқинлигидан ранг олган ҳолатда тасаввур этилади. Бинобарин, унинг суюқлиги ҳам мантиқан тушунарли бўлади. Шоир ёзади:

*Улуғ жанг кунларин ёзар чоғида  
Мардларнинг қонидек дафтарга томдинг.  
Лаънати малъунлар номин ёзганда-  
«Мен қора эмасман!» дедингу тондинг  
(2 т. 132 б.)*

Мазкур ўринда эзгуликни улуғлаб, разолатни танқид қилган шоир шеърларига хос сиёсий-мафкуравий ўткирлик, ритмдаги мардона нотиклик, поэтик нутқ оҳангидаги дадиллик, ҳаёт ҳодисаларини кенг кўламда қамрай билиш, ижтимоий муаммоларга кескин кутбий муносабат билдириш, эстетик идеалига қаттиқ ишонч каби жиҳатлар ўз ифодасини топган. Инсониятнинг фашизмга қарши курашини «улуғ жанг» деб таърифлаётган шоир қабарикли образлар билан шеърини нутқни бойитади. Шу орқали тасвир объектига бўлган муносабатини ифода этган Ғафур Ғулом дафтар саҳифаларига томаётган ҳар қатра сиёхни мардларнинг қонига ташбеҳ этади. Агар шоир реал воқеликдан келиб чиқиб, ҳаётини ҳодисанинг мазмунига урғу бераётганини назарда тутса, иккинчи жаҳон уруши майдонларида жон олиб, жон бераётган ўғлонлар тақдирига ҳамдардлик билан ёндашаётган дамдаги Ғафур Ғуломнинг маънавий-рухий дунёси-мардларга астойдил ҳамдардлик «лаънати малъунлар» га нафрати шеърининг ғоясига сингдирганлигига ойдинлашади. Шоир эътироф этганидай қалбидagi қайноқ қип-қизил қон билан «сиёх»нинг айнанлаштирилгани назарда тутилса, айти ҳолатда сиёхнинг «Мен қора эмасман», - дейишга тўла ҳуқуқи борлиги англашилади.

Шуниси диққатга лойикки, Ғафур Ғулом ҳар бир мисра шеърни юрак қони билан ёзиши яъни ижодкорнинг «қалам», «қоғоз», «сиёх»га масъулият билан ёндошиши зарурлигидан сўзлайди. Демак у ифода гўзаллиги, фикр самимияти, туйғулар ҳароратининг кучи, бадий асар

яшовчанлигининг талаби -шоирона қалбдан, дил тубидан озикланишида деб билган. Ўзи ҳам шеъринг матн жозибасига алоҳида эътибор билан қараган.

Масалан, юқорида келтирилган «қалбимда қайнаган қип-қизил қоним» мисрасида «к» ундош товушини беш ўринда уйғунлаштириб, консонант аллитерация орқали шеъринг мисра оҳангдорлигини кучайтиради. Ушбу шеърнинг учинчи бандида «Оқни қора қилдик - қоғозу қалам» деган мисра мавжуд. Мазкур мисрада шоирнинг самимий эътирофи ифодаланган бўлиб, бир қарашда унинг ташқи маъносини илғаймиз. Зеро, қоғоз, қалам, сиёҳ ва шоирнинг янги бир асар битмоғи «қоғозни қора қилмоқ»дан бошқа маъно ифодаламайдигандай туюлиши мумкин.

Ваҳоланки, ижодкорнинг мақсади шугина эмас. Шеърни тушиниш учун китобхон ўша иккинчи яширин маънони топишга уринади. Айни шу ўринда Ғафур Ғулом маҳорати ва истеъдодига хос нозик жиҳат бўй кўрсатади. У ийҳом санъати воситасида ўз давридаги ижтимоий адолатсизликка, субутсизликка ишора қилади. «Оқни қора қилмоқ»нинг иккинчи маъносини англаш орқали нафақат шоир яшаган давр ноҳақликлари, балки ҳамиша ҳам ўз тилаганича ижод қила олмаган, бўғиқ муҳитда маънавий-руҳий изтироб чеккан шоирнинг қалб олами, дунёқарашини ҳам тасаввур этиш имкони туғилади. Бунда Ғафур Ғулом шоирлик аъмоли ва эътиқодга садоқат ҳақида куйиниб сўзлаган, дил дафтари саҳифаларини очгандир.

Ғафур Ғулом ўз истеъдодини инсониятнинг порлоқ эртаси, яратувчанлик ва бунёдкорлик меҳнатини шарафлашга сафарбар этган шоирдир. У «Инсоният байрами» қасидасининг мақтаъсида умумий поэтик фикрни яқунлар экан, ўз таассуроти, кечинма ва туйғуларини қаламга мурожаат қилиш орқали қуйидагича ифода этади:

*Саломат бўл, эй қалам, тонготарлар йўлдошим,*

*Тилингдан сатрларга оқади ҳамиша нур.*

*Одамзод улуглиги ёзилган ҳар варақнинг*

*Сўзлари бриллиантдан, нуқталари жавоҳир.*

*(2 т. 155 б.)*

Қасида жанри табиатан мактов ва дабдабани хуш кўришини яхши билган Ғафур Ғулом ушбу қасидаи мадҳияда қасидачилик анъанасига хос барча жиҳатлардан унумли фойдаланишга уринади. Шеърда фалсафий мазмун теранлиги, табиат тасвирларига ҳам ўрин ажратилганлиги, айрим воқеаларнинг ҳажв қилиниши, ўз-ўзидан фахрланиш туйғулари ҳам ифода этилганлиги фикримизни далиллайди. Қолаверса, таркибий тузилиши жиҳатидан ҳам («насиб», «гуризгоҳ», «мадҳ», «қасд» каби) асар лирик турнинг айнан қасида жанрига хос характерга эгадир. Шеърнинг йигирма саккиз банддан иборатлиги эса, унинг ҳажман ҳам жанр талабларига мувофиқ битилганлигини кўрсатади.

Шоир тасвир объекти бўлган «қалам»ни ёркин ва равшан ифодалашга ҳаркат қилган Ғафур Ғулом уни худди яқин йўлдошидай хис этади, саломатлик тилайди. Зеро, айнан шу йўлдошнинг саломатлиги шоирга узун тунларни нурли тонгларга улаш имконини берган.

«Қаламнинг тили» ҳақида гапирилганида жонлантиришнинг бир тури бўлган интокдан фойдаланилиб, тасвир объектига ёндошилади. Тилидан «ҳамиша нур оқади» дейилганида қўлланилган истиорада қалам билан битилган сатрларнинг нурдай тиник ва ёркинлиги кўнгилларни равшан этиб, қалбларни илитиши назарда тутилади. Шу тарика ўхшаш кўчимлардан ўринли фойдаланиш орқали шоир образли тасвир ярата олган. Кейинги икки мисрада эса варақдаги ҳар бир нуқта ва сўзнинг қиммати бриллиант ва жавоҳир каби тарашлиниб, сайқал берилган қимматбаҳо тошларга тенглаштирилади. Шоир варақ бетидagi «нуқта» ва «сўз»ни «одамзод улуғлиги ёзилган»лиги учун алоҳида қимматга эга деб эъозлайдики, бундан Ғафур Ғуломнинг инсонни куйлаш адабиётнинг бош мақсади деб тушунганлиги, сўз санъатининг вазифаларини чуқур хис қилганлиги намоён бўлади.

Агар Ғафур Ғулом қаламни «қалб орқали ақлга таржимон», деб билганлиги эътиборга олинса, шоирнинг юқоридagi хулосаларга онгли равишда етиб келганлиги англашилади. «Ақл ва қалам» номли шеърида: «Қаламим қабримнинг тугига даста»,- деб башорат қилган шоир ижод аҳлининг муҳим қуроли бўлган қалам орқали, умуман ижодини назарда тутди. Миқдор жиҳатидан бирор предмет белгиларини бошқасига кўчириб, қисмда яхлит бутунлик ва умумийликни ифода этишда синекдохани қўллайди. Бу билан шоир келажакка бўлган ишонч ва умидини ифода эта олади, ижод намуналарининг мангуликка дахлдорлигига ишора қилади. Айни пайтда, инсонпарварликка йўғрилган, халқ ва ватан манфаатларини кўзловчи самимий дил сўзларининг эъоз топажагини алоҳида ишонч ва умидворлик билан таъкидлайди.

Кўринадики, Ғафур Ғулом ижодида ижодкор масъулияти, бадий адабиётнинг етакчи хусусиятлари ва бош мақсади, қалам аҳлининг ўз аъмоли ва эътиқодига сидқидилдан садоқати, бадий асар яшовчанлигининг сир-асрори сингари қўплаб ижтимоий-сиёсий, адабий-эстетик масалаларга назарий-амалий жиҳатдан атрофлича муносабат билдирилган. Шоир ўз адабий-эстетик қарашларига хос фикр-мулоҳазалар ва ғоятда нозик туйғулари жилосини образли поэтик ифодалашга муваффақ бўлган. «Ақл ва балогат жонга пайваста» бўлган шоир бадий адабиётни нафақат ижодкор тилининг таржимони, балки миллат маънавий камолининг таянчи, халқ манфаати ва ватан саодатининг куйчиси деб билган. У бугунги ҳур ва озод замонамизни орзу қилиб, умрининг ҳар бир лаҳзаси ҳасратию завқини эл билан баҳам кўрган шоир эди. Шу боис ҳам асарлари билан ўзига мангу обида қўя билди. Зеро, Ғафур Ғулом қуйидаги байтда айтганидай, ўз-ўзига ниҳоятда талабчан инсон, соҳир қалам соҳиби эди:

Халқнинг манфаатин кўзлай олмасанг,  
Ватан саодатин ўзлай олмасанг,  
Таржимой тилингнинг лол ўлгани хуш-  
Хуррият мазмунин англай олмасанг (2 т. 69 б.)

ИЖОДИЙ ФЕНОМЕН

6.1. ФЕНОМЕНАЛ КАСБИЙ ХОТИРА

Озод Шарафиддинов XX аср ўзбек адабиётининг кўплаб намоёндалари катори Ғафур Ғулом ижодига ҳам алоҳида эътибор билан қараган. Мунаққид китобларидан ўрин олган турли йилларда яратилган «Чўққи», «Дарёдил шоир», «Халқ бахтининг оташин куйчиси», «Ижодни англаш бахти», «Ғафур Ғуломнинг кулгиси» сингари мақола, адабий портрет ва бадиалари Ғафур Ғулом ижодининг ранг-баранг қирралари тадқиқига бағишланган. Уларда академик шоир ва носир Ғафур Ғуломнинг ибратли ҳаёти, кенгқамровли ижоди, бадиий-эстетик олами таҳлилга тортилади. Ғафур Ғуломнинг ижодкор ва инсон сифатидаги қиёфаси, адабий меросининг етакчи хусусиятлари XX аср адабий жараёни контекстида атрофлича ёритилади.

Адабиётшунос Умарали Норматов адабий танкиднинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида тўхталиб: «Ижод табиатини чуқур ҳис этган, тушунган, адабиётга чексиз ички меҳр туйғуси билан йўғрилган танқидгина ҳурмат-эътиборга лойиқдир»<sup>87</sup>, - дея таъкидлайди. Озод Шарафиддиновнинг турфа йўналишдаги кўплаб тадқиқотлари каби Ғафур Ғулом ижодига бағишланган мақола, тақриз, портрет ва эсселарида ҳам адабиётимизга бўлган чексиз ички меҳр туйғуси, сўз санъати моҳиятию ижод табиатини чуқур ҳис қилиши, англаш ва англаштишга интилиши яққол сезилиб туради.

Озод Шарафиддиновнинг оламни идрок қилиши мазмун-моҳиятига кўра ўзига хосдир. Чунки унинг илмий салоҳияти теран билимдонликка асосланар, дунёқараши кенг, ижтимоий қарашларида миллий ранглар сержило эди. Олимнинг ўз идеаллари бор эдики, булар ҳам шубҳасиз унинг юксак маънавияти, ўз соҳасига бўлган бекиёс меҳри, маслағи, билимдонлиги касбий тайёргарлигининг юқори даражада бўлганлиги билан боғлиқдир.

Озод Шарафиддинов фикрловчи инсон, оламни идрок қилувчи феномен. У тинимсиз ижод билан машғул бўлишни ҳуш кўрадиган инсон эди. Олимнинг у ёки бу ходиса ҳақидаги ҳукм-хулосалари кўпинча синчков кузатувчанликка, мулоҳазакорликка асосланган бўларди. Шу боис ҳам унинг фикр-мулоҳазалари шунчаки тасдиқ ёки инкор позициясида туриб баён қилинмасдан балки мантиқий асосланган, факт-далиллар билан тасдиқланган, муайян назарий ёхуд амалий умумлашмалардан иборат бўлар эди.

<sup>87</sup> Норматов У. Давр туйғуси. Т.: Ўқитувчи, 1987, 15 б.

Ўз-ўзига ўта талабчанлик билан ёндошган олим мухокамаларида фикрларнинг ўзаро алоқадорлиги яхши таъминланар, тафаккур қонунларига мувофиқликка катъий риоя қилинар эди. Озод Шарафиддинов фикрларининг аниқ ва равшан ифодаланиши сири ҳам ана шундадир. Адабиётшунос олим нафақат фикрларини ўзаро тартиб асосида боғлар, балки ана шу фикр-мулоҳазаларнинг китобхонга тушунарли бўлиши, ҳаққоният ва самимиятга йўғрилиши, дадил баён этилиши, мантиқий зиддиятлардан холи бўлишига ҳам алоҳида аҳамият берар эди.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, Озод Шарафиддинов воқеликни кўпинча ҳиссий таъсирчанлик асосида, эмоционал тарзда ҳам ўзлаштирган. Адабиётшуноснинг эстетик тасаввурлари гўзаллик ва эзгуликнинг уйғунлигига асосланади. Унинг ижодий меросида табиат ва инсон гўзаллигини ифода этиш эстетик тамойили етакчилик қилади, ҳаққонийлик гоёси илгари сурилади. Олим нафис санъатдаги гўзаллиқни англаш ва англаштишга, эстетик ҳодисалар моҳиятини кашф этишга уринарди. Айниқса, эстетик тарбия масалаларига алоҳида эътибор берар ва эстетик тафаккуримиз билан боғлиқ миллий тарихимиздан ибратли хулосалар чиқарарди.

Чунки Озод Шарафиддинов санъатни партиявий ва синфий асосда тушунишдек ноилмий концепциянинг ҳаётимизга тамомила зид эканлигини биринчилардан бўлиб тушунган, материалистик қарашлар яққаҳоқимлиги давридаги ўз эътиқодидан воз кеча олган жасоратли ШАХС эди. У халқимизнинг умумэстетик маданияти юксалиши йўлида чин маънода фидойилик билан қалам тебратди. Ижод моҳиятини англамоқни БАХТ деб тушунди. Умр довомида теран ўйлар, чуқур мулоҳазалар гирдобида яшади. Ҳаёт йўлларида ибратли хулосалар чиқарди. Озод Шарафиддинов бозор муносабатларига ўтиш жараёнида умумэстетик эҳтиёжларнинг ортишини яхши тушунди. Бутун онгли фаолиятини ана шу эҳтиёжларни қондириш ва қомил инсонни тарбиялашга қаратди.

Бир умр миллий санъатимизнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини орттириш учун курашган Озод Шарафиддинов эстетик диди баланд инсон эди. Унинг аксарият фикр-мулоҳазаларида олимнинг табиатига хос сифатлар ҳам, маънавий-руҳий дунёси ҳам ўз аксини топган. Гўзалликдан бегараз шодлана билиш, хунуқликдан нафратланиш устоз Озод Шарафиддиновнинг қалб ва қиёфасини, ички дунёсини, идрок қилиш тарзини буткул камраб олган эди.

Бизнингча, адабиётшунос олим дидининг ўта нозиклиги катта ҳаётий тажрибаси заминида шаклланган ва камолга етган. Бадий адабиётни севиш, унинг истеъдодли вакилларига хурмат-эҳтиром билан қараш, тинимсиз ўқиш-ўрганиш Озод Шарафиддиновни пировардида бадий-эстетик улуғворлик сари етаклаган. Унинг асарларида адабиёт дунёси ўзининг эстетик баҳосини олибгина қолмайди. Улар китобхон томонидан бадий идрок ҳам этилади.



Шубҳасиз, Озод Шарафиддинов ижоди ғоятда кенг ва қўламдордир. Биз унинг маънавий кадриятларимиз, хусусан, бадиий адабиёт билан боғлиқ айрим жиҳатларигагина, шунда ҳам Ғафур Ғулом шахсиятига дахлдор баъзи қирраларига назар ташлаб кўришни ният қилдик.

Адабиётшуноснинг *“Дарёдил шоир”* (1973) бадиаси Ғафур Ғулом шахсиятига бағишланган. Ҳажман унча катта бўлмаган бу асарда бир карашда жузъий мавзу қаламга олингандай туюлади. Бадиа асосан, олимнинг хотира ва ўй-хаёллари, кечинмаларидан келиб чикувчи фикр-қарашлар, мулоҳазалар ифодасидан иборат. Бинобарин, унда тарихий-биографик, адабий-танкидий ва бадиий-публицистик талқинларни кузатиш мумкин бўлади. Олим ҳар бир тарихий-биографик фактни аниқ далиллаш ва асослаш йўлидан эмас, балки шахсий хотираларини ўртоқлашишни кўзлайди.

Озод Шарафиддинов хотираларидаги кечинмалар самимияти, фикрлар ёркинлиги, ҳис-ҳаяжон ҳарорати, услуб раванглиги китобхонни ўзига мафтун этади. Муаллиф Ғафур Ғулом таваллудининг 70 йиллиги арафасида шоир дастхати билан тақдим этилган китобни қўлига олиб, олис хотиралар уммонига шўнғиши ва китобхонни ҳам анашу таассуротлар оламига олиб кириши бадиага ғоятда табиийлик, ҳаётийлик бағишлайди. Бу китоб олим учун камёблиги ёхуд зарҳал нақшлар, ноёб безаклар, қимматбаҳо расмларга бойлигига ишқибоз айрим кишиларга ўхшаб, ишқибозлик учун кадрли эмас. *“Гимни времени”* (*“Замон мадҳи”*) (1959) бундай сифатлардан йироқ, оддийгина кўк муковали калин тўплам холос. Бироқ китобни қўлига оларкан, Озод Шарафиддинов кечинмаларида ажиб пўртаналар содир бўлади: *“Ҳар гал китобни қўлга олсам, кафтимда Ғафур аканинг қўли тафтини ҳис этаман. Уни варақласам, саҳифалар орасидан Ғафур ака савлат тўкиб, жилмайиб чиқиб келаётгандек бўлади. Тўпламдаги шеърларни ўқисам, қулоғимда Ғафур аканинг овози жаранглаётгандек туюлади. Хотирамда Ғафур ака билан бирга сафарда ўтказган унитилмас ўн кун гавадаланади”*<sup>88</sup>

Биз беихтиёр 1962 йилнинг кўкламида Қозоғистонда бўлиб ўтган ўзбек адабиёти декадасининг ғойибона иштирокчиларидан бирига айланамиз. Севимли ёзувчи ва олимларимиз сафида Олмаота, Қарағанда, Целиноград, Балхаш шаҳар-овулларида ўтказилган кизгин адабий учрашувлар, ижодий кечалар, дил суҳбатларга ошно бўламиз. Мазкур сафарнинг бевосита иштирокчиси бўлган Озод Шарафиддинов Балхаш шаҳар Металлургрлар маданият саройида бўлиб ўтган учрашув чоғида оташнафас шоир Ғафур Ғулом тилларидан учган жўшқин шеърлар, инсоний тафтга йўғрилган дил сўзларнинг олқишлар билан қаршилангани хусусида сўзлар экан, ҳис-ғуйғуларини яширмайди. Ўша дамдаги ҳолатнинг яхлит образини хаёлида тиклайди. Олимнинг хаёлий

<sup>88</sup> Шарафиддинов О. Дарёдил шоир// Ғафур Ғулом замондошлари хотирасида. Т. : Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2003, 63 б. (Бадиадан келтирилган иқтибослар шу нашрдан олиниб, кавс ичида саҳифа кўрсатиб борилди)

тасаввурлари вазият-ҳолатни онгли равишда ҳиссий идрок этишга асосланади. Натижада ўзбек шоирининг қардошлар даврасида хурмат-эҳтиром қозонганлик даражаси ҳақида аниқ ва равшан тасаввурлар туғдира олади. Чунки Озод Шарафиддиновнинг ўзи Ғафур Ғулом шахсиятига нисбатан чуқур эҳтиром позициясида турадики, адабиётшунос интилишларидаги бу ҳолат бизни бефарқ қолдирмайди.

Профессор У.Норматов Озод Шарафиддинов истеъдодининг табиати ҳақида тўхталар экан, куйидаги иккита жихатга аҳамият қаратади: “... *устоздаги илмий-танқидий тафаккур билан бадиий истеъдод ўзига хос тарзда тутшиб кетган*”<sup>89</sup>. Сўз юргизилаётган “*Дарёдил шоир*” бадиаси мисолида ҳам юқоридаги фикрлар тасдиғини бемалол кузатиш мумкин. Олим Ғафур Ғуломнинг шеърга, шеърятга ва тингловчига бўлган муносабати ҳақида тўхталиб ёзади: “... *қалбидан қуюлиб чиқаётган ҳаяжон, энг яқин дўстига дилидаги теран розини айтаётган одамнинг гапига хос самимият*” мавжуд эди, дейди. Агар диққат қилинса, шоирнинг туйғулари қалб тўридан отилиб чиқаётгани, унинг ҳаяжонида заррача ҳам сохталик йўқлиги, шунингдек, илҳом лаҳзаларида дилдан-дилга кўчаётган сўзларнинг қуйма эканлиги кўзда тутилмоқда. Адабиётшунос англаб етган яна бир жихат борки, бу шоир сўзлари курак гаплар тизмаси эмас, балки инсон дилининг теран дил розларидир.

Қолаверса, аудитория ҳам Ғафур Ғулом учун шунчаки тингловчи эмас, аксинча энг яқин дўстлар даврасидир. Шунинг учун ҳам шоирнинг каломи самимиятга йўғрилган. Бу самимият эса ўзга кўнгилларга айна шу дамда кўчиб, гулдиролкишларга сабаб бўлмоқдагина эмас, улар қалбида бир умрга мухрланиб ҳам қолмоқда. Айна лаҳзанинг кўнгилларга кўчиб макон топиши гўё қайтарилмасдек туюлган вақтнинг ҳиссий мушоҳадаларда давом этиши, айрим кишилар ҳаёт мазмунига айланиши жараёни ҳам юзага келади. Вагон-вагон рудаларни саралаб мисга айлантираётган металлурглрлар меҳнатини шоирлик аъмолига киёслаган Ғафур Ғулом Владимир Маяковскийнинг «*Бир мисқол сўз жавоҳири учун тонналаб сўз рудасин титиб чиқаман*», деган сатрларини эслайди. Шоир билан металлург меҳнатининг муштарақлиги чоғиштирилиши аксарияти шу касб соҳиби бўлган тингловчилар дилига йўл топиш имконини беради.

Озод Шарафиддинов онг ва туйғуларида яшаб келган Ғафур Ғулом билан боғлиқ хотираларни бадиага айланиши инсон аталмиш яратикнинг нақадар мураккаб эканлигига далолатдир. Инсоннинг руҳий жараёнларида ташқи таъсирларни ижодий қайта ишлашга йўналтирилганлик мавжудки, хотира бу жараёнда фаол иштирок этади. Беvosита ушбу бадианинг яралишида эса Озод Шарафиддинов руҳиятида Ғафур Ғулом сиймосининг узок муддат сақланиб қолганлиги, бу инсоннинг феноменал касбий хотираси кучли эканлиги аён бўлади.

<sup>89</sup> Норматов У. Тафаккур ёғдуси. Т.: 2005, 61 б.

Демак, адабиётшунос вокеликни фаол ва мантикий ўзлаштириш, хиссий идрок этиш, хотирада сақлаш, лозим бўлганида эса бадиий-эстетик қайта тиклаш қобилиятига эга бўлган. Бу жараёнларга катта ижтимоий залвор ҳам сингдира олган.

Учрашув чоғида Ғафур Ғуломнинг «*Турксиб йўлларида*» шеърини рус тилида ифодали ўқиб берган Озод Шарафиддинов бемалол тарзда: “Мен ҳам қойилмаком тарзда барчани лол қолдириб, кўплаб олқишлар олган эдим”,- деб ёзса бировда иштибоҳ туғилмас эди. Лекин муаллиф самимияти ва Ғафур Ғулом даҳоси олдидаги эҳтироми шу қадар аниқки, ҳаққонийлиги билан диққатимизни тортади: “*Юрагим ўйнаб, ҳавотирланиб, ҳаяжон ичиди ўқидим, Билмадим қанчалик ўринлатдим экан. Афтидан, мазмуннинг чуқурлиги, ҳиснинг теранлиги, образларнинг пишиқлиги декламаторнинг унча-мунча нўноқлигини сездирмай кетди шекилли, зал бу шеърни ҳам завқ билан эшитди*” (64 б.)

Олимона камтаринлик, ўзбекона андиша, шоирона лутф бор бу сўзларда. Зеро, устозлар ҳақида сўз кетганда унинг улуғворлигини аршларга қадар кўтариш баробарида, ўзни хокисор санамок Шарқ кишисининг ахлокий тутумидир. Шу боис ҳам олим Ғафур Ғулом шеърятининг мазмунан чуқурлиги, теран туйғуларга бойлиги, пишиқ образлардан ташкил топганлиги тингловчиларда завқ уйғота олганлиги хусусидагина сўзлайди. Бироқ матндан англашиладики, уни ўқийдиган киши биринчидан, ифода гўзаллигини ҳис қилган. Иккинчидан, унинг “*юрак ўйнаб, ҳавотирланиб, ҳаяжон ичиди*” қолиши шеър муаллифи ҳузурда, қолаверса, нотаниш аудитория олдида ва бегона тилда шеър ўқийдиганлигидан туғилган. Учинчидан, Ғафур Ғулом тингловчиларда пайдо қилган кайфият-ҳолатни сақлаб қолишга эришиш масъулиятини ҳам ҳис этган. Шунга қарамасдан, муаллиф ўзининг “нўноқ”лиги ҳақида сўзлаши унинг Ғафур Ғулом назарига тушиши бежиз эмаслигини кўрсатади. Шоир “*нўноқ шогирд*”га тақдим қилган китобнинг дастлабки саҳифасига зангори сиёҳда ёзиб берган ушбу байтда Озод ака иқтидорини эътироф этмок баробарида, унинг истиқболига бўлган ишонч ҳам ўз ифодасини топган:

“*Жаҳонда ақлу идрок, зеҳну дониш бирла Озод бўл,  
Ҳамиша халқ билан бирга шарафлан, яъни обод бўл!*”

Ана шунинг учун ҳам бу китоб Озод Шарафиддинов учун бир умр ардоқда бўлган. Ғафур Ғулом башорат қилиб билдирган тилаклар амалда рўёбга чиқди. Озод Шарафиддинов халқ ва Ватаннинг чинакам шарафига, илмий-адабий жамоатчиликнинг хурмат-эҳтиром ва эъзозига сазовор бўлди. Ақл-идрок ва зеҳну донишдаги эркинлик, озодлик, олимнинг эл орзуларига эш, қайғуларига дардкашлиги унга шунчаки шон-шараф олиб келдигина эмас, икки дунёсининг обод бўлишига ҳам пойдевор бўлди.

Учрашув онлари билан боғлиқ ҳолат-вазиятларни моддийлаштираётган олимнинг тасаввурлари ҳайрат, эҳтиром, тан бериш, қувонч ҳисларига қоришиқ. Бундай турфа туйғулар омухталиги ўша улғувор манзарага руҳан қўшилиб кетганликдан келиб чиқади. Ахлоқий мазмунга эга бўлган ҳолатни теран туйиш, Ғафур Ғулом фидойилиги, жонқуярлиги, мардоналиги, бу фавқуллода нодир истеъдодга ҳос улғуворликдан ифтихор этиш Озод Шарафиддинов бадиасига баъзан муболағали тасвирларни ҳам олиб киришни талаб этади. Дарҳақиқат, Ғафур Ғулом шеъриятига ҳос салобат, нафосат, кўтаринки патетика, ифода гўзаллиги миқёслари олдида туғилган ҳайратни муболағасиз тасвирлаш ҳам имкондан хориждир. Муаллиф ёзади: «...*завқ-шавқ билан чалинган қарсақлардан вазмин қандиллар ҳам қимирлаб кетгандек туюлди*» (64 б.)

Шубҳасиз, ана шундай парчаларни кузатганда Озод Шарафиддиновнинг бадиий истеъдоди ҳақида сўзлаган устоз Умарали Норматовнинг фикрларида зиғирча ҳам муболаға йўқлиги аён бўлади. Афтидан, профессор Абдуғафур Расуловнинг: «...*Озод Шарафиддинов Ғафур Ғулом ижодини бой маънавий қадрият деб билади*»<sup>90</sup>, деган сўзларини бир қадар давом қилдириб, шоирнинг шахсиятига ҳос улғуворлик ҳам, уни дил-дилдан ҳис этган Озод Шарафиддинов феномени ҳам бой маънавий қадриятдир, десак муболаға бўлмас. Эҳтимол шундагина биз уларнинг умуминсоний қадри, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини тушунишга, кўз-кўз қилиб кўрсатишга ёвуқроқ келармиз. Зеро улардаги ҳақиқат ва маърифатга фидойилик, маданиятимиз учун жонқуярлик, унинг заҳматқашларига эҳтиром каби юксак ахлоқий хислату фазилатлар ҳар биримиз учун алоҳида аҳамиятли ва ибратлидир.

Илло, Ғафур Ғулом ва Озод Шарафиддинов шахсияти ўз тарихий илдиллари билан миллий-минтақавий заминдан озикланади, умуминсоний мазмун-моҳият касб этади. Уларнинг ҳар бири халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболи ҳақида миллат кишиси ўлароқ қайғурган, умри маъносини комил инсонни ҳар томонлама мукамал тарбиялашда, нафосатга ошино этишда кўрган эдилар.

Хотиралар уммонидаги саёҳат Озод Шарафиддиновни ҳаёлан узок-узокларга, болалиқ даврлари билан боғлиқ мозийга етаклайди. Вакт масофасининг узоклиги барини тўлиқ эслашни бир қадар мушқуллаштиради. Бу ғоятда табиий жараён бўлиб, тасвирнинг ҳам шунга мувофиқ тарзда чизилиши бадиияшончддигини таъминлайди.

Озод Шарафиддинов Ғафур Ғуломдай шоирни болалигидан таниш бахтига мушарраф бўлганлигидан беҳад мамнун бўлади. Унинг киёфасини «... *бошида чуст дўпти, эғнида оптоқ яқтакми, бойтар чопонми, оёғида қаеуш*» билан кўча айлангани чиққан, оддий одамлар билан дилдан

<sup>90</sup> Расулов А. Ғафур Ғулом ижоди танқидчилар талқинида. // Ғафур Ғулом ва давр. «Ғафур Ғуломнинг янги ўзбек адабиёти тараққийотидаги ўрни» мавзусидаги илмий конференция материаллари. Т. : 2003, 35 б.

гурунглашган, гоҳ кулдириб, гоҳ кулиб турган ҳолатларда хотирлайди. Бундай белгиларнинг ўзиёқ Ғафур Ғулом ташки қиёфаси, сиймоси, кийим кечагию ўзини тутиши ҳақида муайян тасаввурлар уйғотувчи тасвирдир. Мухими, мунаққид ана шу ташки қиёфа орқали болаларча тасаввурлари билан шоир руҳий дунёсини очишга уринади. Зеро, олим портрет- образ яратишнинг муҳим шартларидан бири эканлигини яхши билади.

Болаликнинг ўсмирлик билан алмашинуви унинг Ғафур Ғуломни кашф этишида ҳам бир қадар силжишни келтириб чиқаради. Ўнинчи синфдалигида мактабда ўтказилган адабий кечада шоир ўқиган *“Олтин медаль”* (1946) шеъри мазмунан шу ёшдаги ўқувчилар ҳаётига дахлдор, кўнглидаги ўйларга ҳамоҳанг эканлигини илғайди. Талабалик йилларида эса шоирнинг ҳар бир адабий кеча руҳига мос янги шеър ёзиб бориш одати борлигини англаб етади. Ғафур Ғулом талабалар даврасида ўқиган *“Сизга”* (1948) шеъридаги ушбу сатрлар ёш талабанинг қалбини тизгинсиз ифтихор туйғуларига тўлдириб, бир умр хотирасида сақланиб қолади:

*Сиз ахир, осмонни олмоқ бўлсангиз,  
Не учун елкамни тутиб бермайин,  
Ақлу балогатнинг шотуларидан  
Юксала берингиз секундлар сайин* (2 т., 129 б.)

Эл-юрт фарзандлари юксакларни забт этмоғи учун шоир оталарча меҳрибонлик билан елкасини тутиб бермоққа ҳозир. У секундларнинг эртанги кун учун қўйилажак пиллапоя эканлигини хис этувчи маърифатли авлод пешонасида *“Истиқбол бўсасин аниқ муҳри бор”* лигини кўрувчи чинакам миллат шоири эди. Бундай шоир билан танишмоқдан фахр этмоқ ҳам, ўша онлар шукронаси билан яшамоқ ҳам чинакам бахтдир.

Дарҳақиқат, Ғафур Ғулом шеърятти, насри, адабий-эстетик дунёси неча-неча авлодлар маънавиятининг шаклланишига баракали ҳисса қўшгани, шубҳасиз. Шу маънода Озод Шарафиддинов ўзига тенгқур авлод вакиллари тилидан айтган ушбу сўзлари чин ҳақиқат ифодасидир: *“Ғафур Ғулом деган ном менга тенгқур авлод қонига она сути билан бирга кирган. Бизнинг танглайимизни Ғафур Ғулом шеъри билан кўтаришган. Менга тенгқур авлоднинг руҳий оламини, маънавий дунёсини Ғафур Ғуломсиз тасаввур этиш мушкул. Ғафур Ғулом бўлмаганда бу олам анчагина зариб, кемтик бўларди”* (65 б.)

Ғафур Ғулом қудратли истеъдодга эга бўлган буюк шоир ва буюк инсон эканлигини Озод ака болалик ва ўсмирлик чоғларини ортда қолдириб, ҳаёт ва адабиётга чинакам ошно бўлганида дил-дилдан англаб етди. *“Ғафур Ғулом буюклиги,- деб ёзади олим,- даставвал, унинг истеъдодида, илҳом уфқининг кенглигида, поэтик образларининг ёрқинлигида поэзиясининг ҳаётийлиги ва халқчиллигида, ҳаққонийлигида эди. Айни чоқда, унинг буюклиги шахсиятида, характерида, одатларида*

ҳам намоён бўларди. Ғафур ака кўтинча ўртача мезонга сизмайдиган ишлар қиларди.

*Ғафур Ғулом бағри кенг, дарёдил одам эди. У бутун ижоди давомида инсонни улуғлади, инсонга муҳаббатни куйлади. Шеърларидаги инсонийлик ўз табиатига хос эди. Ғафур ака иложини топса, бутун дунёдаги яхши одамларга қалбини очишга тайёр эди.*" (66 б.)

Озод Шарофиддинов Ғафур Ғуломни халқчил шоир сифатида, халққа чинакам яқин, унинг дард-изтироблари, қувонч-шодликларига шерик инсон сифатида ардоқлайди. Унинг шоирлик масъулиятини теран хис қилиб қалам тебратганлигини ўз эътирофлари, дил сўзларига таяниб кўрсата олади: *"Биз,-деб ёзади Ғафур Ғулом, - кўшнисининг юқини енгил қилган, йироқ-йироқлардаги нотаниш замондошига офтоб бўлиб юрак тафтини етказа олган, гўдаклар қаршисида олам дастурхони ёйиб, мўйсафидлар кўзига йиғитлик нуруни қайта бахш эта олган ижодкорни шоир деймиз..."* (67 б.)

Юкоридаги фикр-мулоҳазалардан англашиладики, Озод Шарафиддинов Ғафур Ғулом номини шунчаки улуғламоқчи, унга бўлган хурмат-эҳтиромини баён этмоқчигина эмас. Балки бутун умрини ўз халқига ва юртига бахшида этган *"бағри кенг, дарёдил одам"*нинг бутун буюклиги ифодасини топган, оташин қалби уриб турган бебаҳо асарлар ҳар бир ўзбек китобхони уйининг тўридан, қалбининг қўридан ўрин олиши лозим ва зарур эканлигини уқтирмоқчи ният қилган. Бемалол айтиш мумкинки, муаллиф бизни XX аср ўзбек адабиётининг ёрқин ва бетакрор истеъдодларидан бири, оташнафас шоир, носир, олим ва улуғ **ИНСОН** ибратли ҳаёти ва ижоди оламига олиб кира олган. Бунга Ғафур Ғулом шахсияти ва ижодига бағри кенглик билан ёндошиш орқали эришган.

## 6.2. КЕНГ ЭРУДИЦИЯЛИ ОЛИМ

Озод Шарафиддиновнинг *«Биринчи мўъжиза»* китобидан ўрин олган *«Халқ бахтининг оташин-куйчиси»*<sup>91</sup> номли адабий портретида Ғафур Ғулом ижодининг ўзига хослиги, истеъдодининг бетакрорлиги, XX аср адабиёти ривожига кўшган улуши ҳақида сўз юритилади. Мунаққид Ғафур Ғулом ижодини жаҳон шеърляти мезонларига таяниб баҳолайди. Шоир XX аср ўзбек шеърлятига ўзига хос оҳанг кўшиб, унинг уфқларини янада кенгайтгани, ижодий принципларини анча бойитганини кўрсатади. Ғафур Ғулом номининг келажакда Федерико Гарсиа Лорка, Пабло Неруда, Нозим Ҳикмат каби дунёга машхур шоирлар каторидан ўрин олишига комил ишонч билан қарайди.

<sup>91</sup> Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. Т.: Адабиёт ва санъат, 1979, 203-252 бетлар (Изох: Кейинги мисоллар шу нашрдан олинди, кўчирмалар ёнида саҳифа кўрсатиш билан чекландик)

Ғафур Ғулом ижодининг етакчи хусусиятларини белгилашда муаллиф кўпинча ўша давр ҳукмрон мафкураси мезонларига таяниб фикр юритса-да, санъаткор меросининг туб моҳиятини, ғоявий-эстетик қимматини англаш йўлидан боради. Ижодкорга аввало шу даврнинг киши сифатида тарихан конкрет ёндошиб, Ғафур Ғулом табиати ва характериға хос кўпгина белги-сифатлар унинг асарларида ҳам яққол акс этганини бир қатор шеър, хикоя, қисса ва адабий-танқидий мақолаларидан намуналар таҳлили асосида кўрсатиб беради.

Озод Шарафиддинов шоир шеърляти манбаларини белгилар экан, унинг камол топишида Шарқ шеърляти, халқ оғзаки ижоди ва рус адабиёти муҳим рол ўйнаганини таъкидлайди.

Ғафур Ғулом адабий-эстетик принциплари такомилли ҳамда поэтик маҳорати юксалишида, асарларининг теран мазмундор, таъсирчан образларға бой, жозибадор, шаклан бетакрор, руҳан улугвор, ифодавий сержило бўлишида мазкур уч манбаниннг ўрни катта бўлганини мантиқий далиллайди. Шоир сиймосида Шарқ адабиётининг етук билимдонини кўрган Озод Шарафиддинов: «*Ғафур Ғулом Шарқ адабиётини чуқур биладиган фозил одам эди*» (206 б.), - деб ёзади. Ғафур Ғулом мазкур «*қудратли наҳрдан*» теран инсонийликни, гуманизмни, фалсафий чуқурликни ўрганди, дея таъкидлаган муаллиф унинг Шарқ шеърлятиға муносабатини ёритишда куйидагиларни алоҳида қайд қилиб ўтади:

- *У 20-йиллардаёқ ўзбек, озарбайжон, татар, форс-тожик адабиётларини пухта ўзлаштирган ва бу адабиёт классикларининг асарларини мукаммал билган;*

- *араб, форс ва туркий тиллардан кўпчилигини мукаммал билган Ғафур Ғулом Шарқ классикларининг асарларини оригиналда ўқиб, улардаги ғоявий-бадий бойликдан тўла баҳраманд бўлган;*

*Ғафур Ғулом бутун ҳаёти давомида Шарқ адабиётининг атоқли намоёндалари ижодини тарғиб қилиш билан шугулланган.*<sup>92</sup>

Мазкур асосли фикрларға таянган олим Ғафур Ғулом сиймосида адабиётимиз ва маданиятимиз тарихига оид фактларни яхши биладиган, Шарқ шеърлятининг гўзаллигини чуқур хис қиладиган ғоят нозик дид эгасини кўради. Ғафур Ғулом Шарқ адабиётининг юксак нафосатини, поэтик теранлигини, санъаткорлигини ўзига сингдира олди, деган ишончли хулосаға келади.

Адабий портретда халқ оғзаки ижодига муносабат масаласи хусусида сўз юритилиб, оғзаки ижод намуналарини тўплаб нашр этиш, асраб авайлаш ва янада бойитишда Ғафур Ғуломнинг фольклоршунос ва ношир сифатидаги илмий-амалий фаоляти холис баҳосини олган. Муаллиф унинг оғзаки ижодға муносабатини латифа ва ривоятларға янгича сайқал бергани ёхуд фольклор сюжети бадий усулларидан ижодий фойдаланиши билангина чекламайди. Шоир бутун ижоди давомида оғзаки ижод руҳига

<sup>92</sup> Бу ҳақда қаранг: Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. 207 б.

содик қолиб, халқ характериға хос донишмандона зукколик ва умидбахш оптимизмға йўғрилган рухий оламини асарларида маҳорат билан акс эттирганини ҳақли равишда эътироф этади. *“Халқ ижодига бундай муносабат,-деб ёзади адабиётшунос олим, - Ғафур Ғулом асарлариға теран халқчиллик бахш этди, уни беқиёс юмор билан бойитди, асарларида оригинал ва қутилмаган образларға, доно ҳикматларни эслатувчи маънодор ибораларға кенг йўл очиб берди”* (208 б.)

Маълумингизким, XX аср ўзбек адабиёти нафақат миллий-адабий анъаналар заминида тараккий этди. Ундаги ранг-баранг ғоявий-бадий, шаклий-услубий изланишлар, бадий-эстетик тафаккурда содир бўлган сезиларли силжишлар бевосита рус ва жаҳон адабиёти тажрибаларини туташтириш билан ҳам чамбарчас боғланади. Шуниси ҳам борки, жаҳон адабиётининг аксарият намуналари рус адабиёти орқалигина бизнинг илмий-адабий иклимимизға, эстетик тафаккуримизға кўчган. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Ҳамид Олимжон каби маданиятимиз фидойилари рус адабиётининг етук намуналарини таржима қилишиб, ўзбек китобхони маънавий-рухий дунёсини янада кенгайтириш, бадий-эстетик дидини нозиклаштиришға уринишган эдилар. Шубҳасиз, бу адабий мулоқот туфайли ўша сўз санъаткорлари ҳам муайян ижодий такомил босқичига кўтарилдилар.

Шу маънода Озод Шарафиддиновнинг Ғафур Ғулом ижоди манбаларидан бири сифатида рус адабиётининг ҳаётбахш таъсирини белгилаши ғоятда асосли эди.

Ғафур Ғулом бир маърузасида *“Рус классик адабиётини ўқиш бизнинг бурчимиздир...”* (12 т. 72 б.),- деб таъкидлаб ўтади. Мунаққид Ғафур Ғулом рус адабиётини кунт билан ўрганганини келтириб, унинг ижодий юксалишида Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Толстой, Чехов, Горький ва Маяковскийларнинг асарлари самарали таъсир кўрсатганини қайд қилади. Улардан мутаассир бўлиш ва анъаналарини ижодий ривожлантириш Ғафур Ғулом асарларининг ғоявий-бадий камолотида муҳим ўрин тутган, дея эътироф этади.

Кўринадики, Озод Шарафиддинов Ғафур Ғулом ижоди манбаларини аниқлаш орқали унинг адабий-эстетик концепциясини ёритишға ҳаракат қилади. Мунаққид Ғафур Ғулом эстетик принциплари нималардан иборат? Деган саволға жавобни шоирнинг шеърларидан излайди. *“Ақл ва қалам”, “Биринчи шеър”, “Ассалом”* каби шеърлари мисолида шоирнинг эстетик принципларини келтириб чиқаради. Олим Ғафур Ғулом шеърлари моҳиятиға сингдирилган чуқур фикр-мулоҳазалар, ўзига хос поэтик образ ва ташбехлари орқали шоирнинг сўз санъати, шоирлик бурчи, иждоқор масъулияти, шеърят ва унинг вазифалари каби ғоятда долзарб масалаларға бўлган муносабатини келтириб чиқаради. У Ғафур Ғулом шеърятни фақатгина мадҳия, чорлов, тантанавор кайфият ифодаси эмас, балки *“инсон юрагидаги иллатларни жисганак қилиб куйдирувчи оташ”* деб тушунишини яхши англаган. Шоир шеърларидан эътиборға молик



Ўринларни таҳлилга тортган. Ғафур Ғулом илхоми уфқининг бениҳоя кенглиги, ўзининг Шарқ шоири, ўзбек шоири эканлигидан ифтихор этиши, ўзбек халқи номидан шеърини тил билан бутун жаҳонга мурожаат қилиши бадиий матнга таянган ҳолда биринчилардан бўлиб Озод Шарафиддинов томонидан келтирилади. Шу орқали Ғафур Ғулом чинакам новатор ижодкор сифатида XX аср ўзбек шеърини имкониятларини бекиёс кенгайтириш имконини қўлга киритгани кўрсатиб берилди.

Озод Шарафиддинов мазкур адабий портретнинг баъзи ўринларида Ғафур Ғулом ижодининг бош принципларини ғоявийлик ва партиявийлик билан боғлаб талқин қилишга ҳам уринади. Бу давр адабиётшунослиги учун ҳам хос ҳодиса эди.

Юқорида танишганимиздай, адабиётшунос Озод Шарафиддинов Ғафур Ғуломнинг бадиий ижод, шеърини, сўз санъати моҳияти ва ижодкор истеъдоди билан боғлиқ шеърлари таҳлили жараёнида шоирнинг эстетик принципларини тўғри англаб етганлиги айниқса қадрлидир. Мунаққид шоирнинг бутун ижодий меросини яхлит тарзда “бадиий камолот намунаси” сифатида олиб қарамайди. Ғафур Ғулом ижодида баъзан ўз имкониятларидан пастроқ даражада кундалик заруратлар туфайли яратилган асарлар ҳам учрашини кўрсата олади. Бунинг сабабини у : “Ғафур Ғулом ҳар қанча буюк истеъдод эгаси бўлмасин, айти чоқда, у инсон эди ва инсоний заифликлар унга ҳам бегона эмас эди” (213 б.), - деб ғоятда кенг ўлчовларда изоҳлайди. Танқидчини Ғафур Ғулом ижодининг қусурлари эмас, балки етук жиҳатлари, замондошларимиз маънавий дунёсини бойитишга қўшган хиссаси, шоир номининг адабиётимиз тарихига муҳрланишига сабаб бўлган фазилатлар кўпроқ кизикдиради. Бундай фазилатларни муаллиф Ғафур Ғулом поэтик тафаккурдан, бадиий умумлашмаларидан, образлар оламидан излайди.

Ғафур Ғуломнинг «Қуз келди», «Тошкент», «Аввал ўқи», «Ўзбек элининг гурури», «Шараф қўлёмаси» каби қатор шеърларида ўзбек диёрининг, ўзбек халқининг ўзига хос қирралари маҳорат билан ёритилгани таҳлил этилади. Мунаққид шоир ижодида нафақат ўзбек халқи тақдири, балки жаҳон халқларининг ўй-хаёллари, дард-изтироблари, қайғу ва кечинмалари ҳам санъаткорона тараннум этилганига урғу беради. Бу ўринда «Яшасин тинчлик», «Поль Робсонга», «Биз тинчлик истаймиз», «Тинчлик нашидаси», «Бу сенинг имзонг» ва бошқа шеърларида жаҳон халқлари тақдири учун қайғуриш, ҳамдардлик, уларнинг қудратига, келажигига ишонч ғоялари шоирона нигоҳ билан акс эттирилгани ёритилади.

Муаллиф «Тошкент» шеърида Тошкентнинг мукамал образи яратилганига диққатни қаратиб, бу образ воситасида шоир китобхон қалбида Ватан муҳаббати, ғурур ва қувонч туйғуларини уйғотишини юсак баҳолайди.

«Чин арафа» шеърида эса Ғафур Ғулом ўзбекона детал ва ранглар воситасида халқимиз руҳиятини, миллий ўзига хослигини ёритиб бера

олганига эътибор беради. Кўпгина шеърлар тахлили оркали танкидчи Ғафур Ғулом ўз халқи хаётини, унинг ўзига хос миллий руҳиятини чуқур билган ва бу унинг ижодига такрорланмас миллий тус, поэтик тафаккурига эса оригиналлик бағишлаган деган тўхтамга келади.

«Кузатиш», «Соғиниш», «Ғолиблар байрами» шеърларини Мақсуд Шайхзода «шеърый салоса» яъни поэтик трилогия деб атаганига таянган мунаққид мазкур уч шеърда муайян ички яхлитлик мавжудлигини кўради. Бу яхлитлик- лирик қахрамон муштарақлигида, поэтик фикрнинг умумийлигида намоён бўлишини шеърлардан келтирилган парчаларни таҳлил қилиш оркали ёритади.

Озод Шарафиддинов Ғафур Ғулом нафақат зукко шоир, балки моҳир прозаик эканига эътибор бериб, унинг фелъетон, очерк, хикояларию, қиссаларининг етакчи хусусиятлари ҳақида ҳам сўз юритади.

Очеркларида замондошларимиз образи теран чизилганини кузатган муаллиф: «*Ғафур Ғулом ҳар гал очеркда тасвирланаётган воқеанинг ҳам, қахрамоннинг ҳам характериға мос келадиган оҳанг, ранглар топади, ўрни келганда тарихий экскурсларға мурожаат қилади ёхуд халқ оғзаки ижоди, афсоналаридан фойдаланиб, тасвирға ҳаётбахш юмори, қубноқ ҳазил-мутуйибани сингдириб юборади*» (239 б.),- деб ёзади.

Мунаққид Ғафур Ғулом каламига мансуб «*Афанди ўлмайдиган бўлди*», «*Мулла Насриддин Афанди ва Шайтон алайхуллаъна*», «*Ҳасан Кайфий*» каби хикояларни адибнинг ҳажвийётдаги улкан маҳорати деб қарайди. Олим мазкур хикоялар халқ эртак ва латифалари асосида яратилганига урғу бериб, ёзувчи муайян ғояни ҳаётбахш юморға бурқаб, санъаткорона ёритганини баён этади. Бинобарин, у Ғафур Ғулом ижодини ғоявий-бадий мукамалликда маҳорат муаммоларига боғлаб талқин этади.

Маълумки, Ғафур Ғуломнинг «*Шум бола*» қиссаси ўз давридаёқ машхур бўлиб, танкидчилар эътиборини тортган эди. Қиссанинг жанрини белгилашда танкидчиликда ранг-баранг қарашлар мавжуд бўлган. Озод Шарафиддинов бу фикрларға ўз муносабатини билдирар экан, қиссада «қатъий ва изчил автобиографик характер бахш этадиган элементлар йўқ» дея таъкидлайди, асарни саргузашт-қисса деб аташни маъқул кўради.

Мунаққид Ғафур Ғулом ёшлигиданоқ машхур америка ёзувчиси Марк Твеннинг асарларини севиб ўқигани, шеърларида унинг қахрамонлари номи тез-тез тилға олинishi мисолида қиссанинг яратилишиға туртки бўлган жиҳатларни белгилайди. У Марк Твенға бўлган муҳаббат иштиёқи «*Шум бола*»ни ёзишға туртки бўлди, -деган хулосаға келади.

«*Шум бола*» ва «*Том Сойёр*»даги ўзаро муштарақликни адабий қахрамон теранлиги, кўлами, юмори, оптимизми, хаётийлигида кўради.

Демак, Ғафур Ғулом насрини жаҳон адабиёти фонида ўрганишға, унинг таниқли намоёндалари билан чоғиштиришға интилади.

Адабий портретда шу жанр табиатидан келиб чикиб, Ғафур Ғуломнинг йирик адабиётшунос, мохир таржимон, улкан болалар ёзувчиси эканлиги ҳақида ҳам қисқача маълумотлар бериб ўтилади.

Озод Шарафиддинов Ғафур Ғулом адабиётшунослик масалалари билан умрининг охиригача шуғилланганига тўхталади. Унинг адабий-танқидий характердаги мақола ва нутқларида фольклор ва мумтоз адабиёт, рус ва жаҳон адабиёти, замонавий адабиётнинг кўпгина назарий масалалари қамраб олинганлигини кенг эрудицияли олим эканлигини кўрсатувчи белги деб ҳисоблайди. Ғафур Ғуломнинг адабий-танқидий қарашлари адабий таъсир, халқ оғзаки ижоди аъёнлари, замондош ижодкорлар маҳорати сирларини ўрганишга яқиндан ёрдам беришини таъкидлаб ўтади.

Мазкур ўринда Ғафур Ғуломнинг таржимон сифатида маданиятимиз ривожига қўшган ҳиссаси ҳам юқори баҳоланади. Шайх Саъдий, Бедил, Ш.Руставели, Т.Шевченко, А.Лохутий, А.С. Пушкин, М.Ю.Лермонтов, Н.А.Некрасов каби Шарқ ва Ғарб классиклари, К.Симонов, А.Твардовский, М.Турсунзода сингари замонавий адабиёт вакилларининг асарларини ўзбек китобхонларига тухфа этганини эътироф этади. Айниқса, Шекспирнинг «Отелло», «Қирол Лир» асарлари Ғафур Ғулом таржимасида қатта шуҳрат қозонди деган фикрни келтиради. Муаллиф Ғафур Ғуломнинг таржимонлик маҳоратини батафсил таҳлил этиш алоҳида тадқиқот объекти бўлишини таъкидлар экан, унинг учун бадий таржима ўз халқини қардош ва жаҳон адабиёти дурдоналаридан баҳраманд қилиш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш воситаларидан бири бўлганини уқтириб ўтади.

Озод Шарафиддинов шоирнинг болалар адабиёти равнақига қўшган ҳиссасига эътибор қаратиб, унинг бу борадаги муваффақиятларининг сабабларини меҳнат фаолиятини педогогикдан бошлаганлигида деб изоҳлайди. Мунаққид Ғафур Ғуломни: « ... умрининг охиригача қалбан энг мумтоз педогоглардан бири бўлиб қолди», - дейди. Унинг «Яша, дейман, ўғлим», «Нортожсининг курак тиши», «Икки ёшлик», «Кўклам шамоли», «Аҳмад ёмон бола эмас-ку, аммо...», «Билиб қўйки, сени Ватан кутади», «Бир гунча очилгунча» каби шеърларини болалар шеърятининг мумтоз намуналари деб билади.

Умуман, Озод Шарафиддинов ушбу адабий портретида Ғафур Ғуломнинг чинакам серкирра истеъдод соҳиби, комусий билим эгаси, адабиётимизнинг ёрқин сиймоси эканини ёритиб бера олган. Мунаққид кўпгина шеър, ҳикоя, очерк, қиссалари мисолида Ғафур Ғуломнинг санъаткорлик маҳоратини кўрсата олган.

Шоир ижодининг туб моҳиятини, асарларининг етакчи хусусиятларини, бадий маҳорат сирларини пухта ўрганган муаллиф Ғафур Ғуломнинг ижодкор ва инсон сифатидаги фаолиятига тўғри баҳо бера олган.

Адабий портретда асарнинг ғоявийлигига урғу бериш, умумий ва баландпарвоз сўзларга берилиш каби ўша давр адабиётшунослигига хос камчилик ва нуқсонлар учраса-да, ундаги ёзувчи ижодий меросининг етакчи хусусиятлари, ўзига хослиги, истеъдодининг бетакрорлиги билан боғлиқ аксарият фикр-мулоҳазалар бугун ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

### 6.3. ПСИХОЛОГИК-БИОГРАФИК ПОРТРЕТ ИМКОНИЯТЛАРИ

Озод Шарафиддиновнинг истиклол йилларидаги илмий-публицистик фаолияти ранг-баранг бўлиб, у аввало адабиётшунос мунаққид сифатида қалам тебратди. XX аср ўзбек адабиётини қайта идрок этиш ва баҳолаш, адабий жараённинг долзарб масалалари ва замонавий ижодкорлар асарларини тадқиқ этиш мунаққиднинг янги босқичдаги адабий-танқидий мақолалар ва эсселарига хос етакчи йўналишлардир.

Озод Шарафиддинов адабий танқидчиликнинг тарихий-функционал муаммолари билан шуғулланар экан, катагон қилинган шоир ва ёзувчилар ҳаёти ва ижодига нисбатан ҳолисона муносабатда бўлади. Материалистик мафкура яккахоқимлиги даврида қалам тебратган кўплаб истеъдодларнинг ўз салоҳиятини тўла намоеън эта олмаганликлари сабаб ва оқибатларини ички ва ташқи фактордан излади. Адабиётшунос яқин ўтмиш зиёлиларини ҳам инсон, ҳам ижодкор сифатида кузатади. Улар қисматини тушунишга, асарлари қатидаги мавжуд тузум билан боғлиқ белги-сифатларни тўғри англашга интилади ва бизни ҳам шунга ундайди. Мунаққиднинг «*Ижодни англаш бахти*»<sup>93</sup> китобидан ўрин олган «*Буюкларимиз бағримизга қайтди*» деган эссеси ўзбек адабиёти ва санъатининг кўплаб намояндалари «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланиши муносабати билан ёзилган. Унда Ойбек, Ғафур Ғулوم, Абдулла Қаҳҳор сингари ёзувчилар, Юнус Ражабий, Муҳиддин Қори Ёқубов, Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов, Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Ботир Зокиров каби санъаткорларга ватанимизнинг юксак мукофоти берилиши нафақат илмий-адабий жамоатчилик ва маданият-санъат аҳлини, балки шу инсонлар шахсияти ва ижодига меҳр қўйган кенг доирадаги ихлосманд мухлисларни ҳам беҳад мамнун қилганлигидан туюлган ҳис-туйғулар ифода этилади. Муаллиф тақдирланган адабиёт ва санъат арбобларини «*том маънодаги даҳо санъаткорлар*» деб таърифлайди. Мазкур фикрнинг шунчаки баландпарвоз сўзлар эмаслигини Ойбек, Ғафур Ғулوم, Абдулла Қаҳҳор ижодий мероси мисолида тасдиқлашга уринади.

Ғафур Ғулوم ҳақида сўз юритар экан, олим унинг зоҳиран шўроларнинг хурмат-эътиборига, мукофоту унвонларига сазовор

<sup>93</sup> Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. Т. : Шарқ, 2004 (Изох: Китобдан келтирилган кўчирмалар шу нашрдан олинди, қавс ичида саҳифа кўрсатиб борилди )

бўлганига махлиё бўлмаслик лозим деган позицияни ёклайди. Адиб каламига мансуб бўлган расмий мавзуларга бағишланган шеър, мақола, мадхия ва алёрлар анчагина бўлишига қарамасдан, унинг ижоди шулардангина иборат эмас, дейди у кескин тарзда. Ғафур Ғулом ижодида шарқона донишмандликка, хикматларга бой халқона шеърлар бисёрлиги, образлар олами сержилолиги, ифодалари ёрқин ва теранлиги мазкур асарлар умрбоқийлигини таъминлаган омиллар деб билади: *“Унинг (Ғафур Ғуломнинг - Т.М.) шеърий образлари, истиоралари, кашфиётлари шу қадар теран ва ёрқинки, уларнинг шу кунларгача яшаб келаётганини, фақат шундай юксак бадиий фазилатлар билангина изоҳлаш мумкин. Тўла асос билан айтиш мумкинки, Ғафур Ғулом XX асрдаги Шарқнинг энг ўзига хос, энг ёрқин, энг қўламли шоири эди ва ҳозир ҳам шундай”* (177 б.).

Муаллиф Ғафур Ғулом қанчалик етук ва ўзига хос эрудицияли, буюк олим ҳамда оташнафас хассос шоир бўлмасин, у том маънодаги фожеона ҳаёт кечирган эди,-деган хулосага келади. Бунинг сабабини улкан иқтидор соҳибининг ўз сийратини тўла намоён қила олмаганлигида, кўнги талпинишлари билан реал ҳаёт имкониятлари ўртасидаги узлуксиз зиддиятда, чинакам ижод эркинлиги танқислигидан туғилган кечинма-изтиробларда кўради. Ўзбек зиёлисининг қалб ва қиёфасига тийран нигоҳ ташлайди. Фикрлари тасдиғи учун Ғафур Ғулом боқий дунёга сафар қилганида Абдулла Қаххорнинг чуқур хўрсиник ва қайғу билан айтган: *“Бу одам ўзида борининг ярмини ўзи билан бирга олиб кетди”*,- деган икромини эслайди.

Англашиладики, Озод Шарафиддинов ғоятда қалтис ва зиддиятли даврда яшаб ижод этган қалам аҳли жумладан, Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижодини анча теран англайди. Миллат зиёлиси ва ижодкор инсон сифатида уни қийнаган дард-кечинмаларнинг асосий белги-аломатларини тўғри талқин этади.

Сўз юргизилаётган китобдан махсус тарзда Ғафур Ғуломга бағишланган *“Ижодни англаш бахти”* ва *“Ғафур Ғуломнинг кулгиси”* номли бадиалар ҳам ўрин олган. Муаллиф ўз кўзи билан кўрган ва ҳаётда кузатган, замондошларидан эшитган воқеа-ҳодисаларига асосланиб, ижодкор шахсиятини, дил розларини тасаввурлар дунёсига кўчириб манзаралантиради. Озод Шарафиддинов мазкур эсселарда Ғафур Ғулом ҳақидаги хотира ва адабий ўйларини баён этар экан, унинг ижодий ва инсоний қиёфасини реал воқелик билан чамбарчас алоқадорликда ёритишга ҳаракат қилади. Муаллиф давр воқеаларининг жонли гувоҳи ва иштирокчиси эканлиги, позициянинг объективлиги баҳоларнинг ҳам ҳолислиги ҳаққонийлигини таъминлайди. У Ғафур Ғулом маънавий-рухий оламини ёрқин ифодалаш орқали ўша давр жароҳатларини, халқимиз дард-изтиробларини реалистик услубда кўрсатиб беради. Эсселарда Ғафур Ғулом характер табиати, дунёқарashi ва шахсий ҳаётига кўпроқ эътибор берилади.

“Ижодни англаш бахти” пешсўзи билан нақшланувчи эссе китоб учун ҳам сарловха бўлганлиги зинҳор бежиз эмас. Бу ҳам олимнинг Ғафур Ғуломга бўлган алоҳида эҳтиромидан, шоирни англамоқ ўз навбатида давр адабиётини кашф этиш ҳам эканлигидан келиб чиққан.

Мазкур эссе минг-минглаб фидойи инсонларнинг улғайишида, шахс сифатида камол топишида, маънавиятига мазмун бахш этилишида Ғафур Ғулом бекиёс роль ўйнаганини эслаш билан бошланади. Муаллиф бир ўзбек зиёлиси ўлароқ, оддий бир инсон сифатида ўз умр йўлини сарҳисоб қилар экан, кечмиш ҳаётидан беҳад мамнунлик туяди. Маънавиятимизнинг ҳар бири бетакрор олам, қайтарилмас истеъдод, ноёб талант ва аини пайтда тақдир ҳукмидаги бир банда ўлароқ, кучли ва ожиз жиҳатларига эга бўлган инсонлари билан бир даврда яшаш, улар суҳбати ва рағбатидан баҳраманд бўлиш, ўрни келганида ижодларини таҳлил ва талқин этиш чинакам маънода бахт эди.

Озод Шарафиддинов ўз эъзоз ва эҳтиромига сазовор бўлган қайси ижодкор ҳақида сўз юртимасин, аввало у етишиб чиққан ва камолга етган давр ҳақида сўзлайди. XX аср адабий ҳаёти ҳақида тўхталар экан, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Ҳамид Олимжон, Зулфия, Максуд Шайхзода, Миртемир, Асқад Мухтор каби сўз санъаткорлари номи шунчаки саналмайди. Уларнинг “*ҳар бири ўзича бир олам*”, “*чинакам миллий туйғулар эгаси, халқ ва Ватан шиқиди ёнган одамлар*” сифатида иқрор этилади (260 б.)

Ғафур Ғуломни ана шу авлоднинг ёрқин вакиллари билан бири деб билган муаллиф, болалигидаёқ бу улуғ инсонни таниганидан чексиз ифтихор қилади. Ёрқин хотиралар асосида устоз шоир билан яқиндан танишиш бахтига муяссар бўлган фараҳбахш кунларни эслайди.

Адабиётшунос Ғафур Ғуломни турли сафарлар ва адабий байрамларда кузатган ва яқиндан билаган инсон сифатида ўша дамларни хотирлаб ёзади: “*Ҳар бир учрашув, ҳар бир сафар чоғида бу инсоннинг янги-янги қирралари, тафаккурининг зўрлиги, ҳаёлот уфқларининг чексизлиги, тенги йўқ истеъдоди кўз ўнгимда тўлароқ намоён бўла борарди*” (261 б.) Агар диққат қилинса, олим Ғафур Ғуломни даставвал инсон сифатида қолаверса, тафаккур сарҳадлари кенг, ҳаёл парвозлари учқур, истеъдоди тенгсиз қалам соҳиби сифатида ҳар гал янгидан кашф эта боргани аён бўлади.

Шу боис ҳам Озод Шарафиддинов умр интиҳосида Ғафур Ғуломни том маънодаги бетакрор улуғ шахс, чакмоқ истеъдод соҳиби эканлигини дилдан эътироф қилиб, мазкур улуғворлик қайси жиҳатларда яққол намоён бўлишини куйидаги мазмунда баён этади:

Ғафур Ғулом сиймосида беназир бир шоир мужассам эди. Бутун вужудидан шеър қуюлиб келаётганга ўхшар, бу ашғорларда поэтик киёслар, ажойиб ўхшатишлар, нозик қочиримлар, мақоллар, маталлар, сўз ўйинлари, халқнинг расм-русумларидан туғилган образларнинг бекиёслиги инжа маҳорат билан жо бўлган эди.

Ғафур Ғулом том маънодаги ўзбек зиёлисидир. Унинг юраги миллат ва ватан дардларидан безовта эди. У *“.. томирида гуптириб оққан ҳар томчи қони билан, юрагининг ҳар тепиши билан ўзбек”* эканини бутун жаҳонга кўз-кўз қила оларди. Унинг характерида ўзбекнинг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги, тангилиги, жиндай чапанилиги, лафзи ҳалоллиги, болажонлиги, аёлмандлиги мужассам эди.

Ғафур Ғулом Ўзбекистоннинг дарёю адирлари, дала-даштлари, боғроғлари, мева-чеваларинигина эмас, меҳнаткаш, мушфик, танти инсонларини севадиган умрининг охиригача эл фарзанди эди. Бошидан дўппини қўймаган, уни миллат рамзи сифатида ардоқлаган **УЛУҒ ШАХС** эди. Буюк шоир, бетакрор истеъдод, ноёб талант соҳиби эди.

Озод Шарафиддинов бирорта толиби илм *“Ғафур Ғулом шеърларида ўзбекона деталлар”* деган мавзуда илмий иш қилса дея истак билдирар экан, мазкур ишда Ғафур Ғуломнинг нафақат миллий шоирлиги, балки миллат номини, ўзбекнинг миллийлигини сақлаб қолиш учун қилган хизматларини ҳам намоён бўлишини олдиндан кўради, прогноз қилади. Айни пайтда шоир ижодини ўрганишнинг муайян миллий-адабий тамойилларини ҳам тавсия этади.

Муаллиф Ғафур Ғуломнинг ҳар жиҳатдан беназир инсон экани турли билимларни ўзлаштиришига бўлган қобилиятида ҳам кузатилишини баён этади, бундан ифтихор туяди. Дарҳақиқат, Ғафур Ғулом рус тилини мукамал билган, қозоқ ижодкорлари даврасига қозоқ тилидаги ҳазил-хузул ва сўз ўйинлари билан сингиб кета олган, Душанбеда тожик, Ашхободда туркман, Бишкекда қирғиз бўлиб, шу элнинг эҳтироми ва эъзозига сазовор бўлганди. Фузулийдек даҳо шоирни озор тилида талқин қилиши, Қобулда Жомий ва Навоийни чоғиштириши, Қозонда соф татар тилида нутқ сўзлашни қойилмақом уддалай олган миллат шоиридан ифтихор этмоққа Озод Шарафиддинов тўла ҳақли эди.

Муаллиф Ғафур Ғулом сиймосида маърифатли олим ва фозил одамни кўради. Унинг Шарқ тарихи ва адабиёти, ўзбек тили асрорларини кенг ва чуқур билишини таъкидлаб, буни мазкур масалага бағишланган қатор тадқиқотлари бугунги кун илм-фан тараққиёти мезонларига ҳам мувофиқ келиши, хануз ўз қимматини йўқотмаганлиги билан далиллайди.

Адабиётшунос Асқад Мухтор хотираларига таяниб, ўзбек шоири Ғафур Ғулом шахснинг тарихдаги роли ҳақида А.Н.Толстой билан бемалол бахslashгани, ишончли ва мантикли фикр-мулохазалари билан рус ёзувчисини-да хайратда қолдиргани мисолида унинг ғоявий-сиёсий, адабий-маърифий даражасини келтириб чиқаради.

Ғафур Ғулом ҳарқанча улуг бўлмасин, айни чоқда у тирик инсон эканини, инсониятга хос муайян белги-сифатлар унга ҳам бегона эмаслигини муаллиф яхши англайди. Бинобарин, Ғафур Ғулом ҳам давр сиёсати ақидалари жозибасига маҳлиё бўлиши, адашиши, баъзан алданиши мумкинлиги ҳам тамомила табиийдир. Адабиётшунос уни ўз даврининг фарзанди деб билиб, адабий-тарихий жараёнга боғлаб, конкрет шарт-

шароитларни ҳамда уларни келтириб чиқарган асосларнинг тарихий изчиллигини назардан қочирмаган ҳолда мантикийлик асосида ўрғанади. Ғафур Ғулом фикрий қарашларининг тарихий-адабий жараён тизимидаги ўзига хос ролини очиб беришга интилади.

Озод Шарафиддиновнинг *"Ғафур Ғуломнинг кулгиси"* номли эссесиде шоир шахсияти, табиати, характеридаги юмор хусусияти ҳақида сўз юритилади. Муаллиф ҳажвиёт, юмор, ҳазил-мутойибанинг Ғафур Ғулом асарларидаги ўрни ҳақида тўхталиб, бу хусусиятлар унинг асарларига *"ўзига хослик, бетакрорлик ва жозибача бахш этиб турибди"*, - деб таъкидлайди. (266 б.)

Одмигина ўзбек боласининг анчайин оддий саргузаштлари акс этган *"Шум бола"* қиссаси Ғафур Ғуломнинг мохир қалами остида чинакамига халқ юморига йўғрилгани учун жаҳон адабиётининг Марк Твен каби ижодкори қаламига мансуб *"Том Сойернинг саргузаштлари"* каби асарлари билан бемалол бўйлаша оладиган асар даражасига кўтарилган деб билади муаллиф. Баъзан сикилган, нохуш кайфиятга тушиб қолган чоғларимда *"Шум бола"*ни варақласам, нохуш ҳаёллар баҳор булутидай тарқаб кетади. Ғафур Ғуломнинг аксарият асарлари ана шундай нозик юмор туйғуси билан сўғорилган,-деган фикрларни илгари сурган Озод Шарафиддинов атайлаб адиб ижодида ҳажвиётнинг роли тўғрисида сўзламайди. Ғафур Ғулом ижоди теран тадқиқ этилган илмий асарлардаги фикрлардан қочиш, муаллифни ҳали уқадар кенг ўрганилмаган адиб шахсияти, хатти-ҳаракатлари, табиатидаги юморга мойиллик ҳақида мулоҳаза юритишга ундайди.

Озод Шарафиддинов Ғафур Ғулом асарлари мазмун-моҳиятига мохирона сингдирилган юморни шоир табиатига хос жиҳатлардан излайди. Ғафур Ғуломнинг воқеликка бўлган муносабатидаги кулгининг характери ва даражаси ҳақида тўхталиб: *"Ўз халқининг юморини яхши билар ва яхши кўрарди, унинг ҳамма жилолари, замзамалари, мавжлари ва нўртаналари шоир табиатига сингиб кетган эди"*, - деб ёзади. (266 б.)

Демак, Ғафур Ғулом асарларида юмор комиклик туғдирувчи муҳим воситалардан бири даражасига кўтарилиши унинг шахсияти ва эстетик идеали билан чамбарчас боғлиқдир, деган хулосага келади.

Маълумингизким, Ғафур Ғулом ҳазил-мутойибани, кулгини, ҳажвни ниҳоятда хуш кўрган, ижодкор дўстлари даврасида жуда яйраб ҳазил-мутойиба қилган ва ҳар қандай даврага ўзгача фойз, кўтаринки кайфият бағишлай олган эди. Бу ҳақда шоирнинг замондошлари<sup>94</sup>, кизи Олмос (Ахмедова Олмос Ғуломовна)<sup>95</sup>, шоғирди Саид Аҳмад<sup>96</sup> ва бошқа ижодкор

<sup>94</sup> Қаранг: Ғафур Ғулом замондошлари хотирасида. Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2003.

<sup>95</sup> Қаранг: Олмос. Таъзим (Атоқли ўзбек шоири Ғафур Ғулом ҳақида хотиралар). Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.

<sup>96</sup> Қаранг: Саид Аҳмад. Назм чорраҳасида: Ғафур Ғулом ҳақида ҳикоялар. Т.: Адабиёт ва санъат, 1993; Йўқотганларим ва топганларим: Хотиралар, адабий ўйлар. Т.: Шарқ нашриёт - матбаа концерни бош тақририяти, 1999, 26-90-бетлар.



дўстлари, издошлари хотираларида кўплаб ибратли хаётий мисоллар мавжуд.

Озод Шарафиддинов ҳам эсседа Ғафур Ғулом характериға хос анашу юмор туйғусининг кўплаб янги кирраларини кузатган. Унинг табиатида ўзбек фольклори қахрамони Насриддинға хос бир талай сифатлар, яхши фазилатлар мужассамлигини, айрим хаётий вазиятларда гўё Афандидай харакат қилишида, топқирлик, хозиржавоблик, зукколик ва устамонлик билан ҳолат-вазиятдан чиқиб кетишида кўради.

Озод Шарафиддинов келтирган хаётий далиллар ва мантиқий фикр-мулоҳазаларға таяниб бемалол айтиш мумкинки, Ғафур Ғулом шахсиятиға хос юмор, хазил-мутойибани адибнинг дунёқараши, феъл-атвори, маданий шайдолик савияси, характерининг нозик жиҳатларини аниқлашға бу хусусиятларнинг бадиий ижод маҳсулларига кўчиш жараёнини яқиндан кузатишға ёрдам беради. Унинг эстетик идеали моҳиятини тушунишға йўл очади.

Шоира Зулфия сўзлаб берган хотираларига таянган муаллиф Хоразм ёки Қорақалпоғистонда бўлиб ўтган бир анжуманда Ғафур Ғулом рассом Абдулҳак Абдуллаевнинг содда феъл-атворидан беғараз кулиб, комик хаётий вазият яратганлигини эслайди. Воқеа бундай бўлган экан: Оддий таблетка-витаминни “*таблетка ҳолида чиқарилган ароқ*”, деб тушунтирган шоир рассомға биттасини ичиб кўришни таклиф қилади. Спиртли ичимликдан умр бўйи пархез қилган А.Абдуллаев анча тарадудлангач, бир дона витаминни “ичимлик”эканлигига астойдил ишониб, ноилож тилининг тагига ташлаб, ичкариға кириб кетади. Ғафур аканинг қистови билан “*техника янгилиги*”ға хос мўъжизаға астойдил кизикканидан номаъқул иш қилганини ўйлайвериб, росмана маст бўлиб қолибди. Бирпастан кейин ичкаридан рассомларға бош бўлиб келган мутасаддининг хуноб бўлган ҳолдаги зардали овози эшитилади. Абдулҳак Абдуллаевни чиндан ҳам нуфузли анжуманға маст ҳолда келган деб ўйлаб, дарғазаб бўлган бошлиққа воқеа тафсилотини оқизмай-томизмай айтиб беришгач, ўзини тутолмай роса кулган экан.

Бундай беғараз, дўстона ва самимий кулгу Ғафур Ғулом характерида юмор туйғуси ўта кучли эканлигини тасдиқлайди. Мазкур сифатнинг дўст-биродарлар табиатиға хос жиҳатларға йўналтирилиши реал хаётий вазиятларға қувнок мазмун, ўзгача завқ ва тароват бағишлаган. Уларни хаётий зўриқишлардан бир нафас бўлса-да, чалғитиш имконини берган деб билади.

“*Ғафур Ғуломнинг кулгиси*” эссесида Озод Шарафиддинов бевосита ўзи гувоҳ бўлган характерли бир воқеа тафсилотини баён қилади. Москвада Лев Минаевич Пеньковский деган бир таржимон бўлиб, у кўплаб ўзбек классикларининг асарларини, жумладан, Ғафур Ғулом шеърларини ҳам таржима қилган экан. Табиийки, бу жараёнда Ғафур Ғулом у билан дўстлашиб қолиб, нима ҳам бўлгану таржимондан ўттиз сўм қарз олган экан. Иттифоқо бу шоирнинг ёдидан кўтарилганми ёки

Пеньковский табиатида жиндай хасислик борлигини билиб, атайин уни хуноб қилишни кўзлаганми, харкалай қарзни вақтида қайтармаган. Лев Минаевич эса шоирни қаерда учратса, албатта, салом аликдан кейин пулни қайтарармикан, деган умидда унга мўлтираб қараб тураверар экан.

Москвада бир гал Ғафур Ғуломга эргашиб, ресторанга ташриф буюрган Озод Шарафиддинов ўша ерда шоирнинг шўхлиги тутиб, рус таржимонига қилган ҳазилини эслайди. Ресторанда дўстлари билан ўтирган Лев Минаевични Ғафур Ғулом ўз ёнига чакириб, ундан ўттиз сўм қарзлигини айтиб, атиги йигирма тийин беради ва энди қарзи йигирма тўққиз сўм саксон тийин қолганини айтади. Қарзнинг унишдан умидвор бўлган таржимоннинг нима қилишини билмай, анграйганча қолиши воқеа қандай тугагини эътибор билан кузатиб турган бутун давра ахлининг қаҳқаҳасига сабаб бўлади. Озод Шарафиддинов Лев Минаевич бу гал ҳам қарзи унмаганига бир оз ранжиган бўлса-да, ўзбек шоирининг ҳазилкашлигига тан берганига диққатни қаратади. Муаллиф Ғафур Ғулом шахсиятининг бундай ажойиб хусусиятлари, табиатига сингиб кетган тугма юмор туйғуси унга бетакрор жозоба, мислсиз ўзига хослик бахш олади. Ғафур Ғулом ўткинчи дунё ташвишларига анча юқоридан туриб, хиёл кулиб, хиёл беписанд қарай оладиган инсон бўлганлигини кашф этади.

Бадида муаллиф 60-йилларда Ўзбекистон радиосида хизмат қилган ёш ижодкорлардан эшитган яна бир воқеани эслайди. Радионинг талаблари бўйича эфирга узатилган шеър учун шоирга қалам ҳақи орадан икки ой ўтгач берилар, китобда нашр қилинган асардан эфир учун фойдаланилса, умуман гонарар берилмас экан. Аксарият иктидорлар сингари бир қадар инжик табиатли бўлган Ғафур Ғулом ижодий ташкилотлардаги бундай "қондалар" ни тан олмас, ҳақни баъзан олдиндан олиб қўйишгача борар экан. Унинг қайфият одами эканлиги "эски асар"ларга қалам ҳақи берилмаслигидан ранжишида, ўз кўнгил тубидан чиққан ашъорларнинг китобда босилиши ҳамон "эски" саналишини ҳазм қила олмаслигида кўринади. Эсседа ижод ахлига бўлган бундай эътиборсиз расмий муносабатни кўрганида астойдил йиғлай олган, инсонлик кадри эътибор топганида беҳад шодланиб, ўзгаларга-да хушнудлик улаша олган, танти ва саҳий одам табиати бутун жилолари билан англашга ҳаракат қилинади.

Озод Шарафиддинов 1937 йили республика Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган ўта жиддий йиғинлардан бири билан боғлиқ тафсилотларни мажлис стенограммасига асосланиб баён этади. Шу орқали Ғафур Ғулом табиатидаги қувноқлик ўзига хос қалқон сифатида уни турли бало-казолардан, тақдирнинг ўринли-ўринсиз хуружларидан ҳам асраган. Худди ана шу табиий қувноқлик, қулги ва юморга мойиллик туфайли шоир баъзан жиддий ва қалтис вазиятлардан ҳам устамонлик билан чиқиб кета олган, деган хулосага келади.

Бир карашда асло ҳазил сиғмайдигандек туюлган ўша расмий давраларда ҳам Ғафур Ғулом айрим ўта майда гап, бачкана одамлардан БАЛАНД тура олган. Пашшадан фил ясаб, оддий маиший воқеаларга-да ғоявий-сиёсий мазмун юклашга уринган баъзи кишиларни жиддийроқ ўйлашга, мулоҳазакорликка ундаган экан. Улар калбига самовий бепоёнликни, мусаффо тоғ хавосини, ойдин окшомлар тароватини, райхонларнинг хушбўй атрини, раҳмдил, меҳрибон, шинаванда, бағрикенг инсонлар қалб хароратини олиб кира билган. Уларга инсон фарзанди – мукаррам зот эканликларини бир кур эслатиш орқали, ҳадеб тирноқ остидан кир кидиравериш, зиёли одамнинг бир-бирини “*фош этиш*”га берилиб кетиши ғайрияхлоқий тамойил эканлигини бир оз бўлса-да англата олган.

Шубҳасиз, Озод Шарафиддинов Ғафур Ғулом қиёфасида фақат юмор хисси кучли бўлган шахснигина кўрмайди. Шоирнинг реал ҳаётий вазиятга қараб ўта жиддий ва вазмин бўла олиши ҳам мумкин эканлигини инкор этмайди.

Мухими, муаллиф Ғафур Ғулом табиатидаги туйғулар жилвакорлиги унинг асарларига кўчиб индивидуалликни таъминлаган омил даражасига кўтарилганлиги хусусида юқорида танишганимиздай, характерли мулоҳазаларни илгари суради. Ғафур Ғулом кундалик ҳаёти, хулқ-атвори ва одағларига хос жиҳатларга аҳамият қаратиш Озод Шарафиддиновнинг шоир ижодини биографик метод асосида ўрганишга интилганлигини кўрсатади.

Бинобарин, ижод махсулларини реал ҳаётий маиший воқеликдан ажратмай, тасодифий учрашувлардан тортиб, ўзгарувчан кайфиятлари ўзувчи руҳининг хусусиятларигача боғлаб таҳлил этиш мазкур кузатишларга психологик-биографик портрет мақомини беради.

#### 6.4. ЎЗЛАШТИРИШ ЭСТЕТИКАСИ: ИЖОДҚОР МИКРОЛАМИГА КЕЧИНМАДОШЛИК

Академик Бахтиёр Назаровнинг “*Ғафур Ғулом олами*”<sup>97</sup> рисоласи кадр-қиймати ва илмий янгилигини белгилаш, муайян камчиликларини кўрсатишга биринчилардан бўлиб уринган киши мунаққид Санжар Содиков бўлди. Унинг “*Олам ичра олам*”<sup>98</sup> “Ўз АС” 2004 йил, 16 июл, № 28 (3754)да босилган мақоласи кейинчалик “*Ижоднинг ўттиз лаҳзаси*” номли адабий танқидий мақолаларидан тартиб берилган китобдан “*Олам ичра олам яралмиш*”<sup>99</sup> номи билан бир қадар кенгайтирилган ҳолда ўрин

<sup>97</sup> Назаров Б. Ғафур Ғулом олами. Т.: Фан, 2004 (Эслатма: Китобдан олинган иктибослар шу нашрдан олинди, қавс ичида саҳифа кўрсатиб борилди)

<sup>98</sup> Содиков С. Олам ичра олам. Ўз АС 2004 йил, 16 июл, № 28

<sup>99</sup> Бу ҳақда қаранг: Содиков С. *Олам ичра олам яралмиш // Ижоднинг ўттиз лаҳзаси* Т.: ШАРҚ, НМАК 2005, 230-240 б.

олди. Профессор С.Содиқов олимни янги илмий далилларни адабиётшунослигимизга дадил олиб кирган, Ғафур Ғуломнинг кўп жиҳатдан тўлақонли илмий биографиясини яратган тадқиқотчи сифатида эътироф этади. Шунингдек, у китобнинг диққатга молик фазилатлари сирасига шоир асарлари, матни мағзига мохирона яширилган маъноларнинг янгича нигоҳ билан идрок этилишини ҳам киритади. Бахтиёр Назаровнинг янгича таҳлил усулубини *"таҳайюл билан тўлдирилган гипотетик тарздаги мушоҳадалар"* деб тўғри белгилайди. Бу услубнинг китобда асосли умумлашмалар чиқаришга имкон берганлигига таҳсин ўқиган олим мазкур дастлабки тажрибаларнинг айрим маромига етмаган жиҳатларини-да кўрсатади. Умуман эса, С.Содиқов рисолаани *"...шоир ижодини ўрганитиш соҳасида ҳозирча энг ҳаққоний сўз ва ўзбек танқидчилиги ҳамда адабиётшунослигининг жиддий ютуғи ҳисобланади"*, -деб баҳолайди.

Шунга қарамасдан, С.Содиқов Бахтиёр Назаровнинг Ғафур Ғулом бадиий-публицистик ва илмий услубига хос талай хусусиятлар: (донолик, дилбар ҳазил- мутойиба, андак эрқаланиш, маҳобатли викор, жозибали тил, фикратигаги миллий ғурур) ни аниқлашга бўлган интилишларини етарлича белгилай олмайди.

Профессор Абдуғафур Расуловнинг *"Балоғат палласи"*<sup>100</sup> мақоласи аслида академик Бахтиёр Назаровнинг 60 йиллик юбилеи муносабати билан ёзилган. Балоғат поғонасига қадам қўйган олимнинг ижтимоий-илмий фаолияти ва ҳаёт йўлини ёритишни назарда тутди. Мақолада *"Ғафур Ғулом олами"* рисоласидаги Бахтиёр Назаровнинг услуби, олимона синчковлиги, муаммоларни ишонарли хал қила олиш маҳорати, шоирга кечинмадошлик салоҳияти ҳам кенг таҳлил этилади. Танқидчилик илмининг нозик жиҳатларини теран билган Бахтиёр Назаров изчил мантиска асосланган гипотетик усул орқали психологик таҳлилни чуқурлаштира олган, санъаткор оламга кириш завқини тотишга мушарраф бўлган тадқиқотчи сифатида баҳоланади. Ғафур Ғулом наслидаги ровийнинг турфа кўринишларига эътибор кучайтирилса, прозасидаги поэзия унсурларига ҳам аҳамият қаратилса, китобнинг қиммати янада ошган бўларди,-деган мулоҳазалар илгари сурилади.

Биз профессорлар С.Содиқов ва А.Расуловларнинг академик Бахтиёр Назаров рисоласи ҳақидаги илк кузатишларини маъқуллаган ҳолда, мазкур тадқиқотнинг асослари, етакчи йўналиши ва моҳияти ҳақидаги мушоҳадаларимиз билан ўртоқлашишни ният қилдик. Зеро, *"Ғафур Ғулом олами"* рисоласида олимнинг таҳайюлга тўйинган гипотетик мулоҳаза ва фикр хулосалари Ғафур Ғулом ижодий феноменини инкишоф этиш асосига қурилган. Бахтиёр Назаров Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижодий

<sup>100</sup> Расулов А. Балоғат палласи ЎзАС, 2005 йил, 16 сентябрь, № 38

меросига умумбашарий мезонлар асосида илмий-назарий муносабат билдириш, шоир ва носир поэтик оламнинг концептуал асосларини белгилашни ҳам назарда тутати. Шу маънода адабиётшунослигимиз ва танқидчилигимизнинг жиддий ютуғи саналаётган, мутахассислар томонидан ҳақли тарзда эътироф этилиб, кенг илмий-адабий жамоатчилиkning назарига тушган бу китобнинг мохиятини юқоридаги каби битта-иккита тақриз--мақола доирасида ёритиш амри маҳолдир.

Ғафур Ғулум ижодий йўлининг асосини ўз қалбига ишониб яшаш, ижод этиш ва эътиқод бутунлиги ташкил этади,-деб билган академик Бахтиёр Назаров унинг ҳаёт йўли ва таржимаи холига доир фактларни қайта идрок этади. Шу орқали Ғафур Ғулум болалигига хос жадид мактаблари ва мадраса тахсили, мустақил ўқиш-ўрганиш каби миллий илдизлардан озикланувчи манбаларни белгилайди. Жумладан, ўз замонасининг машхур бойларидан саналмиш Мулла Муборак Сиддиқмухамедов хонадонида маълум муддат тарбия топгани, “*Бароқхон*” мадрасасида мударрис Саидахрор кўлида таҳсил олгани, бўлажак шоирга устоз томонидан бир сандиқ нодир китоблар тухфа этилгани сингари бир қарашда аҳамиятсиздай туюлган ва адабиётшунослигимиз эътиборидан четда қолиб келган фактик материаллар илмий истеъмолга киритилишининг ўзи ижобий ходисадир.

Фалсафийлик Ғафур Ғулум иждий услубининг муҳим белгисидир. Шунинг учун ҳам шоир шеъриятининг муштарак белгиси лирик қаҳрамон табиатининг умуминсоний қадриятларга эътиром билан қарашида намоён бўлади. Тарих туйғуси ва тарихийлик унинг аксарият шеърлари етакчи принципи даражасига кўтарилади. Рисолада олим мазкур жихатларнинг ижодий ният ёрқин ва тўлақонли ифодасига, тасвир ҳаққонийлиги ҳамда эстетик таъсирчанликнинг юзага чиқишига хизмат қилишини кузатади. Шоир ижодида учрвчи замонасозлик ва мадҳиябозлик иллатини Ғафур Ғулум камол топган жамият адабий иклими билан бевосита боғлайди. Мавзу кетидан қувиш, кундалик воқеа-ходисаларни адабиётга олиб кириш, замонасозлик руҳидаги асарлар на муаллиф ижодида, на адабиёт тарихида сезиларли из қолдирмади,- деган позицияни ёқласа-да, тадқиқотчи ана шундай асарлар бағридан ҳам ғафурона буюклик ҳамда донишмандлик билан суғорилган талай фалсафий образларни топа олади. Назаримизда, шу ўринда 20-30- йилларда Ғафур Ғулум ҳали маҳорат сирларини эгаллаш йўлида изланишда бўлгани, яъни шоир “мен”и энди камол топаётган палла эканлиги ҳам эслатилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Олимнинг 20-30-йиллар адабиёти, умуман шўро даврида яратилган асарларга муносабат масаласидаги мана бундай фикрлари ғоятда муҳим назарий-методологик аҳамиятга моликдир: “...адабиётшунослик ўтган асрнинг 20-30-йиллар адабиёти ҳақида фикр юритганда, умуман шўро даври асарларини баҳолаганда, энди мезонларни ўзгартирмоғи, янги принциплардан келиб чиқиб баҳоламоғи лозим... Энди бадиий асарга одамийлик, истиқлол, ватанпарварлик, умуминсоний қадриятларнинг

*нечозлик бадий теран, гўзал ва ҳаққоний акс эттирилиши нуқтаи назаридан баҳо бериш бош мезондир.*" (15-бет) Адабиётшунослик олдига кўйилаётган бундай талабларга тадқиқотчининг ўзи ҳам рисола ни ёзиш жараёнида тўла амал қилади. Китобда Ғафур Ғулом асарлари муаммонинг нечоғлик бадий ва ҳаққоний, маҳорат билан тасвирланганлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинади, шу асосда ҳолис ҳамда ишончли хулосалар келтириб чиқарилади.

Инсонпарварлик Ғафур Ғуломнинг яхлит ижодий меросига, жумладан насрига ҳам хос хусусиятдир. Бахтиёр Назаров унинг насридаги оила ва ахлоқ муаммолари талқини хусусида тўхталар экан, адиб ўз даврининг ва реал ҳаётнинг талаб-эҳтиёжларидан келиб чиққанлигини кўрсатади. Қиссаларини характерларнинг тўқнашувлари асосига куриш, қахрамонлар руҳиятини очиш, сюжет ҳаракатининг муайян бир тугунига китобхон диққатини жалб этиб туриш ва "сир туттиш" маҳоратини Ғафур Ғулом Абдулла Қодирий ижодий тажрибалари орқали ўзлаштирганлиги хусусидаги фикрлар олимнинг ижодкор эстетик оламини ўзлаштириш эстетикаси нуқтаи назаридан кузатганлиги, адабий маҳорат масалаларини кенг миқёсларда олиб қараганлигини кўрсатади. Шу маънода Бахтиёр Назаровнинг Ғафур Ғулом ҳикоя ва қиссаларидаги миллий характер яратиш санъати ҳамда бадий тил маҳоратини ёш ижодкорлар учун ибрат мактаби санаши гоътада асослидир. ( 16-бет)

XXI аср Ғафур Ғулом ижодий меросининг қайси жиҳатларига аҳамият бериши керак? –деган масалани кўндаланг кўйган адабиётшунос шоир ижодининг қиммати ва кадрини Ваганини, халқни улуғлашга қаратилган асарлари билан белгилаш лозимлиги ҳақида қатъий ҳукм чиқаради. *"Ғафур Ғулом ўзини оқлашга, кимдандир ҳимоя қилишга муҳтож шоир эмас. Ғафур Ғулом асарлари ўзини, ўз муаллифини ҳимоя қилишга қодир ва бундай асарлар унинг ижодида бисёрдир"*-деб ёзади рисола муаллифи (5-бет) Демак, олим Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижод йўлини тадқиқ этган Х.Ёкубов, С.Мамажонов, Н.Шукуров, А.Акбаров сингари олимларнинг фикр-мушоҳадалари билан яқиндан таниш. Уларнинг шоир маҳорати хусусидаги нозик кузатишларини кадрлаган ҳолда, Ғафур Ғулом ижодий меросига бўлган муносабат масаласида ўзбек адабиётшунослиги тарихида кузатилган гоҳ шўровий жиҳатларга ургу бериб шоирни олқишлаш, гоҳида эса Ғафур Ғулом асарларида учровчи замонасозликни ҳадеб конкрет давр ва замонга боғлаш орқали гўё уни оқлашга бўлган интилишдан иборат тенденциозликка барҳам бериш йўлидан боради. *"Адабиётшуносликнинг бундан буёнги вазифаси, -деб таъкидлайди олим, - Ғафур Ғулом меросидаги ўзига хосликларни, бу улуғ адибни элга, юртга, унинг канорасидан олисларга машҳур этган белгиларни мафкура ва сиёсатга боғламай, улардаги бадийлик ва маҳоратни ўрганишдан иборатдир."* (5-бет) Аён бўладики, тадқиқотчининг диққат эътиборида бадийлик ва маҳорат муаммоси туради.

Масалалар мохиятига тарихан тўғри ёндошган олим Ғафур Ғулумнинг у ёки бу асари хусусида сўз кетганда, уларни яратилган даври хусусиятларидан келиб чиқиб баҳолайди. Шоирнинг айрим шеър ва дostonларида бадийликдан кўра баёнчилик, эхтиросдан кўра эътироф устунлик қилиши ҳақли тарзда танқид қилинади. Бахтиёр Назаров 20-30-йилларда яшаган реал инсоннинг дунёқараши, яшаш тарзидаги ўзига хосликларни бадий конкретликда тарихий акс эттирган “*Кўкан*” сингари дostonларни: “*бадий тарих*” сифатида баҳолайдики, унинг бирёклама талқинларга таянилган асарларни –да ёппасига инкор қилиш эмас, балки улар қатидаги фазилатли жиҳатларни инкишоф этиш позициясида турганлиги аён бўлади. “...*достон (“Кўкан” назарда тутилмоқда Т.М.) ўзбек деҳқони тафакқури, дунёқараши ва яшаш тарзидаги кескин ўзгаришларнинг бадий ҳужжати тарзида аҳамиятлидир*”, - сингари хулосалар юқоридаги фикримизни далиллайди. (9-бет)

Рисолада “Шум бола” қиссаси рус адабиётида ўтган асрнинг 30-йилларида яратилган М.Горькийнинг “*Болалик*”. “*Одамлар орасида*”, “*Менинг университетларим*”; ғарб адабиётида машҳур бўлган М.Твеннинг “*Том Совернинг бошидан кечирганлари*”, “*Геклберри Финнинг саргузаштлари*” сингари асарларига хос илғор тажрибалар билан боғлиқ жиҳатлар кузатилади. Олим Ғафур Ғулум қиссасида жаҳон адабиётининг юксак савияли комик ва юмористик асарларидаги каби муайян ҳолат ва вазиятларда туйғулар қоришиқлигини маҳорат билан ифода этиш балкиб туришини қайд этади.

Шуниси эътиборга лойикки, “*Шум бола*”да даставвал, ўзбек фольклори ва мумтоз адабиётидан, қолаверса, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор каби сўз санъаткорларидан ижодий ўзлаштирилган тилдаги лирик гўзаллик, китобхон диққатини сюжет ҳаракатининг муайян бир тугунига жалб этиб туриш, ихчамлик ва аниқликка эришиш сингари хусусиятларга ҳам эътибор қаратилади. Қиссани безаб турувчи миллий жозибани олим серқочиримлик ва халқчилликда, қаҳрамон тилидаги бетакрорлик билан муаллиф нутқидаги гўзалликнинг бирлашувида кўради. Асарнинг бадийлиги ва муваффақиятини таъминлаган асосий белгилар сирасига миллий тиниқлик, аниқлик, ёркинлик ва ўзига хосликни киритади.

Кўринадики, олим конкрет асарлар ҳақида сўз кетганида мавзу ва ғоя долзарблиги каби чекланган қарашлар доирасида қомайди. Ғафур Ғулумнинг ҳаёти ва ижодини ўзаро узвий боғлай оладигина эмас, муайян тарихий ҳодисанинг бадий инъикоси, у ёки бу асарнинг индивидуал белги-хусусиятларига ҳам диққат қаратади. Мазмун серқатламлиги, фалсафий образлилик, лирик қаҳрамон табиати, ижодий услуб масалаларига тамомила янгича ёндошади. Бу ҳол Бахтиёр Назаров оила ва ахлоқ муаммоларининг ҳаққоний ифодасига, бадий маҳорат, мазмун ва ғоя мутаносиблигига, адибнинг миллий характер яратиш йўлидаги ижодий ютуқларига теран нигоҳ ташлашида, ўрни билан салафларига чоғиштиришга ҳаракат қилишида намоён бўлади. Агар ана шу қиёслар

аник мисоллар асосида конкретлаштирилганида рисоланинг киммати янада ошган бўлар эди. Бирок олим Ғафур Ғулом насрини яхлит ва тсран тахлил этишни эмас, балки айрим хикоя ва қиссаларига назар ташлашни кўзлаганки, шу маънода рисолада ёзувчи насри хусусида сўз кетган ўринларга бундай катта талабларни қўйиш ҳам дуруст бўлмаса керак. Зеро китобда асосан, Ғафур Ғулом шеърляти, *“Аликулнинг қарзи”*, *“Ҳасан кайфий”* хикоялари адабиётшунос ва тарихчи сифатидаги баъзи илмий қарашлари кенг тахлилга тортилади. *“Шум бола”*нинг жанр табиати миллий фазилатлари хусусида эса ихчам тарздаги фикр-қарашларгина илгари сурилади.

Ғафурона инсонпарварлик пафоси, шоирнинг тафаккур, тасаввур ва илҳоми умумлаштирувчилик кучидан тўйинганлиги *“Соғиниш”* шеъри мисолида кузатилади. Шеър замиридаги олийжаноб ғоянинг ифодасида миллий туйғулар кучлилиги, қахрамон кечинмаларининг рухий-психологик далилланганлиги, образлар тасвирида муайян даражада тарихий ҳақиқат ҳам акс этганлиги матн тахлилидан келтириб чиқарилади. *“Соғиниш”* шеъри табиатидаги гўзалликнинг китобхон рухиятида уйғотувчи хиссий-эмоционал таъсири, маърифий-эстетик аҳамияти кенг ва чуқур ёритилади. Умуман, рисолада Ғафур Ғулом ижодий меросининг тарих синовларига бардош бера олган, эл-юртнинг бугуни ва эртасига хизмат қила оладиган, ғоявий-бадий жихатдан бетакрор, ифода гўзаллиги балқиб турган асарларига Ватан ва Миллат тақдири, китобхон маънавий-эстетик олами нуктаи назаридан баҳо берилади.

*“Бир кўксига инсониятнинг кўнглини сиғдира олган”*, бани Одам болаларига аслида яхлит бир халқ деб қарай олган, Ғафур Ғуломнинг *“Мен яҳудий”* каби шеърларида бутун инсоният номидан сўзланади. Бу шеърнинг жаҳон халқлари эътиборини торта олган бадий сеҳрини шоирнинг *инсоният номидан сўзлаш услубида* кўрган олим ўша давр умумшўро адабиётида инсонпарварлик пафосининг нисбатан кучайишини Ғафур Ғуломнинг номи билан боғлайди. Чунки Ғафур Ғулом XX асрнинг жамийийки оғриқлари билан ҳамнафас яшаган, инсоният дардини юракдан кечирган, бутун залворини елкасига ортган, илҳом уфқлари кенг, тафаккур дунёси серкамров ва салмоқли Шарқ шоири эди. Унинг орзу-армонлари, дард-ингилишларининг бадий ечими шоир қолдирган поэтик сатрлар бағрида тажассум топганки; Бахтиёр Назаров нуктадон заршунос сифатида ҳар бир сўз, ҳар бир ифода қатидан Ғафур Ғуломнинг безовта нигоҳини, қалб хароратини, рух ингилишини, юрак талпинишини кўра олади, интуитив тарзда хис этади. *“Ғафур Ғулом, бир жиҳатдан, ўзбекона камтар, камсуқум, ялангтуш ва айни вақтда, ўзига ишонган, ўз сўзининг кучи ва қудратини яхши билган, зурури баланд, ўзбек номини улуғлашни умрининг мазмуни деб билган, бу номга тушиши мумкин бўлган гардни киприги билан артишга тайёр шахс эди”*, - деб ёзади олим. (29-бет) Устоз олимнинг бундай хулосалари Ғафур Ғуломнинг тарихдаги ўрни, инсоний қиёфаси, донишмандона кўнглини яққолроқ англашга хизмат қилади.



Ғафур Ғулом аксарият асарларида поэтик ниятни умумлаштириш мақсадида тарихга мурожаат қилади. Тарихни теран билган шоир шу орқали замондошининг фалсафий мушоҳадаларини поэтик талқин этишга муваффақ бўлган. Ёркин ташбеҳ ва муболағалар қўллаб, ижтимоий муаммоларга нисбатан кескин кутбий муносабатини ифода эта олган. Аммо Ғафур Ғулом бадиий оламининг марказида ижтимоий муаммолар ифодасигина турмайди. Шоир табиий олам ва инсон табиатини, ҳаёт шавқи ва завқини қуйлаган истеъдод соҳиби эди. Рисоланинг эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, Бахтиёр Назаров ана шундай хусусиятларни шоирнинг давр мафкураси атрибутлари акс этган асарлари бағридан излаб топади. У XX аср адабиёти, хусусан Ғафур Ғулом меросида мавжуд ҳар бир алоҳида асарнинг туб моҳияти, мақсади, етакчи пафосини аниқ ажратиб олиб таҳлилга тортади. Ўтмиш меросига бўлган бундай муносабат адабиётшунослигимиз учун муҳим методологик аҳамият касб этади. Бу ҳол рисолада Ғафур Ғуломнинг бир қадар замонасозлик руҳида битилган асарларида ҳам ҳаёт ва инсоннинг абадий муаммолари, инсон қалбининг нозик тебранишлари ифодаланганлиги, шоирнинг бетакрор образларидаги миллий гўзаллик таровати кашф этилганидаёқ кузатилади. Жумладан, *“Тол чивик қизларга бўлди сочпоқ”*, *“Саъвалар кўк узра сайраб кетдилар”* сингари сатрлар, оқшом чоғлар қўзилар маърашидан Ернинг кучоклари ҳаётга бурканиб кетиши ҳақидаги жозибали мисралар қатидан Ғафур Ғуломнинг оддий бир инсон сифатидаги завқ-шавқи кузатилади. Бу жиҳатдан, олим Ғафур Ғулом шеъриятида сунъий оптимизмни кўришга интилган айрим тадқиқотчилардан анча юксакликка кўтарилади, шоир руҳиятига имкон қадар ёвуқлашади.

Бахтиёр Назаров Ғафур Ғуломни *“Ўзбекнинг паҳлавон шоири”*, - деб олқишлайди. Унинг *“Мен яҳудий”*, *“Поль Робсонга”*, *“Сен етим эмассан”*, *“Вақт”*, *“Соғиниш”*, *“Шараф қўлёмаси”* каби асарларидаги бадиий ҳақиқатлар XX аср дардларига ҳамоҳанглиги, давр синовларидан ўта олганлиги ўз исботини топади. Чунки тадқиқотчи шоир безовта юрагининг жаҳоний изтироблар билан тепиши билан конкрет асар томирининг вобасталикда уришини тинглайди. XX аср тарихий воқеаларининг шоир юрагидан ўтиб, поэтик мисраларда акс садо берганини ишонарли ва ҳаққоний таҳлил этади. Инсон ва халқ муаммоси билан боғлиқ шеърлар қатига яширинган дардларнинг поэтик фикр ифодасидан изланиши натижасида бутун инсоният яхлит бир вужуд, аммо ҳар бир заррасининг тузуми ва тўзими мавжудлиги ҳақидаги дадил фикрларга диққат қаратилади. Улар қайсидир маънода ўша давр ҳукмрон мафкурасининг раддияси ҳам бўлганлиги шоир эстетик идеалига боғлаб талқин қилинади. Зеро, ҒафурҒулом тафаккурини мудом банд этган, дилида яширин орзулардан бири миллатни озод кўрмоқ эди. Бу эса поэтик ифодада инъикос этмаслиги мумкин эмас. Илло, ҳар бир инсон қалбига яқин идрок этилувчи шеърлар аслида умуминсоний руҳга йўғрилгандир.

Англашиладики, Бахтиёр Назаров Ғафур Ғулом қарашларига умуминсоний кадриятлар нуқтаи назаридан ёндошади. Аслида ҳам, шоир бадиий ниятида алоҳида инсон халқнинг бир зарраси сифатида олиб қаралади. Инсоний қудрат жамият билан бевосита алоқадорликда юзага чиқишига урғу берилади. Ғафур Ғуломнинг ижтимоий муаммоларни талқин қилишдаги индивидуаллиги ҳам шоирнинг ҳаётсевар дунёқарошида намоён бўлади. Бахтиёр Назаров шоир лирик қаҳрамони табиатига хос умуминсоний дардларни теран ҳис этадики, ифодадаги бедилона дунёвий мушоҳадакорликни ҳам, камалакранг образлилик ва маъно серқатламлигини ҳам кўра олади. Шоир поэтик лафзидаги давр ва замон учун ижтимоий салмоқ касб этган *“атом қудрати”*, *“инсон ижодкорлиги”* каби долзарб муаммолар ифодасидаги ўзига хосликларни кашф этади. Зеро, Ғафур Ғулом ижтимоий адолатсизликларга қарши ҳамшиша шоирона поэтик муносабатини дадил ифода этган. Шарқу Ғарб ўртасидаги муносабатларга чуқур ҳурмат билан қараган. Шу маънода адабиётшунос олимнинг воқеа-ҳодисалар моҳиятини абадиятга дахлдорлик билан боғлаб талқин қилишдек шоир поэтикасига хос муҳим хусусиятни Ғафур Ғуломнинг *бадиий тафаккур услуби* билан боғлаши тўла ўзини оқлайди.

Адабиётшунослигимизда шу пайтгача сиёсий-мафкуравий чорлов руҳида ёзилган деб баҳоланиб келинган асарларнинг фалсафий моҳияти, ғояси, образлар дунёсига хос талай гўзалликларини топиш орқали тадқиқотчи Ғафур Ғулом фикр-қарашларида мантиқий изчиллик мавжуд эканлигини келтириб чиқаради. Олимнинг синчков назаридан мумтоз поэтика анъаналарининг ижодий давом қилдирилиши ҳам, фалсафий теран образлилик ва мушоҳадакорлик ҳам, услубий индивидуаллик ҳам четда қолмайди. Ижодкор руҳининг қудрати шоир лирикасига хос халқона соддалик ва пурҳикматлилиқнинг асосида туради. Унинг лирик қаҳрамони жавҳарини бутун инсоният номидан гапиришга журъат этган Ғафур Ғулом жўшқин қалби ташкил этади. *“Ғафур Ғулом лирик қаҳрамони XX аср ташвишлари, аламлари, ўқинчу армонлари, азобу уқубатлари, қувончлари билан дарманд яшаган киши. Унинг кўп шеърлари бунга мисол бўла олади. Лекин шундай бўлса ҳам, бу лирик қаҳрамонлар фақат шўро инқилоби қонларидан юзиб чиққан, иккинчи жаҳон уриши уқубатидаги хонумонликни ортда қолдирган, “совуқ уруш” талолумларида юрак-бағри хун бўлган мажруҳнамо одам эмас. Унинг лирик қаҳрамонлари мана шу азоб уқубатларни кўрган, бошдан кечирган, лекин иродаси синмаган, руҳи чўкмаган, доим ҳаёт завқи, яхши кун шавқи, умид гулоби билан яшаган ва улардан ўзига нимадир ола билган кишилардир”* - деб ёзади олим. (47-бет)

Шу пайтгача *“шўро одами”* деб қаралиб келингани ҳолда ҳаётга чанқок, содда ва софдил, ожизлигини эътироф этадиган, оддийлиги билан ҳаётний, ҳаққонийлиги билан ишончли, сўзда собитлигию мардлиги билан **БАЛАНД** турадиган Ғафур Ғулом лирик қаҳрамонлари оддий инсонлар сифатида олиб қаралади. Демак, олим Ғафур Ғулом қалбининг нозик

сезувчанлиги, илғамларидаги донолик, некбин ишонч, баланд ғурур каби коришиқ туйғуларнинг поэтик ифодасини инжалиқ билан кузата олган.

XX аср фуқароси бўлган Ғафур Ғулом - жаҳоншуъмул шоир. Чунки унинг шоирона нигоҳи ўткир, тафаккур уфқлари кенг. Шоир жаҳон миқёсидаги воқеа-ҳодисаларни инсоний туйғуларга боғлаб, умуминсоний қадриятлар мезони билан ўлчаб бадий таҳлил эта олади, ўзига хос тарзда нафис ифодалашга муваффақ бўлади. Сўз юргизилаётган китоб бизни Ғафур Ғуломга хос салобат, файласуфона донишмандлик, фавқулодда истеъдод ва маҳорат сирлари билан яқиндан таништиради. Чунки олим Ғафур Ғулом қалбининг тубидаги инсоний меҳр-муҳаббат, эрка ташналиқ орзу-армонларини кашф эта олган. Адабиётшунос 40-50- йиллар ўзбек шеърятига хос хусусиятларни кузатар экан, шоир шахсиятидаги темперамент, инсонпарварлик, донишмандлик ва адолат учун қуюнчаклик хусусиятларини давр адабий жараёни аспектида идрок этади. *“Бир қатра симоб янглиғ титраб, қалқиб турган”* жаҳон воқелигига ўзбек шоири ҳамиша ўзини дахлдор деб билган. У лоқайдлик иллатидан тамомила бегона бўлган. Бахтиёр Назаров Ғафур Ғуломнинг *“Тинчлик минбаридан”*, *“Тонг отди”*, *“Ғолиблар шарафига”*, *“Тинчлик нашидаси”*, *“Она қизим Жамилага”* каби ўнлаб шеърлари лирик қахрамони табиатини ишонарли инкишоф этади. Шоир қалб торларининг нолишларига, савтларнио авжларига китобхонни ошно этишга эришади. Ғафур Ғуломнинг *“Қуёш теъарағида”*, *“Қуёшдан салом”* сингари шеърларини таҳлил этиш жараёнида олим космос ва инсоният муаммоларининг фаол бадий талқинига диққат қаратади. Бутун олам ва коинотни, заминни яхлит бирлик сифатида кўрган, идрок этган, бадий ифодалай олган Ғафур Ғуломни *“Космогоник йўсинда бадий фикрлайдиган шоир эди”*, - деб баҳолайди. (51-бет)

Адабиётшунос олим Ғафур Ғулом ижодидаги тарихан ўзини окламаган айрим фикр-мулоҳазалар, жумладан, фан-техника таракқиети ва инсон қалби муносабатлари каби масалаларга етарлича эътибор бермаслик холларини асосли тарзда танқид қилади. Мухими шундаки, мазкур танқидлар танқид этикаси доирасида бўлиб, шоирнинг тарихий хизматларини камситиш руҳидан мутлақо йироқдир. Мунаққиднинг танқидий фикрлари теран андишалар билан, шоирни оддий бир инсон ўларок ҳис этиш орқали баён этилади.

Ғафур Ғулом улкан ижтимоий-тарихий ҳодисалар силсиласида яшаётган инсон қалби ва руҳиятига эътибор қаратишни энг муҳим вазифа санаган эди. Адабиётшунос олим жажжи болажонлар қалб дунёсига хос гўзаллик ҳам шоирнинг синчков нигоҳидан четда колмаганлигини *“Ола бузоқча”* шеърини таҳлилга тортиш орқали кўрсатади. Таҳлил жараёнида жажжи китобхон завқига эътибор бериб яратилган бадий кашфиётларга хос оригинал миллий образларнинг маъно ва мазмуни, хиссий туйилган манзаралар жозибаси жилвалари кашф этилади. Тадққотчи Ғафур

Ғуломнинг қарашларини реаллик билангина чеклаб тушунмайди. Балки шоирнинг орзу-идеалларига боғлаб талкин қилади.

Давр ёлғон идеалларига эргашиш натижасида шоир тахайюлида пайдо бўлган айрим янглиш хулосалар рисолада ўринли тарзда кўрсатиб ўтилади. Ғафур Ғулом ҳам ҳукмрон мафкура жозибасига гоҳ алдангани, гоҳ адашгани ҳақида сўзлар экан, адабиётшунос чуқур таассуф билан “... элнинг шоири алданмасин экан. Шоири алданган эл тез алданади”- деб ёзади. (57-бет) Ижодкор фаоллигининг ботиний жиҳатлари у яшаган давр билан узвий алоқадорликда англонади. Дарҳақиқат, Ғафур Ғулом ижодий меросида дўстлик, тинчлик мавзулари санъаткорона бадий идрок этилган. У яратган асарларда ўзбекона соддалик, пурмаънолик, самимият – теран инсонийлик етакчи ҳусусият сифатида акс этган. Шоир *лирик қаҳрамонни бутун инсоният номидан гапиртириш орқали намоён этиш услубини* чуқур ўзлаштиргангина эмас, тадрижий тарзда ривожлантириб борган. Бахтиёр Назаров шоир поэтик қарашлари ифодасидан унинг юраги нозик тебранишлари жаҳон тараққиётининг истикболини маънавий-маърифий ҳамкорликда ҳис этганини келтириб чиқаради. Шоир лирикаси ички моҳиятининг ўзи мустақиллик даврига келиб Ғафур Ғулом ижодий мероси ижтимоий-эстетик салмоғига эътиборни кучайтириш заруриятини юзага чиқарди,- деган фикрни илгари суради.

Мамлакатнинг оддий бир фуқароси бўлган бу иктидор соҳиби элнинг яловбардори, воқеликни санъаткорона бадий идрок этиб яна халқнинг ўзига тақдим қилишга масъулликни ҳис этган шоир эди. У шоирнинг талкинлари ҳамиша холислик ва ҳаққонийликка йўғрилган бўлиши лозимлигини англаган эди. Шунга асосланган мунаққид ҳам чинакам санъат асарлари олдига мавзунинг бадий теранликда, санъаткорона идрок этилиши ва маҳорат билан ифодаланиши талабларини қўяди. Ғафур Ғулом ижоди туб моҳиятини айрим декларатив шеърлар эмас, балки содда, пурмаъно, чуқур самимиятга йўғрилган, теран инсонийлиги билан ажралиб турувчи асарлар белгилайди,- деган хулосага келади. Демак, рисолада Ғафур Ғулом шоирона лафзининг ижтимоий-маърифий салмоғига ҳос залвор теран таҳлил ва талкин этилади. Бинобарин, олим Ғафур Ғулом шеърятининг XXI аср тонги учун ҳам муҳим бўлган жиҳатларини эстетик идрок эта олган.

Бахтиёр Назаров “*миллий ва умумбашарий тўлқинларда қулоч отган шоир*”нинг ҳаёти ва ижодига ғоятда эҳтиёткорлик ҳамда синчковлик билан ёндошади. Бу эса мунаққидга Ғафур Ғуломнинг Бедил мактабидан олинган сабоқлар нури остида бадий матн тағструктурасига жойлай олган кўчма маънолар – қалбида яширинган дард-изтиробларини илғаш имконини беради. Ғафур Ғуломнинг асл дардлари у мансуб бўлган авлод яшаган мураккаб замон драмасининг улуғ шоир қалбида қолдирган асоратларида тажассум топгандир. Ғафур Ғуломдай катта шоир қалбидаги пинҳон дардларини асарларининг қатига моҳирона яширмаслиги ҳам мумкин эмасди. Адабиётшунос олим бадий матннинг зоҳирий жиҳатларигагина

эмас, ижодкорнинг матн тағқатламига жо этган рухиятидаги фалсафага, бадий гўзалликка, кўчимдаги фикрлар жозибасига диққат қаратади. Адабий танкид фанининг табиати, мохиятига таяниб гипотетик қарашлар асосида кашф этиш йўлидан боради. Мазкур усул олимга илмий-назарий хулосаларини мустаҳкамлаш ва янада чуқурлаштириш имконини беради. Сўз санъаткори асарларини “янгича ўқиш”ни олим ғоятда камтарона тарзда “уринишларим” деса-да, бундай уринишга журъат этиш ва уни муваффақият билан уддалаш зинҳор осон кечмаганлиги аниқ. Бахтиёр Назаров Ғафур Ғуломнинг иқрорномалари, яқинларининг хотиралари асосида шоир мукамал аниқликни топгунича кечирган мураккаб ҳаёти жисми ва руҳида қолдирган асорат изларини битта-битталаб “қондалаш маржонлардек териб олган”, ҳатто айрим имо-ишораларигача кўздан қочирмасликка интиланган.

Эҳтимол, айримларга мунаққид фикр-қарашлари гўё матндан узиб олинган парчаларга асосланган ва шеърнинг умумий руҳига у қадар монанд бўлмаган тусмоллардай ҳам туюлиши мумкин. Бизнингча, шундай иштибоҳга боришдан олдин ижтимоий-адабий ҳодисанинг сабаблари ва хусусиятларини тушунтиришга хизмат қиладиган асосли тахминлар ҳам инсон билимларининг ўзига хос шакли эканлиги масаласини ёдга тушириш керакка ўхшайди. Зеро, адабиётшунос ўз фикрларини теран таҳлиллару кузатишлар, умумлаштиришга етакловчи мулоҳазалар асосига қурадики, китобхонда ўрганилаётган муаммо ҳақида бир қадар ишончли билимлар ҳосил бўлишига тўртки бера олади. Бахтиёр Назаров қайд қилувчи фактлар адабиётшунослик истиқболида мўлжални тўғри белгилашга йўналтирилган бўлиб, адабий ҳодисани чуқурроқ тадқиқ қилишга ёрдам беради.

Шуниси эътиборга лойиқки, мунаққид таҳайюлида қайта ишланган ҳаёт ва адабиёт ҳақидаги талқинлар, аналогияга асосланган эҳтимолий хулосалар китобхон қарашларида ҳам кўпқатламликни келтириб чиқаради. Чунки у ўз гипотезаларини шунчаки силлогизм сифатида тақдим этмайди. Уларнинг мавжуд фактларга қанчалик мувофиқлигини ҳам аниқлашга – верификация қилишга, дедуктив йўл билан мантиқан келтириб чиқаришга интилади. Демак, олим версиялари Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижоди табиатининг янги қирраларини очишга хизмат қилувчи, ҳақиқатни англашда муҳим қиммат қасб этувчи мантиқий асосга эга бўлган шарҳлардир. Шу боисдан ҳам, олим ўз фикр-мулоҳазаларини узил-кесил ҳукм-хулосалар тарзида ўтказишга уринмайди. Бинобарин, бундай гипотетик-дедуктив муҳокама юргизиш усули адабиётшунослигимиз учун муҳим методологик аҳамиятга моликдир.

Олим Ғафур Ғуломнинг қоғозга тушмаган, лекин ўз миллатининг маърифатли зиёлиси, жонажон Ватанининг фуқароси, нозиктаъб истеъдод ва улкан иқтидор соҳиби сифатида туйиши мумкин бўлган ҳаёллари – ички оламини ўқийди. Шоирнинг 20-йиллардаги ижодида Чўлпону Фитратларнинг Ватан, Халқ ва Миллат дарди, умид-орзуларига тўйинган

шеърларига ҳамоҳанглик ғоятда кучли ифодаланган. Мазкур рух кейинчалик ҳам, унинг айрим асарлари бағрида, анча яширин тарзда бўлса-да яшаб келган. Абдулхамид Чўлпон 1931 йилдаёқ Норин бўйларида ажиб ҳаволардан кўксини тўлдириб симирганида, шаркироқ сувлар юзида ўйнашаётган ой нурлари жилвақор гўзаллигига махлиё бўлганида Ғафур Ғулом шайнига ашъор битганлиги бежиз эмас. Абдурауф Фитрат аруз вази масаласини кенг муҳокама қилар экан, адабиёт муаллимлари ва илм толиблари учун битилган *“Аруз ҳақида”* (1936) рисоласида ўз илмий фикрларини далиллаш мақсадида Ғафур Ғулом шеърларидан ҳам мисоллар олади. Фитратни шоир шеърининг вазнигина эмас, *“қонли тўфонлар”* заҳархандаси, *“қанот ёзган қора булутлар чойшаби”*, табиат юзини копланган минг йиллик *“қора пардалар”* ваҳми *“тош қалбли қора аждар”* янглиг кучоғини очган ўлим дахшати ҳақидаги рамзий-мажозий образлари, ҳар қадамда бир фалокат кутиб турган, миллат гулларини киркмокка қиличлар қайралган 30- йиллар ҳаётига вобасталиги ҳам мафтун этган бўлса ажаб эмас. Бундай ҳаётий фактларни кенг истифода этган Бахтиёр Назаров 30-йилларнинг иккинчи ярмида Ғафур Ғулом феъл-атворининг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида махсус муҳокама қилиниши сабабларини келтириб чиқаради.

Маълумингизким, ўшанда Ғафур Ғулом Чўлпон ва унинг даврасидагиларга ҳамсухбат бўлганига-да кечирим сўрашга мажбур қилинган эди. Демак, адабиётшуноснинг *“Аросатда қолган Ватан дарди, Халқ орзу-армонлари, умид-интилишлари шоирнинг изтиробидир”*- деган хулосага келиши ўзининг миллий-руҳий асосларига эга ва ҳаётий фактлар асосида далиллангандир.

Турли йилларда ёзилган ва Ғафур Ғуломнинг эҳтиёткорлиги важҳиданми, ноширларнинг ўта талабчанлиги боисиданми шоирнинг ҳаётлиги даврида чоп этилмаган айрим шеърлар олимнинг диққатини жалб этади. Бу шеърларда мадҳиябозлик - Ватанга хиёнат даражасида баҳоланган. Миллатни уйғотмоқ, эрка умидворлик, халқ кучига ишонч руҳи кабарик тарзда ифодасини топган. *“Миллиард сатрларга занжирбанд сўзлар”* да шоирнинг дардли ва ларзон фикрларини – эрки бўғилгани боис хушёр ва эҳтиёткор бўлиб қолган тафаккури ва қалбини кўрган олим уларни Ғафур Ғуломнинг *“кўнгил тафтишидан ўтган, юрак садолари жо бўлган асарлар – порлоқ шеърлар”* - деб баҳолайди. Чунки, мазлум халқнинг аламли нидолари муқаррар интиқом туғдиради. Бу вулқон золимлар ваҳшати ва офатини барбод этажакдир, - қабилидаги фикрлар жойланган шохбайтлар 50- йилларда ўзига хос ифода йўсинини топиб айтилган эди.

Рисолада Чингиз Айтматов асарларида мифологик мотив ёрдамида ифода этилган мақсадлар бундан ярим аср олдин шеърый шаклда, реалистик йўсинда Ғафур Ғулом ижодида ҳам акс этганлиги қиёслар орқали кўрсатилади. Бундай чоғиштиришлар олимга *“Тинчлик минбаридан”, “Вақт”, “Соғиниш”, “Мен яҳудий”, “Сен етим эмассан”*,

“Шараф қўлёмаси” сингари шоир шеърлари мохияти, бадий теранлиги, киммати ва аҳамиятини янгича инкишоф этиш имконини беради. Асардан асарга силжиб, сайқаллашиб бораётган “карвон”, “тева”, “етим бўта” каби шоир бадий тафаккур булогидан сув ичган образлар замиридаги маъноларга асосланиш Ғафур Ғулом тафаккурининг хамиша халқ эрки, хукуки, хурлиги, ўзлиги, дарди масалалари билан банд бўлганлигини кўрсатиш сари етаклайди. Зеро, Ғафур Ғулом хоҳ шуурий, хоҳ ғайришуурий тарзда бўлсин, умуман, озодлик, эрк, мустақиллик ҳақида сўзлаганида наинки ўз халқи ва ватанининг, балки ўз “мен”ининг армонларини, умидларини асарларига сингдириб юбора олган, жаҳоний орзулар кучоғида яшаган улуғ шоир эди.

Демак, Бахтиёр Назаров Ғафур Ғулом меросини ўзбек халқи номидан янгича ўқишга шоир рухидан ҳуқуқ олади, миллат фарзанди сифатида бунга бурчдорлик сезади. Сатрлар қатига шоир яширган ва келажак насллар илғашига ишонган, ишонгани билан зинҳор янглишмаганини исботлайди. Жаҳон халқларининг армонлари ҳақида ёзилган, адабиётшунослигимизда шу пайтгача ер куррасининг турли китъаларида ўз мустақиллиги учун курашаётганлар орзу-ниятларининг ифодаси деб талқин қилиниб келинган асарлар биринчи навбатда ўз эрки, ўз ҳуқуқидан маҳрум бўлиб келган халқимизга дахлдор эканлигини зукколик билан кўра олади. Дарҳақиқат, “шабнамдан тўлдириб жом” саодат манзили сари ошиққан, ўзини енгилмас карвон – халқ сафида ҳис этган, Ватан, халқ қалби ва замин обод, инсонлик шаъни улуғ, одамзод бахтиёр бўладиган “азиз фурсатларнинг тарихига кирмоқ”ка ўзини лойиқ топган ҳар бир пок инсон каби Ғафур Ғулом ҳам ўша кунларни орзу тўла дил билан мунтазир бўлиб кутганлиги, шубҳасиз. Ғафур Ғулом ўзи орзулаган истиклол замонида мустақил Ватан чаманзоридан муносиб ўрин олиши, асарлари билан иккинчи умрининг навкирон фаслига кадам қўйиши, қалб илҳомидан туғилган, иродасига қувват берган сатрлар том маъноси-ла ажодлари тамонидан англаб етилишида академик олим ўткир зехнининг қудратидан яралган “Ғафур Ғулом олами” рисоласининг ҳам муносиб ўрни бор.

Маълумингизким, туркий халқлар қадим-қадимдан ўз тақдирини бирликда кўрган, тараққиётини ҳамжихатликда англаган. Ўзи яралган заминни, шу ҳудудда яшовчи барча қабила ва элатларни “умумий уй” манфаатлари йўлида жон фидоликка даъват этиб келган. Кундалик ҳаёт ташвишларидан халқ ва мамлакат дардларини, алоҳида шахс интилишларидан эл-юрт орзу-армонларини ҳеч қачон ажратиб қарамаган. Умуминсонийликни бош мезон санаб, ер куррасидаги муқаррам зот— инсонни улуғлаган, шарафлаб келган. Диний бағрикенглик, биродарлик, дўстлик, меҳр-муҳаббат, маънавий-ахлоқий комилликка эҳтиром Шарқ кишинининг улуғ фазилатидир. XX асрда ўзлигидан сунъий тарзда узиб қўйилган халқ ҳақида сўзлаган шоир ёзади:

*Зўр карвон йўлида етим бўтадек,  
Интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш.*

Бахтиёр Назаров ўша “зўр карвон”нинг қадим боболаримиз анъаналари, “етим бўта”нинг карвондан орта қолиб, ногирон кўзларидан ҳалқа-ҳалқа ёшлар оқижаётганлигини эса шўро давридаги халқ тақдири деб билиб ибратли хулосалар чиқара олади.

*Энг кичик заррадан Юпитергача  
Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Куёш.*

каби шоир шохбайтларини борлиқ, уни яратган Аллоҳ ва Тангрининг адолати маъноларида талқин этади. Шу орқали шоирнинг космогоник образлари силсиласидаги маъно серқатламлигини келтириб чиқаради. Шубҳасиз, тадқиқотчи Ғафур Ғуломнинг шўро даври шоирлари байроқдори мақомида турганини, давр пафосини ақс эттиришга сафарбар этилганини жуда яхши билади. Ҳатто, Ғафур Ғулом ўз ижтимоий мавқеини қўлдан чиқармасликка астойдил уринганлигини ҳам назардан кочирмайди. Аммо, кенг маънодаги адабий жараёнга хос характерли хусусиятлар: халқаро миқёсдаги озодлик ҳаракатларини улуғлаш, Шарқ халқлари истисқолига муносабат билдириш имкониятидан усталик билан фойдалана олган шоирнинг **БУТУН ИНСОН** сифатидаги жасоратини кўрсатишга алоҳида аҳамият билан қарайди.

Мунаққид адабиётшунослигимиз учун бир қадар ноанъанавий бўлган йўлдан боради. Яъни у Ғафур Ғулом қаламига мансуб айрим мисраларни шеърнинг умумий матнидан узиб олиб таҳлилга тортади. Олимнинг фикрича, Ғафур Ғуломнинг асосий мақсади бутун шеърда эмас, айнан алоҳида мисра ва байтларда берилган. Чунки шўро мафкурачиларига, цензорларига маъқул келадиган фикрлар ортига бош мақсадини яшириш орқали турли гумон-шубҳаларни Ғафур Ғулом ўз шахсиятидан йироқлаштиради. Бу ҳол рисолада фикр ва эътирофлардан, турли қайдлардан, шунингдек, бадийликка бўйсундирилган образлар моҳиятидан келтириб чиқарилади. Аён бўладики, Ғафур Ғулом ҳатто юрагини ларзага солган ўта шахсий, оилавий дардларида ҳам зимдан тузумга, жамиятга бўлган муносабатини ифода эта олган экан. Шоир яшаган замоннинг ниҳоятда қалтислиги назарда тутилса, Ғафур Ғулом айрим лавҳалар, кичик шеърини парчалар, алоҳида мисралар, кўчим маънолар ортига яшириниш услубини махсус қўллаганлиги иштибоҳ тугдирмайди.

Демак, Ғафур Ғулом шеърлятида метин-муштаҳкам риоя қилингандек туюлган мафкуравий талабларни баъзан зоҳирий белги, ўзига хос ҳимояланиш усули деб идрок этиш куюнчак шоир илҳом уфқларини, миллатпарвар, дардманд қалбини, тафаккур қамровини ёрқинроқ англаш имконини берар экан. Илло, шоир изланишларининг азобли йўли, фикр-



ўйларида кечган пўртаналар, қалбини ўртаган кечинмалар микёси у колдирган адабий меросдан кўра минг чандон кенгрок, камровлирок, босими залворлирокдир. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг:

*Ғафур Ғулом туйган гурури,*

*Қилмоқ мумкин дунёга дoston.*

дея ифтихор туйиб, шеърий илхоми жўшганлиги ҳам бежиз эмас эди. Ўтган асрнинг 70-йиллари миёнасидаёқ А.Орипов адабий ҳаётимизда эндиликда Ғафур Ғуломлар йўқлигининг ўзи қатга йўқотиш эканлигини, унинг қалб оламини тамомила янгича кашф этиш зарурлигини шоирона интуиция билан пайқаган бўлса ажаб эмас. “Ғафур Ғулом олами” рисоласи узоқ давр мавжуд бўлган ўша заруриятни қондирмоқ умидида, адабиётшуносликдаги муайян бўшлиқни тўлдирмоқ мақсадида яратилган ва шоирнинг номини чинакам маънода *дунёга дoston* қилишга арзигулик тадқиқотдир.

Албатта, олим Ғафур Ғулом асарларини нукул олам ходисалари, ижтимоий муҳит талотўмларигагина боғлаб қўймайди. Шоирнинг нозиктаъб кўнгли, ўз-ўзини англаган тафаккури улардан нечоғлик юпанч топа олганлигини ҳам назарда тутди. Мутаржим Ғафур Ғуломнинг юрак парчасига айланган А.С.Грибоедовнинг “*Ақллилик балоси*” асари таржима варианты қатларидан шоир кўнглини ром этган талай хайратларни топа олади. “*Ақллилик балоси*” аллақачон адабиёт тарихига айланган. Ўзга жуғрофий-ижтимоий муҳитда, бошқа бир мақсад-муддаоли ғояни А.С.Грибоедов услубида ифода этган асардир. Таржима замирида уриб турган Ғафур Ғулом юраги садоларини тинглай олган олим шоир ҳаёлида кечган ўйларга яқинлашишга уринади. Ғафурона маҳорат туфайли мазкур асарнинг муайян вазият-ҳолатдаги ўзбек шоири дард-аламларининг-да ифодасига айланганлигини кўрсатиб беради.

Адабиётшунос олим Ғафур Ғуломнинг яширин дард-орзулари, тузумга раддиялари, келажакка йўллаган пинҳоний умидларини “*Ҳасан Кайфий*”, “*Алиқулнинг Қарзи*” каби айрим хикоялари ифода қатларидан ҳам топади.

Халқ эртақлари фабуласи асосига қурилган “*Ҳасан Кайфий*” (1965) хикоясини мунаққид ғоявий-бадий жихатдан носир ижодининг “*оққуш қўшиғи*”- деб атайди. ”(93-бет) Юмористик хикоя устаси ва “*табиатан ҳазил-мутойиба кони*”(92-бет) бўлган Ғафур Ғулом шўро мамлақати бошчиси сиёсатини фош этиш ижодий ниятини яширин амалга ошириш учун эртақ жанрини махсус танлаган, - деган хулосага келади, олим. У Ҳасан Кайфий тилидан айтилувчи Ҳофиз Шерозий мисраларидан нафақат хикоя қахрамони таъбини, балки ёзувчи юклаган теран мақсад ва маъноларни ҳам топади. Ҳасан Кайфий тимсоли ишоравийлик хусусиятига эга. Шу орқали асар ёзилган пайтда ўз тарихи, шажараси билан қайтадан дийдорлашув умидидаги бутун бир халқимиз тақдирига нозик ишоралар

килинган. Жумладан, Ҳасанни ўзи белгилаб берган йўриғига йўрғалатиш умидидаги подшо эркин тафаккур ва ижодий меҳнатнинг душмани эканлиги билан шўро сиёсати раҳбарининг рамзи даражасига кўтарилган. Шубҳасиз, қахрамон тилидан подшо “маҳлук”- деб баҳоланганида, “соядан бирон нарса умид қилган киши аҳмоқ бўлади”, - кабилидаги Ҳасаннинг теран хулосаларида ўзига хос рамзий-образли ифодавийлик мавжуддир.

Хукмдор ҳақида икки оғиз илик гап айтиш, унга ялтоқланишдан тийилган, эътиқоди мустаҳкам, ҳалол, меҳнатсевар, беозор Ҳасан образи замирида аслида ўз умри ниҳоясида жамиятнинг расолигию мазкур тузумни бошқараётган раҳбар адолатидан ҳафсаласи колган Ғафур Ғулом қалби мужассамлиги теран туюлади. Адибнинг алам-армонлари имо-нишораларга яширилган, кўчимли маънолар орқали ифода этилгандир, деган тўхтамга келинади. Дарҳақиқат ҳикояда подшонинг номатлуб фикри ва феъл-атвори – “*расво нафс*” лигига Ҳасаннинг итоаткорлик ва кимсага тобеликдан ҳазар килувчи, эркинлик ва хурликка ташна, ўз-ўзигагина ишонган табиати контраст қўйилади. Ҳикоя эртақнамо жанрий услуб ва юмористик характерда битилган бўлиб, унда акс этган фикрлар мантиғи бадий меъёр талабларига мутаносибдир. Бахтиёр Назаров ҳақли эътироф этганидай, катта ижтимоий дард ва миллий-ижтимоий ғояларнинг яшириб айтилиши шунчаки тасодифий ҳол бўлмай, жиддий тайёргарликлар билан, онгли равишда амалга оширилган ҳамда ёзувчи ижодий услубининг ўзига хос хусусиятини намоён эта олади. Шунингдек, мунаққид бир ҳикоя доирасидаги кузатишларининг ўзида портрет тасвири, бадий тил маҳорати, тарихийлик тамойилига содиқлик каби Ғафур Ғуломнинг насрдаги услубий индивидуал кирраларини инкишоф этишга муваффақ бўлади.

Адиб эртақнамо мазмунни ҳамisha ҳам ҳажвий-юмористик услубда баён этмаган. У ҳаётий воқеаларни изчил реалистик услубда ҳам акс эттирган. Китобда бу жиҳат “*Аликулнинг қарзи*” ҳикояси тахлили орқали кўрсатилади. Олим чуқур мулоҳазакорлик орқали Ғафур Ғулом пахта монокултураси ҳақидаги пинҳон дардларини ҳам имкон топиб айта олганлигини англаб етади. У тағматн маъноларини ўқиш орқали ҳикояда мавзу ва даврнинг атайлаб шўродан олдинги замонлардан танланиб, асар ёзилган замон руҳи унинг замирига сингдирилганлигини очади. Тадқиқотчининг синчков назари ҳикоя қахрамонининг исми (“Аликул”) ва кишлокнинг номи (“Юпун”) каби унсурларга-да адиб юклаган жиддий ишоравий маъноларгача яққол кўриб туради. Нозик шаъмалар орқали очилган асосий ғоя – Аликул тақдирида ўзбек пахтакори қисмати ифода этилганлиги кашф этилади. Мўйсафид чолнинг она ер билан тиллашиб ханнот (комиссионер)нинг бетига тупуриш ҳақидаги қарорга келиши, аслида нафратга тўла Ғафур Ғулом дилининг ҳам очилиши, ички аламли туйғуларининг вулқонланиши эканлиги ҳаққоний тарзда ўз баҳосини олади.

Мунаккид масала мохиятини шахс табиати ва нутқида тажассум топган разолат билан боғлаб, ёзувчининг қаҳрамон рухий-психологик оламини ифодалашдаги усталиги, бадиий сўз кудратидан ғоятда эҳтиёткорлик билан фойдалана олганлигини кўрсатади. Эътиборга лойик жихати шундаки, тадқиқотчи ҳикоядаги қаҳрамон нутқини шартли равишда алоҳида-алоҳида бўлиб кўрсатиш – *жонли мулоқот тилига кўчириш усулидан* фойдаланади. Натижада, тасвир аниқлиги, ифода тўқислиги, фикр тиниқлиги, бадиий маънонинг кўламдор ва теранлиги каби кўплаб белги-сифатларни ойдинлаштиришга эришади. Бадиий тақрорларнинг адабий-эстетик функцияларини кўрсатишга муваффақ бўлади. Ҳикояни ўрни билан Ч.Айтматовнинг “*Момо ер*” киссасига қиёслаш, Аликул ва ижтимоий куч қиёфасини мужассамлаштирган комиссияонер образларининг ўзаро контрастлигини кузатиш, мазмуннинг ишора-шаъмалар катига яширилганлигига диққат қаратиш олимга Ғафур Ғуломнинг носир сифатидаги маҳоратини кенг тарзда англаш имконини беради.

Китобдаги Ғафур Ғулом асарлари хақида илгари сурилган юқоридаги сингари назарий-методологик қарашлар шоирнинг феъл-атвори, бетакрор табиати, эътиқод-маслаги, мураккаб ҳаёт йўлида учраган азобли изтироблар, қувонч-ташвишлару турли зиддиятлар, у тарбия топиб камолга етган муҳит, оила қувончи, дўст биродарлар даврасида ҳам олиб кузатилади. Бинобарин, Ғафур Ғуломни замон ва жамият омили таъсиригагина боғлаб қўйишдек ғоятда примитив ақидалар доирасидан анча четга чиқилади. Ижод олами ва ижодкор рухий-психологик дунёсининг жон томирларига дадил кириб борилади. Ғафур Ғулом табиатиغا хос талант, иқтидор, салоҳият туфайли Ватан дардлари, эл-юрт армонларини теран туйган, ҳиссий идрок ва тафаккурида қайта ярата олган даҳо санъаткор бўлишида юқорида саналган факторлар ҳам муҳим роль ўйнаганлиги назардан қочирилмайди. Айнан мазкур жихатларнинг барчасини ягона фокусга жамлай олиш натижасидагина сўз санъаткори асарларининг юзага келиш сабабларини аниқлаш, маҳорат омиллари билан белгилаш имкони туғилади.

Айтиш мумкинки, Бахтиёр Назаров ёзувчи табиати ва шахсини ўрганишда мумтоз ва замонавий адабиётшуносликнинг кўп асрлик анъаналарини муваффақият билан давом қилдиришга муваффақ бўлган. Биографик метод имкониятлари доирасида Ғафур Ғуломнинг психологик-биографик портретини тиклашга, адабий-бадиий асарларининг ғоявий-бадиий ўзига хосликларини юзага чиқарувчи омиллари шу билан боғлаб таҳлил ва тадқиқ этишга эришган. Шоирнинг ижодий лабораториясига чуқур кириб бора олган.

Ғафур Ғулом ота-онасининг шеърӣ иқтидори борлиги, тоғаларидан бири девон тузиш даражасига етгани мунаккид унинг шоир бўлиб етишувида ирсият ҳам муҳим роль ўйнаганини аниқлаши учун ўзига хос очкич вазифасини ўтайди. Ғафур Ғулом ҳофизасининг кучи фавқуллода

эканлигини назарда тутиш унинг иқтидори, лисоний укуви, билимдонлиги, уй сабоқлари билан чекланмай, мадраса ва жадид мактабларида таҳсил олганлиги каби шахсияти ҳамда ирсиятига дахлдор фактларни эътироф этиш сари етаклайди. Ғафур Ғулом табиатида ҳазил-мутойиба завки кучли эканлиги, хушчақчақ, дилкаш ва дилбар инсонлиги адибнинг ҳажвий ва юмористик асарларини ана шу хусусиятлар билан боғлаб ўрганишга ундайди. Дарҳақиқат, серзавклик, қувноқлик, ҳаётсеварлик, шавк ва завк жозибаси ҳам, етимликнинг дилда қолдирган охлари ҳам Ғафур Ғуломнинг ижод маҳсулларига ўз таъсирини ўтказган.

Ғафур Ғулом халқаро миқёсларда машҳур шоир эди. Бунга адиб нафақат яратган асарлари, балки давраларга тез сингиша олиши, турли миллат вакиллари билан меҳр-муҳаббат ришталарини биродарлик асосида боғлаб, доимий тарзда мустақил давом қилдириши, фавқулодда билимдонлиги сабабли ҳам эришган. Шоир ўз атрофига нафақат тенгқурлари, балки ёш ижодкорларни ҳам жипслаштира олган. Ташаббускорлик, меҳмондўстлик, одамшавандалик, етимпарварлик, оламга тийраклик билан назар ташлашга интилиш унинг табиатига хос характерли белгилар бўлган. Ғафур Ғулом зиёлий бир инсон сифатида халқаро миқёсдаги адабий ҳаёт ва адабий жараёндан воқиф бўлиб, атрофидагиларни ҳам шунга ундаб яшаган. Унинг хотираси ғоятда кучли бўлиб, эллик минг байтни ёдда тутиб ғазаллар ўқиган экан. Бахтиёр Назаров Ғафур Ғулом ижодий феноменининг ана шу каби хислатлари ва бадний фикрлаш йўсини, ижодий тафаккури – холи ва ҳаёли ҳақида сўз юргизар экан, фақатгина шоирнинг ижодий меросида мавжуд далиллар билангина чекланиб қолмайди. Шоирнинг рафикаси Муҳаррам ая, қизи Олмосхон опа, шоир ва драматург Максуд Шайхзода, Ўзбекистон Қаҳрамони ёзувчи Саид Аҳмад, фарангистонлик адиб ва арбоб Поль Вайян-Кутюрье ва бошқа ўнлаб журналист, педагог ҳамда адабиётшуносларнинг қимматли маълумотларига ҳам таянади.

Ижод тараддуди, ёзиш истаги Ғафур Ғулом калби ва тафаккурини ҳеч қачон тарк этмаган. Шоир анашу жараён ичида – ўз оламида яшаган. Бахтиёр Назаров Ғафур Ғулом характери табиатининг мужда беришига асосланиб, унинг ижод йўсини монотонликдан холи, камалақранг эканлигини келтириб чиқаради. Мунаққид адибнинг асарлари ёзилмасидан олдинги ҳолатлари, ижодий мўлжаллари, ёш қаламкашлар олдига қўйган талабларида ҳам юксак масъулият белгиларини кўради. *Ғафур Ғулом хоҳиш-истаклари кредо даражасига айланган эди*, - деган мунаққид бунинг сабабларини муайян ижодий ниятнинг туғилиши, янги асар яралиши ва эл назаридан ўтказилиши жараёнларининг қаламкаш тафаккури ва ички олами тафтишидан изчил тарзда ўтказилганлигида кўради. Шоирнинг ижодий тафаккур имкониятлари ғоятда кенг бўлиб, у фикри йўналган масалаларнинг ҳамиша янги кирраларини кўра олади, кўрсата билади, қутилмаган бадний образлар топишга эришади.

Англашиладики, Бахтиёр Назаров ғафуруна фикрлаш йўсини ва шоир тафаккури харакатининг ҳар бир ҳалқасини бир-бири билан узвий алоқадорликда, изчилликда кузатади. Ҳатто, унинг қўлёзмалари хошиясида сакланиб қолган айрим график белгию портрет эскизларгача кузатиш, синчиклаб ўрганиш орқали Ғафур Ғулом ижодий лабораториясига имкон қадар теранроқ кириб боришга интилади. Айтиш мумкинки, бадиий тафаккур шаклий садоларига ҳам ботиний, ҳиссий нигоҳ билан кўз ташлайди, кулоқ тутаяди.

Табиатан гоятда таъсирчан Ғафур Ғулом жамият ва инсон талабларига жавоб бермасдан яшай олмас эди. У эл-юрт ташвишларини ўзига қаттиқ олганидек, ўзганинг хурсандчилигидан астойдил қувонган. Кимсанинг қайғусини ҳам баб-баравар бўлиша олган. Шу боисдан ҳам, одамларга ҳамдард, оламга ҳамнафас инсоннинг бадиий оламида унинг шахси намоён бўлиши-да табиийдир. Бахтиёр Назаров Ғафур Ғуломнинг аксарият асарларини *"бадиий сўзларга кўчган эътиқод"*, - деб баҳолаши ҳам ана шундай асосларни назарда тутишдан келиб чиқади. (109-бет) Образли қилиб айтиш мумкинки, олим Ғафур Ғулом табиатидаги ҳамдардлик туйғулари турфа жилваларининг тўлқинларида сузишга, асов жиловидан ушлашга муваффақ бўлган. Шоир тафаккурини жунбишга келтирган ҳароратли лаҳзалар нафасини сезиб, ўта талабчанлик билан сўз суворийси лашкарини улуғ манзилларга бошлаган.

Ғафур Ғулом халқимизнинг урф-одати, удумлари, табобати, тилимиз бойлиги ва назокатига хос жамики икир-чикирлару нозик қочиримларигача синчковлик, ҳурмат, эътибор билан қараганлигига асосланган Бахтиёр Назаров: *"... ўзбек миллати учун хос деярли барча фазилатлар Ғафур Ғулом шахсида мужассам эди"* - деган хулосага келади. (110-бет) Мунаққид рисолада ижодий жараён намоён бўлиш тарзининг ғафуруна индивидуал хусусиятларини кузатиш асносида ҳам, айрим вазият-ҳолатлар жилвасидаги Ғафур Ғуломнинг шахс ва ижодкор сифатидаги феъл-атвор кирраларини назарда тутаяди. Мазкур жараённи олим ҳаётийлик, жонлилик, теранлик, чуқурлик имконларини янада кенгайтириш, тафаккурда куртак очган бадиий фикрнинг чоппар уриб гуллаши, воқеалар оқимида характерлар эркинлигини таъминлашдаги улуғ ижодкорларда кечадиган тантилиқ сингари ўнлаб факторлар муштараклигида олиб қарайди.

Натижада, Ғафур Ғулом табиатида мавжуд бўлган қомусийликка мойиллик ва туғма таланти билан боғлиқ бўлган барча кирраларни батафсил ёритишга эришади. Шоирнинг ўй-фикрлари, хотира-хаёллари, муҳокама-мулоҳазалари, ҳаракат интигишлари, ижодий тамойилларини инкишоф этади. Рисолада илмий-бадиий ижодга бахшида инсоннинг умр дафтари гўзал туйғуларга йўғрилган пок виждон, мусаффо кўнғил, қуйинчак қалб, самимий эҳтиром, бемисл эъзоз, олимона ҳалоллик билан теран туйилган, англаб етилган. Ғафур Ғулом феноменининг адабиётимиз тарихидаги ўрни, бугунги кундаги мавқеи, ўзбек адабиётшунослиги олдида шоирга ва

умуман XX аср қалам сохибларига бўлган муносабат муаммолари, Ғафур Ғулومнинг ёш ижодкорларга сабоқ бўларлик хусусиятлари каби масалалар кенг тарзда ёритилган. Адабиётшуноснинг барча тахлилу талкинлари оддийлиги билан муқаррам, соддалиги билан улуғ, истеъдоди билан кадрли инсон – Ғафур Ғулум кўнгили олами манзаралари, асарларида акс этмиш мусикий оҳанслар ритми, кўпларнинг дардига вобаста бўлган мазмун салмоқдорлиги, ифода гўзаллигини англатишга қаратилган. Шунинг учун ҳам, унинг услубига хос нозик хусусиятларни яхши илғаган олим Ғафур Ғулумни, ёзган нарсасига ўзини сингдириб, инсонни кўкка кўтарган шоир, дея таърифлайди. Муҳими, Ғафур Ғулумни ўз даврининг *“темир оқими”*га қарши қўймайди. Унинг асарлари қатидаги тусмол қилаётган тағмаъноларига ҳам айнанлик мақомини бериш даъвосидан йироқ туради.

Бахтиёр Назаров Ғафур Ғулум асарларини эринмасдан қайта-қайта ўқийди. Баъзан китобхонни ҳам шундай йўл тутишга ундайди. Хаёлларига эрк бериб улардаги бир қарашда оддийгина туюлган ҳолат-манзараларни жонлантира олади. Хотира ва туйғулар жилови ечилиб, соғинч ҳислари учқур парвозларга кўчганида адабиётшунос олим ва шоирнинг самимияти, бокиралигига хос дунёлар дийдорлашади. Сатрлар сеҳри сизни гоҳ олимона, гоҳ шоирона тарзда сўз гавҳарлари шодасини тизиб ўзаро гоийбона сирлашаётган икки буюк қалб олами туташган сониялардаги гафуруна донолик, викору эркаликлар, бахтиёрона назаркардалик ва руҳ рассомлигининг гоятда вобасталигидан масрур бўлмоқ бахтига насиб этса не ажаб. Шубҳасиз, бу кунт ва бардош билан амалга оширилган ижодкор-олим заҳмати ҳосилининг хушбўй атридан келувчи фарахбахш лаззат тугдирган масрурликдир.

*“Қаламида сўз ўйнаган”* (120-бет) шоир ҳақида сўзлаганида олим ҳам баъзан сўз шодаларига жон киритиб юборади, гўё илмнинг шоири бўлиб кетади: *“...қўйма фирлайди, илҳом ҳам булоқдек қайнаб тошади, ўзбакий тилдаги жозибаси, қочирим, лутф, ўйноқлик, салобат, донишлик, кези келса, қамчиндек кескирлигу гулдек товланиши, ҳазил мутойибаю кўтаринки эҳтирос – ҳамма-ҳаммаси бор гўзаллиги билан ишга тушади. Сўз фикрга чирмашиб, поэтик образлилик билан тўйинганда эса, маъно ҳазор қадар юксалгандек бўлади. Пўртанавор нафос гафуруна образларга тўқингач, айтилаётган фикр, илгари сурилаётган гоҳ қалб ва онгимизда бирдек жой таллашиб, мустаҳкам ўрин эгаллаганини сезмай қоламиз.”*(123-бет) Рисолада нафакат шоирона муждалар, балки талай назарий бақувват фикр-қарашлар ҳам илгари суриладик, улардан айримларини келтириш орқали даъволаримизни асослаш ўринлидир. *“...маълум гапларни айтишдан шеър яралмайди. Шеър ана шу маълумлар ичидаги номаълумни айтиш, айтганда ҳам, маълумдан кўра маъқул қилиб айтиш, ҳаёт ҳақиқатига, эҳтимол, тўла мос келмаса-да, уни бадиий ҳақиқат даражасига етказиб айтиш билан яратилади ва шу фазилати туйфайли у онг ва туйғунинг уйғун ҳосиласи сифатида гўзал*

ҳодисадир.”(143-бет) “Шоир ижодига ( Ғафур Ғулом назарда тутилмоқда. Т.М.) сиртдан қараб эмас, ҳар бир конкрет асардан келиб чиқиб муносабатда бўлиш лозим” (141-бет) “...ҳар бир асарга муаллифнинг аниқ мақсадидан келиб чиқиб ёндашув муҳимдир. Бир асар доирасида шодлик ҳам ,ташвиш ҳам бўлиши мумкин.”(136-бет)

Бадий ҳақиқатни ҳаёт ҳақиқати билан айнанлаштирмаслик, уни онг ва туйғунинг уйғунлигидан ҳосил бўлувчи гўзаллик сифатида идрок этиш, назарий фикр қарашларни бевосита матнга таянган ҳолда илғари суриш, мазмун серқатламлиги ва муаллиф мақсад-муддаосини таҳлилу тадқиқ жараёнида доимо эътиборда тутиш ҳақида илғари сурилаётган назарий қарашлар наинки Ғафур Ғулом ижодий мероси учун, балки умуман бугунги адабиётшунослигимиз учун ҳам муҳим аҳамиятга моликдир. Рисоладан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ гап уларнинг сонидан эмас, балки моҳиятан адабий-эстетик тафаккуримизни янгилашга йўналтирилганидир.

“Ғафур Ғуломни Ватан ва халқ куйчиси сифатида белгилаш тарихий ҳақиқатга яқинроқ бўлади”,- деб ёзади олим. (133-бет) Шоир ижодий меросида “Кўёш”, “Ўзбекистон” каби қайта-қайта мурожаат қилинувчи образлар борки, улар ҳар гал янги-янги маъно кирралари ва руҳият ифодасига бўйсундирилади. Мунаққид бундай образлар тажаллийси, эврилишу тадрижини Ғафур Ғуломнинг яхлит бадий олами тизимида олиб қарайди, меҳр-эътибор билан теран бадий таҳлил этади. Шоирнинг ижтимоий-эстетик қарашлари ва шахсий дардларини, умумўзбек адабиётидаги кўёшли Ўзбекистон образининг бадий талқинлари доирасида кузатади. Ғафур Ғулом ватан ва ватандош сиймосининг янги кирраларини очиши жихатидан Чўлпон, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов билан қиёсланади. Ўзбек тупроғини эркалаганида виқор ва ғурур туюши, поэтик образларининг кўламдорлиги сингари жихатларга диққат қаратган олим: “... минг йиллик тарихий ҳақиқатни поэтик далиллар билан исботлаб улуглашда даврининг шоирлари ичида ҳақиқатан Ғафур Ғуломга тенг келадиганини топиш қийин”,- дейди комил ишонч билан. (123-бет)

Дарҳақиқат, Ғафур Ғулом қаламида олам манзаралари, Ватан жамоли табиий тиниқлиги, анвойи гўзаллиги билан руҳоният назаридан ўтказилиб самимий туйғуларда, бадий бўёқларга бурканган тарзда ифода этиладики, поэтик идрокка кучли таъсир ўтказа олади. Жамият риёсини тагматнга жойлаб, хос китобхон тасавурларига ишониб, ҳаёт зиёсини даражама-даража баланд пардаларга кўтариб борган шоир баъзан асл ниятларини зирх ва қалқонлар билан тўсишга, яъни ғанимона нуктаи назарларнинг таҳликали тусмолларига мадҳиялар оркали чек қўйишга мажбур бўлади. Шунинг учун ҳам олим муайян матн катида шунчаки қайд қилинувчи, патетика учунгина жалб этилган субъектларга эмас, балки бадий асарни ҳаракатга келтирувчи пафосга диққат қаратади. Шеърнинг жавҳари ва моҳиятини шоирнинг қалб олами, поэтик мулоҳазалари билан чамбарчас

боғлайди. Мунаккид интилишлари онглардан, қалблардан бадиий ижодга сиёсий-мафкуравий кўзойнак орқали қараш занжирининг даҳшатли изларини тамоман йўқотишга қаратилганлиги билан муҳим методологик аҳамият касб этади. Шеъринг мисралардан илғамли туйғунинг ифодасини, охори тўкилмаган, янги образлар бадииятига хос табиийликни, самимилик ва миллий бетакрорликни – кўнгил ҳаракатини излаган олим ҳамиша фикр-туйғулар қоришиқлиги ва муаллиф кўзлаган аниқ мақсадлардан келиб чиқиб ўз қарашларини илғари суради. Адабий жараённинг бадиий ва илмий тафаккур яхлит бирлигида воқеъ бўлишини ҳаётинг фактлар асосида кузата олади.

Маълумингизким, адабий танқид ҳар бир давр миллий адабиёти билан ҳамқадам тарзда ўз эстетик принципларини ишлаб чиқади. Даврнинг зарурат ва эҳтиёжларига нафақат профессионал танқидчилар, балки бадиий асарлари билан элга манзур бўлган журъатли, дадил, ўқтам қаламкашлар ҳам ўз изланишлари билан сезиларли улуш қўша оладилар. Ўзининг 20-йиллардаги адабий-эстетик қарашларидаёқ Ғафур Ғулом ҳажвийёт соҳасида қалам тебратаётган адибларни халқ ижодидан ўрганишга даъват этди. Кулгили хангомаларнинг ижрочилик ва актёр маҳорати билан боғлиқ эканлигига диққат қаратди. Ҳазил ва юморнинг халқона бўлиши лозимлигини ёқлар экан, адабиётни ҳаддан ортиқ ижтимоийлаштириш тенденциясини инкор этди. Буларнинг барчаси, ўтган асрнинг 20-30-йилларида адабиётга мафкуравий-синфий ёндошиши жиҳатидан аксар янги авлод вакилларига хос бўлган нуқсонлардан тамомила холи бўлмаган инсоннинг бадиий асарни нозик ҳис қила билганлигини кўрсатади. Демак, Бахтиёр Назаровнинг Ғафур Ғулом ҳажвий асарлари илк назарий асосларини унинг ўша йиллардаги адабий-эстетик қарашларидан келтириб чиқариши ғоятда асослидир.

Зеро, “сўз кулгиси” ва “маъно кулгиси” мутаносиблигини таъминлашга интилган Ғафур Ғулом ўз назарий қарашларида адабиётнинг шакл ва мазмун масалаларига аҳамият қаратган эди. “Назариёт билан амалиёт унга қўш қанот бўлди”, - деб ёзган олим (151-бет) Ғафур Ғулом назарий жиҳатдан етиб келган фикр-хулосаларини ҳажвий асарларида амалий жиҳатдан-да тасдиқлаганлигини назарда тутди. Бинобарин, ўша даврдаги Ғафур Ғуломнинг назарий қарашлари қиммати бадиий асарларидан зинҳор кам эмас. Сатирик-юморист адиблар олдида Ғафур Ғулом тамонидан қўйилган аксар талаблар ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган. Бахтиёр Назаров унинг адабий танқидий мақолаларини ҳам тафаккур услуби, образли ифодалари, шунингдек топқирлик, донишмандлик, ҳазил-мутойибага чанқоқлик каби шахсий феъл-сифатлари билан уйғунликда олиб қарайди. Айрим-айрим мақолаларида мавжуд бўлган тарқоқ фикрларини бир ипга тизиб чиқар экан, Ғафур Ғуломнинг адабий-эстетик тафаккурида ижтимоийликдан чинакам санъат моҳиятини англаш сари кучли силжиш мавжуд эканлигини белгилайди.



Адабий меросга эътибор, классиклардан ўрганишни ёклаш каби масалаларда Ғафур Ғулом ворислик категориясининг моҳиятидан келиб чиқади. Бугунги замондошимиз учун академик Ғафур Ғуломнинг ўрнак бўлиши мумкин бўлган фазилатларидан бири иқтидорларни кашф этиши, уларга самимият, талабчанлик ва бағрикенглик билан муносабатда бўлишидир. Ғафур Ғулом 30 - йиллаорда ҳам ўзбек танқидчилигидаги мавжуд вазиятнинг ўнгланиши йўлида жонфидалик кўрсата олган. У адабиётнинг юксалишини етук адабий танқид билан боғлайди. *Ҳаётни теран идрок этиб, бадиий гўзалликка айлантириш* талабларини кун тартибига қўяди. Ғафур Ғуломнинг мақолалари адабиётшунослик тараққиётига таъсир этиши даражасидан келиб чиққан мунаққид уни *адабиёт тарихи ва адабий жараённинг катта билимдони* сифатида кадрлайди. Рисолада Ғафур Ғулом *бадиий-публицистик услубига* хос бўлган кўплаб хусусиятлар ҳам аниқланган. Бахтиёр Назаровнинг Ғафур Ғуломни Абдулла Қодирий каторида турган, Абдулла Қаҳҳор эътирофига сазовор бўлган етук адабиётшунос сифатида ардоқдашида ҳам заррача муболаға унсурлари йўқ. Бунга амин бўлмоқ учун Ғафур Ғулом кулгининг: *“чақалоқ кулгиси”, “латифа кулгиси”, “қитиқ кулгиси”, “қувонч кулгиси”, “юпанч кулгиси”, “беозор кулги”, “заҳарханда”, “беодоб кулги”, “сито кулги”, “аския кулги”, “ҳазил аралаш қувонч кулгиси”* каби турларини бир-биридан ғоятда нозик ажратганлиги фактини келтиришнинг ўзиёқ етарли бўлса керак.

*“Ғафур Ғуломнинг айрим тарихий фикр-мулоҳазаларини ўқиб, уларни шоир киши ёзаётганини унутасиз... шоирнинг қомусий билим эгаси бўлганига яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз”, -* деб ёзади Бахтиёр Назаров (157-бет) Ғафур Ғулом мозийнинг чуқур билимдони - қомусий олим эканлигини келтириб чиқариш учун мунаққид даставвал, унинг мақола, очерк ва суҳбатларида учровчи “қурок” маълумотларни имкон қадар жиҳслаштиради. Сўнгра, академик Ғафур Ғуломнинг илмий-назарий манбаларни қиёсий таҳлил этиб, улкан хулосалар чиқара олганлигини конкрет фактлар асосида далиллайди. Энг кичик деталь ва тафсилотлардан тортиб, бирламчи манбааларгача кузатганлиги, мамлакатимизнинг қадимги даврлари тарихини теран ўрганиб умумлаштира олганлигини келтириб чиқаради. Зеро, Ғафур Ғулом ҳамиша *жаҳоннинг энг илгор олимлари фикр-қарашларига нисбатан хайрихоҳ позицияда турган* эди. Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихини бузиб талқин этувчиларга қарши ҳақиқий тарихимизни имкон қадар тиклаш ишига фидойилик билан бел боғлаган Ғафур Ғулом аслида халқнинг миллий ғурурини уйғотиш мақсадини кўзлаганлиги шубҳасиз. Демак, Ғафур Ғуломнинг фавқулодда билимдонлиги ҳақида айрим замондошлари тамонидан билдирилган фикрлар ўзининг реал асосларига эгадир.

Рисолада Ғафур Ғулом ўйларини банд этган оилага бўлган сабрсиз соғинч, завол билмас меҳр, бу шахс феълени кўрсатувчи тўғри сўзлик, очик кўнгиллик, муҳаббат илинжининг порлоқ саҳифаларини муҳрлаган

сатрларни ҳам Бахтиёр Назаров унинг мактублари, шеърлари, айрим публицистик мақола ва табрикномаларидан, шунингдек шоир ҳақидаги хотиралардан излаб топиб, алоҳида ихлос, ҳавас ва ҳайрат билан ёритади. Китобда Ғафур Ғулом интим ҳаётини акс эттирувчи поэтик икромномалардаги образлар ижодкор маҳорати, самимияти нуктаи назаридан баҳоланади. Натижада, жаҳоннинг улуғ шоирлари, жумладан Ғафур Ғулом учун ҳам хос бўлган ажиб бир қонуният кашф этилади. *Адабиёт уммонида юзага келувчи юксак маҳобатли барча асарлар аслида муаллифлар шахсий-интим ҳаёти, табиати, феъл-атворида дахлдор ҳодисалар, ҳиссиёт- кечинмалар уругидан униб чиқар экан.* Бундай типдаги асарларда шоир қалбдаги бетимсол меҳр бўй кўрсатгани ҳолда, моддийлашган сатрларнинг аниқ адресга йўналтирилгани, қаҳрамонларининг тарихий конкретлиги, асарда қаламга олинган макон ва замоннинг ҳужжатли асосга эгаллиги, фабула ва сюжет чизигидаги ҳодисаларнинг воқеийлигига қарамасдан, Бахтиёр Назаров уларда акс этган Ғафур Ғулом юраги садоларининг миллионлар кўнглига вобаста эканлигини кўрсатиб бера олади.

*“Ғафур Ғулом, - деб ёзади олим, - шеър билан яшаган, шеър билан нафас олган”.* (171-бет) Демак, Ғафур Ғуломнинг катта миқёсларга чиқувчи гуманизми учкур қанотлари дастлабки кучни, қувватни шоир умрининг ажралмас ва муҳим қисми бўлган оилавий муҳитдан, моҳиятдан олади. Ғафур Ғуломни ана шундай кенг миқёсларда кузатиш унинг ижодкор ва шахс сифатидаги қиёфасини янада ёркинроқ намоён этиш имконини берган. Академик Бахтиёр Назаров Ғафур Ғуломнинг наинки ижодий мероси, балки меҳрибон феъл-атвори – қалб оламига кириб, инсоний қиёфасини атрофлича кашф этади.

Ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигида санъаткор оламига теран кириш борасида услуб жиҳатидан тамомила янгича йўсинда битилган мазкур рисоланинг кейинги нашрларида муаллиф эътиборга олиши мумкин бўлган айрим мулоҳазаларимизни ҳам баён қилиш ўринли бўлар эди. Китобда *“иршодпаноҳ”, “дафина”, “хотиф”, “мушакхандон”, “муосир”, “кишту қор”, “”вовайло”, “муҷодала”, “лузум”, “тарафайн”, “маҳзан”, “хоссатан”, “ҳазорсола”* сингари бир қатор форсий-арабий сўзлар ҳам қўлланилган. Эҳтимол, уларнинг ўзбекча эквивалентларини излаш лозим бўлар. Шунингдек, рисоланинг 82-, 86-, 102-, 152-, 161-, 172-, 177- бетларида айрим имловий ғализликлар кузатилса, 26-, 99-, 116-, 130-саҳифаларида фикрий такрорлар ҳам кўзга ташланиб қолади. Шубҳасиз, уларнинг бир қисми ноширларнинг жиндай эътиборсизлиги туфайли юзага келган. Аммо, бундай жузъий нуқсонлар тадқиқотнинг қимматини заррача қамайтира олмайди.

Умуман, рисолада Ғафур Ғулом шеърляти ва насри, адабиётшунос ва тарихчи сифатидаги илмий-назарий қарашларигина эмас, балки ижодий феномени чўнг ихлос, ҳавас ва ҳайрат билан, ижодкор микрооламига кечинмадошлик асосида эстетик ўзлаштирилади. Академик олимнинг

диккат марказида Ғафур Ғулом ижодий меросини умумбашарий мезонлар асосида илмий-назарий таҳлил ва тадқиқ этиш асносида, умуман XX аср ўзбек адабиёти поэтикасининг айрим ноаён қирраларини ҳам ёритиш туради. Тадқиқотнинг бутун асоси, етакчи йўналиши ва моҳиятини истиклол орзу-армонлари муҳрланган шоир дил изҳорларини матн тағмазмунидан ўқиш ва уқиш, Ғафурога яширин услуб асрорини очиш ташкил этади. Олимнинг тахайюлга тўйинган гипотетик мулоҳаза ва фикр-хулосалари китобхонни доимо мушоҳадага чорлаб туради. Шу маънода, бизнинг камтарона кузатишларимиз ҳам субъектив мушоҳадалар тарзида қабул қилинар деган умиддамыз.

Ғафур Ғулом даҳоси ва ижодий мероси XX асрнинг 30-йилларидан бизнинг кунларимизгача таълимий, маърифий, бадиий-публицистик, илмий-назарий ва методологик йўсинларда ўрганилиб, илмий-адабий жамоатчилик ҳамда кенг китобхонлар оммасининг диққатини жалб қилиб келмоқда. Зеро, академик Ғафур Ғулом юксак истеъдод соҳиби, оташнафас шоир, мохир носир, етук таржимон ва зукко адабиётшунос сифатида ўзбек адабиёти хазинасига улкан ҳисса қўшган, халқаро микёсларда танилган ижодкордир.

Шоир шахсияти ва ижодини ўрганиш бўйича амалга оширилган тадқиқотларни ижтимоий-эстетик тафаккур тадрижига боғлиқ тарзда шартли равишда уч даврга ажратиш мумкин.

*Шўро даврига* мансуб изланишларда якин ўтмиш мафқурасининг таъсири яққол кўзга ташланади. Бундай илмий кузатишлар Ғафур Ғуломнинг воқеликка ёндашуви, уни идрок этиш усули, ижодий методини тайин этиш каби жиҳатлари билан *миллий истиқлол даври* адабиётшунослиги ҳамда замондошимизнинг тамомила янгиланган эстетик диди талабларига тўла жавоб бера олмайди. Чунки шоирни воқеликка боғлаб ўрганишда шўроча эстетика мезонларига қатъий амал қилиш йўлидан бориш Ғафур Ғулом феноменининг барча қирраларини илмий ҳолислик ва ҳаққонийлик асосида яхлит кўрсатиш имконини бермас эди.

*90-йилларга* келиб, Ғафур Ғуломни ўз даври мафқурасидан имкон қадар узиб олиб қарашга, интилишлар кузатила бошланди. Ҳатто, баъзан унинг шахсиятини бир қадар ноҳолис баҳолаш, ижодига ҳам жиндай нохуш муносабатда бўлиш ҳаракатлари кузатилди. Бу ҳол бизнинг кунларимизда ҳам, айрим ҳолларда бир қадар бошқачароқ тусда намоён бўлмоқда. Шоир шахсияти ва эътиқодини буткул ислом ва тасаввуфга боғлаб талқин этиш оқибатида, унинг ижодий меросидан шарият ва улуми динга бағишланган жиҳатларни зўр бериб излашга уринишлар мавжудлиги фикримизни далиллайди. Назаримизда, ҳар учала ҳолат ҳам бадиий адабиёт моҳиятини сиёсий-мафқуравий нуктаи назардан кўриш туфайли келиб чиққан тенденциозликдан бўлак нарсас эмас.

Шунга қарамадан, Ғафур Ғулом ижодининг ички такомилени кўрсатиш, асарларининг поэтик тили ва халқчиллигини аниқлаш, эстетик қарашлари ва бадиий ижоди ўртасидаги муштаракликни кўрсатишга, шоирнинг маҳорат асрорини очишга, асарларининг жанр хусусиятларини белгилашга, индивидуал услубига хос баён тамойилларини характерлашга, ижод намуналарининг биографик-генетик илдизларини давр имкон бергани қадар очиш йўлидаги барча хайрли ишларни кадрлаш лозим. Мазкур тадқиқотларда истифода этилган бой фактик материаллардан унумли фойдаланиш *миллий истиқлол даври* адабий танқидчилиги ва адабиётшунослиги, хусусан, ҒафурҒуломшунослик ривожини учун хизмат қилиши, шубҳасиз.

Монографияда ғафурғуломшунослик тарихи бугунги кунимиз талаб ва эҳтиёжларидан келиб чикиб, имкон қадар таҳлил ва тадқиқ этилди. Ғафур Ғулом ижодининг айрим тадқиқотчиларида илмий-бадий тафаккур билан бадий истъод туташиб кетади. Жумладан, адабиётшунос Озод Шарафиддинов шоир ҳақидаги субъектив қарашларини унинг асарлари, ижодий феномени орқали мукамал концепцияга айлантиради. Академик Бахтиёр Назаров Ғафур Ғулом микрооламига кечинмадошликда бадий мушоҳадакорлик, тахайюл ва тасаввур парвозларига эрк бериш асосида тадқиқотларининг илмий асосини янада қувватлантиради. Профессор Наим Каримов эса шоир биографиясига доир айрим янги маълумотларни нақл қилиш орқали ижодкор рухияти ва асарларини тушунишга интилади.

Монографияда илгари сурилган фикр-қарашларимизни қуйидагича умумлаштириш мумкин:

1. Ғафур Ғулом шахсияти ва ижоди миллат руҳини ифодалаш жиҳатидан кадрлидир. Академик шоирни жаҳон адабиёти даражаларида ўрганиш, тафаккур қамровини космогоник кенгликларда олиб қараш унинг ўз даври адабий ҳаётидаги ўрни ва бугунги кунимиз учун аҳамиятини теранроқ англаш имконини беради.

2. Бадий матн поэтикасига таянишгина Ғафур Ғулом қалб кечинмалари, гоъвий нияти, дунёқараш, эстетик идеали, индивидуал услубини юзага чиқаришга етаклайди. Лирик қахрамон рухий тўлкинларидан ажратиб шоир шеъриятидаги халқона руҳ ва оҳангни англаш мумкин эмас. Ғафур Ғулом ижодий меросида поэтик фикрнинг аниқ ва лўндалиги, ифоданинг эстетик таъсирчанлиги шоирнинг халқ ҳаёти, турмуш тарзи, миллий руҳига яқинлиги, фольклорнинг кўплаб жанрлари ҳамда экспрессив воситаларидан фойдаланиш маҳорати билан изоҳланади.

3. Адабий таъсир ва новаторлик хусусида сўз кетганда ворислик, ўзаро алоқадорлик ҳамда ижодий индивидуаллик назарда тутилиши лозим.

4. Ғафур Ғуломнинг поэтик талқин жараёнида меъёрни сақлаш ҳақидаги эстетик қарашлари шоир амалий фаолиятида ҳам ўз тасдиғини топган. Унинг эстетикаси нафақат муаллиф концепциясини ёхуд давр адабий тафаккурини англаш, балки яқин ўтмишдан ибратли сабоқлар чиқаришга ҳам кўмаклашади.

5. Ғафур Ғулом кечинмаларини ўз даври ва замондошларининг орзу-армонлари, дард-изтиробларидан ажратиш мумкин эмас. Шоир ижодий феномени рамзий-мажозий ишораларга яширин, матн тагструктурасидаги маъноларни ойдинлаштириш орқали янада ёрқин намён бўлади.

6. Носирнинг тасвир палитраси ранг-баранг. Яъни у ифода воситалари мутаносиблигини таъминлай олган. Насрий асарларида образ тасвирига дифференциал ёндошган. Унинг айрим хикояларида тўлиқ детерминизм ва шафқатиз реализм намён бўлувчи лавҳаларни кузатиш мумкин.

7. Ёзувчи эстетик идеали инсонпарварликка йўғрилган. У яратган киссаларда, асосан, ижодий концепция ва тасвир мантиги мутаносиблиги таъминланган. Миллий туйғулар ёрқин ифода этилган.

8. Ғафур Ғулом шахсияти ва ижодий меросини устозлари, дўстларининг бадиий-эстетик олами билан чоғиштириб ўрганиш ўзаро муштарак жиҳатларни ҳам, қалб кечинмаларидаги инсоний хароратни ҳам англаш, ифода гўзаллигини инкишоф этиш имконини беради.

9. Миллий истиклол йилларида Ғафур Ғулом шахсияти ва ижодига бўлган муносабатнинг кескин ўзгариши адабиётшунослик ва танқидчилик унинг мероси илдишлари ҳамда моҳиятига тобора чуқурроқ кириб бориши учун бекиёс имконлар берди. Таҳлил ва талқинларнинг тамомила янгича йўналишда олиб борилаётганлиги сезиларли натижаларини намоён этмоқда. Шубҳасиз, ҳар бир авлод Ғафур Ғулом қолдирган ижодий меросга қайта-қайта мурожаат қилиб, ундан янги маъно ва ифода гўзаллигини англайди, ўз ҳақиқатини кашф этаверади.

ҒАҒУР ҒУЛОМ ВА АДАБИЙ ТАҶВИЛ

3.1. Ишончлиқ ва эстетик баҳолаш

3.1.1. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асослари

3.1.2. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг тарихий асослари

3.1.3. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асосий қисмлари

3.1.4. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асосий қисмлари

3.1.5. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асосий қисмлари

3.1.6. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асосий қисмлари

3.1.7. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асосий қисмлари

3.1.8. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асосий қисмлари

3.1.9. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асосий қисмлари

3.2. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асослари

3.2.1. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асослари

3.2.2. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асослари

3.2.3. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асослари

3.2.4. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асослари

3.2.5. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асослари

3.2.6. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асослари

3.2.7. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асослари

3.2.8. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асослари

3.2.9. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асослари

3.3. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асослари

3.3.1. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асослари

3.3.2. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асослари

3.3.3. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асослари

3.3.4. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асослари

3.3.5. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асослари

3.3.6. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асослари

3.3.7. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асослари

3.3.8. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асослари

3.3.9. Ишончлиқ ва эстетик баҳолашнинг асослари

<b>К И Р И Ш</b>	<b>3</b>
<b>Биринчи боб:</b>	
ПОЭТИК ҒОЯ ИФОДАСИДА МИЛЛИЙ РҶХ	
1.1. Халқона оҳанглар жилоси .....	12
1.2. Экспрессив восита ва ижодкор маҳорати .....	15
1.3. Ғафур Ғулум ва Шарқ адабиёти .....	18
1.4. Санъат тожининг гавҳари .....	22
1.5. Муқимий ва Ғафур Ғулум .....	24
<b>Иккинчи боб:</b>	
ПОЭТИК ТАЛҚИНДА МЕЪЁР	
2.1. Лексик такрор – стилистик фигура сифатида ...	30
2.2. Ғафур Ғулум шеъриятида мумтоз қофия .....	34
2.3. Шоирнинг тафаккур уфқлари .....	39
<b>Учинчи боб:</b>	
ҒАФУР ҒУЛОМ НАСРИ ПОЭТИК ЖОЗИБАСИ	
3.1. Ҳикоячиликда пейзажнинг бадиий-эстетик функцияси .....	44
3.2. Эпик баён ва лирик ифода услуби .....	49
3.3. Тасвир палитраси ранг-баранглиги .....	53
3.4. «Кичиқ» қаҳрамоннинг «катта» дунёси .....	56
3.5. Тўлиқ детерминизм ва реализм .....	58
3.6. Характерларнинг контраст тасвири .....	60
3.7. Инсонпарварликка йўғрилган эстетик идеал ....	62
3.8. Ижодий концепция ва тасвир мантиғи мутаносиблиги .....	64
3.9. Туйғуларнинг моҳир заргари .....	67
<b>Тўртинчи боб:</b>	
БАДИЙ ИЖОД ВА АДАБИЙ ТАЪСИР	
4.1. Ғафур Ғулум насри поэтикасига Абдулла Қодирий романлари таъсири .....	74
4.2. Кўнгил олами нақшланган сатрлар .....	79
4.3. Адабий таъсир ва ижодий индивидуаллик ....	84
4.4. Марсиялардаги дил розлари .....	88
<b>Бешинчи боб:</b>	
ДАВР АДАБИЙ ТАФАККУРИ ВА ҒАФУР ҒУЛОМ ЭСТЕТИКАСИ	
5.1. Ғафур Ғулум сабоқлари .....	94
5.2. Ғафур Ғулум адабий мактублари .....	97
5.3. Шоирнинг тахайюл дунёси .....	100
5.4. Бадиий-эстетик олам инкишофи .....	107
<b>Олтинчи боб:</b>	
ИЖОДИЙ ФЕНОМЕН	

6.1. Феноменал касбий хотира .....	114
6.2. Кенг эрудицияли олим .....	121
6.3. Психологик-биографик портрет имкониятлари ...	127
6.4. Ўзлаштириш эстетикаси: ижодкор микроламига	134
Кечинмадошлик .....	159
Хулоса	

Тошкент - «Fan va texnologiya» - 2006

Муҳаррир: М. Тоқибов  
 Тез муҳаррир А. Молдин  
 Муҳаррир М. Хайитов

Россиянинг «Fan va texnologiya» jurnali 2006 yil 5-sonida e'lon qilindi.  
 ISSN 1711-1711. 2006 yil 5-son. 114-159 betlar.  
 O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, 100003, 171-171-1711.  
 O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, 100003, 171-171-1711.

«Fan va texnologiya» jurnali 2006 yil 5-sonida e'lon qilindi.  
 ISSN 1711-1711. 2006 yil 5-son. 114-159 betlar.  
 O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, 100003, 171-171-1711.



**Матёкубова Тозагул Ражаповна**

**Фафур Фулом бадийати**

**Тошкент – «Fan va texnologiya» - 2006**

Муҳаррир: М. Тожибоева

Тех. муҳаррир: А. Мойдинов

Мусахҳиҳ: М. Ҳайитова

Босишга руҳсат этилди 26.05.2006. Бичими 60x84 1/16.

Нашр табоғи 10,0. Адади 499. Буюртма № 61.

«Fan va texnologiya» нашриёти, 700003, Тошкент ш.,  
Олмазор, 171. Шартнома № 24-06.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.  
Тошкент ш., Олмазор 171.



Тозагул Матёкубова – 1971 йилда Хоразм вилояти, Қўшқўпир тумани, Ўзбекёп қишлоғида туғилган. ЎзМУ (Олдинги ТошДУ)да ўқиган (1989-1994). УрДУ қошидаги аспирантурада таҳсил олган (1994-2003). Ўқитувчи, катта ўқитувчи лавозимларида ишлаган. Т. Р. Матёкубова филология фанлари номзоди (2001). “Образ ва талқин”(2002), “Пейзаж, поэтик идрок, маҳорат” (2002), “Истеъдод ва маҳорат” (2003) номли монография ва рисоалари чоп этилган. Вақтли матбуотда элликдан ортиқ мақолалари эълон қилинган. Ҳозирда ЎзМУ докторанти. “Ғафур Ғулом поэтикаси” мавзуйдаги докторлик диссертациясини яқунлаш арафасида.